

*Замонамиз қаҳрамони*

УзД  
с 96

**ИСАЖОН СУЛТОН**



**ҲАЗРАТИ ХИЗР**  
**ИЗИДАН**






Исажон Султон

# ҲАЗРАТИ ХИЗР ИЗИДАН

*Роман, қисса ва ҳикоялар*



Ғафур Ғуллом номидagi адабиёт-мағбаа ижодиот маркази

Тошкент 2018 йил



УЎК 821.512.133-32

КБК 84(5Ў)6

С 96

Султон, Исажон.

Ҳазрати Хизр изидан: И. Султон. – Тошкент: Гафур  
Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 384 б.

Таниқли адиб Исажон Султоннинг “Ҳазрати Хизр  
изидан” киссаси юртимизнинг турли-туман кишлоқларида  
яшайётган кишиларнинг афсонавий зот ҳақидаги тушунча-  
ларидан, Хизр кимлигини уз ҳолича англаб етган бир инсон  
тақдиридан ҳикоя қилади.

Шунингдек, мазкур тулламдан ёзувчининг кейинги  
йилларда яратган юртдошларимиз ҳаёти, уй-ҳаёллари ва  
кечинмалари ҳақидаги турли ҳикоялари ҳам урин олган.

УЎК 821.512.133-32

КБК 84(5Ў)6

© Исажон Султон

© Гафур Ғулом

номидаги нашриёт-  
матбаа ижодий уйи,

2018

ISBN 978-9943-5015-6-0

## ХИКОЯЛАР

### МЕН, ОНАМ ВА УРТА ЕР ДЕНГИЗИ

Онам билан Урта Ер денгизи сохилидамиз.

Поёни куринмас яшилтоб сувлар тинмай долгала-  
нади. Чағалайлар чийиллаб учишади. Узокларда оппок  
яхта купикли из колдириб сузиб бормокда.

Чап томонимизда сув каъридан бош кутарган кич-  
чик тоғлар кўзга ташланади. Устида сийрак арчалар  
усган, ораларида оқиш қоялар куриниб турибди. Бу ер-  
ларнинг ҳавоси тоза, чанг йук, балки намлик куплиги  
туфайлимикин? Қизғиш йулкалар йилтирайди, бахти-  
ёр сайёҳлар туда-туда кезишади. Биронтасининг юзида  
ташвиш курмайсиэ.

Бошига кизил қалпокча кийган йнгитча патнисда  
чой опкелади.

– Sorry, do you want a cup of tea or maybedrink some?

– Ҳа, яхшимисиз, болам, – дейди онам. Кейин савол  
назари билан менга қарайди:

– Чой-шарбатичасизми деб сураяпти.

– Қанака чой экан?

– Аччик, қора.

– Сура-чи, кук чойи йукмикин?

Куламан. Бу ердагилар унақасини ичишмайди

– Ростданми? – хайрон булади онам.

Утган-кетганлар она-болага кизиксиниб тикилиша-  
ди

Ўтирибмиз икковлон, тош устида.

– Роса чукур булса кераг-а? – дейди онам, сув шо-  
вуллашнга, ок чағалайларга махлиё булиб. – Қара-я, қа-  
нака экан денгиз деганлари?

– Ҳа, жуда чукур.

– Тавба, худойим шунча сувни яратибди-ю ичиб булмайдиган қилиб қуйганини қур!

Бу маконларга уни қуярда-қуймай олиб келганман. Шу гузалликларни, шу оромни жуда илинганман. Курса завкланади, қалби қувнайди деганман. Сахролару тоғ-тошлар оша уча-уча, ниҳоят, манзилимизга қўндик. Улкан аэропорт, одам қайнайди, ҳар турли кишилар оломони бир лаҳза бўлсин тинмайди. Тизилишиб кетган ялтир-юлтир дуконлар, охири қуринмас узиюлар зиналар...

– Your attention, please! Flyght Air France number five five two to Paris is boarding now. Passangers are requested to proceed to gate number two two one!

Бегона тиллардаги мана шу шовкин-сурон аро онам ҳар ёнга аланглайди.

– Роса сув ичким келди-я. Боядан бери излайман, бирор жойда қурмадим?

– Бу ерларда сиз билган шаркираб оқиб ётган сувлар йук-да, – дейман қулиб. – Сотиб олиш керак.

– Йўғ-э? – хайрон булади онам. – Сувни-я?

– Сиз ўтириб туринг, мен ҳозир...

Бориб сув опкеламан. Одамлар сувни туғридан-туғри идиш оғзидан ичишаверади. Онам эса ўйла-ниб туриб “Пиёласи йукмикин” деб атрофига аланглайди.

– Шундок ичаверинг, қаранг, ҳамма шунақа қи-ляпти.

– Э йук, қуйсанг-чи, уят булади.

Қайтиб бориб, қоғоз финжон олиб келиб, қуйиб уза-таман.

– Бу ернинг суви ичишга ярамайди, – деб тушунти-раман. – Шу сабабли тозаланганини ичишади.

– Вой, бечоралар...

---

<sup>1</sup> Дижат қилинган! 552-рейс билан учувчи “Эйр Франс” Париж учоғига чиқиб ўлон қилинади. Йўловчилар 221-учош йўлагидан самолётга чиқишлари мумкин.

Бир соатча вақт ўтган, уз учоғимизга чиқамизу кузлаган манзилимизга етиб келамиз.

Бу – денгизнинг шимолий соҳили. Субтропик иклимнинг нам ҳавоси бетга уради. Қайдандир шабада шур исини олиб келади. Биз отини билмайдиган анвойи дарахтлар барк урган, ҳар тараф озода, топ-тоза.

Сайёҳларни кутиб олиш хизмати аллақачон шай турган экан, тез орада сароймонанд мухташам масканга етиб келамиз. Олтинқори нақшлар кузни камаштиради. Тўхташимиз билан хизматчилар чопиб келиб, юкларимизни олишади.

– Вой, куйинг, болам, – дейди онаизор, бухчасини олган йиғитчага. – Енгилгина-ку, ўзим оборавераман. Сиз овора булманг.

Йиғитча хайрон бўлиб қарайди, кейин аравасини гилдиратиб бир дунё юк билан кутиб турган бошқа кишилар ёнига кетади.

– Одобли бола экан, таълим берган ота-онасига раҳмат, – дейди онам.

– Она, буларни вазифаси шу.

– Вазифаси шу булсаям-да, – дейди она. – Кулиб туришини қара. Хумрайса нима килардинг?

Икковлон “Оилавий” дейилган бир хонага жойлашамиз.

Бунақа хоналарга бир эшикдан кирилади, аммо ич-қарисиди ёнма-ён иккита хонаси булади. Ҳар тараф ораста, сочиклар оккуш шаклида ураб-тахлаб қуйилибди. Ётоқларни куздан кечираман.

– Ҳой бола, – дейди онам. – Қап-катта булсанг ҳам эсинг кирмапти-я? Еч оёғингдагини!

Қарасам, ўзи оёқяланг бўлиб олибди.

– Бу ерда булаверади, она, – дейман. – Ҳар кунни икки мартадан тозаланади.

– Бекор айтибсан, – дейди онам. – Тозалашар экан деб оёқ ости қилаверасанми? Уша фаррошлар ҳам одам, меҳнатни кадрламайсанми?

– Хўп-хўп, – дейман кулиб.

Сахарлаб онам мени уйғотади.

Эҳ-хе, канчалар соғинганман шу сасни, шу уйғотишни. Жилмайиб уйқудан куз очиш саодати қанақа булишини билсайдингиз! Онангиз койиб уйғотишининг фароғатини туйсайдингиз!

– Ҳой бола, тур! Мусича кукулаяпти, кун ёйилиб кетди.

Мусича? Бу ерда мусича бор эканми?

Ростдан ҳам қайдандир – баҳайбат япроқли пальмалар, туп-туп шамшодгуллар орасидан уша кадрдон сас эшитиляпти. Куз ўнгимга айвонимиз, тоб ташлаган устунлар, миҳга илиб қуйилган чупсават, хас-чуп ташиб кукулаган кушлар, барқ уриб гуллаган бодом келади.

Онам хушҳол, жилмайиб турибди.

Ўзимча ҳазиллашаман, онаизор эса қувнаб кулади. Бундай қувнашини кўп йиллардан бери энди кўрмоқдаман.

Мен университетга кирганимда шунақа қувнаган эди. Қизим туғилганида ҳам... Баъзан байрамларда, ҳайитларда кўйлак олиб берсам шунақа суюнарди.

Мана, узок эллардамизу аммо кузида уша, узим яхши курадиган севинч учқунлари.

Юради, аланглайди. Теваракка разм солади.

Арчалардаги олмахонлар шохдан-шоҳга чопишади. Онам уларни кўриб, боладай суюнади. Олмагонлар одамлардан хайикишмайди, биттаси олд панжаларида бужурини тутиб, кичкина қора кузларини бизга тикиб турибди.

– Вой, айланай, – дейди онам. – Мунчок кузчаларини қара! Ҳай, жонивор келакол, ўргилай сендан!

.. Овқат маҳали ресторанга қирамиз.

– Вой-буй, – дейди онам, у ердаги неъматларни кўриб.

Ҳақиқатан ҳам, дунё миқёсидаги кунгилоҷар маканларнинг миждозларга хизмат тизими беҳисоб егуликларни қалаштириб ташлаган. Туртта ресторанда одам гужгон. Кишилар қулларида товоқчалари билан айла-ниб, кунгиллари тусаган нарсани олишяпти. Таомларни саногига етолмайсиз. Бир томонда туп-туп ширинликлару мевалар, турли халқларнинг тансиқ таомлари, италянларнинг ҳар хил пицчасидан японларнинг “суши” сигаचा бор. Олавер, дейди замонавий маркетинг. Истаганингча завқлан, лаззатлан! Биз фақат сенинг ороминг учун хизмат қиламиз! Нарироқда анча-мунча киши козурилайётган тухумга навбатга туришибди. Булар – эрталаблари куймоқ еб урганган кишилар. Баъзилари бола-чақаси, онаси билан келган, қалта шим кийган чол-кампирларгача бор. Аммо онаси билан келган угил қуринмайди.

Онам озгина овқат олди. Бориб, гилос шарбати опкелиб бердим.

– Шу ҳолосми? – дедим кам еганини қуриб. – Мулкул-ку, туйиб еб олмайсизми?

– Қуйсанг-чи, – деди онам. – Қорним озгина нарсага тўяди. Исроф бўлмасин...

\* \* \*

Теваракни айланамиз. Пальмалар типпа-тик буй қузган, хитой атиргуллари бутатай бўлиб ушиб кетган. Ҳавода чучмал ис бор. Дарахтлар орасидаги ғалати чирилдоқлар қаттиқ овоз чиқариб чириллашади.

– Мунча бақирмаса? – деб сурайди онам. – Узимизнинг чирилдоқларми шулар?

– Йук, бошқача, – дейман. – Бор-йўғи икки кун яшайди. Жуда қаттиқ чириллаб, бақира-бақира ёрилиб кетади.

– Э тавба, узимизникилар эслирок экан-да, – деб қулиб юборади.

Оқшом қунган.

– Тавба, кечалариям бир бошқача-я, – дейди онам.  
– Худо кечаниям ҳар турли қилиб яратиб қуйганини кўрмайсанми?

– Нимаси бошқача экан?

– Билмадим. Чиройлию аммо бошқача-да... Одамлари-чи? Биров билан бировни иши йўғ-а...

Тунги кафелар атрофида оломон зич. Қайфу сафо масканларида ҳавога мушаклар отилади. Салдан кейин ёнгинамизда бир нима каттиқ гумбурлайди: мусикий кўнгилхушлик бошланади. “Оборайми?” деб сурайман онаизордан.

– Йук, – дейди онам. – Ундан кура юр, денгизга бо-рамиз...

Сарин кечада она-бола қул ушлашиб, сохил томон кетамиз.

Чарогон чироклар ёгдусида қорамтир тулқинлар йилтирайди. Кечки шамол турган, уни “бриз” дейдилар. Сохил тинч, ҳеч ким йук. Сал нарироқда, пальмалар остида севишган жуфт кузга ташланади.

Онам уйчан.

– Она, нималарни уйлаяпсиз?

Индамайди.

Ҳавога булут чиқади. Биз билгандай эмас, паға-паға, қорамтир-қулранг. Уни денгиз ичкарисидан шамол суриб келади. Шамол сувни ҳам, булутларни ҳам бирдай суради.

Денгиз долғалана бошлайди.

– Балиқлари ҳам булса керак?

– Ҳа, албатта.

– Булади-да, – дейди онам. – Ҳовлимизни этак томонидаги кичкина ариқча бор-ку, баҳорда қарсанг, ушани сувидаям минглаб майда балик милтиллаб сузиб юрарди. Шундай катта денгизда булмасинми?

Яна термиледи.

– Она, бир жойингиз оғримаяптими?

– Йук, болам.

– Нимага бошқача булиб колдингиз?

– Узим...

Икковлон жим қоламин.

“Онам... узгариб қолибди-ку?” деб уйлайман билдирмасдан разм солиб.

Қаддини тик тутиб, мағрур юришлари уша-уша, бирок... аввалги шиддати сезилмайди. Секинроқ, авайлаброк кадам босади. Мен олдин курмаган, пайкамаган куп хавотирлар бор бу киефада.

Шу маҳалгача онам ҳали тетик, узини олдирмаган деб уйлар эканман. Бир оз юрса тинкаси қуриётгани, оғзи қуруқшаб “Сув йукмикин” дейишлари, салдан кейин утиргани жой излаб аланглашлари... Кулини кузларига соябон қилиб узок узокларга қийналиб термилишлари... кексалик деган бир куз фасли онамнинг умр боғига етиб келганини курсата бошлабди.

Ҳа, онам узгарибди. Менга боладай итоат қилиши-чи? Бошқа йулакка қараб кетаверса “У ёкка борманг” десам, “Хўп” деб ортига қайтишлари, қайга борсам эргашишлари, худди боламдай итоаткор бўлса-да, бу ҳам етмагандай, чиройли манзаралару хуштаъм егуликларни илинишлари... бир завқимни келтирса, бир хавотиримни оширади. Ҳар дийдор ониде ёнида булиб, шуларни сезмаганимни қаранг.

Мусича овози яна хаёлимни бўлади.

“Тавба”, дейди онам.

– Узимизда Зухра ая деган бир хотин бор, – дейди кейин. – Тошкентга келаётганида томоғига нон увоғи тикилиб қолибди. Сув ичсаям кетмасмиш, йуталсаям чикмасмиш. Тошкентга етиб келиб, энди духтирга оборамиз деб туришса, угли елкасига бир урган экан, отилиб чиқиб кетибди дегин. Бир мусича нон увоғини шундоқ чуқибдию пир этиб учиб кетибди. Худойим уша қушчани ризқини шунча жойдан томоғимнинг ичида олиб келди-я, битта мусичани ризқи деб жоним қанча қийналганини айтмайсизми, дейди. Биз ҳам эл-юрт-



дан узилиб шунча олисга келганимизнинг бир хикмати бордир, йўлимизни бежиз шу ёққа бурмагандир?

\* \* \*

Онам хардамхаёл, кошларини чимириб-чимириб, бир нималарни уйлаяпти.

Тик қадли шамшодларга, улкан чинни атиргулларга термилади, ям-яшил баркут япроқларини силаб курадию хаёли узида эмас.

Тагин денгиз бўйига чиқамиз, уша ердаги тахта уриндиклардан бирига ўтирамыз.

– Яна нималарни уйлаяпсиз, она?

Тириш юзларига, узим яхши курадиган ғадир-будир кулларига туйиб-туйиб карайман. Онам узокларга тикилади, уйларини биллиб булмайди.

Бир маҳал кузидан ёши дув этиб оқиб кетади.

– Она? Нима бўлди?

– Билмасам, – дейди узини тухтатолмай. – Упкам тулиб кетди, болам.

Теваракка термилади, рўмолининг учи билан миңжаларини артадию ҳеч узини босолмайди.

– Нима бўлди, жон она?

– Энанг... – дейди ёш боладай ҳиқиллаб. – Келишимизда дунёда шунақа чиройли жойлар бор, сизга илиндим девдинг-ку? Мен ҳам энангга илиниб кетяпман.

Елкалари силкиниб-силкиниб, упкаси тулиб-тулиб йиғлайди. Не қиларимни билмайман.

Бир гапирди, бир уксинади.

– Болам-чакам деб сира тинмасди бояқиш Исиклардаю совуқларда жонини жабборга бериб уринарди. Далаларда ишларди, етмаганига сигирга емиш булсин деб тутқатор ораларида ут уриб, ушанча жойдан бошига куйиб кутариб ҳам келарди. Шом қуниб-қунмай овқатга уриниб кетарди, эрталаблари аллақачон сут соғиб, ховлини супуриб, учокда чой қайнатиб улгурган буларди. Бу жойларга караганим сайин эсимга энанг келяпти...

Денгиз шовуллайди, тулқинларни купикланиб оёқларини остига бош уради-да, ортига қайтади.

– Меҳнатлар, заҳматлар, канчадан канча кийин-машаққатли кунлар, уйласам, ичим тулиб кетяпти. Отанг, сингилларинг, кўни-кушнларим... бари кўз олдимга келиб туришибди. Болажон, бу жойлар ниҳоятда ажойиб экан... Умрим бини булиб курганим дастурхонда бир бурда нон-чої, нонпалов, ёвгон бўлди. Етти пуштим етти ухлаб тушига кирмаган жойларга опкеб қўйдинг-у... Мана, эртага тонг ҳам отади. Шу чиройли сувлар адоғидан қуёш чикиб келади...

Уксинишларини куриб, меҳр билан бағримга босаман, уммонларнинг эркин шамоли юлкилаётган рўмонлини тузатаман. Муштдайгина, ёш боладай булиб бир нималарни гапирётган онаизоримни юпатолмай халакман.

– Жон болам, кетайлик узимизни юртларга, – дейди она. – Сен сира хафа бўлма, аммо мен бунақа жойларда юролмас эканман.



Саҳарлаб яна соҳилга чиқамиз.

– Вой, тулқинланишини! – деди онам, соҳилга шовуллаб урилаётган катта-катта долғаларга бокиб. Кейин худди одамдай хол-ахвол сурайдн. – Ҳай, яхши ётиб турдингми сен ҳам?

Онаизорнинг кайфияти яхши

– Денгиздан ҳам хол-ахвол сурайдими?

– Сурамайдими? Шу бечораям худойимни махлуғи...

Тулқинлар келиб, яна оёғига бош уришади.

Онам денгизга қарата шундай дейди:

– Бўпти, биз кетяпмиз. Яхши кол.

Қирмизи йулаклардан бораётсак, онаизор бирданга тухтайди. Дарахт шоҳида бир нимани куриб, жилмаяди. Қарасам – олмахон! Қулида хануз бужури, мунчок кўзларини тикиб турибди.

– Сен ҳам боргин биз томонларга, хўпми? – дейди онам, олмахонга.

Юкларимизни тартибга келтираман. Онаизорнинг кайфияти яхши, хужжатларни туғрилагунимча бўҳчасини тиззасига қўйиб, шохлар саройидан қолишмайдиган ором уриндикларининг бир четида утирибди.

Бепоен денгиз соҳиллари шу тарика ортда қолиб кетади.

Эҳ она, дейман. Қадимий шаҳарларни, сув устидаги манзилгоҳларни, ғор-кишлоқларни, шох саройларинию кўхна ибодатхоналарнинг улугворлигини, бепоен уммонлардаги улкан юнусбаликларни, кечалари узидан нур таратиб сузадиган денгиз ажойиботларини кўрсатаман деган эдим. Ҳақиқатан ҳам узок йиллар сира тиним билмадингиз, томорқалардаю далаларда жонингизни жабборга бериб меҳнат қилдингиз. Иссиқ қайта бошлаган ёз оқшомларида онла жамулжам, кўнглингиз қоникниш ила тўлиб-тўлиб овқатлар пиширддингиз, шунча болани вояга етказаман деб уриниб-тиришдингиз. Ажойиб елканли кемаларни, қуй чаладиган қоятошларни курсатаман деган эдим-ку? Ҳа, дунё шунақа кенг, шунақа ажойиб, шуларга махлиё бўлиб, қалбингиз бир дам яйрайди, деган эдим...

Булмади-ку?

\* \* \*

...Аэропортга келамиз. Сафар қариди.

Нотаниш тиллардаги турли туман эълоллар орасидан бирданига иссиқ, қайноқ бир суз янграйди:

– Your attention, please! Flyght Uzbekistan Airlines number two seven two to Tashkent is boarding now. Passangers are requested to proceed to gate number two two five<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Диккат қилингиз! “Ўзбекистон Ҳаво йўллари”нинг 272-рейс билан Тошкентга учадиган учоғига чиқиб эълол қилинади. Йўловчилар 225-чиқиб йўлагидан самолётга чиқишлари мумкин.

– Вой, Ўзбекистон дедими? – атрофига аланглаб сўради онам.

– Ҳа она. Тошкентга учадиганлар фалон жойга борсин, деяпти.

– Отингдан айланиб кетай, кулоғимга бирам иссиқ эшитилди-я, – дейди онам. – Юракол, болам.

Онам менга хушхол караб турар, нигоҳида севинч балқирди. Ўша, мен университетга ўқишга кирганимдаги, кизалогим туғилганидаги, янги кўйлак олиб берганимдаги севинч...

– Умрим бино бўлиб денгизни кўрмаган эдим, – дейди онам, уйчан. – Қара-я, ниҳоятда бепоён, шовуллайдиган бўлар экан. Халқини шу боқар экан-да...

– Тавба, кимдир шунақа жойларга келиб маҳлиё бўлиб, маза килиб дам олиб кетса, мени уйлаганларимни кара, – деб хушхол кулади. – Энди, шунақаман-да, болам. Эл-юртсиз денгизиям, тоғиям татирмиди?

– Мана, шунча кун юрдигу еганим ичимга тушмади. Худо яратиб кўйган шу мўъжизаларни бир ўзим кўраётганимдан иймандим. Сингилларинг, амма-холаларинг, тоғаю амакиларинг, тумонат халқ турибди у ёқда. Қўшни тўй бошлаб кўювди, тоғанг қиз чиқармокчийди...

Кейин чиганок парчасини кўрсатди.

– Шунини олволдим, – деди. – Сувда чиройли кўринадидединг-ку? Обориб кўрсатай, кулогига тутиб шовуллашиниям эшитишсин. Худо хоҳласа, кейинги гал ҳаммамиз келамиз, ўшанда маза килиб яйраймиз.

Нимаям дердим? Ўх-хў, шунча одамни олиб келиш осонми? Лекин онамнинг сўзлари қалбимга қувват бахш этди. Ҳа, албатта келамиз. Ахир, бир ўзим учун эмас, яқинларим, жигарларим учун тер тўқаман-ку? Шуларнинг қувнаши, яйрашини истайман-ку? Бир менгина эмас, юртда ҳеч ким ёлғиз ўзи учун уринмайди. Кўпчилик учун, рўзгорим, болам-чакам, отам-онам, қавму қариндошим деб захмат чекади-ку?

– Албатта келамиз, – дедим онанзорга. – Дунё гузалликларини кўриш учун, ажойиботларни хайрат ила томоша қилнш учун, яқинларимиз, жигарларимиз, меҳрибонларимиз, бола-чакамиз билан келамиз.

– Ҳаммамиз биргалашиб-а? – суради онанзор.

– Ҳаммамиз биргалашиб, узимизнинг одамлар билан!

Текширувлардан утарканмиз, хизматчи кизлардан бири онамга қарай-қарай, ниҳоят ёнимизга келиб суради:

– Sorry, where do you fly? Er-Riyadh? Paris? Jeddah?

– Кечирасиз, қаёкка кетяпсизлар, Ар-Риёдгами, Парижгами, Жиддагами деб сураяпти, – деб тушунтирдим онамга.

– Уйга! – деб жавоб қилди онам менга бир қараб, ёйилиб жилмайиб. – Уйимизга-да, кизим...

2015

## БАЙРОҚ

*Ватан йўлида жон фидо қилган сержанти  
Қаҳрамон Мадалимов хотирасига*

Байрамларда, куча-куйда байроқлар хилпираганини кўргансан-а? Одамлар шод-хуррам кунларида уларни иложи борича баландроққа кутаришади. Шамолларда тўлкинланса, қараб хурсанд бўлишади.

Сен шу маҳалгача юксакларда долғаланган катта байроқларни кўрдинг. Байрам кунлари кичикроқларни кўлингда тутиб, ўзинг катори болалар билан жўровоз кўшиклар айтган бўлсанг ҳам бордир. Яна, жаҳоннинг турли мамлакатларида ўзимизнинг ўғил-кизларимиз галаба қозонишганида зафар рамзи бўлиб хилпираганини, юрт болалари кўзларида ёш билан уни юзларига босишганига ҳам гувоҳсан. Бутун дунё байроқлари орасида ўз байроғимиз юксакка кутарилганида менинг ҳам кўзимдан ёш чиқиб кетди. Байроқ шунақа нарса-да: бир қарасанг, оддий мато дейсан, бироқ, юрт тинчлигига айланганидан кейин ўзида оламжаҳон маъноларни мужассам қилиб олади.

Ҳа, неча бор юксакларга кутарилганига албатта шохид бўлгансан. Мен эса ўша байроқ қай маҳал куйи тушириб қуйилиши ҳақида айтиб бермоқчиман.

\* \* \*

2000-йилнинг ёзи эди.

Ўн икки кишилик гуруҳ тоғ томон борарди.

Ортда бошқа гуруҳлар навбатдаги буйруқни кўтиб турар, қарши тарафда эса қуролланган ёвуз кимсалар бор эди. Ким билсин, нима ниятда, аммо шу кеча кимлардир давлат чегарасини бузиб ўтибди.

Армия учун уч-гуртга жангари нима бупти? Қудратли ҳарбий уюқлар, тикучарлар, зирхли техника, туплар қаршида уларнинг чигирткачалик холи йук. Аммо шу бир неча бузғунчининг қилмиши мамлакат ҳарбий қисмларини жанговар ҳолатга келтирди. Тун. Сахар бузармоқда. Хавф қақирғи янграши биланок аскарлар жанговар вазифага қиришмоқда. Ҳарбий усқуналар, уюқлар устидаги ёпқичлар очилмоқда, техникалар гуриллаб ишга тушмоқда. Жуда оғир машиналар тупрок сочиб жойидан қўзғалмоқда. Қирувчилар парвозга шай, ортидан шиддатли қизил аланга отилиб чикмоқда. Чегаранинг ҳарбий қисмларида хавф бургулари чалингани маҳал шундай вазият содир бўлади.

Қанақадир гуруҳ эмас, бир киши чегарани бузса ҳам шундай. Негаки, ортда муқаддас Ватан турибди!

Хуллас, қуролланган қимсалар давлат чегарасини бузиб, мамлакат ҳудудига қириб келибди.

Қайдан? Не мақсадда? Нима қилмоқчи?

Дунёда давлатлар жуда тигиз ҳамда ҳар бирининг ўз қонунлари бор. Масалан, қўпчилик ўлкаларда қурол олиб юриш тақиқланган. Одам боласи заиф мавжудот-да, бир нимадан аччиғи чикса, дарров қуролга ёпишиши мумкин. Тақиқлаш орқали давлат айтадики: “Мана, мен борман. Даъвоғиз бўлса мен кўриб чикаман, қонунларимда белгиланган жазони бераман. Тартибни мен сақлайман, ўзингизча бир нима қилишингизга ҳеч ҳожат йўк”. Яна айтадики: “Қонунларим ҳам чегараларимдир. Уларни бузсангиз, жавобгарликка тортиласиз. Ҳа, ҳаётнинг ҳам ўз чегараси бор, тинч-фаровон яшаб юраверинг, уни мен қафолатлайман!”

Бузғунчиларнинг қим экани аниқланмоқда. Тезқор хизматларнинг бари сафарбар этилган. Бу қимсалар ўз юртида бир рўзгорнинг бошида, бола-чақасининг орзу-ҳавасини кўриб юриши мумкин эди. Тинчлик-омонлик вақтида шундай бўларди, албатта. Лекин улар танлаган йўл истикбол уфқларининг барини йўққа

чиқарган. Ҳаммаси юмуши-ю иши қон туқиш бўлган бир хилдаги тирик қуролларга айланишган.

Хуллас, сахар вақти. Кечагина бу ерда болалар мол боқиб, қўйларини утлатиб юришган эди. Ҳозир қишлоқ атрофини ҳарбийлар ураб олишди. Халқ огоҳлантирилди. Тинчликми? Йўқ, қимлардир чегарани бузибди. Хушёр бўлинг!

Халқ эса ўз қўшини билан ҳамжихат, жипс:

– Йигитлар, биздан нима ёрдам керак?

– Раҳмат. Ўзимиз эплаймиз!

Хийла олисдаги ҳарбий аэродромдан жанговар вертолётлар ҳавога кўтарилмоқда.

“Йўлбарс” деб аталган, тоғу тошларда махсус жанговар тайёргарликларда ўта чиниккан ҳарбийлардан танлаб олинган бўлинма кичик гуруҳларга бўлиниб, бузғунчилар яшириниб олгани тахмин қилинган жой томон аста-секин илгарилашмоқда.

Буни жанг деб ҳам бўлмайди. Бир неча соат ичида амалиёт ниҳоясига етади, албатта. Кейин теваарак яна одатдагидай тинчлик қўйнига чўмади. Лозим топилса, давлат чегарасини бузишга уринган майда бузғунчи тўда қўлга олинди ёки йўқ қилинди, деб хабар берилди, холос.

Шошманг, аскар юборишнинг нима кераги бор? Ҳарбий учоқлар ҳавога кутарилса-чи? Бўлади, аммо шу уч-тўртта фитначи учун-а? Ракеталар улар турган жойни шудгорлаб, қулини кўкларга совуриб юборишиям мумкин. Лекин, гап уларни йўқ қилишда эмас-да. Тириклай қўлга олиниси, уларга қим шу ғайриинсоний вазифани берганини билиб олиш керак. Заифрок ўлкалар шунақа хуружлар маҳали шошиб қолишади. Мақсад кейинроқ ўртага чиқади, худудингиз тинч бўлиши учун баъзи шартларимизга рози бўлинг деб қиши билмас талаблар ҳам қўйилади. Ҳа, гап аслида бир нечта бузғунчида ҳам эмас...



Илгор гуруҳдан бир нечта кузатувчи олдинга утиб илгарилай бошладди. Колганлар икки айри булукка бўлиниб, бири унг, бири чапни назоратга олиб харакатланишарди.

Тусатдан кайдандир уқ отилди. Товуши сал кейин келди. Илгорлар анча олдинда эдилар. Яна ва яна уқ отилгач, ортдаги гуруҳ тухтади. Кузатувчилар олдинда, колганлар ортда, тек қотишди.

– Никоблан! Химоялан! – деган буйруқ келди кулокка жойлаштирилган митти сузлашув мосламаларидан.

– Хуп булади!

Снайпер милтиғи уч чакиримдан нишонга ура олади. Шунча олисдан уқ кайдан чиққани куринмайди, бунинг устига улар яхшилаб никобланишди. Шиша йилтирамаслиги учун махсус коплама урнатилди, милтиғнинг узунлиги эса милтиқ оғзидан ут чиқармайди.

Аслида, “Снайп” дегани кесиш маъносини билдиради. Кузга куринмасдан кесувчи дегани у. Снайпер милтиғининг узокдан нишонга оладиган ускунаси булади.

Уқ олдиндаги кузатувчилардан бирига келиб тегди.

Бу маҳалда бошка бир гуруҳ чегарабузарлар турган жойнинг ён томонидан айланиб утиб бўлган, уларнинг ортга қайтиш йули аллақачон кесиб қуйилган эди. Энди гап жангариларни талафотсиз қулга олишда қолган эди, холос.

Бироқ, аскаримизга уқ тегди. Ана, оғриққа чидолмай типирчиламоқда.

Айни маҳалда йулганламас машиналар ҳам етиб келишди. Ҳарбий вертолётлар гулдуриси эшитила бошладди.

Ортда қолган булинмалар орасида бир сержант шу маҳал қутилмаган иш қилди.

Ёшгина фельдшер йигит яраланган аскар томон змаклай кетди. Елкасида ёрдам қопчиги, узи урта жуссали, катъият билан олдинга интиларди. Буни ҳар икки

томон ҳам куриб турарди. Пастак буталардан мохирона фойдаланиб, дунгларни пана қилиб илдам эмаклаб борарди у. Нариди ялангрок жой ҳам бор, уша жойда укка нишон булиши турган гап.

Йук, на куркувни, на ҳадиксирашни билар, шнжоат билан ҳаракатланарди. Ниҳоят, ярадор ёнига етиб борди.

Ётган ҳолида аскарнинг елкасини очди. Қопчигидан нарсаларини олиб, жароҳатини боғлай бошлади. Ҳар ҳолда, оғрик қолдирувчи муолажа ҳам қилди.

Салдан кейин узилган яна бир ук фельдшернинг кулига келиб тегди. Бу билагиннинг ғалати тарзда хавода силтаниб, узи нарига сурилиб кетганидан билинди.

Ук тегди-ю, аммо узини йукотмади. Бир тирсаги билан сурилиб, уша ердаги дунг ортига паналанди. Ёнбош ётган ҳолида қопчигидан боғламани олди, тиши билан урамни йиртиб, жароҳатланган кулини боғлади. Кейин яна нималардир қилди: ярадорга ёрдам берадиган, қон тўхтатувчи ёки оғрик қолдирувчи дори-дармонларни тайёрлади, шекилли. Сал утиб-утмай эса, ук теккан кулини авайлаб ёнбош эмаклаганича дўстининг ёнига қайтиб келди. Яна душман кузига очиқ нишон булиб қолди.

Сўзлашув усқуналари жим, йигит ўз муқаддас бурчинни адо этаётгани учун биров бир нима демас эди.

– Менга қарама... Ахир ҳалок буласан... Ёш жонингга жавр қилма... Курмаяпсанми, сени ҳам отади... Ахир, кизинг бор-ку? – деб шивирлар эди ярадор, жон аччиғида.

Йук, фельдшер йигит улимни сира писанд қилмасди. Энди у ётган ҳолича дўстининг бир кулини буйнидан утказиб, гавдасини ўз елкасига олиб панага сургаб утишга урина бошлади.

Шу маҳалда снайпер яна ук узди. Бу сафаргис фельдшернинг курағига тегди. Шавкатли йигит ўз ишнини деярли битириб булган эди, дўстининг елкасига

бошини куйиб шилк этиб йиқилди. Узоқдан каралганида улар худди бир бирини кучоклаб олишгандай кўринарди.

Бу орада инфракизил ускуналар снайпер яшириниб олган жойни аниқлаб улгуришди. Ҳозир у арчалар оралаб, жойини ўзгартиришга уринарди. Узун милли милтигини тескари тутиб, буталар оралаб букчайиб кочиб борар, шу туришида каттакон маймунга ўхшарди.

Ҳарбий вертолётларга мана шу маҳал буйруқ берилди.

Тумшугини пастга энгаштириб учаётган кудратли жанговар вертолётлар бузғунчилар ўрнашиб олган ёнбағир томон шиддат билан учиб кетишди.

– Курс етти, зарба чизиги чапдан ўн беш!

– Ҳўп бўлади.

– Баландлик юз эллик, тезлик уч юз.

– “Ҳаво-Ер” русумли ракеталардан кетма-кет зарба берилсин!

– Зарба берилди!

– Зарба чизигидан ўнгга қирк беш даража. Курс ўн етти.

– Жонга жон! Қонга қон!

Хоинона узилган ажал ўқидан яраланган дўстига ҳаёт бағишлашга уринаётган йигитнинг ўлдирилиши оқибатида ҳаммада қасос руҳи кўзғалиб кетган, энди унга бас кела оладиган куч дунёда йўқ эди.

Зирҳли ҳаво кемаларида “Ҳаво-Ер” русумли ракеталари бўлади. Ҳар қанотига иккитадан шунақа ракета осилган вертолётлар бирин-кетин зарба берганида ёнбағирдаги тоғ арчалари синиб, ёниб кетди.

Ҳарбий тикучарлар ўз вазифасини бажариб ортга қайтгани ҳамона у томонга зирҳли машиналар гуриллаб йўналди. Иккитаси ўша, жангарилар яшириниб олган томон кетди, бири эса ярадор ва унинг халоскори ётган жойга бориб тўхтади. Қуролдошлар сакраб тушишиб, ҳар иккаласини ҳам зирҳ ичига олишди.

Биринчи йнгиит хушсиз, аммо сезилар-сезилмас на-  
фас олар, иккинчисида – фельдшерда эса хаёт асари се-  
зилмасди.

\* \* \*

Шуларнинг бари бир неча соат ичида руй берди.  
Кейин орадан яна бир оз вақт утди, чегарани бузишга  
биров журъат килолмади. Теваракдаги қишлоқлар яна  
сокин-осойишта хаёт бағрига бурканди.

Қишлоқ кишилари узаро гаплашишарди:

– Нима бупти узи?

– Қимлардир чегарани бузиб утибди

– Қулга олинбдими ишкилиб?

– Булмасам-чи? Хотиржам ишингизни килиб юра-  
веринг.

Кечга якин бир неча куролланган киши шу улкан  
мамлакат чегарасини бузиб утишга урингани, ўтказил-  
ган амалиёт натижасида улар йук қилингани хақида  
киска хабар тарқалди.

Ёз адоғи эди-да. Теваракда мева-чева ғарк пишган,  
ўлка ичкарасида, қишлоғу шаҳарларда куй-қушиқлар  
янграмокда, эл-юрт озодлик байрамига тайёрланмокда  
эди.

Кунлар, хафталар яна бир маромда ута бошлади.  
Чегара бузилгани хақидаги гап кўпчиликнинг ёдидан  
кутарилди. Фақат харбий ҳисоботлардаю шунга алоқа-  
дор хизматларнинг ҳужжатларида сакланиб қолди, хо-  
лос.

\* \* \*

Уша ажойиб ёз кунларида мамлакат ичкарасидаги  
қишлоқлардан бирига бир нечта харбий машина кириб  
келди. Улардаги аскарларнинг бари кўркам, баланд  
буйли, утдай чакнок, кулимсирашлари, кушқуллаб  
сурашишлари одамини қувонтирарди, кузларида хаётга

иштиёк, одамийлик балкиб турарди. Хуллас, бари узимизнинг корақош-коракуз йиғитлар эдилар.

Оқ яхтак кийиб олган қотма, озгин, юз-кузи қуёшда қорайган киши уларни қарши олди.

– Келинлар, болаларим!

Аскарлар машиналардан мева-чева, ширинлик ва гуллар олиб келиб, бирпасда ҳаммаёкни безаб қуйишди. Бирн уроғлик бир нимани олиб, дустига тутказди. Марҳум ҳақкига фотиҳа қилинганч, у деди.

– Ота, мен уғлингиз билан бирга хизмат қилган эдим. У менинг ҳаётимни саклаб қолди.

Сунг уша мудхиш воқеа қандай руй берганини айтиб берди.

– Оғрик қуз олдимни қоронғилаштириб қуйган эди. Ёнимга кимдир эмақлаб келганини, елкамдаги утдай қуйдираётган жароҳатни боғлаганини сезиб турардим. Бир амаллаб қузларимни очиб қарасам, уғлингиз экан. Қарашларн шундок эсимда, меҳру шафқат тула, худди сизнинг қузларингизга ўхшайди. Худди ёнимга укам келгандай туюлди.

– Жон ука, менга карама, – дедим. – Ёш жонингга жавр қилма!.. Курмаяпсанми, ҳозир яна отади... Ахир, қизалогинг бор...

Уғлингиз эса:

– Бир оз чида, ака, – деди. – Энди бошқа отолмайди Чунки кули аллақачон қукка совурилиб булди...

Марҳумнинг отаси няғи титраб, қуллари қалтираётганини сездирмаслик учун беихтиёр мошғуруч соқолини силаб:

– Ҳа, Худонинг продаси экан, углим, – деди. – Болам ҳалол, яхши йиғит эди. Ватанига, элига яради. Байроқ остида хизматга кетган эди, уца байроққа уралиб қайтиб келди...

Ғам қаддини эзиб қуйган онаизор румолининг учи билан қуз ёшларни артиб:

– Болаларим, нонга қаранглар, – деди.

Ҳамма жим турарди Шунда йигит:

– Уғлингиз Ватан учун жон фидо килди, – деди томок кириб. – Булар унинг хизматдош дустлари. Сира уксинманг, шуларнинг бари сизга уғил буламан, деб келишди. Бир уғлингиз бор эди, энди юзта булди.

– Раҳмат, кам булманглар, – деди ота. – Халқимиз омон булсин. Уғлим шу халқни деб жон берди. Шу эл булмаса, унинг хизматини ким кадрларди? Ким ҳам азиз қиларди?

Харбий шу маҳал қўлданги уроғлик нарсани ёйиб юборди. У яшил, кук ва ок ранглари узида мужассам этган юрт байроғи экан. Шаҳдам келиб, байроқни отанинг озғин елкасига ёлди. Шунда не-не қўнларни қурган, умрини меҳнат билан утказган шу кишининг қўнгли бузилиб кетди. Ўзини тутолмай қолди. Боядан бери буғзига тикилиб турган йиғиси ташига дарёдай тошиб чиқди. Аслида, бу элнинг катталари сабру матонатли, изтиробу дардини ҳар кимга курсатавермайдиган бўлишди. Бироқ, ҳозир иложи йўқ эди. Йигитни маҳкам кучоқлаб, баланд елкасига тириш юзини босиб хунграб юборди. Уялмай-нетмай йиғлар, қўз ёшлари аскарнинг қўйлагига, байроққа томарди.

Шу ҳолида ютиниб-ютиниб, шивирлар ҳам эди:

- Уғлимни Худо раҳмат қилсин!
- Ватан омон булсин!
- Эл омон булсин!



Ҳа, болам. Баъзан байроқлар қўйи тушади ҳам. Тушади-ю эл-юрт уғлонларининг елкаларига ёпинчик бўлиб ёпилади. Ғалаба хайкирикларни янграган маҳаллардагина эмас, шу муқаддас тупроқлар тинчлигини сақлаб қолиш учун жон фидо қилган аскарлар вужудига, ота-оналарнинг шафқатли гавдаларига мамлакат харбий қудратининг шон-шараф ва ҳамдардлик тимсоли бўлиб уралади.

Байроқлар мусибатда қуйи тушади, уғлим!

Шу сабаб ҳам эл-юрт бошига сира ёмон кун келмасин дея, “Байроғинг кукларга юксалсин, эй Ватан” деб ният қилинади.

Ишқилиб, донмо шундай булсин! “Элим учун, юртим учун” дея қасамёд қилаётган эр йигитлар нигоҳи хилпираётган озод байроғимизга ҳамиша фахру ифтихор билан тикилсин! У байроқ туй-тантаналарда, байрамларда, халқ гурӯс-гурӯс тупланадиган хурсандчилик кунларида, ёш-ялангнинг кулларида тиним билмай хилпирасин!

Ҳеч қачон қуйи тушмасин!

Ҳамиша юксакларда долғаланаверсин!

Ватан омон булсин!

Эл омон булсин!

2016

## БИБИ САЛИМА

Биби Салима бир кукаламзор кишлоқда яшайди.

Кишлоқ катта эмас, аммо ҳар ҳовлисидаги манзара ухшаш.

Кучалари тупроқ, уйлар олдидан ариқда сув утган. Ариқ буйида қад кутарган зич октерак япроқлари шитирлаб туради. Баъзиларининг олдида яшил туфондай булиб супургилар буй чузибди. Аслида у – бурганнинг бир тури, халқ дасталаб бойлаб, супурги қилиб ишлатади.

Биби Салиманинг уйига кириб борсангиз, чапда айвонли чоғроқ иморатни кўрасиз. Сомонсувоқ қилинган, баъзи ерлари аллақачон кучиб тушган, уй эгаси ҳар курганида ҳаёлан қаерда лой қорсам экан деб чамалаб, “Шуни суваб қўйиш керак...” дейди уйланиб. Кейин айниди: “Бугун бўлмаса эртага булар”. Шу-шу, кучган жой ўша алфозда қолаверади.

Унгда эса битмаган иморат. Синчдан кутарилган, нари-бери қорасувоқ қилиниб, томи ёпилган. Уста синчга ёш терақларни ишлатибди, сувоқ орасидан очсарғиш танаси қуриниб турибди. Бу иморат келажак учун, ўғиллар катта бўлишини кўзлаб солинган. Унгача эса, эҳ-хе, анча бор!

Этакроқда янги қурилган тандир. Ёнида лойчўқ. Сал нарида сувпақир.

Кишлоқларда сувпақирлар алоҳида бўлади. Сув ташиган маҳал чайқалиб туқилмаслиги учун тахтадан қушув аломатига ухшаган шакл ясаб, бетига ташлаб қўйилади. Умуман, қўп нарса бу ерда ёғочдан ясалади. Тандирқопқоқ ҳам, қозон дамтововғи ҳам тахтадан.

Тандир эскириб, тепа тарафи ёрилиб кетгани учун тунов қуни янғисини қуришди. Тандирчи ишини битириб, Биби Салимага қараб “Дуо қилинг” деди.



– Иуғ-э, эркак киши турганида мен дуо киламанми?  
– деди Биби Салима, унгайсизланиб.

– Нонни сиз ёпасиз-ку, – деди тандирчи. – Мен корган лойимга, килган ишимга дуо киламан. Баракани эса сиз суранг.

– Барибирам ғалати-да.

Бегона эркак олдида “Хай, майли, тинчлик-омонлик булсин” деб юзига фотиha тортиб куяколган Биби Салима тандир олдига келиб, кайтадан дуо килди.

– Сени топган-тутганимиз болаларнимизга ризк булсин деб курдик, – деди тандирга. – Ичингга ут ёкамиз, лангиллатиб чуғ уямиз. Сенинг бағринг куяди-ю, аммо биз учун кип-кизариб нонлар пишади. Илоё ризкимизни кенг-мул килиб берган булсин, хуп йиллар рузгоримни хизматини килгин.

Шундан кейин, курадан эски-туски утинларни олиб келиб, то ярим кечгача ут ёкиб чикди, эрталаб эса нон ёпиладиган қисмига яхшилаб ёғ суртди. Яна ут ёкилганида ичи теп-текис окарди. Тандирга ут ёкилганида ичи аввал қорайиб, кейин кизаради. Роса кизиганида эса оқариб қолади. Болаларнинг туришига иссик нонлар ёлгиси келган, боя хамир кориб куйган эди. Янги тандир нони оқиб ҳам кетмади, куйиб ҳам колмади, хуллас, ажойиб булиб пишди. Иккитасини ураб, кушниларга чиқариб берди. Ҳар иккала кушни “Жуда сингиб, берч булиб пишибди, пуштини қалинлягинию таъминни ширинлигини қаранг”, дея макташди.

Биби Салима тандир оғзини ёпиб, экинларидан хабар олгани томорқага ўтди.

Ерини яхши куради Биби Салима. Бир қаричиниям буш колдиргиси келмайди. Тез усувчи ковок ва жухори, секин усувчи мош-ловия пояларини куллари билан тиклайди, гоҳида ерга чул сукиб, пилта билан бойлаб ҳам куяди. Ердан ризк чиқариш осон буптими, эх-хе, қанча меҳнати бор? Пешана теринг чак-чак томмаса,

хосил берармиди? Қулинг кавариб-кавариб, белниг огриб-огриб меҳнат қилмасанг, ризқ чиқармиди?

Болалик маҳаллари, сандал теграсида йнгилишиб утиришаркан, бувилару момолар “Бир қозонда қирк хил овқат” дегандай эртақларни айтиб беришарди. Уйлаб қурса, эртақдаги қозон – экинзорнинг ўзи экан. “Бу қозонда қирк хил эмас, юз хил овқат ҳам пишади” деб уйлади у. Қирк хили – одам ейдиган нарсалар. Одамдан ташқари, қурту қуш, ҳашарот ейдиган яна қанчаси бор?

Тўрт угил тўрт паҳлавондай бўлиб етилиб келмоқда. Катталар бир қоса овқат ейишса, булар икки қосадан ейишади. Эр-хотин аста-секин қариб боришмоқда, болалар эса ўсишяпти. Ёш вужуднинг суяклари қотиб, пайлари қувватланиб, томирларидаги қон тобора шиддатланиб окмоқда. Улар яна-да ўсишади, емиши бақувват бўлиши керак-ку?

Мана шундай ўйлар билан ҳаёт кечиради Биби Салима.



Биби Салима осмонга қарасаям, сувларга қарасаям эрта баҳорда Худога айтган гапларни эсига тушиб, хи-жолатдан бети лов-лов ёниб кетаверади.

“Хотини кишиман-ку, ҳар хил гапларни гапиравераман-да” дейди ўзини оқлаб. Кейин сидқидилдан ёлвориб тавба қилади:

“Шайтон тилимга солди-да. Булмаса, у гапларни айтармидим? Сенга-я?

Ҳаммасини ўзинг шоҳидсан-ку, мен булсам, худди маломат қилгандай гапирибман. Аттанг! Сидқидилдан тавба қиляпман, ишқилиб, ўзинг кечиргин...

Сабаби – йукчилик-да. Йукчилик булмаса унақа дермидим?”

Шундай дейди-ю, эрта баҳордаги уша тонгни эслаб, бағтар хи-жолат булади

Эрта баҳорда эрининг бели оғриб, ётиб қолувди. Худо рузгорни ризкини эркакдан берар экан. Бир-икки ҳафта утиб-утмай, ҳамма нарсани таги қуринди-қолди. Ун тугади, сабзавот адоқлаб, ёғ охирлади. Нима қилсам экан, деб боши котди Биби Салиманинг. Ота бетоб бўлса, болалар ҳам доводирав қолишар экан. Назарида, уйдан барака кутарилиб кетди. Ҳатто овқатлардан таъм кетиб қолди. Кузига болалари ўксик, бечора қурина бошлади. Ҳафта ўтди, ой ўтди. Духтир келди, табиб келди... дард сира кетай демасди. Қуни-қушнидан у-бу ёрдам сураб, рузгорни амаллаб турган Биби Салиманинг қунгли қушниси ёғ бермаганида бир ўксиди. “Энди нима қилсам экан” деб уйга қайтиб кирганида, эрининг турулмай мунғайиб ётишига қараб икки ўксиди.

Нимаям дерди, халқ шунақа ҳаёт кечирмоқда. Ҳеч кимнинг ортиб-битиби кетган жойи йук. Ҳамманинг ҳар нарсаси ҳисоб-китобли.

Ҳа, рузгорнинг туби қуриниб қолди. Бир нима пишириб бера олмади, болалари қолган-қутган нонларни еб ухлашди. Уша қуни Биби Салиманинг кузига уйқу асло келмади. Тонг саҳарда, ҳали Зухро милтирамасидан туриб олди. Само қоп-қоронғи, ой тераклар ортига ботиб кетаётган эди. Болаларига қараб туриб, яна ўксиниб кетди. Шу қоронғи осмон ортида, бениҳоя юксакларда ҳар ишга қодир Парвардигор бу ҳолатини албатта қуриб турибди. Бир жойдан бир имдод пайдо қилмасмикин? Ростдан ҳам, рузгорда эркакнинг урни булак экан-да. Хотин киши минг урингани билан унинг урнини боса олмас экан... Шуларни уйлаб туриб, Худога ёлворди:

– Шунча йил бировнинг ҳақини емасдан, дилини оғритмасдан, болаларимга ризк бўлсин деб эгилиб-букилиб, қузимнинг нурини, белимнинг қувватини кеткизиб меҳнатлар қилдим. Энди роса хавотирланиб қолдим. Игнани учидай келадиган маҳлукларингдан тошларнинг тубидагиларигача зориктирмасдан ризки-

ни бераётган булсанг. Рузгоримгаям бир тукинлик ет-казакол? Ахир, кудратинг олдида мен сураганлар нима бупти?

– Ичимга шунча меҳрни солиб куйган узинг-ку? – деди, сидкидилдан. – Нима килай, манови жужикларни кузига каролмаяпман.

– Мана, каттам, – деди. – Пешанасига, бурнига бу-жамалар тошибди Бармоқларига карасам, йиглагим келяпти. Узимни бармоқларим ҳам шунақа, узун-узун эди, буникиям шунақа, аммо тилиниб-каваргани-чи? Бечора, бошини силаганимниям билмади, чарчабди-да.

Ёнидаги уртанчам. Буям акасидай, буй-басти узун, аммо билаклари заиф. Ҳали огиррок ишларни киладиган ёшга етмади. Гавдасини ингичкаликниям кур, новдадай бола-ю?

Кейингиси супрақокдим. Бу – росаям гудак. Ота-си билан ишга кетса, келгунича менга ичкиб қолади. Буям ҳорибди, булмаса уйкусираб дарров бағримга кириб кетарди.

Шу тарз, айвонда, тун коронғисида болаларининг бошида ўтириб олиб, муножот килаверди.

– Тошу тупрокдан ҳамма нарсани пайдо киладиган узингсан-ку? – деди. – Қуп-қурук ёғочдан шафтолию беҳи чиқарадиган ҳам сенсан. Экиним орасидан кераксиз ўтлар ўсиб чиқади, деб жавранаман, ўшани еб бандаларимга сутга айлантириб берсин деб сизгир ҳам яратиб куйибсан.

Эй бори Худоё, эримга шифо бер, рузгоримга барака ато эт. Ахир, ҳаммаси узингни ихтиёрингда-ку? Эсимни таниганимдан бери сени тилимдан куймайман, бир бечора бандангни шунақа хор-зор қилиб, болаларини мултиратиб қуяверасанми?

Ниҳоят, хурозлар учинчи бор қичкириб, тонг ёриша бошлаганида, ҳовлига тушди. Саҳар вақти эшикларни очиб куйинглар, фаришталар келиб ризк беришади дейишарди, ростмикин? Фаришта учадиган нарса булади.

Тавба, дарвозани бекитганинг билан ховли усти очик-ку, тепадан тушиб келавермасмикин? Йук, у ниҳоятда пок хилкат, дарвоза берклигини куриб, киргани тортинса керак-да. Хиждолат булмасдан кираверишсин дея дарвозани очиб, яна ортига кайтди.

Кайтайтиб, бирданига акли узига келгандай булиб, чучинкираб “Э тавба, узинг кечиргин” деди. Сурашга-ку сурадим, аммо айтган гапларим гуноҳга кетиб колмасмикин?

Йуг-э... Худо-ю? Бошка кимдан ҳам сурадим?

Ҳамма нарсани куриб-билиб туради, айб булмас?

Кейин эса. мен нодон, битта узиму болаларим учун сурайверибман-ку, деди. Ёши улуғлар хар доим “Худодан бир нима сурасанг, ҳаммага сурагин” дейишарди. Мен эса ёлғиз узимга сурабман. Худодан-а? Юзлаб оламларни беминнат яратиб, осмонда учган кушдан то дарё тошнининг тубидаги кузсиз махлуқларигача ризкинни етказиб турган Эгамдан-а?

Э тавба, халкка сурасам, мулки камайиб колармиди?

Тонг эндигина ёришаётган эди. Одамлар аллақачон уйғонишиб, юмушларига уринишарди. Қайдадир пакир тарақлагани, мол букиргани эшитилди. Ҳа, ҳамма рузгорим дея тиришмоқда. Ҳамма учун деганда кимни назарда тутиш керак? Албатта, кишлокдагиларни-да. Аммо, теваракда бошка кишлоклар ҳам бор... Биби Салиманинг қалби бундан ҳам таскин топмади. Ҳа, қайлардадир, у билмайдиган маконларда у танигану танимаган қанчадан-қанча одам ризқ-руз деб жонини жабборга бериб хаёт кечиряпти. Кимлардир у сингари эрта турган булса ажабмас. Элнинг куни тириклик захмати билан ўтмоқда.

– Худое, тавба килдим. – деди қалби ёришиб. – Нодонлигимни кара. Қудратингдан айланай, эл учун беракат. Ахир, хар кимнинг бир камчилиги, етишмовчилиги бор. Узинг куриб турибсан, ҳамма меҳнат билан овора. Кимдир нолиса, кимдир нолимайди... Ургилай

қудратингдан, баракангии бир менга эмас, бутун элга ёғдиракол!

Кейин эса тевааракка, уй-иморатга, теракнинг тук-яшил барглари орасида чиркиллаётган кушларга қараб, енгил шабада олиб келаётган турли-туман сасларга қулок солиб, “Сураганларимни беришига-қу ишончим қомил, аммо, қанақа қилиб бераркан?” деб уйлади хайрон бўлиб.

\*\*\*

Бир ҳафталар чамаси утгач, эр:

– Тузалаймман шекилли, – деди хушқоллик билан – Вужудимда ажойиб енгиллик бор. Мадорим йуғу аммо қушдай енгилман.

– Илоё, шифо бергани рост бўлсин, – деди Биби Салима ҳам, суюниб.

Уша кечаси шамол келди.

Шамол бу маконларда қибладан эсиди. Олисдаги тоғлар орасида жуда қатта ёрик жой бор, уша ердан чиқади дейишади.

У аввалбошда пайдар-пай эсиб турди. Гоҳ шиддат урди, гоҳ сусайди. Осмонда қулранг булутлар суза бошлади, улар утиб кетгач, ортидан уюм-уюм қорамтирлари келди. Биби Салима бу ходисаларга қараб туриб “Роса қучли эсидиганга ухшайди-ю” деб уйлади.

Шамол томорка адоғидаги теракларнинг учларини эгиб-эгиб эсди. Ҳали юксакда, пастга тушгани йўқ эди. Кейин аста-секин қувватланаверди.

Челакдаги сувни уйнаганини курсангиз. Устидаги сувтахтани роса чайкатди, қозон қопқоғини ағанатиб-ю-малатиб, ҳовли этагига олиб бориб қўйди. Ҳасларни туплаб-учириб, сув устига сочиб юборди. Мош-ловия палакларини юлкилади. Ям-яшил жухориларни ёппасига бир томонга ётқизди. Эски сомонларни учирди-да, ҳовли бетига сочиб юборди. Шундан кейин янада шиддатланди. Битмаган уйнинг эшикларини тарақлатиб уй-

нади. Оркасига тош тираб куйилган дарвоза тавакасини тош-поши билан суриб очиб юборди. Битмаган иморат ичига кириб, деразаларида бугик хуштак чалди

Бир кечаю бир кундуз шундай эсди. Ортидан ёмгиру жалаларни олиб келадими деган эди, йук, уз-уздан тинди. Ярим кун утгач, оркага кайтиб эса бошлади. Энди шиддати сусайган, хоргинлиги борийди.

Кишлок хавоси алмашиб, нафас олиш енгил булиб колди. Олча япрогининг ости устига караганда очрок тусла булади, шамол улгур баргларини тескари килиб утибди. Ана, туқ яшил ва оч яшилнинг коришими булиб чайкалиб турибди. Кучаларда, ховлида, экин ерларида зарра чанг колмабди, хаммасини супуриб-тозалаб кетибди.

...Ортидан бошка шамол келди. Буниси аввалгисидай шиддатли ва саркаш эмас, оғир, залворли эди. Бир хилда, уктин-уктин шиддат уриб, кора булутларни суриб келди. Куппа-кундузи хам у булутлар багрида чакмоқлар чакнаётгани кўриниб турарди.

Булутлар осмонни энлаганида хайбати янада ортди. Багрини тиккасига ёриб яна чакмоқлар чакқанида тасир-тусир жала куйди. Дарров кўлмақлар ҳосил булди, устида пуфакчалар ёрилди. Бу ёввойи шиддат Биби Салиманинг қалбини жуштириб юборди.

Лойка, купикли сув экин ораларига тулиб окарди. Утлар эгилиб-эгилиб қолибди. Ёмгир дарахтларнинг таналаридан окиб, шовуллаган саслар ҳосил қилди. Роса ажойиб куй чикди: тункариб куйилган челакда бошка, тахта сури устида бошка, узум барглари орасида бошка саслар бино булди, уларнинг бари ёмгир шовуллаши билан бирлашиб, баҳайбат ва жушкин оҳанг яралди.

– Так-так...

– Чак-чак...

– Тик-тик...

“Суронини кара-я, – деб уйлади Биби Салима. – Отам раҳматли ёмғирлар жаннатдан ёгади дер эди, ростмикин?”

Қалдирғочлар чарх уриб айланиб учишарди. Бошқа кушлар бекиниб олишибди. Айвонда туриб, нигоҳи ҳар тарафга тентираб, бугот остида болаларини каноти остига олиб ўтирган мусичани куриб қолди. “Бечора, сен ҳам энасан-да, — деди кўнгли ийиб, меҳри ортиб. — Боламга ёмғир тушмасин деб канотинг остида олиб ўтиришингни қара!”. Бир ховуч арпа олиб, айвонга сепиб қўйди. Мусича учиб келмади. “Ёмғирдан ҳайнқди, — деб уйлади у. — Тинсин, емишни куриб албатта учиб келади”.

Ёмғир теваракни янада гуркиратди. Дарахтлару ўтлар бир кечада усиб кетганига ҳайрон қолардингиз. Тупрок сувларни шимиб олди, бағрида ҳаракатга келтирди, ўт-улану дов-дарахт танасидан тиккамасига кутарилди, гулларгача етиб бориб, мевалар ичига сизиб кирди — жаннатдан ёққан зилол шунақа мўъжизалар ҳосил қилди.



Орадан яна бир оз вақт ўтди.

Бостирмадаги сигир буқирди. Сахарлаб олдига ўт ташлаган эдим-ку, сувсадимикин, деб уйлади Биби Салима. Ҳамда молчелакни кутариб томорка этагидаги арикка сувга борди.

У — тоғу тошлардан келадиган оқиш тусли сув эди. Ёз жазирамасида ҳам муздайлиги кетмайди. Теграсида барқ урган ялпизу қурмакларни атай уриқмасди. Ялпиз уруғ солай деганида баргларини шохчалари билан узиб, қуритиб қўйса, кишда овқатга солса булади. Қуритилган ялпизни докага ўраб, устунга осиб қўйган яхши.

“Худойимнинг яна бир қуни ўтди”, деб уйлади Биби Салима, сув олар экан. Челак тулиб, суви этагига сачради. Қакрок ер уни дарров шимиб олди. Муздай сув оёғига тўкила-тўкила, бостирмага бориб, челакни сигир олдига қўйди.



Бу сигир бугоз эди. Ҳозир иссиқда кийналаётгани ҳам бағрида боласи борлигидан. Икки ёнга қаппайган корнини куриб раҳми келди. Сигир сувни кониб ичгач, бойлоқдан бушатиб сояга олди.

Яна нон ёпишми керак, деб уйлади. Аммо, ун тугаган-ку? Қушнидан сурасаммикин, деган хаёлга борди. Айбмиди сурасам? Сурайман-да. Балки қол тагида унча-мунча қолгандир, деб омборхонага кетаётган эди, тераклардан биридан галати шовкин келди.

Ҳайрон бўлиб, уша томонга йуналди. Қуёш нури кузимга тушмасин деб кафтини соябон қилиб караса – асалари! Сон-саноксиз, терак шохига қуниб олишибди. Бир оила қайдандир ажралиб учиб келибди. Айниқса, битта шохда жуда гужгон. Она асалари уша ерда булса керак.

Биби Салима шошиб қолди.

Эр хийла тузалган, угилларини бошқариб, рузгорга у-бу топай деб ишга чиққан, ҳозир угиллари билан икки хонадон нарида бир иморат томинини ёпишмоқда эди. Узим борсам айб булар деб кучага чиқди. Молчелақ офтобда қолиб кетаверди.

Кучада қушнинг болалари уйнаб юришган экан “Нодиржон болам, амакингизни чакириб келсангиз, қогозли қанд бераман” деди.

Эр келгач, у ҳам суюниб кетди.

Устига тун кийиб, юз-кузини румол билан ураб, уяни олиб тушди. Лунжига сув олиб, уяга пурқади.

Биби Салима ҳайрон қараган эди, “Устига сув пурқасанг, асаларилар ёмғир ёғяпти деб уйлаб тек тураверишади” деди куллимсераб.

Қути ичига қуйишганида тусатдан хавода яна сон-саноксиз асаларилар пайдо бўлишди. Бари уша уяга интилар эди. Салиманинг акли шошди. Ия, муъжиза руй беряпти-ку, деди ичнда.

Эр шод эди. Болалар ҳам

– Бировники булса-я? – деди эрига. – Одамлардан суриштиринг-чи. Яна кимнингдир хакини еб қуймайлик.

Эр “Хуп” деди.

Суриштира, одамлар “Ким тутиб олса ушаники” дейишибди. Эгаси эса чиқавермади. Шунча асалари кайдан келганига узиам хайрон эди. Бу теваракда ҳеч кимнинг уйдан асалари ажралиб чиқмабди.

– Худо берган булса-чи? – деб кулди эри. – Булар бир йилда икки марта ажралишади. Агар яхшилаб карасанг, ҳаш-паш дегунча уч кути асаларинг булади.



Ёз урталади. Томоркага сепилган бугдой булик-булик бошоклар солди.

Бошок деганлари муъжизанинг нақ узи! Битта дондан чиқади-ю, учида узи униб чиққан дондан катта, узун бошок пайдо қилиб қуяди. Ингичка сарик поя учида шунча нарса кайдан келганига ақл шошади. Санаб кўрса, битта дон қирк баравар кўпайибди. Янаям галатиси, донлар саноғининг жуфт экани эди. Биби Салима бу бошокда галати ҳикмат кўрди. “Ия, – деди хайратланиб. – Шуларга қараб узинг фикр қилиб олавер, деганимикин? Узимизча у-бу ишга уришиб юраверамиз-у, бир карасанг, битта нарсанг қирқта булиб турибди. Тупрок ичини минг кавлаштир, егулик ҳеч нима топмайсан. Худойимнинг яратиб қўйган шу нарсалари тупрокка илдизини тикиб, қок ердан нок, олма, гилос, ошқовок, сабзю пиёз чиқарганига қара-я. На таъмию лаззати, на шакли бир-бирига ўхшайди. Одам қиладиган ишлар ҳам шунақамикин? Бир яхшилик қилсанг, қирк мингли ортиб ўзингга қайтса... Барибирам яхши ният қилавериш керак экан-да”, деган тўхтама келди у.

Бугдойни уриб тугатишган эди, сизир эгиз туғди.

Қўйлар эгиз туғиши қурилган ҳолат, аммо сизир эгиз туғиши кам учрайди. Бир сизири учта булди, икка-

ласиям гунажин. Бири олиб бири куйиб, оёклари майиша-майиша эмгани интилишди.

Сигир бечоранинг холига қараб булмасди. Бузоғи тумшуги билан туртиб эмганида мункиб-мункиб кетарди, аммо кузлари... Хайвонда бунақа меҳр тула кузни биринчи марта курди Биби Салима. Авваллари кўрмаган эканми? Ёки курган-у, эътибор қилмаганми?

Тавба, ҳаётда бир нима узгардим, деб уйлади у хайрон қолиб.

То шу кунгача жонзотларнинг кузлари маъно касб этмас эди. Болалаган кучукнинг, тухум босган мусичанинг кузида маъно балқиб қолибди. Дунёда оналик деган улкан бир қонуният буларни узгартирганига ақли етди. Полапони, зурёди йук жонзотнинг кузида ундай узгаришлар сезилмайди. Тавба, оламда биз билмайдиган сир-синоатлар кўп-да, деб уйлади

Бузокларнинг шошиб-ютокиб эмишига қараб “Сут шулардан ортармикин?” деди. Улар туйғач, узи соғишга утирди. Ҳ-х-х, хали яна анча бор экан. Челақ деярли тўлди. Усти сарғиш қаймоқли, майда пуфакчалари бижирлаб турган сут исси димоғига ёқди.



Нихоят, куз келди.

Ҳосил шунақа етилди-ки!

Шафтолилар меваси куплигидан синиб-синиб кетди. Беҳидай қайишқоқ дарахтнинг шоҳлари ҳам ерга-ча эгилиб тушди. Анорлар ларзон мева тугди. Ловия-ю мош хўп етилди. Маккажухори иккинчи ҳосилга кирди. Сигир кунига бир челақдан сут бераверди.

– Мева-сабзавотни тўплаб тугатолмадиг-а, – деди Биби Салима. – Асаларилар чунон асал тўплашдики, тўлиб-тошиб, ерларга оқиб кетди. Тезда ажралганига хайрон қоласиз. Яна ажабланарлисиз, ажралгани учиб кетади-ку, тўғрими? Булар кетмагани-чи? Қутидан

чикиб шундок ёнидаги шафтолига қуниб олишаверди. Бир қутидан учта туда чикса-я.

Сигир иккита тукканига ҳайрон эдим, деди кейин. Назаримда, янаги йил яна эгиз тугадигандай.

Узи, бир сигирим учта бўлувди. Тагин тугса, нақ бешта булади-ку?

Оббо, тукис бупкетамиз шекилли?

Шундай деб, шод кулди Биби Салима.

– Йил ниҳоятда баракали келдими? – дейишарди кишилар. – Таъриф килиб бўлмас ҳосил етилди-я?

Неки қадасангиз, ун мисли булаверди. Мева-чева, сабзавот жуда арзонлади. Бу кетишда мол-қуйнинг ҳам нархи тушиб кетади-ку? Ҳар рўзғордаги сигир беҳато эгиз тугаверса, бирга уч дегани-ку бу?

“Худога шукр” дейишарди одамлар. Халқ шод эди. Ҳамма курган кунидан мамнун, шукр киларди.

Одамлар орасида меҳр ортди. Тукинликда ортар экан-да меҳр. Ҳамма бир-бирига ниманидир илинган, патир ёлиб қушнига чиқарган, яхши гаплар билан сийлаган... Одамлар хушнуд бўлиб қолишди.

Худо меҳрибон-да, берган баракасига қаранглар, дейишарди. Аввал шамол эсди, кейин ёмғир ёғди. Кейин асаларилар келишди, сут-қаймоқ мўл бўлди.

Сут муллигини кучуклар болалаганидан ҳам билмадингизми, дейишди. Ҳар урғочиси учта-тўрттадан бола туғди-ю? Озиб-тузиб кетган итлар кучукваччаларини эргаштириб, занфроғини тишида тишлаб, экинзорлар ораларида юрганига нигоҳингиз тушмадимми?

Бараканинг қўлами шунчаларки, ҳатто бир кишининг тоmidан ҳам шафтоли униб чикибди. Болалар еб, данагини томга отишгандир-да? Эгаси уйлай-уйлай, ахийри кучатни томдан кучириб, тупрокка қадабди.

Қишлоқ четида бўзук трактор бориydi, ушани гилдираклари орасидан қовок ушиб чикибди-да, трактор устигача чикиб бориб баҳайбат ошқовоқ тугипти. Ёриб

карашса ичи пушти-қизил, хомлигичаям еса буладиган даражада ширинмиш.

Хуллас, элга бир тукинлик ёғилдики, асти қуяверасиз...

Худо берса, шунака берар экан-да...



Бор йўғи бир мавсум ичида шунча ходиса содир булди. Уларнинг баъзилари одамлар онгига нималарнидир хитоб қилди, баъзилари эса аввалу охир эсадиган шамоллар каби, уз қонуниятлари билан бир маромда, вақти соатидан оғишмасдан рўй бераверди.

Биби Салима Худодан рози булди. Муъжиза деб уйлаганларини болаларига гапириб берар экан, улар бир нишониб, кузларини катта-катта очиб эшитиб утиришса, бир кулимсираб чеккага карашарди.

– Болаларим, мен Худойимдан мингдан-минг розиман, – деди Биби Салима. – Қаранг-а, ниятни холис қилавериш керак экан-да. Тавба, ушанда ўзим учун сураганимда-ю Худойим бир бизгагина берганида нима буларди? Қуни-қушнининг кузига қандай қарардик?

– Энди ҳамма нарсамиз етарли, пулимиз ҳам бор, – деди суюниб. – Қараб туринглар, шунака ширин ошлар пишириб берайки сизларга! Янги тандиримизда гуштли нонлар ҳам ёпиб бераман. Туйиб-туйиб еб оласизлар!

Ҳа, бир Биби Салима яшайдиган манзилгагина эмас, ястаниб кетган куз етмас бепоён худудлардаги барча кишлокларга шунака барака ёғилди. Мева-чеванинг нархи тушиб кетди, сигир-қуйларнинг қиймати эса бирданга ошди – бу, ут-улан мул-кул етилгани туфайли эди.

Асални айтмайсизми? Болариларга бир нима булгандай, ҳамманинг асали тўлиб-тошиб кетди.

Хуллас, қутилмаган ризқ келди...

Биби Салима эса, меҳнату заҳматлар орасида уриниб юрган кишиларни ҳайрон қолдирган, неки бор –

барчасига саховат ато айлаган шу мул-куллик узининг сахар коронғисида, йуқчилик ва чорасизлик изтиробни аро қилган сндкидил дуосидан бино булганнга ишончи қомил эди.

– Дуода гап қуп-да, – деди болаларига. – Онаизор дуоси албатта қабул бўлишини билмайсизларми?

– Қолаверса, қийналган эдим, – деди. – Қийналган кишиларнинг дуоси шубҳасиз қабул бўлади.

– Яна, бир ўзим учун эмас, эл учун сурадим, – деди кейин. – Ҳамма учун сурасангиз, Худой таоло албатта мустажоб қилади.

\* \* \*

Биби Салима шу воқеани айтиб берганида, балки тасодифан шундай бўлиб қолгандир, деб уйладим. Кейин, тиник, ишонувчан нигоҳига, Худойи таоло фалакдан ато этган нур ила йуғрилган соддаю самимий чехрасига қараб туриб, тусатдан ичим ёришиб кетди.

Чунки, ҳаммаси у айтгандай юз берганига чиппа-чин ишондим.

Ишонмасликка бирон-бир жуяли сабаб топа олмадим.

2016

### Мега-интеллект

Бир неча кундан бери сафардаман. Ҳаво исиб кетди. Юмушларимни битириб бугун уйимга қайтмоқдаман. Тонг сахардан ёмғир ёғиб, теваракни топ-тоза қилиб юлиб қўйди. Гилос билан ўрикнинг етилмаган оч-яшил мевалари йилтираб товланади.

Уйимни, болаларимни соғинганман. Ҳар кун телефонда гаплашамизу бир нимами йуқотиб қуйгандай, ораста шаҳарда узимни қуярга жой тополмайман.

Ниҳоят, бугун йулга чиқақолай дея қарор қилдим.

– Худога шукр... Узок йулда зеркиб қолмайсизми? – деб сўрайди аелим телефонда.

– Зериксам, “Вики” билан гаплашиб кетарман.

– Жа-а кадрдон бупкетяпсизми “Вики”нгиз билан?  
– гуё ранжийди у.

“Вики”нгиз билан дегани – хушёр торттирадиган гап “Вики”нгиз – сизнинг “Вики”нгиз, бизга унинг мутлако алокаси йук дегани. Қолаверса, “Қайдан топаколдингиз у тасқарани” дегандай иддао ҳам бор.

Сирасини айтсам, “Вики” – ҳар қандай саволга жавоб бера оладиган ақлли тизим. Уни мега-интеллект ҳам дейдилар. У билмайдиган бирор нарса йук.

“Вики” турли тилларда гаплаша олади. Лекин ҳали узбекча гаплашадиган даражада эмас. Дунёнинг асосий олти тилида суҳбатлашсангиз булаверади. Оғзаки савол берсангиз ҳам тушунади, суровингизни матнга айлантириб, юзлаб манбалардан жавоб топиб рупара қилади, истасангиз, ёқимли овозда уқиб ҳам беради.

Инсоният бугунга қадар эришган билимлар дедим-ку? Ҳақиқатан ҳам шундай. Унинг бунёдга келишида сон-саноксиз одамларнинг меҳнати бор.

“Вики”ни ўзингиз сошлаб олишингиз, истаган қиёфангизни бахш этишингиз, истаган овоз оҳангида сузлашини белгилашингиз мумкин. Мен Викини сошлаш мобайнида анча уйландим. Ниҳоят, ёқимли аёл товушини танлай қолдим. Турли созловлар сўнгида ниҳоят “Вики” мен истаган қиёфада намоён бўлди. Ок юзли, чўзинчок юзли, майин овозли сулим бир қиёфа қалқиб чиқди.

Аёлимнинг гаши келгани шундан. Унинг гаши келса, менинг завқим келади.

– “Вики”, салом.

– Салом.

– Қайфиятнинг яхшими?

– Сураганингиз учун миннатдорман.

– “Вики”, навигация тизимини ёқиб, борадиган манзилимизни белгила. У ердаги об-ҳаво маълумотини айтиб юбор-чи.

“Вики” бир муддат жим қолади.

– Манзил белгиланди. Асосий йул билан борилганида уч соату кирк беш дақиқа вақт сарфланади. Об-хаво маълумотида қайси метеохизмат тахминларига асосланай?

– Марказий метеохизматдан олакол.

– Бугун уттиз-уттиз беш даража иссик бўлади. Ёғингарчилик эҳтимоли ун фоиз. Намлик уттиз саккиз фоиз. Шимоли-шарқдан сонияда икки-етти метр тезликда шамол эсади. Ҳаво босими муътадил, қуриш узоклиги ун километр. Ультрафиолет нурланиш даражаси – бир-га тенг.

– Раҳмат.

– Арзимаиди.

“Вики” жим бўлади.

Ер юзининг исталган жойидаги ҳаво ҳароратининг на эмас, уша ерда содир бўлаётган воқеаларни ҳам била оламан. Бепоеън маълумот кенгликларидан мен истаган нарсани топиши учун бор-йўғи бир неча сония кифоя. Катта шаҳарлардаги йулларнинг тикилинчлигидан тортиб учокларнинг учиш-қувиш вақтигача айтиб беради.

Шу сабабли уйдаги компьютеримда ҳам, планшетимда ҳам, қўл телефонимдаю уловимда ҳам бор.

– “Вики”?

– Лаббай.

– Дунёда қанақа янгиликлар?

– Инсоният учирган фазо кемаси Қуёш тизимининг саккизинчи сайёрасига яқинлашиб бормоқда. Жанубий Африкада қургокчилик давом этаётир. Арабистон ярим оролида уруш ҳаракатлари тинчимаяпти... Яна маълумотлар керакми?

– Йук, керак эмас.

Хуллас, ажойиб бир ёрдамчи. Ҳазиллашишни ҳам билади.

– “Вики”, ёшинг нечада?



– Мен сизга ёрдамчилик қила оладиган даражада ёшман.

– Қайфиятинг қанақа?

– Менда қайфият бўлмайди. Мен инсон овози ва мантиқий фикрлаши нмитация қилинган электрон киёфаман. Менинг шахсиятим йўқ.

– Майли, саломат бўл.

– Раҳмат.

Боя айтмадимми, тонгда шивалаб ёкхан ёмгир гилосу уриқларнинг яшил барглари топ-тоза қилиб ювиб ўтди деб? Эсимга ўз ховлимдаги уриқ билан гилос келди. Қадаганимга турт йил бўлди, ҳали мева қилай демайди. Эрта баҳор зўғум қилиб, илдизидан тепарокка битта миҳ қоқиб қуйган эдим, тунов қуни қарасам, ўша жой дўмпайиб қолибди. Жони оғриган шекилли, миҳни чиқариб ташлашга уринибди.

– “Вики”, гилосни қанақа қилиб мева туғишга мажбурласа бўлади?

– Бунинг иложи йўқ. Гилос – уқилдизлилар тифасига мансуб кўп йиллик дарахт бўлиб...

– “Вики”!

\*\*\*

Йулдаман. Тоғларга яқинлашиб қолдим.

Табнат узгармоқда. Чўққиларнинг учларида гўж дарахтлар қўзга ташланади. Ҳаво саринлашади.

Қўнғирок жиринглайди, қизим “Ота, йулдамисиз? Қелишингизга нима овқат пишириб қўяй?” деб сурайдди.

– “Вики”, етиб боргунимизча шом бўлади. Нима овқат тавсия қилсак экан?

– Италиян, француз, инглиз кечки таомлари. Стейк, барбекю... Қай бири маъқул?

– Уларга йўл бўлсин, – деб қулимсирайман. – Уй раҳамини тер-чи.

Қизим гушакни кўтаради:

– Ой кизим, жамбил-райхон солиб аччиккина мастава килакол.

– Хуп булади.

– “Вики”, мастава тайёрлаш йуриқномаси борми?

– Албатта бор. Дулмали, гўштли, жазли, киймали, кайси бири зарур? Эрон, афгон, туркман халқ таомлари орасидан...

Хаёлим утмишга етаклаб кетади.

Энам жуда ширин маставалар пиширарди. Қурадан эски утинларни опкелсам, қорайган чўян қозон тагига олов ёкиб, бирпасда ажойиб таом тайёрлаб қўярди. Узим неча марталаб ўшандай мастава қилишга уриндим, қанийди ўхшаса! Тандирга сигмай қолган бир-иккита хомни “пушти” деб ёпарди, яъни олови суна бошлаган тандир четига, пуштасига ёпилган деган маънони билдирарди. У нон зич, берч бўлиб, тўқ-қизил тусда роса сингиб пишарди. Ушандан қуёшда қуритиб қуйганларини дастурхонга опкеларди. “Маставага қўшиб еяқолинглар, худойимни неъмат, исроф бўлма-син”, дерди.

– Сен у маставани билсайдинг... – дейман “Вики” га.  
– Биронта миллат таомига ўхшамайди.

– Қанака хусусиятлари бор экан?

– Болаларимнинг ризки деб пиширарди, ўшан-чун озгина меҳрини ҳам қўшворарди.

“Вики” жим қолади. Маставага қўшиладиган нарса-лар ҳақидаги маълумотлар орасидан меҳр деган масал-лиқни тополмаган бўлиши мумкин.

– Йуриқномалар орасида сиз айтган модда топилмади. Умумжаҳон энциклопедиясидан қараб қурайми?

– Қарайқол.

Салдан кейин “Вики”нинг овози келади:

– Энциклопедияда меҳр деган мезон топилмади. Бошқа тиллардаги маълумотларга ўтаман. Инглиз, испан, француз манбаларидан изланди. Синонимлари: севги, мухаббат, ишқ.

– Йук, “Вики”. Мехр бошка нарса.  
Афсус, узбек тилини билмайсан-да.

Севги дединг, сеvги инсонга, юртга, элга булади.  
Ишқ-мухаббат аёлга нисбатан булади, мехр эса...

Мехр деганлари жуда бегараз, тоза туйғу. Она бола-  
сига шунақа мехр қуяди. Уни ҳеч нима билан киёслаб  
булмайди. Мехр-окибатли кишилар деб бекорга айтил-  
майди.

Йулларга караб уй суриб боряпман. Довон йули  
теп-текис, кук-сарик иш кийимидаги кишилар юмуш-  
ларига уриниб юришибди. Унг томонда чуқкилар то-  
мон чузилиб кетган янги темирйул битибди.

– Навигация тизими маълумоти: сел хавфи бор. Ай-  
ланиб ўтиш йулларини курсатаймми?

– Йук, “Вики”, керакмас. Мен бу йулларни жуда  
яхши биламан. Кузимни юмиб ҳам толиб бора оламан

– “Вики”, окибат нима?

– Бир соня... Содир этилган бирор ҳаракат, воқе-  
а-ҳодисанинг натижаси окибатдир.

– Окибатли киши-чи?

– Окибатли киши деган жумла топилмади. “Натг-  
жали киши” булиши мумкинми?

– Йук, булмайди. Мехрга жавобан курсатилган  
мехрни окибат дейдилар. Бир-бирингизга окибатли бу-  
линг деган гапнинг маъноси шу.

– Менинг луғатимда унақа сўз йук. Ухшаш сўзлар  
булимида “укубат” бор экан, мос келмайдими? Араб ти-  
лидан келиб чиққан, жуда узоқ давом этадиган азоб-ма-  
шакқатни билдиради.

“Укубат” дедингми?

Дунёда шунақа нарсалар бор-ки, ақл камраб олол-  
майди. Ҳар сўз ўзи билан манзара ташийди. У манза-  
ралар ўша сўзни билган кишининг шахсиятига караб  
ўзгаради.

Менинг луғатимда “укубат” – кишининг захматли  
меҳнатлари, эшик тиркишидан ичкарига кириб уйи-

либ қолган қор зарралари, совук уйлар, устига қурпа ёпилган сандал ва шунга ухшаган анча тасвирларни ҳосил қилади. Қўллари кизариб кетган отамнинг кук-кухлаб утин ёришларини, қорга беланган утинларни уйга олиб киришларини эслаб кетаман. Музлок ерларда палахса-палахса бўлиб қорайган маккалоялар қўз олдимга келади, совқотмасин деб эски тушакларни сизир-бузоқлар устига дийдираб ёпганларимизни эсламан. Яна, кайноқ нонлар, қишнинг қировли кунларида бениҳоя ширин татиган тўй шурваларию паловлари ёдимга тушади. Укубат деган сўз онгимда шунақа манзаралар ҳосил қилади.

“Вики” сандал нималигини, тўй шурваси қанақа бўлишини қайдан билсин?

Мега-интеллект жимиб қолади. Нимаям дерди? Мен унга айтаётган гап-сўзлар ҳеч қайси комусда йуклигини ўзим ҳам яхши биламан.



Йул четида ут-улан гул очибди, ҳатто тиканлар ҳам кук-сарик гуллабди.

Равон йул тобора тепага кутарилади. Куксой шарқираб оқади. Ёқасида мажнунтол усган, сув қупайгани учун танаси оқим ичида қолибди, эгик шохлари оқимда солланяпти. Сувчумчук пириллаб учади. Жуда юксакда бир қуш қанотларини қокмасдан айланади.

Ҳар тош, ҳар гиёҳ бир тимсол ҳосил қилаётганини биламан. Ҳар бири бир воқеадан дарак беради. Шу боис қўзимга азиз, қадрдон қўринади.

Бирдан димоғимга тоғрайхон иси урилади.

– “Вики”, райхон нималигини биласанми?

Мега-интеллект жавоб қилади:

– Ҳа, биламан. Жанубий улкаларда учрайдиган ярим бутасимон, раъногулдошлар оиласига мансуб ўсимлик, баъзи турлари ёқимли ис манбаи сифатида, шунингдек, атир саноатида ва тиббиётда ишлатилади. Таркибида

селен моддаси булади, у аслида радиоактив модда, би-  
роқ, райхон таркибида шифобахш унсурга айланади...

Раъногулдошлар оиласига мансуб бўлса бордир. Ле-  
кин у аллақачон менинг оиламга мансуб ўсимлик бўлиб  
улгурган. Энам раҳматлик райхонни жуда яхши кўра-  
ди. Жаннатдан тушган деб шохчасини узиб, қўйлагига  
такиб ҳам оларди.

– “Вики”, райхон жаннатдан тушганми?

– Бу ҳақда маълумот йук. Жаннат ҳақидаги комусий  
маълумотлар керакми?

Кексаларимиз ёмғирни ҳам жаннатдан ёғади дей-  
ишмасмиди? Ҳа, жаннатдан ёққани учун ҳам баракат  
олиб келади дейишарди.

– “Вики”, баракот нима?

– Арабча сўз бўлиб, мўл-қўллик, файз маъносини  
англатади.

Ҳа, шундай. Аммо бизнинг тилда у бир маромда ети-  
либ турган ҳосилнинг ўз-ўзидан бир неча мисли кўпай-  
ишини билдиради. Масалан, ҳар йили икки пақир мева  
берадиган кичкина гилос бир дуодан кейин чунон мева  
тугадаки, ақлинг шошади. Еки бир маҳаллар, бундан  
анча йиллар бурун дастурхон атрофига етти бола кал-  
дирғочдай тизилганимизда, “Рўзғорда нон оз қолибди,  
болаларим, “бисмилло” деб енглар” деган онаизорим,  
ўша озгина нонга тўйган еттита бола кўз ўнгимда жон-  
ланади. Бугун далаларда ҳосил мўл, сап-сарик бўлик  
буғдойзорлар шабадала чайқалиб ётибди, ҳар тарафда  
мўл-қўлчилик, эл тупроққа неки қадаса, баракасини  
берсин деб ният қилгани учун шундоқ.

Викинингсоддалигига кулгим келади. Уни яна анча  
довдиратишим мумкин. Бир томондан, эл орасидаги  
тугал маънолар унинг билим захираларида акс этмага-  
нига хайрон бўламан. Аслида бу тизим жуда кўп нар-  
салардан хабардор. Моддаларнинг молекуляр тузили-  
шлари, фотон тезланишларидан то “куёш шамоли” гача,  
ер тубларидаю сув остларидаги инсон акли етиб бори-

ши мушкул ҳаёт шаклларигача билади. Булутлар ер юзининг қай қисмидан қайгача қай тезликда сурилиб боришидан тортиб қайларда шаррос жала қуйишию қайларда жазирама қурғокчилик содир бўлишигача, кемаларнинг улкан елканларини қарсиллатиб, мачталарни синдириб эсадиган довул ва қасирғаларгача хабардор, тарих қоронғиликлари аро ер юзидаги энг қурқам қасрни бунёд этиб, сунг қукка қараб “Мен сендан голиб чикдим, эй Сулаймон” деб қичқирган императоргача хотирасида бор, лекин...

Лекин, жуда қуп нарсалардан беҳабар ҳам.

Ёш болалар кулларини қуксига қуйиб салом берганида катталар қалбида буй чўзадиган қувончу сезинчдан беҳабарсан, “Вики”. Салдан кейин етиб борсам, ўғлим қаршимга чиқади. Луғатингни излаб қур-чи, ота қувончи деган жумла бормикин? Буйи чўзилиб, муйлови сабза урган ўғилчасига қараб бирдан қунгли ўсган ота туйғуларининг изхори ёзилганмикин? Бирон бир файласуф шуни таҳлил қилганмикин? Райҳонлар иси анқиган ховлига кириб келганида, буй етиб дастёр бўлиб қолган, рўзгор ишларининг анча-мунчасини зиммасига беминнат олган қизчаси пиширган овқатдан татиб, мижжасига қалқиган ёшнини бировга билдирмай ичига ютган ота шукронасини-чи? “Фалончиникига ёппасига тўйга-а-а” дея чакириб ўтган кишлоқ жарчисининг овозидаги фаровонликни, эл-юртимни паноҳингда саклагин деб тинмай дуо қиладиган кексаларни, баҳор келганида, янги ой уроғи ҳавога кутарилганида “Ётказганингга шукр” деб қўлини фотиҳага очадиган кишиларни билмайсан, жала қўйганида, қаттиқ шамол эсганида, “Парвардигоро, неъматингни комил қилиб бергин, эл бошига фалокатга айлантирмагин” дейишларидан ҳам беҳабарсан. Ҳатто тандирда янги ёпилган ноннинг қайноқ тафти аро ёнган гузапоя иси, қуйган бугдой хидидан ҳам беҳабарсан. Шуларнинг бари юрт

деган ғоят улкан бир неъматнинг жилвалариг эканлини ҳам билмайсан.

– “Вики”, юрт нима?

– Турли тилларда турлича маъно англатади. Қайси тилдагисини айтай?

– Ўзбекчасини айтаюқ.

– Луғатимда унинг ўзбекча маъноси топилмади. Узр сурайман.

Кулимсирайман. Ҳозир “Вики”дан “Ўзбекчилик нима” деб сурасам ҳам жавоб беролмаслиги аннқ. Қарангки, инсоният эришган барча фан ютуқларини ўзида жамлаган мега-интеллект инсонни инсон айлаб турган қанча нарсалардан беҳабар, уларни изоҳлашга ожиз.

– “Вики”, ота ким?

– Бир қанча турлари бор. Генетик, биологик, ижтимоий... Қайси бири?

– Генетик ота – бир фарзандни пуштикамаридан бунёд этган кишидир. Нобиологик ота турлари бир қанча, масалан, ижтимоий ота – ота вазифасини бажарувчи бошқа шахс, тутинган ота... Замонавий дунёда фарзанд отани ўз ихтиёри билан танлай олмайди. Шу сабабли, агар ота уни қониқтирмаса, ҳуқуқларига тажовуз қилинмаслиги учун воз кечиши ҳам мумкин.

– Шунақами? Бошқа маънолари йуқми?

Бизнинг тилда “генетик ота” деган суз йуқ. Урнинг “Қиблагох” ишлатилади. “Кузимнинг нури”, “пуштипаноҳим” деган сузлар ҳам бор.

– Вики, қиблагох нима?

– Замонавий тилда қомпас дейилади. Икки қутбни курсатиб турадиган. Ернинг табиий магнит майдони асосида ишлайдиган асбоб.

Ҳа, бироқ ота – умрини болаларига, ота-онасига фидо қилиб юборадиган, оилам-рузгорим дея ўзини утга-чўққа урадиган, шу фароғат масканини ҳар турли хатарлардан асрайдиган бениҳоя улўғ зот. Отага тик боқилмайди, гап қайтариб бўлмади, унинг хурматини

бажо келтирган угил эл-юртда ҳам иззат-эҳтиромга сазовор булади.

– “Вики”, она ким?

– Социал типлардан бири. Биологик, суррогат, генетик, ижтимоий турлари бор. Изоҳларга утайми?

– Йук, утмай қўякол.

Онанинг нақадар муқаддаслигини, жаннат у зотнинг оёқлари остида эканини муштдайлигимдан бери биламан.

Ака-ука, опа-сингил, яқин қариндош, ёр, фарзанд ҳақида сурамай қўяқолдим. “Вики” деганлари ҳозир бирор бўлмағур тахминини айтиб юбориши ҳам ҳеч гапмас...

\*\*\*

Ота маконимга, она уйимга етиб борганимда шом куна бошлаган эди. Бизнинг юртларга яқинлашаверсангиз, энг аввало тилпа-тик тераклар кузга ташланади. Ғуж мевали дарахт шохлари девордан куча тарафга осилиб тушган. Дарвозалар очик, сувлар сепилган, пиёздоғ иси анқиган маҳал.

– “Вики”, мана, етиб ҳам келдик.

– Хурсандман.

– Эртага ҳаво қанақа бўлишини айтиб юбор.

– Эртага ҳаво очик булади. Шарқдан сонияда етти метр тезликда шамол эсади, ҳаво намлиги уттиз саккиз фоиз, ҳарорат уттиз олти даражагача кутарилади...

Уйда бутун бошли бир халқ тулланибди. “Акам сафардан қайтпти” деб сингилларим жиянларимни етаклаб етиб келишибди. Ҳаммаёқ бола-чаканинг кий-чувига тулган.

– Навигация тизимининг маълумоти: белгиланган манзилингизга етиб келдингиз. Бошқа маълумотларга зарурат борми?

– Йук, Вики, керакмас...



Уйнаб юрган жиянларим “Вики”нинг сасини эшитиб, кизикиб қарашади. Ҳамма билан бир-бир қўришаман. Аввал катталар, кейин кичикроқлар билан. Болақайлар ўзларига навбат етишини кутиб одоб саклаб туришибди. Навбат уларга етгач, сўрашади:

– Анови кимнинг овози, тоға?

– У-ми? Мега-интеллект деган ўйинчок, болам. Кейинги гал сафарга борсам, кичкина компьютер олиб келаман, ўшанга ўрнатиб берсам, ўқишингда фойдаси тегади.

– Гапирар экан-ку? – деб хайрон булади жияним.

– Ҳа, бир нечта тилда сўзлаша олади, – дейман сочини тузғитиб. – Жуда қўп нарсаларни билади.

– Ҳамма нарсани-я?

– Ҳамма нарсани, болам, – дейману ичимдан утган уйларимни айтмайман.

Айтиб нимаям қилдим, вақт-соати келганида ўзи билиб олар деб уйлайман...

2015

## ҚИШ ЭРТАҚЛАРИ

Қор тушдан кейин ёға бошлади. Теваракни турли сасларга тўлдириб, муз қотган кесакларни, шудгорларни, уйкудаги дарахтларни, уйларнинг томларини секин-аста қоплайверди. Зарралари қаттиқ, майда эди, шу сабабли ҳар ерда ҳар хил товуш чиқарди. Тункариб қўйилган тоғора устида тикирлаган сасларни, утинлару сариқ макка боғларида заифрок шитирларни ҳосил қилди, оқаятган сувнинг шилдираши эса эшитилмай қолди, буям қорнинг иши эди. Ёға-ёға, арик сувини ярим муз, ярим суюқ бир нимага айлантириб қўйди. Теварак сукунатга чулғанаверди. У ёқимли ва қор қаби мусаффо эди.

Кечгача шундай ёққач, шомга бориб тинди, кейин осмон очилиб, олис юлдузлар живирлади. Совуқ ердаги қорни ҳам музлатиб қўйди, боягина қадам товушларини ютиб юборган бўлса, энди оёқ остида ғичирлаган овоз чиқара бошлади.

Бунақа аёзда иш бўлармиди? Одамлар иссик уйларга кириб кетишди. Меҳмонхонаси қаттарок бирор хонадонга қўни-қўшнилари тўпланишиб, ҳар хил гаплардан гаплашиб ўтиришни хуш кўришарди. Хотинлару қатта ёшлилар алоҳида, болалару мўйлови энди сабза урганлар алоҳида тўпланишди. Ёшлар чўғдан қолган қулга тухум, шолғом кўмишди, чўп билан чўғларни тортиб-тортиб, чирсиллашларига қулок солиб ўтиришди. Бу орада чирок ҳам ўчиб қолди. Уйларга шам ёқилди, шами йўқлар эса пиёлага озгина ёғ қуйиб, пилик ботириб қўлбола шам ясашди. Энди ташқаридаги қор оппоқлиги хиёл кўринар, осмон янада тозаланган ва олислашган, теварак аёзнинг тоза уйқусига чўмган эди.

Хотинларнинг гапи кизик булармиди? Улар тупланган уйдан бараварига чуғурлашлар эшитилар, ёши улуғлар даврасидан гоҳо кулги товуши келар, болалар ва йиғитчалар давраси ҳаммасидан кизикрок эди.

Ёш болаларни оғзига каратиб ўтиришни яхши кўрадиган икки бекорчи ҳафсала билан тунка ёриб, учокка ут қалашди. Купчиликнинг шавқи булакча-да: учкунлаб турган қор совуғи сезилмай қолди, тунка ёриш деган машаккатли юмуш завқли ишга айланди “Қуёв булганинда тунка ёрдиришади” деган кистовлар билан ёш-яланг ҳам қулига болта олиб урниб кўришди. Бу – ўтган йилги шамолда илдизидан купорилган улкан урик тункаси бўлиб, қалин жигарранг жигарранг пўстлоғи остидан хиёл сарғиш-оқиш яланғоч танаси кўришиб қолган, болта шиддатидан булаклари ҳув нарига учиб, қорга тушарди. У пайраҳаларни туплаб ўтга солишса қор эриб, ажойиб чирсиллади. Урик ўтини устига тут қаллақларини ҳам қалашди. Ниҳоят, палаҳса-палаҳса лангиллаб турган чуғ тайёр булғач, оёқни иссиқ сандалга тикиб олиб, турли ваҳимаю кўркинчлардан хикоя қилиш вақти ҳам келди. Ҳар қишлоқнинг ўз ваҳималари бўлади. Рузғорию бола-чақаси бор, лекин кичкиналар олдида ҳар хил булар-булмас воқеаларни айтиб ўтирадиган, гапларига унча-мунча ёлгон ҳам аралаштирадиган давангирдай икки йиғит сандал турига ёнбошлаб олишди, куйирокка турли ёшдаги олақурок болақайлар тупланишди.

– Қани, нимани айтиб берай? – деб суради Раззоқвой деган ёши каттароғи.

– Дунгтепадаги воқеани, – дейишди болалар. – Уша воқеа ростдан ҳам бўлганмиди?

– Булган, – деди Раззоқвой, ишонч билан. – Ўз кўзим билан кўрганман. Кўрганимда сендай эдим.

Кейин марок билан хикоясини бошлади.

\* \* \*

Тунов пили далада коронги тушгунча қолиб кетдим. Отамнинг жаҳли тез, эртага қойиб юрмаслиги учун чопикни тугатиб, мол-қолга ўт ғарамлаб қўйганимдан кейин йўлга чиқдим.

Осмонда қаттақон ой сузар, ҳаммаёк сутдай ойдин. Ёлғизоёк йўлдан кетяпман денг.

Ярим йўлга етганимда узоқда олов қуринди. Йўл устида кечаси қимлар ўт ёқиб ўтирган экан, деб ўйладим. Яқинлашганим сайин алангаси қичрая борди. Эсимга ҳар хил воқеалар ҳам келарди. Келгани сайин қўрмаман, юрагимга таҳлика тушади. Тезроқ юриб ўйга етиб олсам деб ўйлайман.

Булмаса ойдин кеча, ҳаммаёк қуриниб турибди, гурқираб қовун иси қеляпти. Чап томон поллиз, қишлоқнинг бир-икки бекорчаси унда-бунда қолиб кетганидан ўғирлагани чиққанмикин, деган ўйга ҳам боряпман.

Яқинлашганимда қарасам, олов йўл устида эмас, зовурни у ёғида, дала четида экан. Ора унча узоқмас, ёнида икки қишлоқнинг қорасиям қўринадди. Ҳайқилшим сал кетиб, узимизни одамлармикин деб ўтаётсам, бири:

– Ҳой, Раззоқвой? Нима қилиб юрибсиз? – деб қолди.

Овоз таниш туюлди. Қарасам, Қенжа бува экан. Қўлида чилдирмасиям бор.

– Шу, чопикда кеч қолкетувдим, мол-қолга ўт ҳам ғарамлаб қеляпман, – дедим. – Сизлар нима қиляпсизлар?

– Ҳозир Бадриддин билан Садриддин келади, поллиз қоровулини қалғитиб қовун ўғирламоқчимиз, – деди у. – Юринг, биз билан. Тўхтасин акани қовунлари жуда бошқача-да.

Чилдирмага қараганимни сезиб, қолди:

– Қоровул сезиб қолса, шу билан қалғитаман-да. Мен чилдирма қалиб ўйнайвераман, Нуриддин, Бадриддин билан Садриддин секин поллиз оралаб қовун узаверишадди.

Кейин чилдирмани чертиб, чалгитувчи ашуласини хам айтиб берди:

Нуриддин. Садриддин. Бадриддин.  
У ёкка, уёккаларидин!  
Садриддин, Бадриддин, Нуриддин.  
Бу ёкка-бу ёккаларидин...

Шундай деб, яйраб кулди.

Кенжа бува кўпинча пешанаси тирнишиб, норози бўлиб юрадиган сержахл киши эмасмиди? Қара-я, яхши одам экан-ку, билмас эканман, деб ҳам уйлайман.

– Йук, раҳмат, борақолай, – дейману шеригига разм соламан. Бир қарасам кимгадир ухшайди, яна бир қарасам, етти ёт бегона, менга қараб илжайиб турибди.

– Майли, ўзингиз биласиз. Бувангизга салом айтиб кўйинг, – деди у бирданига кўзларини бакрайтириб. – Айтмоқчи, бу ишни биров билмасин-а, хўпми?

– Хўп-хўп, – дедиму шошиб йўлимга кетавердим.

Кетялману кузимнинг олдида бакрайгани қолди. Кўзини очи, ўртасидаги қорачиғида ой нурини ўйнаши хаёлимдан сира кетмайди. Юрагимни ваҳм босадию аммо “ўзимизни Кенжа бува-ку, нимага қўрқаман” дейман.

...Болалар ҳикояни анграйиб эшитишарди. Кичикроғи акасининг пинжига тикилиб олди. Ҳикоячи атай жим қолди.

– Кейин-чи ?

– Қишлоққа кириб бордим, – давом этди у. – Қарасам, унчалик кеч бўлмапти, гузарда икки-уч киши гаплашиб туришибди. Хаёлимдаги ваҳима ариди. Кимлар экан деб разм солсам, биласизми, ким?

– Ким экан?

– Кенжа буванинг худди узи! – деб кўзларини ола-қула қилди сузловчи.

“Вуй-й” деб юборди кичкина болакай кўрққанидан. Сузловчи бундан мамнун бўлиб, давом этди:

– “Ие-ие” дейману кўзим олайиб кетганини билиб турибман. Назаримда, тилим ҳам оғзимдан чикиб осилиб қолгандай.

– Ҳа, Раззоқвой? – деди Кенжа бува, ковогини уйиб.

– Сиз далада эмасмидингиз?

– Далада нима бор, хуфтон маҳали?

– Тухтасин акани ковуларидан уғирлагани бормаганмидингиз?

– Ҳой бола, эсинг жойидами? – деди Кенжа бува, удағайлаб. – Кап-катта одамга шунака дегани уялмайсанми?

Ҳақиқатан ҳам эсим оғиб қолгандай туюларди. Воқеани узига айтиб берай десам, Раззоқвой ажина кўрибди деган гап чикиб кетишидан хайкаман. Кейин келиб, шеригимга айтдим.

– Ростданам ажина эканми? – суради уртанча бола.

– Нақ узи экан, – деди сузловчи. – Эртасига уч-тўрт киши бўлиб уша жойга бордик. Қўлимга узун таёк олволганман. Қарасак, итлар уйнаб пайхон қилгандай излар турибди. На тутатки бор, на ёнган утин қолдиғи... Ҳеч нима йук. Ушандан кейин кечаси юрмай кўйдим.

– Дунгтепани қаерида у жой? – деб суради уртанчарок бошка болакай.

– Айтмайман, – деди йигит. – Айтсам, кўриб юрасизлар. Бу воқеага анча бўлди, кейин унака жодуни биров кўрмади.

Болакайларнинг кузлари катта-катта очилиб кетган, тийиксиз тасаввур аллақачон тунги бепоён далани осмонига қадар айланиб чиққан эди.

– Ҳа, туғри, – деди ёнидаги шериги ишонч билан. – Ажина бировнинг киефасига кириб олади.

– Кириб олганидан нима фойда? – деб суради уртанча.

– Э, фойдаси жуда катта, – дедию у ёғига нима дери ни билмай жим қолди, кейин эса: – Катта булсанг билиб оласан, хозир унақа гапларни айтганим билан тушунмайсан, – деб қўйди.

Сандал ичидан қарсиллаган овоз чиқди.

– Чуғ отилди, – деб қўйди йиғит. – Тут шохини ичига хаво йиғилиб қолади, ут ёниб-ёниб, уша жойга етганида шунақа қарсиллайди. Назаримда жуда кеч бупкетгандай, – деб урнидан туриб ташқарига назар солди. Бу уй деразаси дала-даштга қараган, хайҳотдай кенгликлар оқаринкираб қуринарди. Кукка ой кутарилиб хаволаб кетган, совукда у ҳам тунгиб қолгандай туюларди.

– Э, бор-йўғи саккиз бупти-ю? – деди ортига қайтиб. – Соат бешда қоронғи тушгач, саккиздаям ярим кеча бупқолгандай туюлади. Қиш кечалари узун, утираверасан-утираверасан, сира тонг отмайди.

– Дев-чи? – деб суради каттароғи.

– Йул ёқасидагимми? – деб суради Раззоқвой. – Уни уч киши қурган. Кейин бировга учрамаган.

– Балки, кетиб қолгандир?

– Қайга кетади?

– Ким билсин, бошка жойларга-да.

– Девлар одамларсиз яшай олмайди, – деди йиғит. – Ўзинг уйлаб қур-чи, ут ёқишни, овқат пишришни билмаса, экин-тикидан хабари булмаса, устида қийини йук, ҳукизга ухшаган бир нарса булса? Одамлардан фойдаланиб яшайдиган жонзот у.

Бу воқеани эшитганимда мен ҳам сизлардай эдим. Аммо уни менга айтиб берган одам ҳам ёшлигида эшитган экан. Агар билсангиз, девлар уч турли булади. Эркагини жин, аёлини пари дейдилар. Яна бир тури бор, у эркак ҳам, аёл ҳам эмас, жуда кучли булгани учун ифрит деб атайдилар.

Йул ёқасига келиб урнашиб олган дев ифрит тоифасидан экан.

Мамаюсуф акани биласизлар-а? Уни биринчи бўлиб Мамаюсуф акани отаси курган экан.

Айтишаднки, Мамаюсуф акани отаси жуда баджахл, гапга кирмайдиган, умрида бировга яхши гапирмаган, хаммани сукиб-койиб юрадиган тунг киши булган экан.

Нима булади-ю уша куни Мамаюсуф аканинг отаси уз энаси билан уришиб колибди. Кампир хафа бўлиб карғаса, буралаб сукиб беради. Кейин сув очгани тепа арикка караб кетади.

У махаллар катта арик кишлоқдан анча узоқда, хозирги чакалакзордан ҳам тепарокда булган экан. Сув кахат, биров бировга ёмонлик киламан деса сувини тусиб қуядиган замон. Сув булмаса экин-тикин битармиди? Агар биронтаси бекитиб олган булса, аччиғимни ушанга сочаман деб бораверибди, караса, сувни ростдан ҳам биров бойлаб олган экан.

Очиб қайтаётса, ёнига бир нима шитоб билан келиб тушибди. Ҳайрон бўлиб караса, олмадай келадиган тош эмиш.

Яна бир оз юрса, дупиллаб тагин бир нима тушибди. Бу сафаргиси хандалакдай келадиган кесак экан.

“Тавба, буни ким отяпти” деб олдинга караса, йул ёкасида бир нима турганмиш.

Бошининг тепасида кора қуюн ҳам айланиб турармиш. Ёз кунларида шамол йуллар устида ўрама хосил қилганини кургансизлар-а? Ана ушанака қуюнмиш.

Мамаюсуф аканинг отасининг тили калимага келмай колибди. Ҳалиги шарпа булса тинмай гулдирармиш, бир нимадан жуда ёмон жахли чиккан, кулига кесакми-тошми олиб Мамаюсуф акани отасига караб тинмай отармиш.

Мамаюсуф акани отаси оркасига карамай кочибди. Қоча-қоча бир жойга етганида караса, халиги нарса бахайбатлашиб, осмоннинг ярмини тусиб қуйганмиш. Булутлардан пастрокда иккита ёввойи урдак учиб кетаётган экан, ушани тутиб, оғзинга тикаётганмиш.



“Угил булмаи ул” дермиш. “Мен-ку бир девман, мннг йилдан бери ҳалням энамни хизматини қиламан. Сен бадбахтни мана шу урдакка ухлатиб еворайми?” дермиш гумбурлаб.

Мамаюсуф акани отаси хушидан кетиб қолибди. Эртасига одамлар уни йул ёқасидан топиб олишибди. Ёнида анча кесаклар йиғилиб қолганмиш. Сал нарида боши йук урдак ҳам ётганмиш...

Ҳамма нафасини ичига ютиб ҳикоянинг давомини кутар эди.

– Бу гап уша маҳалларда роса овоза бўлган экан, – деди Раззоқвой. – Одамлар бири олиб-бири қуйиб дуо уқиб, болта-кетмон кутариб уша жойга борнса, девдан асар ҳам йукмиш. Шу билан тинчиб кетди дейишса, нариги қишлоқдаги Долим деган кишига икки оёқли баҳайбат ҳукиз бўлиб қуринибди, балки у одам ҳукизтабиат бўлса бордир. Абар деган угрига эса эшак бўлиб қуринган. Шу-шу, девни биров кўрмабди. Эҳ-хе, ундан кейин уч авлод алмашиб кетди, сизлар туртинчи авлодсизлар, – деди Раззоқвой. – Унақа одамлар ҳозир қолмади ҳисоб.

– Девлар нима ёйишади? – деб суради кичкина.

– Одам еса керак, – деди унис.

– Ҳар қуни еяверса, одам қолармиди? – деди йиғит. Кейин анча уйланиб турди-да, жавоб тополмай, “Ҳар хил қушлару хайвонларни тутиб, ёб юради” деб қўйди.

– Уйи буладими?

– Бўлмасинми? – деди йиғит. – Ерни қавлаб, юмронқозикни уйига ўхшатиб уй ясайди. Қуни билан уша жойда ухлайди, кечаси далага чиқади.

Кичкинанинг қўзлари катта-катта очилиб қолганини кўриб юмшатиб ҳам қўйди:

– Аммо одамлар қуп жойга қелолмайди. Кечаси ёлғиз юрган кишиларни тутиб олади. Сенга отанг қиёлага қаратиб чоптирма деб айтмаганми?

– Айтган.

– Қиблага қаратиб чоптирганларни биринчи булиб опкетади.

– Нимага?

– Гуноҳ булади, – деди йигит. – Кейин, чоптирганда четта чиқасан-ку, тугрими? Ушанда секин келади-да, шартта тутиб олади.

– Ажина, дев каби махлуклар кишлоқ атрофида яшашиди, – деб давом этди у. – Эҳ-хе, бунақа воқеалар роса кўп. Яна айтсам буларди-ю, аммо уйқум кепқолди-да.

– Йўқ, айтинг, – дейишди болалар.

– Майли, – деди йигит. – Фақат шартим бор: бостирмадаги утинларин эртага кундузи молхонага ташиб берсангиз, кейин айтаман.

– Хўп-хўп, ташиб берамиз, – дейишди болалар.

Йигит мамнун булиб:

– Унда сизларга Сами буванинг бошидан ўтган бир воқеани айтиб бераман, – деб, хикоясини бошлади.



Уша йилиям оппок қор ёққан экан. Ҳозирги қорларинг нима бўпти, у қорлар шунақа калли эдики, томга чиқиб қор қурадинг. Томдан қор уюмига сакрасанг, белинггача ботиб кетардинг.

Дала-даштда дайди итлар изғиб юришарди. Қишда гала булиб тулланиб, узларига тудабоши сайлаб олишади. Гоҳо тўп-тўп булиб увиллашлариям эшитилиб қолади. Итлар очкашганида осмондаги ойни нон деб уйлашади, ушанга қараб увиллашади дейишади.

У маҳаллардаям шунақа гурунглари буларди. Катта қозонларда шурвалар қайнаб, ошлар пишар, одамлар то узок кечгача ёнбошлаб олиб, кўк чой ичиб ҳар хил нарсалардан гаплашиб утиришарди. Чирок сира йўқ эди, аммо одамларда қўй-қўзи кўпроқ бўлганми, ишжилиб, ёғини эритиб жинчирок ясашар, ёнганда қўй иси келарди.

Ушандай тунлардан бирида Боймахаллада Сами буванинг дусту туй килади. Сами бува хишиларга узрини айтиб, туйга йул олади. Йул эса чакалакдан утар экан.

Бува коронгида бирор палакат йуликмасин деб калима кайтара-кайтара чакалакдан утаверса:

– Сами бува, сизмисиз? – деган овоз келибди.

Караса, йул устида ёшгина келинчак турганмиш

Сами бува шахди баланд киши эди. Худо рахмат килсин, хеч нимадан тап тортмасди.

– Ҳа, кизим? – депти. – Кечаси нима килиб юрибсан?

– Боймахаллада туй буляпти, ушанга кетяпман, – депти келинчак.

– Шу бемахалда-я? Кимни келинисан?

– Нариги махалладаги Сулаймон бувани, – депти келинчак.

Ҳарчанд пешанасини тириштириб уйласаям, Сулаймон бува туй килиб келин олганини эслолмасмиш. “Ҳай, мен беҳабар колгандирман-да, бупти, изимдан келавер”, деб йул бошлабди.

Ортида келинчакнинг шип-шип кадам товуши эшитилаётганмиш. Кеч бупкетди, туй эгаси маломат килмаса булди дермиш.

Юриб-юриб, бир махал караса, туй қолиб сой буйига келиб қолибди. “Оббо, нима булиб йулдан адашдим?” деб хуноби чикиб ортига угирилса, келинчак жилмайиб турганмиш.

Шунака бир жувонмиш-да, калин шол румол ураган, кузлари юлдуздай чакнаган, кулида дастурхониям бор, карармиш-жилмаярмиш, карармиш-жилмаярмиш.

“Мунча куйдирган калладай илжаяди?” деб уйлабди Сами бува, кейин тунгиллаб:

– Бошка жойга келиб қолибмиз чамаси, мана бу ёкдан юракол, кизим, – деб яна йул бошлабди.

Яна чакалакдан, ариқдан утишибди, канақадир дарахтзор оралаб анча юриб, бир махал караса, тагин сой

буйидан чикиб қолишибди. Уша-уша, боягина келган ерлари эмиш.

Сами бува пешанаси тиришиб, ҳар канча уйласаям сабабини тополмай, яна ортига қайтишга аҳд қилибди. келинчак ҳам ҳар замонда унга илжайиб, эргашиб келмокда эмиш. “Сулаймон бува ғирт аҳмок экан, ёш келинниям тунда ёлғиз жунатадимми?” деб ҳам уйлармиш.

Яна анча юришгач, йул унмаётганини сезиб тўхтабди. Теварагига разм солса, яна уша чакалакка ўхшаб кетадиган жойга келиб қолишибди. Узоқдан туй шовқини, кушик садоси элас-элас эшитилаётганмиш. “Туй ҳам роса кизиди-да” деб афсусланибди.

Шунда оркасида ғалати шарпа эшитилибди.

Шабада эсиб, барглар шитир-шитир қилаётган экан. Сунг теварак жим бўлиб қолибди. Туй садосиям тингандай бўлибди. Сами бува қулоқ солса, биронта овоз келмас эмиш.

Кейин “Келинчак нима қияптийкин?” деб, секин ортига ўгирилса...

Сузловчи жим қолди. Ҳамма тек, шам алангаси заиф липиллар, болаларнинг нафас олишлари эшитилиб турарди.

– Воҳ! – деб бирданига қўлларини болалар томонга кескин чузган эди, болалар қўрққанларидан беихтиёр бақириб юборишди. Кейин каттароклар кулишди, ҳаммадан кура купрок қўрққан кичкина эса музтар бўлиб, бетлари кизариб ерга қараб олса-да, қулоғи динг, хикоянинг давомини кутарди.

– Қараса, келинчак йук, урнида каттакон эчки турганмиш, – деди йитиг. – Самиз бувага қараб соқолни селкиллашиб тиржаярмиш.

– Кейин-чи?

– Сами буванинг эсига пичоғи келибди-ю шартта кинидан чиқарибди. У дам солиб ясалган пичок эканда. Билсангиз, Миржон бува пичок ясаганида, болгани ҳар урганида дам солади. Чиқарса, эчки бирданига

гойиб бўлиб қолибди. Ажина пичокдан, калампирдан кўркади, биллиб қўйинглар. Хуллас, эси ўзига келиб қараса, турган жойи кишлокдан анча узоқдаги эски мазор, бу ёқда тонг бузариб келаётган эмиш.

– Мана шу воқеа ростдан ҳам бўлган, – деди хикоячи. – Сами бува анча пайт касал бўлиб ётиб қолди. Оқсоқоллар келиб дам солишди, бир-икки ойдан кейин ўзига келиб кўчага чиқди. Ушан-чун ҳам кечаси бемахалда ёлғиз юрманглар дейишади-да. Шом қўндими, дарров уйингга келасан. Булмаса ҳар турли нарсаларга дуч келиб, оғиз-бурнинг кийшайиб қолади. Ҳа, мана шунақа ишлар ҳам бўлган... – деди у.

\*\*\*

– Ҳув халқ, ош пишди-и! – деган йўгон, дўриллаган овоз келди ташқаридан. Болалар бундан норози бўлиб, шундай кизик хикоя узилиб қолганига афсусланиб ташқарига чиқишди. Қарашса, баъзилари ерга кўмилган, баъзилари эски-туски тушаклар билан ураб қўйилган анжирлар ёнида қурилган катта ўчоқ қошида баковул узун ёғоч дастали қалғири билан паловни бузаётган экан. Буркираб буғ кутарилиб турган қозон ичидаги хил-хил пишган гуштларни икки тишли чангаги билан санчиб олиб, тоғорага солаверди. Ҳаби деган углига “Гуштни майдала” деб, ўзи паловни аралаштира бошлади. Қор ошнинг сарик-қизғиш гуручларига ҳам тушарди. Салдан кейин болалар қатор бўлиб тизилди. Ҳаби ҳар товоққа гуштлардан солаверди, товоқдаги ошларни ичкарига ташийверишди. “Ош зур бўлти-да” деб қўйишарди катталарга тақлид қилиб, тилларини “чук-чук”латиб. “Охиригача еб олинглар, булмаса Абдурахмон бувангиз ош ошатади” деди баковул дўриллаб. Абдурахмон бувангиз гавдаси ҳам, қафти ҳам катта, қолган ошни ошатса оғзингизу лунжингиз тўлиб, нафас ололмай қоласиз. Хуллас, иштаҳа билан ош ейилди, танага иссиқ ўтди, пешаналар терчиради, яна

аччик чойлар дамланди. То товоқлар йиғиб олингунча хикоя тўхтаб турди. Шундан кейин дастёрларнинг иши битди, сандал атрофига тупланишди.

\* \* \*

– Ош жуда ажойиб буптими? – деди Раззоқвой, тин олиб. – Ичимни қиздириб юборяпти ёғлари. Ҳой бола, узимизгаям чой дамлаб келмайсанми?

– Хуп булади, – деди бола.

– Манга кара, чойнакни чуг устига қуйиб, яхшилаб дам едир, – деди сузловчи. – Булмаса пишмайди, хом бўлиб қолади.

– Хуп, – деди бола.

– Сен келгунча мен айтмай тураман, – деди сузловчи.

– Раззоқ тоға, шу воқеалар ростдан ҳам бўлганми?

– Булганда қандоқ? Қап-қатта кишилар ёлгон айтишсинми? – деди Раззоқвой, болишни ёнбошига тортиб. – Факат, мен сенга айтсам, шунақа ваҳималар факат узимизда булар экан. Масалан, узок элларда учрамас экан.

– Нимага? – ақли етмай суради болақай.

– Билмасам, – деди Раззоқвой. – Урмондаги воқеани айтиб берганмидим?

– Айтинг, айтинг, – дейишди болақайлар.

– Мен ун саккиз ёшимда Сибирга ҳарбий хизматга кетганман, – деди Раззоқвой. – Сибирни биласизларми?

– Йук, – дейишди болалар.

– У ёқларда киш тўққиз ой бўлади. Пойизда икки ҳафтада етиб борасан, – дебди Раззоқвой. – Охири йук урмонларда, “жулдурбат” деган қисмда хизмат қилганман.

Ҳарбий қисмнинг номини эшитиб, болалар яна қулишди.

– Аслида “Желдорбат”, – деди Раззоқвой. – Тилимиз келишмагани учун “жулдурбат” дер эдик-да.

Киноларда танкларни курганмисизлар? Аша уша танклар урмондаги дарахтларни синдириб утиб кетаверарди. Оркасидан бизлар бориб тозалаб, йул очардик. У ерга темирйул курилади, дейишарди.

Камандирим билан яхши эдим. Отам бу ёкдан майиш-туршак юборишини мендан ҳам купрок у кутарди-да. Майиз-туршакни олгач, менга уйнаб келгани рухсат берарди.

Урмонда қорағат, қузиқорин куп эди. Бир куни камандиримиз урисчалаб “Энди-и, Раззоқвой укам, би-ир қузиқоринли палов қилмаймизми?” деб қолди. “Хуп” деб қопчикни кутариб урмонга қараб кетдим.

– Қузиқорин урисчада нима дейиларкан? – деб суради қуврок бола.

– “Бараний живот” дер эканлар, – деди Раззоқвой. – Хуллас, юриб-юриб анча ичкарилаб кетибман Оркамга қайтаман деб бурилсам, йул устида бир махлук бақрайиб қараб турибди, денг!

Буйи мендан бир қулоч баланд, ҳаммаёғи жун, боши одаму узи айик!

У ёкка утсам у ёкка утади, бу ёкка утсам – бу ёкка.

Эхтиёт бўлиб секин карасам, даф қиладиганга шамайди. Менга қизқиб разм соляпти, бошимдан оёғимгача тикилади.

Сал тетиклашиб, йулдан қочарминки деб қузиқорин солинган халтамни отсам, халтани ердан олиб узимга қаратиб отди.

“Ия, – дейман. – Неки қилсам, барини қайтаряпти-ку?”

Қулимни кутарсам, уям қулини кутаради: Бурнимни ишқасам, уям бурнини ишқайди. Тупурсам, уям тупуради. Аммо йул бермайди, мен эса ўтиб кетгани қурқаман.

– Кейин-чи?

– Уйлаб-уйлаб, чунтагимда гугурт борлиги эсимга тушиб қолди, – деди Раззоқвой. – Гугуртни олиб, битта-

сини чакиб енгимга тутдиму унга иргитдим. Одам-айиқ илиб олиб, уям чакиб енгига тутган эди, лов этиб юнглари ёниб кетди. Мен эсам орқамга қарамай ура қочдим.

Болалар маза қилиб қулишди. Айниқса кичкинтой болақай одамсимон айикнинг ёниб кетганики, Раззоқвойнинг шумлигини кўз олдига келтириб, сира ўзини тутолмасдан кикирларди.

– Айиқ-одам ҳам буларқанми? – деди бояги катта-роғи, ишонқирамай.

– Булмасинми? – деди Раззоқвой, ишонч билан. – Уни қуявер, одам-балиқ ҳам бўлади. Ўз кўзим билан курганман

– Йўғ-э!

– Дунёдан хабаринг йўқ, юрипсан-да сен ҳам... Сув парисини айтяпман, аҳмоқ! Шуниям билмайсанми?

– Ҳа-а, уми? – дейишди болалар, худди ҳар кунни сув парисини қуриб юришгандай.

– Бупти, эшитинглар. Бизларнинг кесмимиздан анча пастда катта кул борийди, уша кулда сув париси яшайди, ярми балиқ, ярми одам дейишарди, – деб давом этди Раззоқвой. – Яна, супургига миниб учадиган алвастилариям бормиш. Сув парисини тутиб олса булармикин деб атай кул бўйига бориб, қармоқ ясаб ташлаб ҳам курганман.

– Қанақа қармоқ ясадингиз? – деб қизикди болалардан бири.

– Сенга ўхшаб дафтар варагини йиртиб, симини ипга бойлаб ясаганим йўқ, – деди Раззоқ. – Сув париси узворади-ку? Катта тур ясаб ташлаганман.

– Емиш ҳам осдингизми?

– Осдим, албатта. Булмаса чиқармиди?

– Нима осдингиз?

Раззоқвой сув париси қанақа емишга чиқишини ўйлаб курмаган экан, бир лаҳза жим қолди. Кейин бирданга илжайди:



– Нон осдим.

– Йуғ-э, нон ер эканми?

– Курту куш, хайвон еганда сув париси емасинми? – деди Раззоқвой, тахмини туғри булиб чикканидан шодланиб. – Нонни ҳамма ейди. Ит-мушук ҳам еяверадди-ку. Нон шунақа зур нарса-да.

Чой келди. Раззоқвой устига сочикни ёпиб қуйди-да, марок билан давом этди:

– Ярим кечаси кул томондан шовкин эшитиб уйғониб кетдим. Югуриб бориб турни тортсам, потирлаб ётибди. Ярми балиқ, ярми киз. Сочлари узун, кузлари мушукболани қузига ухшайди. Турдан чиколмай роса уринди, кейин йиглаб “Мени қуйвор, ярмим одам, ярмим балиқ булсам, нимаям килардинг мени?” деб ёлворди. Қачонки отимни айтсанг, эшитаману сени дуо килавераман, мушкулдинг осон булаверади, деди.

– Оти нима экан?

Раззоқвой уйланиб колди.

– Айтмайман, – деди кейин. – Айтсам, сизлар ҳам билиб оласизлар-да. Сочи сап-сарик, кузи кук эди. Ушандан бери бирор муаммо чикса отини айтаман, мушкулдим дарров хал булади.

– Опкелавермабсиз-да, – деди бояғи ёши каттароқ, куврок бола.

– Эх укам-а, – деди хурсиниб Раззоқвой. – Одам-хотинни бокиш осонмасу балиқ-хотинни канака бокаман? Ҳовузга ташлаб қуяманми? Меҳмон келса канака хизмат килади, канака қилиб ош-шурва пиширади? Хотинниям иши куп, курмаганмисизлар? Сахар туриб ҳовли супуради, хамир коради, бостирмадан гузалоя ташлайди, тандирга ут ёқади, молга ут уради... Сув париси килолармиди бу ишларни? Шуларни уйлаб қуйворганман-да. укалар. Булмаса, роса чиройли эди... – деди хурсиниб.

Болалар кулишди.

– Куркинчдиларидан яна айтнинг, – дейишди кейин.

– Энди, буям бир гап-да... – деди Раззоқвой, урнидан туриб ташкарига караб. – Ия, яна кор ёға бошлабди.

Ҳақиқатан ҳам кор дераза ойнасига урилиб тиқирлар, синган кўзига тутиб куйилган сувкоғозни шитирлатарди. Ой ёгдусида ташкарида емиш излаб юрган кучук кўзга ташланди, одам шарпасини сезиб, дир-дир титраб, сарғиш ёғду таралиб турган деразага караб чўнкайиб ўтириб олди.

– Бечора, совкотибди, – деди Раззоқвой. – Ҳой кичкина, чикаётганингда жиндай нон олиб, олдига ташлаб қуй, буптими?

– Хуп-хуп, айтинг, – дейишди болалар. Раззоқвой индамай чойдан хуплаб утиравергач, “кичкина” дастурхондаги нон булагини олиб, шоша-пиша ташкарига чиқиб кетди-да, салдан кейин қайтиб кирди.

– Ана, бердим, еб ҳам олди, думиниям роса дикиллатди, – деди сандалга, болалар орасига тикилиб. – Озиқчини айтинг.

– Айтсам айтавераман, менга барибир, кўнглим буш, – деб, Раззоқвой бош чайкади. – Лекин, катта булагингизда танимай ҳам кетарсиз?

– Йук-йук, нимага танимас эканмиз?

– Кичкиналигимизда Раззоқвой ака деган зур одам борийди дейсизларми?

– Айтамиз, айтамиз.

– Озиқчи нималигини айтсам, кечаси қўрқиб тушакни ҳул қилиб қуймайсизми? – деди Раззоқвой. – Энг қўрқинчлиси уша. Нимага “Озиқчи” дейишларини биласизларми? Озиқ тишлари оғзидан куракдай бўлиб чиқиб тургани учун шунака.

– Озиқ тиш жағда булади-ку, канақасига чиқиб турар экан?

– Ишқилиб, чиқиб турар экан-да, – жаклик чикди Раззоқвойнинг. – Ё айтмайми?

– Йук, айтинг. Бупти, ншондик.

– Хуллас, иккита озиқ тиши оғзининг икки тарафидан куракдай бўлиб чикиб турар экан. Бети кук, кузи ок, бўйи жуда паст, манов урвокнинг ярмича-ю, аммо елкалари кенг, қўллари бақувват, панжалари кингир-кийшик буларкан. Дунгларнинг оркасида, зовурларнинг пастида пойлаб утирар экан.

– Кимни?

– Сени-да! – деди Раззоқвой. – Кимни буларди, бе-маҳалда кишлоқдан чиққанларни пойлайди. Билсанг, қоронгида ҳар хил шунака нарсалар изғиб юришади.

– Кечаси шоқоллар изғишади-ку, озиқчига тегиш-майдими?

– Қайда? Уни сезгани захоти думини кишиб, кучук-боладай ангиллаб кочиб кетишади. Хуллас, дунгларнинг пастида кузларини олайтириб утиради. Униям ўз кўзим билан кўрганман.

– Қўрмаганмисиз? – дейишди болалар ҳавасланиб, Раззоқвой кўзларига енгилмас қаҳрамон бўлиб кўриниб.

– Нимасидан қўрмаман, – деди Раззоқвой бепарво. – “Оғзингга қалампир, оркангга пичок” десанг, қуркиб қочадиган нарса булади у.

Бир куни қўлга ўрдак тушармиш деб қолишди Унис-бунисига “Юринглар, ўрдак гўшти мазза булади, козуриб еб ётамиз” десам қунишмади. Унисига айтсам ҳам йўқ дейди, бунисига айтсам ҳам. Ахийри аччиғим чиқди. “Мана сенларга” деб битта узим кечаси қўлга қараб жунавордим.

– Газа нималигини биласизларми? – деб суради Раззоқвой.

– Биламиз, ўрдакни пойлаб ётадиган қапа, – дейишди болалар.

– Ҳа, билар экансизлар, – деди Раззоқвой, қонқиш хосил қилиб. – Газани жуда пастак қилиб қурасан. Устига қамиш босасан. Ўрдак роса ақлли булади, токи

газани кӯриб, дунг устида камиш бор экан деб уйласин. Ичи тор булгани учун эмаклаб кирволасану ётаверасан

Хуллас, ярим кечаси газага бордим. Ой сутдай ёруғ. Кеч куз, ҳаво совук. Узим тун устидан пустин ҳам кийиб олганман. Бир маҳал урдакларни чуғури эшитилди, кейин қарасам, юзтача урдак учиб келиб сувга тушди. Ғақиллаб сузиб юришибди.

– Сим ипни биласизлар-а? Сим ипга макка бойлаб, сувга отиб қўйдим. Узим пойлаб ётавердим. Бир маҳал иккита-учтаси ип олдинга яқинлашиб келди. Донни кӯриб чўкиди, кейин орқасига қайтиб кетмоқчи эди, ип ушлаб қолди. Ғақ-Ғақ килса, бошқалари емиш топди деб уйлаб гала бўлиб ёпиррилиб келишди. Қарасам, бари бирин-кетин донларни ютишяпти. Уттизтача уртак тушди симга. Ана энди тортаман деб турсам, бирданига урдаклар безовталаниб қолишди. Нарёқдагилари у ёкка қочишди, бу ёқдагилари бу ёкка. Кейин эса, тева-рак қорайиб қолди.

Нима бўлди деб шундай қарасам, олдимда Озиқчи турибди-ку! Бети кум-кук, оппок кузи ғилай экан. Оғзидан иккита тиши чикиб турибди.

Шамдай қотиб қолдим. Шошганимдан ҳалиги суз ҳам эсимга келмайди. Озиқчи эса кулга кулини чузиб гўлдир-гўлдир қилади. Билсам, қорни оч экан, “Мен ҳам урдак ейман” деб ялинаётган экан.

– Бердингизми?

– Берармидим? Озиқчиси тугул... – Разоквой ундан ҳам кўркинчлироқ бирон нимани айтгиси келиб, уйланиб қолдию, тополмасдан: – Озиқчиси тугул, қозикчиси келсаям бермайман! – деди. – Ипни тортаман десам, бир маҳал ҳаммаси бараварига канот қокниб ҳавога қутарилишди, аммо ип туфайли бир қизикка тизилиб қолишди. Учи қулимда эди, тортсам бари тушарди. Аммо Озиқчи турипти-ю? Шоша-пиша “Оғзингга қалампир, орқангга пичок” дедиму ура қочдим.

Шу югурганимча кишлок четидаги Сами буванниг уйига етиб келгач, оркамга карасам, хеч ким йук. Уша Озиқчини деб урдаксиз колганман...

– Озиқчи урдак ер эканми?

– Нима дуч келса еяверади, – деди Раззоқвой. – Итга ўхшаган махлук булади-да. Далада сичкону каламушларни ҳам тутиб ейди. Кейин корни туйганида бошка килар ишн колмай, одамларни пойлайди.

– Сиз Озиқчи деган жойига диккат килинг, – деди кейин. – У гапни тишга сира алоқаси йук. Оздириб кетгани учун Озиқчи дейишади. Йулдан озди деган гапни эшитгансиз-ку?

– Ҳа, эшитганмиз.

– Шунақа...

– Раззоқ тоға, – деди бояги каттарок бола. – Бу, кишлокдан чиксак, одамхурлару булар-булмас ҳар хил махлуклар изғиб юрар экан-да?

– Албатта, – деди Раззоқвой, ишонч билан. – Одамлар бекорга гапиришармиди? Ҳаммаси рост. Ҳали уз кўзинг билан кўрарсан, ушада биларсан.

\* \* \*

– Ҳозир одам кўлайиб, унақа зиён-захматлар камайиб колган, – деб давом этди хикоячи. – Бобо-буваларингиздан сурасангиз, айтиб беришади. Кишлокнинг тепаси тукай булган экан, уша овлоқларда килич кутарган киши юрганини айтишади. Кузи чуғдай ёнармиш, узн коп-кора эмиш. Яна, кечалари бемахалда ташқарига бир узингиз чиксангиз, дарахтлар орасидан биров отингизни айтиб чиқарса сира бориб юрманг. У кичкина сарик кизча булади. Олдига шам ёкиб, сочларини ёйиб утиради.

– Вуй-й... – деди эти сасканиб кичкина. Унинг аллақачон уйкуси кела бошлаган, кўзлари беихтиёр юмиллиб-юмиллиб кетар, аммо хикояга кизиккиб узини мажбурлаб утирарди.

– Уни ким курган?

– Эҳ-хе, курганлар куп, – деди Раззоқвой. – Фақат, тепа кишлокдаги Акрам бува дуосини укиб, китобини олиб қуйган дейишади.

– Ажинанинг китоби буларканми?

– Кичкина, тери муковали китобчаси булади, – деди Раззоқвой. – Акрам бува жасур киши эди. Дуосини укиб, сочидан тутиб олибди. Ажинна дуо уқилса ҳеч қаёққа кочолмайди. Худонинг зорини қилиб, “Қуйвор” деб роса ялингач, “Китобингни берсанг-бердинг, булмаса яна бир дуо укиб, қуйдириб юбораман” депти Акрам бува. Шунда ажина-киз қуйнидан китобчасини олиб берибди. Акрам бува ҳам “Етти пуштимга зиён еткзмайсан” деб ваъдасини олиб қуйворган экан. Сиз тенгилар ҳозир Акрам буванинг нечанчи... ха, учинчи пушти ҳисобланасиз. Яна тўрт авлодига ажина даф қилмайди!

– Даф қилса нима булади?

– Оғзи бурнини қийшайтириб кетади.

– Бундан ажинага нима фойда?

– Э, тушунмайсан деб айтдим-ку? – аччиғи чиқди Раззоқвойнинг. – Ҳадеб сўрайверасанми? Ташқарига чиқиб, даштга боргин-да, узидан сура!

Шу маҳал кичкинанинг боши шилқ этиб ёнидаги акасининг тиззасига тушди. У ухлаб қолган эди. Катта-роқлар кулиб юборишган эди, ташқаридан:

– Ҳой халқ, тур, фотиҳа буляпти! – деган садо келди.

Кичкинани акаси турта-турта уйғотгач, болалар кузғалиб, катта уйга кириб, қул қовуштириб тиззалаб утиришди.

Катталар кичикларнинг тутумига эътибор билан қараб туришган экан. Одобидан коникиб “Қани, дуо қилинг” дейишди.

Турдаги ёши улуг оқсоқол қулларини очиб, дуо қилди:

– Қани, овмин! Мана шу болалар соғ-омон улғайиб, бир этак бола-чакали бупкетаверишсин! Қолганларга-ям худо умр берсин. Ризки рузини баракали қилсин!

“Овмин” деб дуо қилди каттаю кичик.

Шу билан ҳамма қузғалди.

\*\*\*

Шу тарика кишлокнинг бир тунн ярим бўлди. Одамлар қор кечиб, уй-уйларига тарқала бошлашди.

Юлдузлар қуринмас, осмонни қор булутлари бир текисда қоплаб олган эди.

Оталарининг ёнида бораётган кичкиналар наздида шу булутлар оралаб супургини миниб учган алвастилар, ялмоғизлар, турли қуркинчли яратиклар ғимирлаб юришгандай туюларди.

Ҳа, тун ярим бўлди. Қиш кечаларида сандалда утириб роса гурунглашган, қупга деб пиширилган ошни еб қорни туйган кишилар уйларига тарқалишди.

Кимлардир уша меҳмонхонада ётиб ҳам қолишди. У маҳаллар одамларнинг бағри кенг, ҳамма бир-бирига жигару кадрдондай, аёзда йул юргиси келмаганлар сандалда ухлаб, тонгда туриб ишларига кетаверар ҳам эдилар.

Тонгда эса мурилардан қук тутун урлаб, одамлар юмушига уриниши турган гап. Аммо узун киш кечаларини ҳамма яхши қурарди, сабаби, гурунг-сухбатлар жуда марокли буларди-да.

...Йиллар утди

Уша кеча қилинган дуолар мустажоб бўлди: сандал атрофида кизикарли воқеаларни эшитиб утирган болақайларнинг бари қап-қатта йигитларга айланишди, уйланиб, бола-чакали бўлиб кетишди.

\*\*\*

...Сандал атрофидаги болалардан бири мен эдим.

У маҳалларнинг эртақсимон воқеалари хотирамга қаттиқ урнашиб қолибди. Вақти келиб ўзим ҳам улғай-

гач, шамол мушук булиб миёвлаб, кучук булиб хуради-  
ган ойсиз кечаларда кишлок кучаларидан утсам, шуу-  
римда бирданига уша ҳикоялар уйғонади.

Чакалакдаги келинчак, чилдирма чалувчи кишилар,  
одамсимон айиқлар, еру осмонни чулгаган туманлар,  
одамни ишонтирмайдиган турли воқеалар руй берган  
маконлар хаёлимга келади.

Ҳозир наинки чакалакзор, балки сой ҳам кичкина  
булиб қолган. У ердаги ҳар бутани, ҳар дарахтни ёддан  
биламан.

Нафақат илик-иссик кунларда, балки қишда ҳам  
олди очик тун кийиб, кук-яшил белбоғ бойлаган кадр-  
дон кишиларни, балки то хануз зехну шуурумда яшаб  
келаётган уша – кишлок атрофларини кезадиган, одам-  
лар яшайдиган маконлардан узокка кетолмайдиган,  
қурқинчилилик либосини ечиб, оддий, жимит, покиза қи-  
ёфаларга айланган хаёлий яратиклар хақидаги бир-би-  
ридан ваҳимали, аммо содда ҳикояларни эшитгим кела-  
ди. Ҳатто уша қурқинчи воқеаларнинг қаҳрамонлари  
олдимдан чиқиб қолишса, жилмайиб туриб, икки оғиз  
миннатдорчилигимни айтсам керак, деб уйлайман.

Яна, майда-чуйда болақайларни атрофига туплаб  
олиб, турли-туман воқеаларни гапириб утиришни яхши  
қурадиган Раззоқвой деган зур бир одам ҳам буларди...

Қиш кечаларида узундан-узок хаёлий воқеаларни  
айтиб беришни ёктирадиган у кишилар мен қабиларга  
бебаҳо бир хазина қолдириб кетишганига ҳам энди ақ-  
лим етади.

Қанака хазина дейсизми?

Сезмадингизми?

2014



## ТУМАН

*Иқбол Мирзодан*

Бу воқеага анча бўлган-да. У совуқлар утиб, ёмғирлар ерга сингиб, у қорлар эриб, урнида ям-яшил ўтлоқлар қухариб чиққан.

Уша қуни водийлару воҳаларни қуюқ туман босган эди. Сира тарқамас, булут каби ҳар ёқни бирдай энлаб олган, гоҳ қуюқлашиб, гоҳ сийраклашиб турадиган жонли бир нимага ухшарди.

Туман ҳамма ёқни намлаб ташлайди. Совуқда баттар дейдиратади. Теварак худди ёмғир ёқкандай булиб қолади. Утинлару ёғочларни, қолган-қутган шох-шаббаларни, айвонларда қолиб кетган тушагу шолчаларни ҳам жиққа ҳул қилади. Бунақа маҳалда чорвани очикда қолдириб бўлмайди дейдилар. Бостирма остида ҳам қолдириб бўлмайди, чунки туман – оқувчи бир нарса, бостирма остига булутдай оқиб қиради, тандир ичидаги қулларини намлайди, мол-ҳолнинг упкасини шамоллатади. Шу сабаб, бостирмада турган сигир-қуйлар устига гоҳо эски шолча ёки йиртик-сиртик тушак ташлаб қуйишади.

Уйда утин тугаган эди. Она болаларига:

– Болаларим, даштга чиқиб утин-чуп териб келмангиз бўлмайди, – деди.

Қишлоқ далалари тугаган жойдан бошланиб, қуз етмас уфқларга қадар ястаниб кетган биёбонни кишилар “дашт” дейишади. Пастак қайишқоқ буталар, ҳар ер-ҳар ерида дов-дарахт якхам-дуккам усган у яйдоқ худуд турли ёввойи жондорларнинг макони.

Қатта угил – бўйи чузилиб, анча эси қириб қолган йигит:

– Хуп, онажон, дарров туплаб келамиз, – деди.

Укаларига айтган эди, укалар ҳам бири болта, бири аркон олиб, қалнрок уст-бошларини кийиб тайёр булишди.

– Ғузупоя ёксак булмайдимиз? – деб суради урта буйли, кузларида ғайрати чакнаб турадиган кичкина ука.

Катта ака жавоб қилди.

– Ғузупоя дарров учади, кулини чуғиям қолмайди. Энг яхшиси – тут. Даштдаги қуриган тутлардан қаллақлаб келамиз.

Энг кенжаси, акалари сингари шиддатли эмас, куй кузлари уйчанрок болакай эса қулидаги бир бурда нонини оловга тутиб, учок олдида утирарди. Билсангиз, у маҳалларнинг учоклари уйларнинг ичида буларди. Учокда ёнаётган утга қулидаги нонини тутиб иситиб утиришни яхши қуларди шу бола.

Катта ака:

– Юр, сен ҳам эркак киши булиб утин кесиб келишини урган, – деди. Кейин онасига карата:

– Она, кичкинангизниям опкетақолайлик, кузи ургансин.

– Майли, – деди она. – Фақат утин қутартирмагин, хали ёш, чақилиб қолмасин тагин.

– Хуп, – деди катта ака.

Шу тариқа туртовлон, қаттасиннинг ва уртанчасиннинг қулида болта, кейингисининг қулида урам аркон, уйдан чиқиб даштга йул олишди.

Кенжатоё боягина иситиб утирган нон парчасини ҳам қуйнига солволди, “Очқасак, акаларим билан еймиз”, деб ўйлади.

Ҳа, булар турт углон эдилар. Ота дунёдан эрта утиб кетган, шу сабабли уй-рузғор ташвиши барвақт елкасига тушган уч паҳлавон ҳамда кичик ука. Кенжатоёнинг акаларига меҳру муҳаббати баланд, буни иситилган нонни қуйнига солволлишидан ҳам, “ҳаммамиз бирга еймиз” дейишидан ҳам билса буларди...

Қишлоқ йулидан бир оз юришгач, зовур устига қачонлардир қурилган омонат куприкдан утиб, ёбонга чиқишди.

Ёбонда туман янада қуюқ, оёқ остида рутубат колаган жонсиз ут-уланларнинг илвираган танаси кузга ташланар, чуқиртаклари қорайган, муз тупроғи не учундир оқаринқираган экин ерларининг бир қисми, гоҳо қай бир қушнинг бузилиб кетган ини ҳам қури-нарди.

Даштда туман янада қуюқлашди. Дунглари, кесаклари катта-катта зовур устида қуюқрок, йул устида эса сийракрок булиб сузарди. Туманда кадам товушлари эшитилмай қолар экан. Олдинма-кейин боришаверса, илгариде катта бир нима элас-элас қорайиб қурнаверди. Яқинлашиб қарашса, баҳайбат тол экан. Жикка ҳул шохларидан томчилар томчиламоқда.

– Шуни шохидан кесиб кетсак-чи? – деб суради кичкина ука.

– Тол мурт булади, тезда ёниб тугаб қолади, – деди катта ака, ковоғини солиб. – Оз қолди, яна пича юрсак, жарлик олдида қуриб қолган беш-олтита тут бор, ушани қаллақлаймиз.

– Янаям бораверсанг, дашт ичкарасида саксовуллар ҳам бор, – деди уртаңча ака. – Аммо жуда узокда-да, адашиб қолиш ҳеч гапмас. Кейин, у томонларда катта-катта эркемарлар изғиб юришадн.

– Чиябуриларни айтмайсанми? – деди катта ака, қушларини ола-қула қилиб. – Қишда оч қолиб ёмиш излаб санқишадн. Ёмиш тополмаса, очлиғидан осмонга қараб увиллаб, худодан ризқ сурашадн.

Кенжатай эса тевааракка ҳурқиб нигоҳ ташлаб борарди-ю “Нимага олдинроқдан гаплаб қуймадинг-а? Аммо утин кесиб келмасак ҳам булмайдн-да. Кечаси аёз кучайса, уй совиб кетадн, кейин ҳаммамиз қийналамиз”, деб уйларди.

Унинг назарида аёз ҳаракатланувчи, силжувчи бир нимадай туюлди. Йукса, кучайиб ёки заифлашиб қолиши нимадан? Киш қаттиқ келганида утларни қорайтириб илвиратади, очик маконларни билдирмай кезади, тиркишлардан уйларнинг ичига кириб, сабзавотларни музлатади. янада кучайса, урага кумилган сабзини ҳам яхлатиб қуяди. Қопдаги яримлаб қолган ун сескантирувчи булиб қолади. Ерда ётган барглар устини жуда юпка муз қоплайди, қулингизга олсангиз, буртик томирлари уз-узидан кирсиллаб синади. Кулмаклар тубигача музлайди, оқар сувнинг устини ҳам муз билан қоплаб, нақшлар чизиб қуяди.

Болақайнинг юзи, қўллари совқотарди. Намда аёз таъсири янада ортар экан. Арқонни бағрига босиб, қулини қўйнига тиккан эди, баттар музлатди. “Пахтали қўлқоп бўлсайди” деб ўйлади. Ақалар – тоғ келбағли, буйчан ақалар унга қарамай, тез-тез кадам ташлаб кетиб боришарди.

“Нимага ақалар шунақа булар экан. – деб ўйлади у, хануз арқонини кучиб улар ортидан чопаркан. – Кучли булишгани учунми? Катта ақамни аччиғи ёмон. Сира аямайди, суякларимни оғритиб-оғритиб уради. Шиддати, ғазабни тез-да. Мана, ҳозир ҳам қарагиси келмаяпти. Болтасини елкасига қўйиб бемалол кетяпти. Болта катта, уткир, оддий эмас – ойболта. У шох кесишга ярайди-ю тунка ёришга ярамайди. Тунка ёрганни ингичкароқ, аммо бақувват оддий болта керак булади”.

Бошқа маҳал бўлганида ақа қувватини кўз-қўзлаб, йул ёқасидаги бургану янтоқларни бир уришда кесиб ўтган буларди. Янтоқ остида қулдирғич деган ҳашарот яшайди. Туманда қандай жон сақлади экан? Болақай кизиксиниб, янтоқлардан бирининг олдига борди. Ини турибди, аммо ўзи йук. “Совуқда ўлиб қолган бўлса-я”, деб ўйлади. Ин остини қавлаб ҳам қурмоқчи эди, аммо бармоқлари баттар совқотинини ўйлаб фикридан қайтди. Яна ақаларининг ортидан югурди.

Ха, дала-гузда ҳар жонзот совуқдан ҳар турли сакланади. Юмронларнинг ини чуқур бўлади, курук хашаклардан опкириб солволади. Уша ерда киш тугашини кутиб мудрайди. Қушлар узокларга учиб кетишади. Чиябурилар, ёввойилашиб кетган кучуклар эса яйлоқларда изғиб юришади. Қишда одамлар эшакларини ҳайдаб юборишади, улар даштда ваҳшийларга ем бўлишади.

Кенжатоининг тасавурида заиф бир ҳайвонни таллашиб-тортишиб, этларини узиб-узиб ғажиятган катта кучуклар жонланди. Итлар бунақа маҳалда бировни яқинлаштиришмайди. Биров ёвух борса, панжаси билан ўлжасини босиб туриб, оғзида эти билан таҳдидли криллайди. Яқин келма, бу мени ўлжам деяётгандай бўлади.

Ана, дунёни босиб турган шу номаълумлик аро бир нима чўзиб-чўзиб увиллади.

– Ака, чиябурими?

– Бурининг нақ узи, – деб жавоб килди катта ака.

– Йўғ-э, қишда итлар ҳам шунақа увиллайди-ку?

– Ит бошқача увиллайди.

Кенжатоин энди акаларига етиб юргиси келарди. “Бекор аркон олибман, – деб афсусланди. – Ойболта олсайдим...” Аммо чиябури чикиб қолса, ойболта билан уришни тасаввур килолмади. Чунки, болта оғир. Уйда, айвондаги тушак катида буклама пичокчаси борийди, шунини олмаганида афсусланди.

– Тез-тез юраколинглар, эҳ-хе, хали қанча иш бор, – деди катта ака. – Қайтгунимизча қоронғи тушиб қолмасин.

Урам аркон намдан оғирлашиб, чувалашиб қолган эди. Болақай энгашиб, уни қайта ўрашга уринди. Бу – тарам-тарам урилган, пишиқ жун аркон эди. Урмоқлари орасига нам тупрок кириб, янада оғирлашиб қолди. Бир-икки уриниб кўрди-да, эплаёлмагач, акалардан бирига “Арқонимни қайтадан ўраб бер” демокчи бўлиб бош кўтарди-ю аланглаб қолди.

Чунки, акалар ғойиб бўлган эди!

Ҳар тараф оқиш туман, баъзи жойлари сийракроқ, баъзи жойлари қалин, паға-паға сузар, узгарар, орасида биров кўринмасди.

– Ие? – деб хайрон бўлди у.

Кейин пастрок овозда чакирди:

– Ака-а?!

Ҳеч ким жавоб қилмади.

– Соди-и-ик! – дея каттасининг исмини айтиб чакириб кўрди хуркак сас ила. Уларнинг исмига “ака” қушмай чакирарди. Акалар ҳам “Кичкина-ку хали”, деб индашмасди.

Жавоб келмади.

– Соби-и-р? – дея чакириб кўрди у уртанчасини.

Жимлик.

– Ноди-и-ир?

Учовлонни гўё туман ямлаб-ютиб юборган, шу оқиш намчиллик аро бирданига ғойиб бўлишган эди.

Болақай саросимага тушиб қолди. Ярим ўралган арконни қулига олувди, баттар нам тортгандай туюлди. “Ташлаб юборсаммикин” деб ўйлади, аммо акаларидан хайқиди.

Бу сафар учовининг исмини бирдан айтиб чакирди:

– Соди-и-к? Соби-ир? Ноди-и-ир?

Содикдан ҳам, Собирдан ҳам, Нодирдан ҳам жавоб келмас эди.

Болақай теварагига аланглаб, “Акаларим илгарилаб кетишдию мен гафлатда қолдим” деб ўйлади. Бу туман аро қай тарафга кетишганини билиб бўлмайди, ўзича изларидан бораверай деса, адашиб қолиши ҳеч гапмас. Акаларим қайтиб келишиб мени опкетишар, деб ўйлади саросима ила.

Вактни ҳам билиб бўлмасди. Ҳозир пешинми, асрми? Шом тушса нима бўлади? Бир-икки одим отиб, қаршисида хўл юлғуннинг оқиш шарпасини кўрди,

нима сабабдандир совук урмаган, калта баргчалари, кизил танаси йилтираб турарди.

Шу маҳал ёнгинасида ҳаракат сезилди. Қараса, аркон ўрами ўз-ўзидан эшилиб-буралиб, туман орасига кириб кетяпти! Ҳа, нимадир арконни шитоб билан тортиб кетди. Уч-тўрт кулоч аркон бирпасда туман орасида куздан ғойиб бўлди.

Болакайнинг юзлари музлаб кетди.

– Соди-и-к? Соби-ир? Ноди-и-ир?

Садо йук.

Сас келармикин деб теварагига кулоқ осар, туман сасларни ҳам ютиб юборгандай эди.

– Эна-а! – деб нидо килди у чўзиб, она етиб келолмаслигини, кичкинтойининг бошига не иш тушганидан беҳабарлигини билса-да. “Эна-а” дея йиглаб юборди шу бола. Оғзи-бурни совукда кизариб кетган, дийдираб турган муштдайгина болакай...

Йигласа-да, нигоҳи ҳар тарафга оғар, қайдан жон кутқарувчи нажот ёки хатар келишини билолмасдан аланглар ҳам эди.

Елкалари учиб-учиб йиглар эди боякиш

\* \* \*

Шу маҳалда шундоқкина ёнгинасидан қурқинчли бир товуш туманни ёриб-кесиб янграб кетди.

Бола ҳам қурқканидан саросима ила бакириб юборди.

Туман орасидан жуда узун, хайбатли бир нима эшилиб-буралиб, оламда йук ғалати товуш чиқариб якинлашиб келаётгандай эди.

Товуш ўтқир, ёввойи, бир жойдан эмас, ҳар жойдан келарди. Товушнинг ҳам бош-охири булар экан-да? Ҳаракатланадиган номаълум бир нима шундоқ ёнгинасида-ку? Илонми деса, илонлар қишда ер остига кириб кетишади. Ҳайвон деса, товуш оғир, залворли.

Болакай уша томондан кузини узмай, серрайганича нам ерга утириб колди. Оёқчалари, кулчалари титрар, лаблари бир нималарни пичирлар ҳам эди. Тинмасдан “Эна... эна...” дея шивирларди.

Шивирлашининг сабаби қурқувидан эди. Қаттиқрок чакирса, уша ғалати хайвон тўсатдан ташланиб қолади деб қурқарди.

Шу маҳал бояги увиллаган товуш узгариб, кейин мудхиш қахқахага айланди. Бола хануз уша алфозда утирарди. Туман аро кимлардир шарақлаб кула бошлашди. У мудхиш хайвоннинг кулиши ақлга сиғмасди, бола бешбаттар қурқди. Ҳа, туман орасидаги ғалати кимсалар нима учундир шодланиб кулмокда эдилар.

Яна бир сония утиб, оқиш парда ортида шарпалар қуринди. Қоринларини ушлаб кула-кула келаётган уч шарпа. Уч ака, уч паҳлавон!

– Ҳа-ҳа, қурқиб кетдингми? – деб кулар эди каттаси.

– Ўл-а, – дер эди уртанчаси.

– Эна-а, энажо-он... – дея мазахларди кичиги.

Кичик ука мана шунда росманасига йиғлаб юборди. Узини ниҳоятда майда, кичик, аҳамиятсиз, ҳеч кимга кераги йук ношуд дея ҳис қилиб йиғлади.

Қурққани ошқор булиб қолганидан, акалари масҳара қилишганидан алами келиб йиғлади у.

– Бор ҳамманг, йуқол! – деб йиғлади.

– Ака булмай ўл ҳамманг! – деб йиғлади.

Сунг туман орасига чолиб кириб, ғойиб булди.



Туманда бешбаттар қурқмадимикан? Ахир, ок юзли, қора кузлари уйчан бокадиган, қулганида чехраси яшнаб кетадиган болакай эди.

Ҳа, қурқок эди. Ўзи тенги болалар билан уришолмасди. Буйи ҳам паст, узи ҳам заифрок, аммо юраги топ-тоза эди-да. Акалар – бақувват, билагиди кучи тошган акалар бири чиллак, бири ошиқ уйнагани кучага



чикиб кетишганида ҳам онасининг ёнидан айрилмасди. Узининг ярмича келадиган пакирларни кўтариб сув таширди, она тандирга ўт ёкса ғузапоя олиб келарди, узи-ям ўт ёкардию аммо тандирга бўйи етмасди. Онасига бошқача меҳрибон эди-да шу бола.

### (Катта яканинг хикояси)

Эх... Узимизча катта бупқобмизми? Бизларни ҳаёт катта қилди. Отамдан кейин рузгорни ҳамма иши бўй-нимизга тушиб қолди-ку? Ер чопиш, экинга қараш-ку майли. Сув жанжалларида қап-катта одамлар билан теппа-тенг солишардим. Молбозорга сахарлаб мол етаклаб бориб, молжаллоблар билан қўлларим узилгудай бўлиб савдолашардим. Ўтин дейсиз, тут ўтини қаттиқ бўлади, болтани бир урсангиз сапчиб қайтганида билагингиз, елкаларингиз зиркираб кетади. Тутларни кесиб келдим, сандаллар қурдим, кишнинг кировларида муздай лойлар қилиб иморатнинг нураган жойларини уриб-сувадим.

Уйда юраверса ойимбилак бупқолади дедим-да. Билаги кучга тўлсин, кўнгли қаттиқ бўлсин! Бултур ёзда сузишни ўргатганимдаям хафа бўлувди. Удум шунака-да, акалар укаларини даст кўтариб сувга отворишади Жони ширин-ку, индамай чўкиб кетаверармиди? Кўзлари олайиб-олайиб, боши сувдан бир чикиб-бир кириб ўрганани-да.

Ҳаёт ҳам шунака. Пишиши учун ҳаёт деган дарёга отвориш керак. Ҳали болалиги бор, кўнгли бўш, аммо вақти келганида турмушнинг ўзи шафқатсиз қилиб қўяди.

Мана, яна аразлаб кетди. Шу кетганича уйга боради, онамизга “Акам мени кўрқитди” деб шикоят қилади. Онамиз кўнгли ранжиб “Супрақокдимни нимага кўрқитасан?” деб бизларни қойийди. Бироқ, шунака юмшоқфеъл бўлиб ўсса ўзига қийин эмасми? Бир хил ишлар

булади – зарарга ўхшайди, аммо вақти келиб фойдаси тегади.

Қани, бораверайлик-чи.  
Ҳой Собир, кутар утинни!

(Уртанча ака хилояси)

Аслида катта акам жуда бешафқат.

Бир куни иш буюрган эди, “Бор, ўзинг қил” деб тунгилладим. Шунда қўлимни қайириб елкамга урувди, ёмон оғриди. Аламим келиб “Нимага урасан?” деб унга ташландим. Кучим етмаслигини, бир урса учиб кеттишимни биламан, аммо аламим шунчалар эдики, улсам ҳам ташланавердим. Икки елкамдан ушлаб босганида қўлимни кимирлатолмай қолсам, оёқларим билан тепдим, билагини тишладим. Йиглаб бакиравердим, қузимнинг ёши оқиб-оқиб бакирдим.

– Нимага урасан? – деб бакирдим.

– Кучинг кичкинага етдими? – деб бакирдим.

Катта акам шундан кейин:

– Ҳа, тузук. Мана энди йигит булдинг, – деди коникиш билан. Елкамдан тутиб бағрига босди:

– Ана, эркак булдинг, ука!

Йигит бўлишим учун уришишим керакми? Бакириб сўкинишим керакми? Ҳакимни бермаганим учун шунака дедими? Ҳақ меники эди-ку, уни талашиб-тортишиб, юлиб-узиб олишим керакми?

– Эркак киши шунака булади, – деди катта акам. – Бир нимага тиш-тирногинг билан ёпишасан. Кучинг етмаса, чайнаб узиб оласан. Шунда биров сенга теголмайди.

Яхши, ака. Сен айтгандай булақолсин.

Бугун ҳам шундай қилдинг. Кичкинамизни атай кўрқитдинг.

Энг кенжамиз шу, вақти келиб бизлар уйдан бирин-кетин чиқиб кетсак, онамизни ёнида шу қолади.

Биз ҳам караб турмасмиз-у, бироқ, узининг рузгоридан ташқари, онага қараш заҳматнам буйнига тушади. Эҳ-хе, ҳаёт осон эканми? Буйнига тушади дейман-у, уйла-сам эгим увишиб кетади. Бир тушса эмаклатиб қуяди-ган кийинчиликлар бор ҳали олдинда.

Онамизга тушунтирармиз, бизлар атай қилмаяпмиз, кузи пишсин, довдирамасин, қурқмасин, туману совук не, ҳали шунақа туманларни, шунақа қаҳратонларни курадики, ушанда бегона бировларга жавдираб қолмасин деймиз-да.

Она-ку, боласининг озор чекишини истармиди? Уғил бола эрқак бўлиб улғайиши керак. Катта акам шунинг учун кийнади уни.

Ростини айтсам, ўзим ҳам бир маҳаллар шунақа эдим. Энди эса кунглим тошдай қаттиқ. Туман тугул, дев олдимга чиксаям киприк қокмайман. Олдимдан келганини узиб-ғажиб утадиган шахдим бор. Ризқимни шунақа қилиб топаман-да. Бўлмаса, бировлар опкетиб қолиши ҳеч гап эмас.

Қани, бораверайлик-чи. Утиргандир ҳозир уйда, сандалга тикилиб. Мендан эса совук утиб кетди. Қовурғаларимгача, суякларимгача совкотди.

### (Кичик аканинг хикояси)

Иккала акам ҳам бекор қилишди. Укамни бекор қурқитишди.

Ахир, жуда кичкина-ку? Қурқар эди-ку? Боя қанақа жавдираб келаётганини сезмадингми? Шокол чийиллаганида ранги бузариб кетди. Сену менга қаради, ёнимизга чошиб келаётган эди, арқони чувалашиб қолди. Бизлардан тортинди, йўқса, пинжимизга тикилиб оларди.

Бу туманда ёнимизда бўлса, узини беҳавотир ҳис қиларди-да.

Онам уни нимага “Супракоқдим” дейишини биласанми? Хамир қориб, нон ясаганини қургансан-ку? Узинг ҳам сувлар ташиб берардинг. Нон ясаб булганидан кейин супранинг энг тубида қолганларини сидириб, жажжи қулча ясаб қўярди. “Бу майдагиннамга” деб алоҳида меҳр билан ёпарди. Қип-қизил сингиб, қисирлайдиган бўлиб пишса, ушаниям еб қўярдик Жон ака, супракоқди деган гапни тушунмаяпсанми? Ахир, супра қокилгач, йнгиштириб осиб қуйиладн-ку?

– Фозил?

Жавоб келмас эди

– Ҳой Фозил-ил?

Ҳар тараф оппок туман эди, холос.

Ҳақиқатан ҳам қайлардадир шоқоллар яна чийиллашди. Билсангиз, уларнинг чийиллаши гоҳо одам овозига ухшаб кетади. Шоқоллар қишда оч қолишади, дала-дашт буйлаб изғиб, емиш ахтаришади. Булар гала-гала юришади, адашиб даштга келиб қолган кучуқларни ҳам қуплашиб тутиб ейишади.

Учала ака, елкасида утини, укаларини шу тарикка излашди.

Кейин “Барибирам уйга боради-да” деб уйларига жунайверишди.

### (Кенжатоӣ ҳикояси)

“Ота” дея уксина-уксина кетиб борарди кенжа, уйига қараб.

Жон ота, сиз булсайдингиз, бунақа булмас эди.

Уйда утин ғарам буларди, биз ҳам шунақа туманларда утинга чикмасдик. Катта акам елкалари майишиб, қопда ун олиб келмасди. Уртанча акам билаклари зирқираб утин ёрмасди. Кичкина акам совқотмасди.

Жон ота, сиз борлингизда акаларим бунақа эмас эдилар. Ёнингизда сиз билан бирга иш қилишса, сую-

ниб кетардим. Тўрт томонимда тўртта тоғ бордай туюларди.

Сиз йўқсиз-да, акаларим мени мазахлашайдиган бўлишди. Шунақа маҳалларда доим сизни эслайвераман. Катта акам тунингизни кийиб юради. Баъзан кириб келса, отажоним келдимикин деб ичим севинчларга тулади. Кузимдан ёшим дув окиб кетаверадим-да.

Шунақа соғинаман-ки сизни, ота.

Мана, хозир уйга етиб бораман. Онам “Майдагинам” деб бағрига босади. Кейин акаларим кириб келишади. Яна устимдан кулишади. Онамга “Шу болангиз кўрқок” деб ёмонлашади.

Отажон, ҳеч кимга айтмасам ҳам сизга айтаман. Буларга айтсам, ишонишмайди барибир.

Туманда товушлардан ҳайнққаним рост. Орасида мен билмайдиган ғалати ваҳшийлар изгиганидан саросимага тушдим. Даштда роса катта илон бор дейишарди, уша келиб колса-я деб ҳам кўрқдим.

Аммо йиғлашимнинг сабаби бошқа-ку?

Ўзим не, еса еб кетардим-да. Акаларим куринмай кетганида юрагим зиркиради. Мен ҳам, акаларим ҳам адашиб қолдик деб ўйладим. Ушанга йиғлаб юбордим.

Номаълум ваҳшийлар баримизни еб кетса, онам шурлик нима қилади деб йиғладим

Тоғдай-тоғдай акаларимга бир нима бўлиб колса-я деб кўрқдим.

Кейин, мени мазах қилншганида ўксиниб кетдим. Хавотир олганимдан, акаларимга бир нима бўлиб колмасин деган изтиробимдан ўзим оғриндим. Юрагимнинг ичи оғриб қолди-да, отажон.

Энди сира уларни уйламайман. Хавотир ҳам олмайман.

Хали катта бўлволай. Ахир, шундай қолиб кетмасман? Вақт ўтаётир, йил сайин ёшимга ёш қушилаётир... Бир кун келар ахир, катта буларман, кучга ҳам туларман?

\* \* \*

Болалар бирин-кетин уйга кириб келишди. Елкаларидоги утинларни бостирма остига ташлашди.

– Дастёрларимдан айланай, – деб суюнди она. – Бир гарам утин қилиб кепсизлар-ку? Энди анчагача утимиз учмайди, қозонимиз қайнайди.

Кичкина олдинроқ кириб келган эди. Бағрига босиб, юз-кузларидан упмокчи булди:

– Кап-катта йигит бупқолган майдагинамдан айланай...

Кичкина хомуш, узини четга тортиб турар эди.

– Сенга нима булди, болажон? – деб суради она. – Совқотиб қолдингми? Ё кийналдингми?

– Йуғ-э, она, – деди катта ака, дуриллаб. – Сиз айтгандай, кап-катта йигит булти. Утинларни ярмини шу болангиз тулади.

– Айтинглар, ростдан ҳам бир нима булдими? Ё уришдингизми?

Акалар бир куз уриштириб олишди. Кичкина хануз уларга қарамас, лекин онасининг олдига бормас ҳам эди.

– Ҳеч нима дедим-ку, сурайверасизми? – деди катта ака. – Собир, бор, утинни саржинла, ҳозир узим ҳам бораман. Катта болтани толиб қуй.

– Нодир, юр, – деди уртанча, кичигига қараб.

Катта ака бостирма томон кетаркан, онага деди:

– Хавотир олманг, она. Ҳеч нима булгани йуқ... Уғлингиз бизга қушқилиб утин қилиб келди, холос. Бор-йуғи шу.

Ҳа, бор-йуғи шу...

Лекин нимкон булсайди, учовининг ҳам оналарига атадиган бир дунё гаплари борийди. Ҳаммасидан ҳар хил гап чиқиши ҳам тайин эди. Утин ёриш, уйга опкириш, олов ёкиш керак эди-да. Рузғорда олов ёниб турмаса кун утармиди? Ҳар хил гапларни кўпайтиришдан

нима наф? Булар ҳаётда руй берадиган воқеалар-ку, вақт-соати келиб ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Тушмай қолармиди...

Ҳаёт қанча нарсаларни уз урнига қўйиб, саранжом-лаб қуяди, бу нима бупти? Ҳар нарсанинг уз вақт-соати бор. У вақт-соат албатта келади.

Келмай қолармиди...

Ушанда шу йигитчаларнинг бари қап-қатта, росма-на эркакларга айланишади. Она янада кексаяди, ака-лар бирин-кетин иморат солиб, рузгорини булак қилиб чиқиб кетишади, онанзор кенжатоий билан қолади. Кенжатоий эса, акалари истаганидай, кунгли қаттиқ, шафқатсиз эркак бўлиб вояга етади.

Етмай қолармиди...

Ҳаётнинг бешафқат қонунни шу-да. Ҳамма нарса уз-гаради. Бу совуқлар ўтиб, ёмғирлар ерга сингиб, қорлар эриб, урнида ям-яшил утлоқлар қуқариб чиқади.

Шундай... Вақти келиб, ўзи ҳам болали-чақали бўлганида, қатталар кексайиб, болалар улғайиб келаётганини идрок қилиб қуриб, ҳали суяги қотмаган ўғил-часига ҳар турли қийин юмушларни буюриб, синаб қуриши ҳам тайин. Чунки, келажак олис, олдинда уни турли хатарлар, бўри киефасидаги инсонлар, дашту далаларнинг ваҳшийлари қабл ҳар нарсага ташланишга ҳозир у нозир қанча одамлар қутиб турибди. Тоза қалбли, мусаффо болақай ҳали ушалар орасидан ҳақини ай-ириб олиб, топганини тишида тишлаб кўтариб келиб, рузгорини бир амаллаб тебратишнинг урганиши ҳам кел-рак-ку?

Умр поёни кўрина бошлаганида эса, яшаб ўтилган ҳаётни мулоҳаза қилиб, кечаларни олис хотиротнинг совуқ туманлари, ёмғиру қорларни орасидан гира-шира намоён бўладиган манзаралар аро, боласига бир маҳаллар бўлиб ўтган ўша воқеани сўзлаб бериши ҳам тайин, албатта. "Мен ҳам сендай ишонувчан, юраги яхшилик билан лиммо-лим тулган бола эдим. У маҳаллар дашт-

ларга утин туплагани чиқардик. Отам утиб кетган, турт  
ака-уканинг елкасига рузгор деган жуда оғир юк тушиб  
қолган эди. Уй-жойимни, рузгоримни бут қилгуним-  
ча етти суягим эзилиб, қирқ сунгагим майишиб кетди.  
Энди меннинг умрим сизларга ибрат бўлсин” дея, бари-  
ни бирма-бир айтиб ҳам беради, албатта.

...Айтмай қуярмиди?

2016

...Айтмай қуярмиди?  
...Айтмай қуярмиди?  
...Айтмай қуярмиди?  
...Айтмай қуярмиди?  
...Айтмай қуярмиди?  
...Айтмай қуярмиди?  
...Айтмай қуярмиди?  
...Айтмай қуярмиди?  
...Айтмай қуярмиди?  
...Айтмай қуярмиди?



## ОЛИСДАГИ УРУШНИНГ АКС-САДОСИ

Бу воқеага беш-олти йил бўлган. Узок маконларга кетгим, сарин шабадаларга юзимни тутиб, ёввойи табиат аро ўзим ҳам бир парчасига айланиб кезгим келарди.

Аслида, айтишга арзигулик ҳам эмас. Баъзи кишилар кулимсираб куйишини ҳам сезаётгандайман. Лекин, хаёлимдан кетаколмайди-да. Кул буйи, бақакуриллоқ. Тунги самодаги тилларанг ой. Сув ёқасида тимирскиланиб юрган қора шарпа. Шу ҳолос.

Шу ҳолос дейман-у... У манзаралар ортида бахайбат, ҳаёт деган яшноқ тирикликни сўлдириб, аста-секин бостириб келадиган ғалати бир қиёфа сезилгандай бўлаверади.

Пайкагандирсиз, айтишга ҳам тараддудланиб турибман.

Баҳор маҳали элнинг сон-саноксиз қишлоқларида, ой ҳаволаган тиниқ кечаларда ҳаммаёқни қурбақа нағмаси тутиб кетишни билмайдиган одам бўлмаса керак. Ариқлардаги, қулмақлару сув ҳавзаларидаги сон-саноксиз митти яратиклар нима учундир ой ёғдусига маҳлиё бўлиб сайрайверишади. Зулмат кечаларда эса тек утиришади.

Баҳор. Ҳавода, тупроқда иликлик сезилиб қолган, ултар ям-яшил, гуллаган буталар кечасиям оқиш бўлиб қуринади.

Қисқаси, токка борган эдик. Муъжаз кул олдидаги эски далаҳовлига жойлашдик. Қичкина уйча, айвон, чайла, қозон-товок... Кул жимираб турибди. Теграсидаги майсалар қизил, сарик, яшил, кўкиш гул очибди. Бориб қараб, ҳайрон қолдим: қукишлари чақиртиқан экан. Ҳатто шуям гуллабди! Баъзиларни сувга тўкилибди, орасида қичкина яшил бақа тек чайқалади. Авва-

лига биттасини кўрган эканман, салдан кейин қарасам, сал нарида яна биттаси, кейин яна, яна.

Эрта баҳорда бунақа хавзаларда миллионлаб итба-ликлар уруғдан чиқади. Сузиб-сузиб, митти яшил бақаларга айланишади. Буни болалигимдан бери биламан. Ҳатто ёмғир кулмаклариди ҳам пайдо бўлиб қолишади.

Дўстларимиздан бири кафтини кулоқларига босиб олди.

– Сукунатдан кулогим шанғиллаяпти, – деди жилмайиб.

Кулоқ шанғиллаши босим узгаргани туфайли. Ҳар ҳолда, анча-мунча баланддамиз. Денгиз сатҳидан бунчалик юксакликда таом пишириб бўлмайди, дейишади. Тоғликлар шу сабабли овкатларини кайнатиб эмас, ко-вуриб тайёрлашади.

Кўёш ботиб, жуда нозик қоронғилик пардаси тева-ракни аста-секин чулғади. Фавқулодда дуркун майса-лар, дарахтлар қиефаси шом деган уммонга чума борди. Тизза бўйи утлар, гуркираган кук гулли тиканларнинг шаклу шамойили мулоҳимлашди. Роса узокларда кичкина уйчаларнинг чироклари милтиради. Яқингинада эса каттакон қуш овозсиз канот қоқиб ўтди.

– Тинчлигини кара-я... – деди дўстларимиздан бири.

Теваракни анча кездик. Дарахтлар орасидан улкан кизғиш ой кутарилди. Кул сувида аксланиб, шуъла йулакчаси ҳосил қилди. Унда-бунда сув остидан бош кўтарган утлар қорамтир бўлиб қуринди. Ёғду тева-рак рангларини ҳам узгартириб, майин, юмшоқ бўёқларга бўяди.

Салдан кейин, оймомо янада ҳаволагани маҳал ту-сатдан бақалар хониши бошланиб кетди. Аввалига бир-иккитаси, кейин қолганлари жўр бўлишди. Тева-рак вақир-вуқир сасларга тулди. Чунон сайрашяптики, нарёғи йўқ.

Атай бориб, кул ёқасига қараб келдим. Узи қурин-майди, аммо овози кулоқни ёради.

Кул қоровули озғин, юзи чутир-чутир, бармоқлари қийшиқ киши экан. Тоғ халқини содда-самимий деб урганиб қолганмиз. Бу – камгап, қошлари уснб кетган, бутун турнш-турмуши шу баҳор манзарасига мос тушмайдиган киши, қулида болтаси, бултурғи қуриган шох-шаббаларни бутаб юрарди.

Агар дустларимиздан бири хато қилмаганида, у воқеа рўй бермас, меннинг ичимда ҳам шу ачинишу хай-ниқшлар бино бўлмасмиди? Афсуски...

– Шуларни овозини учирниши иложи йўқми? – деди дустимиз илжайиб, қули билан қулни курсатиб.

Қоровул бир қулга, бир унга қаради. Шунда қузи совук йилт этди.

Уша йилт этишда ҳам теварак манзарасига мос тушмайдиган бир нима сезилди.

– Бор, – деди паст, бўғиқ овозда. – Неч пул берас?

– Шунгаям пул оласизми?

– Соққасини берсангиз тинчитаман, – деди у, рухсиз. – Ишонавернинг, то сахаргача биронтасининг дами чикмай қолади.

Бор-йўқ гапи шу булди.

– Бўпти, сиз айтгандай булақолсин, – деди дустимиз ҳам.

Қоровул пулни олиб, яхшилаб чўнтагига жойлагач, шошмасдан қул буйига жунадди.

Ой янада ҳавога кутарилиб, қизғишлиғи билинмай кетди, олтиндай ярақлади. Кейин юлдузлар чарақлаб, осмоннинг узоқ-яқин жойларига тилла чангидай сочилди.

Қолгани бир неча дақиқа ичида рўй берди.

У киши бир қанча вақт сохилни айланиб юрди. Нималарнидир чамалаётгани билиниб турарди.

Бақалар нағмаси янада авжига чиқди. Енгил шабада эса бошлади. Шунақанги тулиб-тошиб сайрашардики! Самодаги олтин ой шунча жуштирармикин деб хайрон эдим.

Кейин кул буйида нимадир руй берди. Ҳалиги киши эгилиб, сувдан бир нимани олди-да, кулочкашлаб нарирокка отиб юборди.

Отилган нарса ҳўв нарида чулп этиб сувга тушди. Теварагида кичкина ҳалқалар ҳосил килиб, қорайиб-қалкиб тураверди.

Шу заҳоти кул буйидагиларининг уни учди. Сунг, худди биров атай қилгандай, бошқаларининг саси ҳам тина бошлади, гуё шамол бир эсиб, овозини биз турган жойдан бошлаб узоқларга қадар учириб утаётгандай эди.

Чирилдоқлар ҳам бор экан, вақиллашлар барҳам тоғач, нимагадир чирилдоқлар ҳам жимиб кетишди.

Теварак тинчиб қолди. Ниҳоятда соҳин сукунат чумди.

– Ия, ғалати булди-ку, – дедик бир биримизга қараб.

У киши кул буйида типла-тик, тош қотиб турарди. Ҳар ҳолда яна сас чиқарадимми-йўқми деб чамалаётган бўлиши мумкин.

Анчагина вақт утғач, бизлар ҳам яқинлашиб бордик.

– Э тавба, нима қилдингиз?

У киши хануз уша руҳсиз овозда жавоб қилди:

– Ой нурида жуда жушиб сайраётган биттаси бор экан. Тутиб олиб бошидан эзиб улдирдим-да, қайтиб сувга отиб юбордим...

Бизнинг ҳам нафасимиз ичимизга тушиб кетди.

Тасаввурим у митти яшил махлуқларнинг сув бетида оёқ-қулини тўрт томонга ёйиб, чайқалиб турганини жонлантирди. Жуда сайрағиси келсаям, яқингинадаги улим нафасидан хайиққани учун сас чиқаролмасмикин? Ким билсин...

Айтдим-ку, баҳор эди. Теварак яралиш-яратилиш жушқинлиги ичида, ҳар тарафда келажакда мева бўлиб етиладиган қуртаклар ниш урган, қукарган, гул очган, ҳатто юлдузлар ҳам янғидан тугилгандай, ҳамма нарса

тозариш палласида эди. Бутун табиатни завку шавкка тулдириб юборган эди баҳор.

– Улдирса улдирибди-да. Бор-йўғи бака-ку?

Ҳа, туғри. Агар кулда эмас, кулмакда дунёга келсайди, уз-узидан халок булиб кетарди. Баҳорда элнинг бепоён кенгликларида бунака яратиклар сон минглаб дунёга келади. Қанчаси яшаб, қанчаси улиб кетиши ҳам номаълум.

Бирок, у воқеа менга нима учун шунака каттиқ таъсир қилмоқда? Болалигимда ўзим ҳам нечтасини улдириганман-ку? Нинчиларнинг қанотини юлиб олганман, хивчин билан уриб қанчадан-қанчасини жонидан жудо қилганман, таъсирланмаганман-ку? Таъсирланиш не, нима қилганимни уйлаб ҳам қурмаганман.

Энди эса...

Овқатимиз пишди. Ҳақикатан ҳам чирилдоғу бақаларнинг сахаргача дами чиқмади. Бир нимадан қуркиб-хайикиб, тек ўтиришаверди. Бизлар ҳам уша жимжитлик аро едик-ичдик, кўл яратикларининг тутумидан хайратланиб, ухлагани ётдик...

Тушimgа болалигим кирибди. Бениҳоя кучли порлаган қуёш ҳар тарафни зар билан ўраган, ўзим каби навкирон дарахтлар орасида чопиб юрармишман. Бобом, энам, отам тирик, менга кулиб қараб туришармиш. Шохдаги кўм-кўк хом олмалардан узиб, уларга узатармишман...

Қушлар сайроғидан уйғондим. Қуёш чикиб, кундуз оламга ёйилибди. Ҳаммаёкни тутиб кетган чуғурларга кулимсираб кулоқ солиб ётарканман, кечаги ходиса эсимга тушди.

“Шуларниям биронтасини улдириб, дарахтга осиб қуйса, қолганлари чуғурламасмикин?” деган ғалати уй келди хаёлимга.

Чумилмоқчи ҳам булдик, лекин ҳаво салқин эди, бунинг устига, улик бака бор қулга тушгимиз келмади. Нонушта килиб, яна бир оз айланиб, изимизга қайтавердик.

\* \* \*

Орадан йил утгач, болалар тоғу тошга оборинг дейишганида, “Хуп” дедиму кейин... боргим келмаётганини пайкаб қолдим. Оёгим ҳеч тортмади. Тогда нима бор, дала-даштга чикинглар десам, тушунишмайди. Дала-дашт дейман-у, у ёқда ҳам табиатнинг беозор махлуклари яшаб юришгани куз олдимга келади. Уша жойда ҳам бирон нохуш воқеа руй берса-я, деб уйлайман.

Хаёлимда хали-хануз уша, сокин жимирлаган сув. Ҳаволаб кетган ой, кул ёқасида шамдай қотиб турган киши ҳамда биргина, бор-йуғи биргина жинсдошининг улдирилганидан қурқиб, то саҳаргача дами ичига тушиб кетган беозор махлуклар.

Ҳалиги киши уша жойларни шошилмасдан айланиб юрганга ўхшайди.

У қиёфа яна қуп манзараларни ҳосил қилади. Утган жойида майсалар қуриётганини қуриб қоламан. Яшноқ фасл ичра кезган ёвуз шарпа булиб туюлади. Туюлиши не, руҳсиз нигоҳи-ю кийшик бармоқларигача аниқ-таниқ кўраман.

...Ростдан ҳам, одамнинг айтгиси келмайдиган воқеа. Болаларни тоққа юборгим келмаганининг сабаби шу. Ушандай ҳодисага яна дуч келишмасин, барқ урган ҳаёт жушқинликлари аро фақат яхшиликлар ичида улғайишсин, митти юракларни некбинликлар билан тулақолсин дейман-да.

Бир отанинг истаги яна қанака буларди?

2015

### “ЯК-40”

Болалик маҳаллари эди... Иброҳимнинг отаси узок сафарга кетди. Бир ҳафталардан кейин қайтиб, олиб келган майда-чуйдаларини болаларига тарқатиб бўлгач, дастурхон устида сафар таассуротларини гапириб утириб:

– “Як” деган янги самолёт чиқибди, ушанда учдик, – деди.

– Қанака эмиш? – кизиқиб суради Иброҳим.

– Жуда тез экан!

Ота бечора яна нимаям десин? Умрида биринчи марта учган бўлса? Ҳаво кемасининг хусусиятларини қай тарз тушунтириб бера олсин? Боласиям, узиям “Т-28” тракторидан бошқасини билмасам?

“Т-28” чопиқда, дори солишда, ер хайдашда, ғузая ташинишда ишлатилади. Лекин, зур эмас. Сабаби, олтинчи ё еттинчи тезликда сакраб кетади. Тракторнинг зурри “МТЗ-80”. Ундан ҳам зурри – юрганида хуштак чаладиган баҳайбат “К-700”.

Ҳар ерни пайҳон қилиб утиб кетадиган, йултанламас занжирлиси ҳам бор, уни “ДТ-75” дейдилар. Бундан ташқари, зовурлардан сув тортадиган, саларка билан ишлайдиган улкан насослар, курак чувиш машиналари, пахтани чанокдан ажратадиган “ворох”лар-у ғузая киркадиган “карчупка”ларни халқ беш қулдай билди. Аммо, учок...

Иброҳим мактабга бориб “Отам зур самолётда учибди” деб мактанди. “Як” деганини болалар билишмас экан, ишонишмади. Физика ўқитувчисининг хабари бор эканми, ишқилиб:

– Ҳа-а, реактив моторли булади. Ростдан ҳам жуда тез учади, – деб куйди.

Иброҳимнинг уша маҳаллардаги дарс дафтарларига қарасангиз, “Як”нинг турли-туман расмларини қура-сиз. Ёилдиракларигача, тумшугидан чиқиб турган ра-

диосузлашув антеннасигача, кабинадаги икки учувчи билан бир каторда, иллюминаторлардан қараб турган йуловчиларигача чизган. Табиийки, ҳаво кемасини бошқараётган учувчилардан бирининг гавдаси бошқалардан кўра каттароқ, юз-кузи ҳам аннкроқ, чунки у – Иброҳимнинг узи!

Аслида, болалар “Як”дан каттароқ, олисларга учадиган бошқача учоқлар борлигини билишарди. Оқ-қора тасвири телевизорларда гоҳ-гоҳ кўришиб қоларди-да. Бирок, улар катта шаҳарлардагина булармиш, бу атрофда унақа улкан самолёт кўна оладиган аэродром йуқмиш. “Як-40” эса ихчам, кичкина, шу ёқларга келиб қолнишям ҳеч гапмас. Хуллас, етиб бориш кийин саналган чет манзилларнинг одамларига хизмат қурсатиш учун атай ясалганмиш.

Уша кезлар парракли бир самолёт ҳар кунни тонгда кунчиқарга, туш маҳали эса кунботарга қараб гунгиллаб учиб утарди. Кейинроқ ўтмай куйди, урнига жуда юксакларда кумушранг нуқтадай булиб кўринадиган бошқаси пайдо бўлди.

Болалар отаси билан ер чопишар эди. Ота кукка қараб, пешанасининг терини артиб:

– Ана, углим, “Як”! – деди.

Иброҳимнинг қувончи ичига сиғмасди. Ҳаяжонланиб, қўзлари тула хайрат билан самога термилиб қолди. Эҳ-ҳе! Шу экан-да, афсонавий “Як-40”. Ялтирашини қаранглар! Баланд учишни қаранглар!

– Аввалгиси парракли, имиллаб учар эди, – деди ота. – Буни кўрдингми, зумда утиб кетди.

Шу-шу, тонг сахарда кунчиқарга, тушлик маҳали кунботарга утадиган у самолёт Иброҳимнинг самовий ҳамроҳига айланиб қолди.

Юксакларда уз йуналишида парвоз қилаётган кумушранг учоқ, пастда, ер бетиде эса унинг ҳар кунги утишига қуз тикадиган қўзлари чакноқ бўз болақай...



Болалик осмонда биргина у эмас, бошка тур учоклар ҳам бор эди. Изидан оппок тутун колдириб само бағрида жуда секин учадигани буларди, овози келмакдасди. Табiiийки, унгаям кизикишган, “Об-хаво учоғи” деган жавоб олишган. Аммо об-хавони нега самолёт билан улчаш кераклиги онгларга етиб келмаган. Шунингдек, мотоциклдай тариллаб, терак баландлигида уча-уча далаларга дори сепадиган яна бири булиб, каноти фанердан, дейишарди. Кабинасидаги учувчиси тракторчилар шлёмини кийиб утирарди. Куз куравериб урганиб кетган жайдари, мехнаткаш учок-да. Дала четларига ҳам бемалол кунавергани учун ниначига ухшайди. Ичига тулдириб дори солингач, хавога кутарилади-да, далалару экинзорлар устига пуркаб утади.

У қайдаю “Як” қайда!

Шу, холос. Афсонавий, тезучар “Як-40”, бу худудларга кела олмайдиган баҳайбат лайнерлар, юксакларда нуктадай булиб учадиган об-хаво самолёти, теракбуин баландликдан дори пуркайдиган ниначи-учок. Мана шулар Иброҳимнинг болалигининг хаво кемалари эди.

Эҳ-хе, канака кизикарди-ю? Куз совукларида астаридан пахта иси келиб турган курпа остига кириб кетиб, салдан кейин навниҳол баданга иссиқ ута бошлаганида, хаёлан ақлу тасаввур етмайдиган олис ажойибот улкаларига парвоз килаётган уша учок бағрида, ораста салонда, кукиш бежирим калпоғини бошига кия кийиб олган хушмуомила стюардессалар қошида пайдо булиб коларди. Иастга караганида уз кишлоғи узра учаётган булар, кейин манзара алмашиб, афсонавий шахарлару олам муъжизалари узра елар, гаройиб тасаввурлар огушида ухлаб коларди.

\*\*\*

Мактабни битиргач ҳам унинг учокларга булган кизикиши сўнмади. Лекин, афсус, уқилмади. Ота тез-тез касал булар, тезроқ рузғорнинг бир четига кириши,

бутун умрини бола-чақасига харжлаб юборган шу фидойи зотга суянчик булиши керак эди.

Ота уни новвойга шогирдликка берди. Ҳар куни тонг қоронғисида новвойхонага йўл олади. Қишлоқ уйғонмаган, битта-иккита уйдагина сариқ чирок милтирайди, бу – ўша хонадонда қария борлигини, эрта саҳарлаб таҳоратга турганини билдиради. Теварак ёришмасидан новвойхонага етиб боради, иккита катта тандирга ут қалайди. Кеча кечқурун уста тайёрлаб кетган ҳамир қўпчиган бўлади. Кейин бошқалар етиб келишади. Сами новвой тез-тез зувала ясайди, Қарим новвой эса нон ёпади. Ҳар куни шу аҳвол.

Новвойхона ишчи туйлар маҳали қизийди. Бошқа пайтлари одамлар ўз ҳовдиларига қурилган тандирларда нон ёпишади. Шу сабабли, туй бўлмаган кезларда кичик тандиргагина ўт қаланди. Туйда эса ҳар иккала-сида ҳам кетма-кет патирлар пишаверади.

Ишдан қайтаётганида уйига иккита ё туртта нон олиб келади. Қундалиқ ризқ-да Қарим новвой диёнатли киши, ойликдан ташқари, ортган нонлардан бериб юборади. Ота хурсанд. “Ейдиган нонинг ҳар куни келиб турадиган бунақа ишни қайдан топардинг, худога минг шукр”, деб қуяди.

Тонг қоронғисида новвойхонага йўл олар экан, жуда юксакда чирогини милтиратиб “Як” ўчиб ўтади. У олис манзилларга йўловчи ва почта олиб кетаётган бўлади.

Нигоҳи тунги самода, шудрингдан намланган кўчада қоқилиб-суқилиб одимлайдию ҳаёди яна ҳаво кема-сининг ичига кўчади. Уша-ўша кен, ёруғ салон Ораста қийинган, юз-қузларида бахтиёрлик қиллоалари сезилиб турган одамлар. Улар, албатта, юксакларда парвоз қилишаётгани учун узларни саодатли сезадилар.

Ҳаёт шундай давом этарди. Вақт соати етиб, ота ҳам жонини Ҳаққа топширди. Ёлкага рўзғор юки тамомила тушди.

Ота утганидан уч-турт йил кейин, бир куни тонг сахар яна новвойхонага кетаётса... учок утмади!

Хавотири ошиб шу аланглайди – йук-да! Юлдузлар жимирлаб турибди, ой охишта ботяпти, уфкнинг бир томони элас-элас бузармоқда... Йук, ҳеч қаерда йук!

Нима булди? Нега учмай куйди?

Бузилиб қолдимикин? Темир-ку, бузилмасинми? Қудратли моторлар шамол пайдо қилади, учок ўша шамол қанотида учади. Моторининг у ер-бу ерига бир нима булдимикин? Балки ёқилғи келадиган қувурчалари тикилиб қолгандир? Ё учувчиси касалдир?

Ҳа-а... Бирок, хавотир ортганини қаранг. Қумушранг митти учок ҳозир ўз кўнимгоҳидамикин? Ё йўл-пўлда ҳалокатга учрадимиз?

Худо асрасин! Шунча йилдан бери бир текис учиб турган бўлса...

“Шунча йилдан бери” дейди-ю юраги хаприқади. Кишлоқда бир-иккита мошина, мотоцикл бор. Ушаларни шунча йил бир текис хайдаб юрган одамлар ҳам гоҳида бошқаролмасдан дарахт-парахтга урилиб ёки зовурларга тушиб кетишади-ку?

– Роса тез экан, қурғур. Қалитини бураб, юргизганимни биламан, шартта олқочиб кетди! – дейишади узларини оқлаб.

– Ҳа, нима қилсаям темир-да. Темирларнинг пири ҳазрати Довуд пайгамбар буладилар. Шу сабаб, мошинага минганингизда “Ё Довуд пирим” денг! – насиҳат қилишади бошқалар.

Ишқилиб, туппа-тузук юриб турган уловлар ҳалокатга учраганида, учок учрамасинми?

Уша куни тушлик маҳали ҳам қуринмади. Бир нимасини йуқотгандай ташвишланиб ташқарига чиқиб, узича самога назар ташлайди. Осмон кўм-кўк, мусаффо. Милтиллаб учадиган уша учок барибиррам йук!

Эҳ... Тунда чироғини ёқиб олгани учун учар юлдуздай кўринарди. Қундузи қайтаётганида эса қанотларида қуёш нури аксланиб, қумушранг товланарди.

– Билмайсизларми, нимага учмай қўйди экан-а?

Ён-веридагилар елка кисишади. Қайдан ҳам билишсин? Бунақа нарсаларни биладиган ҳеч ким йўқ-ку те-варакда? Одамлар бозорда нарх-наво қимматлаганини билишади, бу йил ҳосил қанақа бўлишини чамалашади, шугина ҳолос.

\* \* \*

Бир маҳаллар нариги кишлоқ адоғидаги шийпон ёнига қулбола аэродром қурилган, дори сепадиган “Ан”лар уша ердан парвоз қилади, деб эшитган эди. Иброҳим атай суроқлаб борди. Дала шийпонида қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ экан.

– Э, у аллақачон учмай қўйган, – деди қоровул – Аэродроми Ёйилма деган тарафда, даштда дейишади. Нимага учмай қўйганини билмайман. Учувчиси Қодиржон деган яхши, одобли йигит эди. Лекин бу тева-ракнинг боласи эмас.

Чол “Ан-2” га дори-пори ташиб юрган маҳаллари учувчи йигитдан анча-мунча нарсаларни билиб олган экан, ушаларни гапириб берди:

– Назарга илмаймиз-у, аслида урушдан аввал чиққан экан. Урушнинг биринчи йилларида анча-мунча жангларга ўша самолётда боришганмиш. Ким билсин, тумшугида битта парраги бор тариллоқ учоқ-да. Лекин каноти сираям фанердан эмас, атай узим ушлаб қурганман.

– Исмингиз пайгамбар исми экан, – деди кейин, қулимсираб. – Сиз ҳам учингга кизикар экансиз-да?

Ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб келди.

Йўқ, у учоқлар бошқа учмади. Ёш ҳам элликка қараб кетди.

\* \* \*

Бир кун Иброҳим қудратли бир товушдан уйғонди. Шошиб ташқарига чиқди.

Хавода улкан гулдурос таралмоқда, хайбатли бир нима гумбурлаб учмоқда эди.

Унақасини сира курмаган. Олдида “Як” мушукболадай будиб қолади. Қанотлари кенг, узун, куркам, учта прожектори баравар ёниб турибди. Тезлигини айтмай-сизми? Гувиллаб утди-кетди. Атай пастлаб учаётгани аниқ, чунки у кудрат, у хайбат билан бирпасда осмону фалакка чиқиб кетиши ҳеч гапмас.

Новвойхонага борса, ёшлардан иккитаси нон олгани келибди.

– Туй қиялмиз, – деди бири, ораси очик курак тишларини кўрсатиб илжайиб. – Икки мингта нон керак.

– Кимнинг боласисиз?

– Фалончининг.

– Қайда ўқийсиз?

– Техника университетида, авиация бўлимида.

– Ия, самолётларни тушунар экансиз-да? – деди бир нима топиб олгандай кувониб.

– Ҳа, унча-мунча тушунаман.

– Унда, мана бу ерга ўтиринг, – деди.

Эринмасдан чой дамлаб келди, пиелага қуйиб узатди-да, бор билганларини хикоя қилиб берди. Кечалари милтираб учган учоклардан “Ан-2” гача – биттасиниям қолдирмади. Сўнг сўради:

– Уша “Як” нимага учмай қуйган, билмайсизми?

– У аллақачон эскирди-ку? – деб жавоб қилди йигитча. – Ҳозир авиация жуда ривожланиб кетган. Сиз “Як” ни қурганмисиз?

– Йук, – деди Иброҳим. – Афсуски, курмаганман.

– Тор фюзеляжи, паст учувчи учок дейилади. Бор-йўғи уттизга йуловчи олади. Дум тарафида учта мотори бор, реактив булгани билан жуда қулай ёнилғи сарфлайди. Шунингдек, бошқарув тизими ҳам аллақачон эскирган, ишончсиз. Яъни, замонга мос эмас. Учмай қуйганининг сабаби эса, қачонлардир қайдадир ҳалокатга учрагач, бундан буёғига одамлар ҳаётига хавф соладиган бунақа

учоклар керак эмас, деб учишлардан олиб ташлашибди. Ҳозир билмадим, қайда экан. Балки аллақачон эришиб, темирдан бошқа нарсалар ясашгандир?

– Унда, кеча мен қурган бахайбат учок-чи?

– “Боинг”, – деди йигитча. – Номин “Орзу лайнери”. Дунёда энг зурин, жуда ишончли, қулай. Уриндикларининг ҳар каторида туккизтадан одам утиради. Ун икки минг метр баландликда, соатига минг километр тезликда парвоз қилади. Яъни, ҳавога қутарилиб олгунча юз чақирим учиб қуяди. Тухтамай ун беш минг километргача учаверади...

– “Орзу лайнери” дедингизми? Э тавба, номини қаранг, – ҳайратланди Иброҳим. – Мотори ишлаганида ёнида туриб булмаса керак? Дуппингизни учириб юборар?

– Дуппини нима, одамниям учириб юборади, – деб жавоб қилди йигитча. – Узим қурдим-ку, шунақа қуркам, шунақа қудратли. Биз уша учокларга техник хизмат курсатадиган муҳандис булиб етишиб чиқамиз, шунинг учун атай обориб курсатишди.

– Э, отангизга раҳмат, – деди Иброҳим, суюниб. – Энди кунглим анча жойинга тушди. Қишлоққа келганингизда кириб туринг, бир пиёла чой ичиб кетасиз.

Йигитчалар ҳайрлашиб чикиб кетишар экан, ташқаридан утин қутариб кираётган бошқа новвойга дуч келишди. Чинг румолни дуппини теграсидан айлантариб тангиб олган у киши.

– Қалай? Роса гаплашдингизми? – деди боши билан Иброҳим тарафга ишора қилиб, илжайиб.

– Ҳа, аломат одам экан, – деди йигитча. – Авиацияга жуда кизиқар экан-да. Ростини айтсам, шунча нарсани билишига ҳайрон қолдим. Айтмоқчи, исми ким экан, сурамабмиз-ку?

– Исми Иброҳим, – деб жавоб қилди новвой. – Лекин отини айтсангиз, биров танимайдн, лақабини айтишингиз керак.

– Лақаби нима экан?

– “Як-40”, – деб кулди новвой. – “Як-40” десангиз, ҳамма танийди...



Иброҳим “Боинг” билан “Як”ни хаёлан таккослаб курди. Ўзига қолса, “Як” барибирам кадрдон. Шамолларда чайкала-чайкала бир амаллаб учсаям, болалик орзуларининг беғубор тимсоли. Самода гувиллаган овозни эшитса ёдига отаси билан ер чопганлари, эрта бахорнинг муздай хавосида куксини тулдириб қичқирганлари, кийгос гуллаган дарахтлар келади.

Қолаверса, гоҳо узини шиддатли ҳаво мавжлари аро, гоҳ бушликларга тушиб, гоҳ чайкала-чайкала ростланиб учиб бораётган учоққа ҳам ўхшатади. Қирк йилдан бери учаётган, қанотлари куёшда ялтираётган митти кумушранг учоқ... Афдариб чопилган далалар, ғуза ислари, ерда қолиб кетган шох-шабба уюмлари аро, хайрат кузларини осмонга тиккан болалар орзуларининг, истиқболнинг еркин тимсоли, олис уфқлар сари чорловчи митти умид юлдузи...

Уйлай-уйлай, ниҳоят бир хулосага келди. Ҳаёт давом этмоқда. Ҳамма нарса янгиланиб, урини бошқалари эгалламоқда. У учоқлар болалик учоқлари-да. Нимаям қилардик, кизикадиган бошка нарсалар йўқми-ди? Қайлардадир улкан темир вагонларни торта-торта узокларга йул оладиган поездлар-чи? Тавба, олисларга йул олгани учун шунақа... тимсол булиб қолганмикин?

“Энди эса катта булдик”, деб уйлади у, калби недир армон ва укинчга тулиб.

Шошма, болалар-чи? Уларнинг ҳам уз учоқлари бормикин?

Неваралар ховли этагида уйнаб юришган экан. Қараса, узум териб солинадиган қутининг тахтасини кў-

чириб, кушув аломатига ухшатиб миҳлаб, узларича самолёт ясаб олишибди.

– Ия, бунингиз самалёт-ку? – деди кулимсираб.

– Ҳа, энг зур! – деб жавоб килди неvara.

– Оти нима экан?

– “Боинг”!

– Нимаси зур?

– Роса катта-да. Жуда куп одам сиғади. Гувиллаб бир учса, бутун дунёни айланиб келади.

– Ҳм-м... “Боинг” денг? Унда, “Як”чи?

– У нима? – Болакай ҳайрон булди. – Шунака учок ҳам борми? Ё мени атай алдаяпсизми?

– Бир маҳаллар бор эди, болам. Жимит, митти... Худди сувдаги баликчага ухшаб милтиллаб, чайкала-чайкала учарди. Кейин замон узгариб кетди, учмай куйди. Аммо, сизники ҳақиқатан ҳам зур экан.

Сунг кушиб куйди:

– Мен уша учокда учишни роса орзу килардим. Кечалари тушларимга кириб чикарди. Насиб килмади-да... Узп кичкина, бор-йўғи уттизта одам оларди. Аммо далагаям, тошлоккаям куниб кетаверарди. Сизники эса катта аэродромларга кунадиган экан.

– Учганминосиз?

– Булмасам-чи, – ёйилиб кулимсиради Иброҳим. – Эҳ-хе, каёкларга борганман-у! Қорлар, ёмғирлар, тоғу тошлар, чуллар, кишлоклар устидан бир хилда парвоз килаверарди. Ёкилгисн сира тугамас, бузилиб ҳам колмасди... Афсус... Мана, энди тобора пастлаб... – хурсинди у, томоғига бир нима тикилиб. – ...пастлаб учаётир. Ким билсин, қачон, қай ерга қунар экан?

Боалар кулишди. Тугри-да, унака секин учокнинг нимаси қизик?

– Майли, хафа булманг, – деди неvara, ишонч билан. – Катта булволай, учувчи буламан. Шунака катта-



кон самолётни мизниб олдингизга келаман. Сизни роса айлантираман.

– Овмин, – деб дуо килди Иброхим, бейхтнёр. – Ай-  
тганингиз келсин, ишкилиб.

Болакай эса ортик унга парво килмай, тахта само-  
лётни узича парвоз килдириб, дарахтзорлар томон  
елиб кетди:

– Ур-ре, учяпми-из!..

2016

## КАПАЛАКЛАР ЎЛИМИ

Бу йил баҳор иссик келди, ҳар ерда табиат жуш уриб, дарахтлар бирпасда япроқ ёзиб, куртак тугди. Бундай пайтларда осмонда тарам-тарам булутлар пайдо бўлади, капалаклар, асаларилар бирданига купаяди, ер пурсиллаб, тубидан кизигани учун яшил захлари тезда кетаколади.

Кун каттик исиб кетса зилзила бўлади, дейишади. Бу гап қанчалик рост, билиш қийин, аммо кеча сахар вақти теварак тўсатдан жунбушга келди. Ғайриоддий бир қудрат ерни силкитди, гуё тубларидаги занжирбанд дев маҳкумлик бандларидан халос бўлишга уринди. Ҳар тугул, узок давом этмади, бир оздан сунг тинчиди, фақат гуриллаб ҳавога кутарилган қушларнинг чиркиллашларию хайвон овозлари, одамларнинг қий-чуви қолди.

Бугун қушни маҳалладаги амакимнинг дуконига барвақт келдим. Ўтган йили уқишга киролмаганимдан кейин, амаким бекор юрмагин деб шу дукон ишини менга берган эди. Кўча ораста, топ-тоза. Уйлар олдида буй чузган мевали дарахтларнинг бари бирдай гуллабди.

Ендош кассоб ташқарида, тахта супада утирган экан. Саломлашгач, рўпарадаги барглари этли, ўзгача бир дарахтни курсатиб,

– Пуртахол, – деди, таъкидлаб, каттик овозда. – Қадаган киши – қаршидаги уй эгаси аллақайси мамлакатдан атай опкелтирган. Бизнинг юртлар иссик бўлгани учун тутиб кетди, бироқ мева солмади.

– Бу йил солса керак, – деди кассоб, ишнинг кузини биладиган оҳангда. – Гулларини қуряпсанми, чаман бўлиб ётибди.

– Ҳа-а, қизиқувчан киши экан-да.

– Қилган ишини қурмайсанми? – деди кассоб, бирданига жаҳли чиқиб, апельсин эгасига карата – Ўзин-

гни курсатгинг келса, ана, урик, беҳи, олма эк. Нима қиласан пуртахол опкелиб? Одам пуртахол экиб обру топармиди? Сен асли узингга кара, узингга!

Пуртахол, яъни апельсин эгаси дунё кезиб юрадиган шинаванда йигит экан. Дарахт теграсига чиннигуллар ҳам экибди. Йулнинг шундок ёқасида, сокин куча бетида. Теграсида асаларилар визиллаб учиб-қуниб юришибди. Хуллас, кайноқ баҳор манзараси.

Пуртахолнинг танаси тут танасига ухшаш, каттиқ буларкан. Барглари тигиз, калин. Гуллаганида гилосга ухшаб ок гул очаркан.

– Кечаги зилзилада уйдаминг? – деб суради у, гуё мен тонг ёришмасидан кайгадир жунайдигандек. Кейин бу гапнинг мазмунини ҳам тушундим: қассоблар купинча сахарлаб мол бозорига боришади-ку?

– Ҳа, уйда эдим.

– Тавба, курдингми? Қайга карасанг, капалак улиги, – деди қассоб, жавобимни кутмасдан, хайратланиб. – Бошқа жонзотлар тиригу капалаклар улганига хайрон коласан одам.

Ҳақиқатан ҳам, ок чиннигуллар остида уч-турт капалак жонсиз ётганини мен ҳам курдим.

Кечаги зилзилада ҳеч кимга зиён етмабди-ю, аммо одамнинг кузини кувнатиб гулдан-гулга учиб-қунадиган капалакларнинг бари бирданига ҳалок булибди. Қассоб шунга айтаётган эди.

– Ажали етганки улган, – деди у. – Йукса улармиди? Ия, ёзувчи келяпти, – деди шошилиб пештахта ортига утиб

Бу кучада бир рассом ва бир ёзувчи яшашини олдин ҳам айтган эди. Иккови ҳам гушт-ёғ олгани шу дуконга киришар экан.

Дунёда турли-туман касб эгалари бор. Бакқол, қассоб, дукончи, хайдовчи... уларни кун ора кўрасиз, лекин ёзувчи, рассом ҳар доим учрайвермайди.

Ёзувчи деганлари оддий бир киши булиб чикди. Курсам, ёзувчи деб уйламас ҳам эдим, шунчалик оддий, жун. Урта буйли, куй кузлари уйчан бокадиган, сокин-осойишта киши.

Дуконга кириб салом берди.

– Ҳа, ака, юрибсизми? – деди қассоб, бирданига жонланиб, кушқуллаб куришар экан.

– Раҳмат, юрибман.

– Китоб ёзясизми?

– Ёзясман.

– Нималарни ёзясиз?

– Кечаги зилзила ғалати булди-я, – деди ёзувчи. – Капалаклар ёппасига улиб колганига эътибор бердингизми? Бечоралар, гул остида шундоққина хор булиб ётишибди. Бир нимага ишора эмасмикин деб уйлаб колдим.

– Гул, капалак... – деди қассоб. – Нимага ишора экан?

– Гул севгили ёр-ку, – деди ёзувчи. – Капалак эса ошкни англатади.

– Йук, сиз бунака нарсалар билан бошни котирманг, – деди қассоб. – Гулни гул, ёрни ёр десангиз булмайдими?

– Булади, – деб жилмайдн ёзувчи.

– Хафа булмангу мен ҳам баъзан китоб укиб турман, – деди қассоб. – Етти йил бурун жуда зурини укиган эдим, номи ёдимдан кутарилибди. Мазмуни шуки, бир одам бошқасини гушт чопадиган болта билан чопиб ташлайди... Гапнинг буларини, бор нарсани ёзин керакмасми? Масалан, мен ҳақимда ёзсангиз?

– Нима деб ёзишим керак экан?

– Шу тузук одам, ҳар куни мол-қуй суйиб, эрта сахардан эл хизматига бел бойлаб туради, десангиз бас-да.

– Вақт-соати келар, – деди ёзувчи.

Қассоб унга сездирмасдан майда суяк кушди. Ёзувчи хайрлашиб чиқиб кетгач, салдан кейин “Ана, рассом ҳам келятти” деди бепарво.

Ёзувчидан фаркли уларок, у – озгин, узун буйли киши экан.

– Ҳа, ака, чизяписизми?

– Чизялман.

– Нимани?

– Кечаги зилзилада капалаклар ўлиб кетишди, – деди рассом. – Шуни чизялман.

– Э, сизларга бир нима бўлганми? – деди кассоб. – Гул, капалак.. Мана каранг, узингиз карзга гушт олиб юрибсиз. Одам дегани ишни кузини билиши керак, шунда тукин яшайди. Мени расмимни чизақолмайсизми?

– Нега чизар эканман?

– Бир кило шурвабоп гушт бераман. Узимга ухшатиб чизсангиз бас.

– Йук, – деди рассом. – Мен унака нарсаларни чизолмайман.

Улар кетишгач, кассоб мен билан суҳбатини бошлади:

– Қара, кап-катта одамлар. Капалак минан нима ишинг бор, туғрими?

– Туғри.

– Езмасанг езма! Қорним тук, устим бут, – деди кассоб, ёзувчига карата. Сунг рассомни ҳам бебаҳра қолдирмади: – Чизмасанг чизма, ана, расмчини чакираману “чик” эттириб расмга тушиб қўяқоламан!

Кассоб жуда ғайратли киши. Бир жойда сира утиролмайди. Гоҳ кулини оркасига қилиб куча кезиб қолади, кишиларнинг уйларига бир-бир разм солади. Гоҳ рупарадаги пуртахол дарахтининг ёнига боради-да, синчиклаб баргларини ағдариб-ағдариб қарайди.

Дарахт аллақачон гулларини тукиб юбориб, урнида майда, кум-кук гуррачалар пайдо қилибди.

– Э, ростдан ҳам мева соладиганга ухшайди-ку? – деди кассоб, хайратланиб. Кейин пештахта ортига утиб, пешанасини тириштириб анча вақт бир нималарни ҳисоблаб утирди.

– Нималарни ҳисоблаяпсиз?

– Тек тур! – деди менга.

Ниҳоят, ҳисоб битди.

– Битга шунака дарахт бир йилда юз кило ҳосил берса... – деди кейин. – Килосини фалон сўмдан сотса, фалон пул булар экан. Бу бола мунӣ бежиз опкелмаган, – деди бармоғи билан нуқиб. – Бойиб кетишни кузлагани аннӣ!

\* \* \*

Ёзувчи ҳар уч кунда бир келади. Рассом истагани маҳал келаверади. Рассомнинг ҳаётида тартиб йуклиги шундан билинади.

Қассобимиз маккор. Алдаб суяк кушворади. Миҷоз сезиб колса, “Сизни ҳурмат қилганимдан кушдим, суяк шурва ичсангиз мазза-ку” дейди.

Пуртахол дарахтининг манзараси узгара бошлади. Барглари янада қалинлашди, лекин кум-кук гуррачаларни катталашмасдан, бир хилда тураверди. Билсангиз, узимизнинг дарахтларимиз одамларимизга ухшаб оддий, жайдари қуринди. Бегона дарахт эса типпа-тик, барк уриб қурк таратиб турибди. Бошка дарахтлар те-варак билан бирлашиб кетгандай туюлса, у – бир ўзи, узгача.

Кун утиб, ҳар доимгидай ёзувчи кириб келди. Ортидан рассом ҳам қуринди.

– Ҳа, ёзувчи ака, – деди қассоб эпчиллик билан пештахта ортига утиб. – Ёзясизми?

– Йук, кун кечиряпман.

– Фарқи борақанми? – деб қулди қассоб. – Мана, бизам юрибмиз, кун кечириб.

– Фарқи бор-да, – деди ёзувчи.

– Капалак нима булди?

– Уша-уша, – деди ёзувчи. – Минг йиллардан бери шу манзара, узгарарминди? Гул пойида улибди-қолибди.

– Қанака гул экан?

– Оддий чиннигул, – деди ёзувчи. – Гуллари майда, ок.

– Капалак-чи?

– Қаноти катта, ок капалак, – деди ёзувчи. – У озикланмайди. Бор-йўғи бир неча кун яшайди, холос.

– Ҳа, яшаса яшабди-да.

– Ким билсин, – деди ёзувчи. – Шу воқеа менга каттиқ таъсир қилди.

– Сиз кушхонамга боринг, таъсир қиладиганларини мингтасини курасиз, зур китоблар ёзворсангиз ҳам ажабмас, – деди қассоб. – Масалан, букаларни қанақа суйишимни айтсам... Баъзи жуда бақувватларини пешанасига болта билан уришга туғри келади. Ушанда бош суяғи қарсиллаб пачокланиб .

– Гапирманг шуни, – деди ёзувчи. – Усиз ҳам юрагим зардобга тула.

– Ҳа-а, – деди қассоб. – Зур воқеа айтиб берсам ёзасизми? Ташвиш қилманг, ҳақ олмайман, пулим узимга етарли, – деб қулди у. – Тағигами, устигами қассоб акани ҳикояси деб қуйсангиз бас.

– Йук, – деди ёзувчи. – Мен узимга таъсир қилган воқеани эзаман.

– Ҳакингишни берсам ҳам ёзмайсизми? – деб суради қассоб.

– Иложи йук-да, – деди ёзувчи.

– Узи, нима ёзасиз? – деб қизикди қассоб.

Ёзувчи индамади. Не деярига шошди шекилли Қассоб насиҳатга утди

– Китобни ким укйди ҳозир? Ақл билан иш тутиш керак. Болалар ҳам катта бупқолишгандир?

– Ҳа.

– Уйингизни бир четига туртта қуй олқуймайсизми? Бирга бир фойда беради.

– Қулимдан келмайди.

– Узи, хайвонлардан борми?

– Битта кучугим бор.

– У фойдали махлук, – деди кассоб. – Кучугингизга суяк олмайсизми?

– Йук, биз нима есак шуни ейдиган кучук у, – деди ёзувчи.

– Хафа булмангу аммо бирор фойдалироқ иш қилсангиз булмайдимми? – деб суради кассоб. – Мана, мен мол-қуй суйиб сотаман, элга фойдам тегади. Сизнинг ишингиздан нима наф?

Бу темир мантиқ қаршисида ёзувчи ожиз қолишини кузлаб, атай шундай деди.

– Капалакни айтдим-ку, – деди ёзувчи. – Капалакдан фойда келганини курганмисиз?

– Қанақа фойда?

– Шуни айтяпман-да, – деди ёзувчи. – Гул олдидан сира кетмайди. Теграсида айланади-учади, айланади-учади. Тил-забони йук, жимитдай нарса. Не қилари номаълум. Ҳеч кимга озори тегмайди, учса кўзни кувнатади. Жуда беозор, покиза яратик. Мен атай тундаям кузатдим.

– Ухламас эканми?

– Йук, ухламас экан. Тонг сахар зилзиладан кейин қарасам, шундоққина гул остига тушибди. Тиригининг қанотлари хиёл йилтираб товланиб туради. Бунинг қаноти хира тортиб қолибди. Курганингиздаёқ улганини англайсиз, – деди ёзувчи.

– Ҳа, энди. Худо шунақа яратган-да, – деди кассоб. – Масалан, филни бошқача яратиб қўйган-ку? Қудратини қаранг, шундай бахайбат махлукни яратибдию гуштини еб булмайдиган қилиб қўйибди.

– Унда бошқа ҳикмат ҳам бор, – деди ёзувчи. – Унақа катта ҳайвонни суйсангиз, гуштини сотолмай айнитиб ҳам қуясиз-ку?

Жилмайиб қўйганидан ҳазиллашганини англадим. Аммо кассоб фаҳхламади.

– Туғри айтасиз, – деди. – Сира уйлаб курмаганимни қаранг! Узимча филдай бука суйсайдим деб юрарди-



му бу ёғи калламга келмабди. Ростдан ҳам ақлли киши экансиз, мени ёзақолинг.

– Нима деб ёзай?

– Шу, бир қассоб ака борийди, яхши одам эди. Зур иморат солган, десангиз ҳам булади. Буям бир ҳавас-да, – деди кейин. – Меҳмон-измонга мен ҳақимда ёзилган деб курсатиб мактавиб утирардим?

– Уша зилзила билан биз билмайдиган яна бир нима келди, – деб гапга кушияди рассом. – Курдингизку, осмоннинг бир тарафи кизгиш ёришиб кетди. Кейин ер тагидан жуда бугик сас эшитилди... Ҳамма капалаклар бараварига улганига нима дейсиз?

– Эҳ-хе, ҳаёт деганлари мана шунака-да, – деди кейин, уйланиб. – Бир нима дея олармидингиз? Сизни бошқа тур, уни бошқа тур қилиб яратган бўлса. Капалак қайдаю гул қайда? Яралишиданок етишолмаслиги аниқ-ку? Тақдирни қаранг, шунга маҳлиё қилиб қуйган-да. Бири ерга илдизидан бойланган, бирига ҳаводан ризк берган. Дунё билан сира иши йуқ, мана шу маҳлиёлик ичида умри тугади-қолди...

– Балки гул сувидан ичар? – деб суради қассоб. – Бир нима ейишиям керак-ку, уям тирик жон, ахир?

– Ким билсиз, балки олимлар билар?

– Айтинг-чи, расмларингизга қанча пул оласиз? – деб суради қассоб, гушт тортар экан.

– Ҳар хил. Баъзан сарф-харажатигаям етмайди, – деди рассом. – Буюк, мато, дастгоҳ деганлариям зарур-ку? Гоҳида дунёни буюғини сарфлаб юборсангиз ҳам кунглингиз тулмайди, янгитдан бошлашга тугри келади.

– Шунча харажат-а, – деди қассоб. – Менинг сурагимни қачон чизасиз?

– Вақти келқолар, – деди рассом, хайрлашиб чикиб кетар экан.

– Қурғур, алдади, – деди қассоб. – Йўлни нариги томонидаги фотосуратчини танийсанми? Ушани чакирув-

дим, туғилган кунимни суратга олиб бер десам, дунёни пулини айтди. Буники унданам киммат. Айтмайди-да, ичидан пишган муғамбир. Одам булсанг, ростини айтиб қўявер, – деди кейин, жаҳли чиқиб. – Расмимни чиз десам, узини опкочинини кўрдингизми? Минг зур чизганидаям уша фотосуратдагидан ўтказолмайди-ку, тўғрими? Демак, чизган матоҳини нархи фотодан арзон булиши керак.

– Унда нимага бу кераксиз ишни қилиб юрибли?

– Мен ҳам шуни тушунмайман-да, – қўлларини икки ёнга ёйди қассоб. – Узи, сира зарилмас шуни сурати Эрон гиламини катта қилиб ишлаш керак, – деди кейин. – Расмга олсак, кичкина чиқиб қоляпти. Хаёлимдаги расм шунака булиши керак: мен олдинда бир кулимни белимга қуйиб, мағрур қараб турган буламан. Оркамда уйни охиригача ястаниб кетган гилам, гиламда утлоқлар, қуй-қузилар тасвири булиши керак. Биронта дуконда унақаси йўқ экан. Шуни чизиб бер десам, узини опкочади-я? Атай купрок суяк босворай дейману яна шайтонга ҳай бераман. Бошқа қассобга кетиб қолса-чи?

– Ёзувчи ака-чи?

– Неваралар катта бўлишяпти, – деди у хаёлчан. – Вақти келиб кучдан қолганимда уйда ўтираман-ку. Уларнинг кузига обрў-эътиборли булиб кўринишим керак. Бобоси хақида китоб ёзилган, расм чизилган булса, неварога шундан ортиғи борми?

– Қара, ҳаммасини пухта ўйлаб қўйганман, – деди у. – Умуман, мен ҳамма ишимни қатъий ҳисоб-китоб билан қиламан. Анавиларни қайсарлигига ғашим келди-да. Масалан, соққасини берсанг бас: қушиқчи ашуласини айтади, ошпаз овқатини пиширади, тўғрими? Ёз десам ёзиб, чиз десам чизиб беравер, нима қиласан узингги катта олиб? Туй-маросимингда фойдам тегар? Ҳаммага наф келтириб юрган одамман, мен булмасам одамлар икки маҳалла наридан гуштга қатнашарди.

Мана қара, неча одам қарзга гушт олган?! – дафтарини силкитди у. – Бир нима демаяпман-ку?

– Билмадим, ақлим етмади, – деб қўяқолдим.

Кейинги гал яна шу суҳбат устидан чиқдим. Қассоб қаттиқ аҳд қилган экан, гапни яна шу мавзуга бурибди.

– Энди-и, сизлар халққа уғит-насиҳат қилиб юрадиган одамсизлар, – деяпти. – Бунақа кишининг уй-жойи ҳам бадастир булиши керак-да.

– Қанақа насиҳат? – деб жилмайдн ёзувчи деганлари. – Ўзимнинг ақлим етмаган қанча нарса бор-ку, одамларга насиҳат қилишга йўл бўлсин?

– Ия? – ростакамига ҳайрон бўлди қассоб. – Китоб-питоб ёзасиз-у, яна ақлим етмайдн дейсиз? Мана, мен... – дея қассобчиликнинг фойдаларидан гапира кетди: – Қуйга бир қараганимдаёқ қанча тош босишини биламан. Одамлар атай келиб маслаҳат сураб келишадди. Сиз бўлсангиз... Э, садқаи одам кетинг!



Ёз адоқлай бошлаганида пуртахол дарахти катта-катта мева солди. Аммо сира пуртахолга ўхшамасди.

– Ия, пуртахол сарик бўлмасмиди? – деди қассоб. – Бу халиям кўм-қук-ку?

– Турунж деган мева бор, – деди ёзувчи. – Ўша бўлмасин тагин?

Диккат билан разм солди.

– Турунжга ўхшар экан, – деди қониқиш ҳосил қилиб. – Бунинг манзарали турлари ҳам бўлади. Балки ўшанақасидир?

– Ҳа, бу ярамас, ёлғончи дарахт экан, – деди қассоб. – Таг-туғи билан кесиб ташлаш керак!

– Тураверсин, – деди рассом. – Чиройли-ку барибирам? Меваси пуртахол булиши шартми? Мавсумларда баргларининг ўзгаришини кўрдингизми? Аввал оч-яшил, топ-тоза рангда эди. Кейин тўқ яшил тус олди. Куз бошида четлари зарҳалга бўялди. Кейин тамоми-

ла сарғаядими десам, пук, кизара бошладн. Мана, энди кип-кирмизи тусга кириб колди. Баргини қаттиқлигини куринг, рангларини товланишларини каранг. Узоқдан худди алангага ухшаб курнади. Меваси пуртахол эмас деб кесаверасизми?

– Пуртахол булса пуртахоллигини килсин, – деди қассоб. – Нима килади кулидан келмаган ишга урниниб?

– Мен тунов куни суяк майдалайдиган катта болта билан пуписа килувдим, – деди кейин.

– Нима деб пуписа килдингиз?

– Пуртахол булсанг пуртахоллигингни кил, гудайиб туравермасдан, мева солсанг сол, булмаса чопиб ташлайман дедим. Ушандан кейин саргайиб кетди. Буям тирик жон, балки қондан курқкандир? Болта билан гушт чопаман-ку?

– Ғалати иш кипсиз-ку, – деди рассом. – Бечора, бир дарахт булса, гул ёзиб мева тукканига завкланмайсизми? Қон билан ҳам куркитадими?

– Акл ургатмаган сиз колувдингиз, – деди қассоб, жаҳли чикиб. – Қондан куркадими-йўқми... Мана, сиз ҳам курқсангиз керак, аммо қони окизилган гушларни мацца килиб ейсиз-ку?

– Туғри айтасиз, – деди рассом, рухи тушиб.

– Булти-да, нима киласиз катта кетиб? Ҳамма узини ишини килмаса, дунёда тартиб қоладими? Менга қолса шунақанги тартиб урнатиб қуярдим-у, афсус...

– Бир хикмати булмаса, бунака яралмасди, – деди ёзувчи. – Айтмоқчи, тумов бўлиб колдим дедингизми?

– Ҳа, уч кундан бери аҳвол шу, – деди қассоб.

– Шунн мевасидан биттасини олиб, дамлаб ичингчи, – деди ёзувчи. – Ибн Баттута деган табиб утган. Тахир пуртахол ҳақида уша киши айтиб кетган экан.

– Қани, курармиз...

Қассоб шундай килди. Айтганидек бўлиб, икки кундаёқ шифо топди.

– Э, қаранг-а, – дерди хайратланиб. – Муни кесамиз депману шифолигини билмапман. Худонинг узи бурнимни тагида дорихона устириб қуйибди-ку?

\*\*\*

– Уйлаб-уйлаб уйимга етолмадим, – деди бир кунни кассоб. – Қапалақлар улганнини гапирдингиз-ку? Туппа-тузук, ақлли-хушли одамсизлар. Айтнинг-чи, у воқеанинг нимаси сизларга шунақа қаттиқ таъсир қилди?

– Улим шунақа, бирданига келса-чи? – деди ёзувчи. – Ростини айтсам шундан қуркаман. Нарёғида эса нималар бўлишини айтолмайман.

– Уласиз-кетасиз, – деди кассоб. – Одам ҳаётга бир марта келади, маза қилиб яшаш керак. Мана, ёзувчиман дедингиз. Мени ёзмадингиз. Булти, зур гап айтнинг-чи.

– Нега зур гап айтар эканман?

– Масалан, менга зур гушт беринг дейишади-ку, – деди кассоб. – Чунки касбим шу. Ҳаммага зур гушт берсам, куним утмай қолади. Шу сабабли кимгадир қовурга, кимгадир биқин, кимгадир сарпанжа сотаман. Сиз ҳам шунақа қиларсиз? Ҳар доим ҳам зурини айтавермасангиз керак?

– Унақа гап йук-да, – деди ёзувчи. – Ҳаммаси эски гаплар

– Ана, – деди кассоб. – Улимни гапирасиз, ҳамма келади-кетади. Уйлаб юришни нима кераги бор?

– Улим йуклик эмас, – деди ёзувчи. – Улим деган нарсанинг узи йук. У узгартирувчи, холос. Инсонлар сираям улмайдилар.

– Кулгимни кистатманг, – кулиб юборди кассоб. – Мана, масалан, бугун ҳам мол сўйдим. Улмадими?

– Бу гап хайвонларга тегишли эмас-да, – деди ёзувчи. – Яратиклар орасида инсонгина абадий. У ҳеч қачон улмайди, ҳаминша барҳаёт.

– Энди шошманг, – деди кассоб. – Оддийроқ қилиб тушунтиринг-чи. Хуш, қанақасига улмас экан?

– Нима десам экан... – кулимсиради ёзувчи. – Масалан, туғилмасингиздан илгарӣ ҳам бор эдингиз, тугримми? Яъни, руҳлар оламида эдингиз. Худонинг ҳукми билан у оламдан кетиб, она корнида бунёд булдингиз.

– Хуп, тугри дейлик?

– Она корнида туккиз ой тургач, у ердан ҳам кетдингиз-у, ёруғ дунёга келдингиз.

– Хуш?

– Бу ердан ҳам кетсангиз, узга бир оламда яна бунёд буласиз. Яъни, улим йук, факат бир оламдан бошқасига утиш бор, холос.

– Э-э, шунақа демайсиэми? Агар бу зур гап! – деди кассоб, бирданига севиниб. – Демак, улим йук денг? Хаёт абадий денг? – Озгина гушт олиб, тарозига ташлади: – Мана, сизга мукофот! Олинг! Одамни хурсанд кнвордиз-ку?

\* \* \*

Амаким баккол дуконини не умидлар билан очган булса-да, бу жойда савдо юрмади. Шу сабабли, бошка жойга кучирамиз деб қарор қилди.

Орадан икки-уч ой вақт утди.

Университетга уқишга киришга тайёрланиб юрган эдим, ёз охирларида синовларимни топширдим. Тайёрланиш чоғида бир дарслик керак булиб қолди. Отамдан пул олиб китоб дуконига кирсам, юпка, оч-сарғиш муковали китобчага кўзим тушди. Муковасида шохларини ёйиб турган пуртахол дарахти, мевали дарахтлар буй чўзган куча тасвирланган, остида чиннигуллар буй чўзган, чиннигуллар остида эса бир неча капалак сурати чизилган булиб, муковасига катта-катта қилиб “Капалаклар улими” деб ёзиб қўйилибди. Муаллифига қарасам, нотаниш. Кейин эса, у кишиларнинг исмини сурамаганим ёдимга келди. Ким билсин, балки ростдан ҳам уша ёзувчи аканинг китобидир? Суратини эса рассом чизгандир? Билмадим.. “Капалаклар улими” деган

суз таниш булгани учун, олсамми-олмасамми деб иккиланиб анча турдим, сабаби, сотиб олсам, дарсликка пулим етмай коларди, олмасам, кизикнишим устун келаётир. Ниҳоят, таваккал деб олақолдим. Уйга келиб, диққат билан укиб чикдим.

Хаммаси уша-уша... Бироқ, нотаниш гаплар ҳам бор. Уша, мен шохид булган воқеами десам, бошкага ухшайди Бошкамикин десам, таниш манзаралар..

Ким билсин...

Қассоб эса... Бир кунни тасодифан уша ёкка йулим тушди. Дукон уша-уша, очик. Қассоб бир кишига гап уктириб утирган экан. Менга бош-оёқ разм солиб, юзимга бир муддат тикилиб колди. Кейин қўлини пахса килиб, яна уз мулоҳазаларини суҳбатдошига жон куйдириб уктиришда давом этди.

“Танимади шекилли”, дедиму тезда у ердан утиб кетишга шошилдим.

Танимагани яхши булди. Чунки кайга укишга топширдинг, битирсанг ким булиб, қанака жойларда ишлайсан, топиш-тутишинг қанака булади дегандай саволларни қалаштириб ташлаши тайин. Ҳақиқатан ҳам, битирсам ким булиб чиқаман? Қанака жойларда ишлайман? Келажакда мендан нима фойда келиши мумкин? Ҳали укишга кириб-кирмаслигим номаълум-у, саволларига жавоб бера олармидим?

Лекин, рассом ёки ёзувчи куриниб колармикин деб алангладим ҳам. Йук, куринишмади. Шунга ичимда хиёл афсус уйғонди.

Кургим келди-да. Мен билмайдиган, аммо одамни тулқинлантирадиган, фикру хаёлимни аввал курилмаган уфқларга етаклайдиган янги-янги гапларини эшитгим келди.

Қассобнинг тутуми эса аён. Ҳали олдига бормасимданоқ нима дейишини биламан.

Шу сабабли, ёнига тухтамадим.

Қадамимни тезлаштириб, йулимга кетавердим.

## ҚОРАҚУШ ЮЛДУЗИНИНГ СИРИ

Ёмғирли, лой кун эди Қашқарнинг Сажия ва Ҳамидия мадрасалари қаршисида ҳунармандлар, бузчилар, мокичилар, тақачилар йиғилишган, кимдир бошига бир сават патир кўтариб тирикчилик ваҳҳи сотишга йул олган, бошқаси рутубатдан намланган арпа тула қоплар олдида утирар, от минган ёки яёв, найза-ю қилч тутган эрлар туп-туп бўлиб, лой сачратиб у ёқдан-бу ёққа утишарди.

– Ҳой Эргаш, арпангни кутар, жонингни қутқар!

– Нима бўпти?

– Ҳусейн Тегин бошлнк шаҳзодалар заҳарланибди!

– Йўғ-э?

Ҳунармандлар шоша-пиша молларини йиғиштириб мадраса кунжагидаги уйчаларга беркита бошлашди. Бир қисми эса шу яқинлардаги хон қўшқи томон йул олишди.

– Ҳой, бориб нима қиласан? Узинг бир ҳунарманд булсанг, сарой билан не ишнинг бор?

– Ким улдирибди?

– Ёгон Тегиннинг хотинларидан бири Ҳаниси уғли Иброҳимни тахтга кўтармок учун шох уғилларини заҳарлабди.

– Аммо шаҳзодалар ҳам Ёгон Тегиннинг невараларин-ку?

– Энди кирғин бўлиши тайин...

– Ҳусайн Тегиннинг бир уғли борийди, толиби илм, у тирикмикин?

– Тирик, аммо Қашқардан кочибди. Йўкса тутиб уни ҳам улдирурларди.

– Ултон Ёгон Тегиннинг уғли Ҳусайн Тегин асли Барсгорнинг ҳукмдори, адолатли, яхши киши эди. Қо-



рахонийлар сулоласидан, насли тоза. Ёгон Тегин қарликни буйнига олиб салтанатни унга топширгони учун Ҳаниси хотуннинг қаҳри келмиш, нечук болам углинг эмас эса, сени болаларинг ҳам менга угил эмасдир дея захарламишдир.

– Ҳай эл, вой эл! – деди арпа сотаётган киши, қопларини кутаришга чоғланиб. Кейин хулоса ясади: – Тахтга ким келса келабермайдими? Ҳар кунги битта юпқанг уша-уша. Биров иккита бериб қуярмиди?

– Тахт талашиб қон тукиб, одамларга масхара булғач, эл иззат қилармиди?

– Ясага кура тахтга хон угли утирадур. Сену биз қорасуяк, ишингни қилабермайсанми? У хон келадими, бу хонми, барига кераксан, хунарли одамсиз салтанат юрармиди?

– Ана бу гапинг туври...

1057-йилнинг сунбула ойида Қашқарда шундай қотиллик руй берди. Ҳокон Ҳусайн Тегин ва угиллари захарланиб улдирилгач, угли Махмуд онаси Биби Робия ва сингилларини шунда қолдириб, ўз юртини тарк этишга мажбур булди. Чунки томирида хон қони оққан барчани ўлдиришга фармон берилган эди.

Ун биринчи асрда Болосоғун туркийлари шу қисматни бошдан кечиришди. Қочиб кетган эран – Ёгон Тегиннинг фаҳму фаросатли невараси ҳаёт осмонига уюр-уюр ҳалокат булутлари ёпирилди. Болосоғун Ҳаниси хотун угиллари орасида жангу жадал ва араз-тирсиклар аро тақсимланар экан, хон угли ўз тупроқларидан олис эллар томон бош олиб кетди.

Орадан икки йил утгач, унинг ёнида шерикларидан бирон кимса қолмади. Узоқ сафарини ёлғиз ўзи давом эттирди.

\*\*\*

Ейлоқда куй-қузилар утлаб юрар, Тангри тоғ музликларидан эсган муздай шабада ўз қатида арча бужури-ю исирик исларини олиб келарди.

– Яхши иш экан, – деди уғиллари билан утлокка тушалган пустакда утирган кунок эгаси, шабадага бетини тутиб, олимнинг сузларини диққат билан тинглаб. – У битикка бизнинг отмизни ҳам ёзиб қуясизми? Эвазига икки қузи бераман

Умри дашту яйловда утган, укиш-ёзишни билмайдиган бу барваста кишига китоб улуғ муъжиза бўлиб қуринар, номи асар катларида қолишини жуда-жуда истар эди.

Маҳмуд унинг содда-самимийлигидан қулимсиради.

– Албатга ёзиб қуяман, – деди.

– Уғлим мактаб борган, укиш-ёзишни билади, – деди у киши. – Арабчани ҳам бир оз урганган. Факат, узоқлиги учун қатнашни бас қилди.

– Ҳақиқатан ҳам, тонгда йулга чиксам, кун найзага келганида етиб борардим, – қушимча қилди усмир. – Айниқса кишда кун тор, шоқолу қурт<sup>1</sup> гелим<sup>2</sup>, бормаёй қуяқолдим.

– Тил урганишга кийналмадингизми? – деб сўради олим ундан

– Асло йук, – деди йигитча. – Факат, бизнинг тилдан фарқ қилиб, ўз-ўзидан тугар экан. Шўни тушуниб олганимдан кейин осон кечди.

– Арабча ич-ичидан очиладиган гулга ухшайди, – деди Маҳмуд. – Бир новдада саккиз атиргул очилишини ёки битта шохда саккиз хил олма етилишини тасаввур қилинг.

– Уни қуятуринг, менга ҳам бир оз тушунтирсангиз-чи, – деди қунок эгаси. – Мен билимлардан йироқ одамман. Билганим қуй-қузи, от-йилки, холос. Киши акли етмайдиган ишларни қилиб юрадиган одамларни ёктираман.

– Тил халқнинг феъл-атворини намоён қилади, – деди олим. – Бошқа бир қанча тилларга ухшаб, арабий

<sup>1</sup> Қурт – ўғуз лаҳжасида, бури

<sup>2</sup> Гелим – қўп.

ҳам аввало қияган ҳаракатини ифодалайди, масалан, “Мен келдим” деганидан кейин, келган жойининг сифатини айтади, “Фалон жой эди” дейди. Бизлар эса “Мен фалон ерга фалон аҳволда келдим” деймиз.

– Ҳеч тушунмадим, – деди кунок эгаси.

– Черик мисолида тушунтирайми? – деди Махмуд. – Араб “Черик келди ошу озиги билан” дейди, яъни аввал черик келганини, сунг ошу озиги ҳам борлигини айтади. Бизлар эса “Черик ош-озиги билан келди” дея ҳаммасини бирданига билдириб қўя қоламиз. Лундаликни қуряписизми?

– Тавба, ўзимизча ҳар нарсаларни сўйлашиб юриверамиз-у, уйлаб қурмаганимизни қаранг, – деди кунок эгаси, хайрон бўлиб

– Ҳа, – деди Махмуд. – Тил худди жони бордай чийрилади, қувлайди, қочади, маъноларини куз-куз қилиб яширишиб ҳам олади, яйловларга, ўтлоқларга, уйларга етаклайди. Мен ўз тилимизда ҳалигача узун жумлаларни қурмадим. Сабаби яшаш тарзида, деб айтдим-ку? Яйловларда қўй-қўзи боқаётган, ер ишлаётган ёки жангга қирган одамга узун сўз не ҳожат?

– Бизда сўз феълдан ясашиб кетаверади, – деди кейин. – Мисол, “куч” сузини олинг. “Кучмок” хайлини беради. Кучган одамга “кучманчи” дейдилар, кучаётгани “куч этди” дейдилар, “куча” деган сўз кучиладиган воситани англатади, “кучок” – куч ери. Қаранг, биргина сўздан шунча сузни урганиб олдик. Ёки тушни айттайлик. Одамнинг ё хайвоннинг қўқрак қисми туш дейилади. Тушаш сузидаги маънони илғаяписизми? Қўқсимни ерга тушадим демаяптими? Тушамокнинг маънисини ҳам шундай. Ерга солинадиган, утирадиган нарсани тушак дейдилар. Ёки биз ўтирган шу пустиак, пусти сузидан олинган “Пуф” сузини олсангиз, пуфламоқдан пуфакка келиб қоламиз.

У тумоғини тўғрилаб олди-да, деди:

– Мен элларни кезиб юрсам-да, асли сузлар ва уларнинг англамларига сайр қилаётгандайман. Бир кезувчи ниманиям қуради? Сузларнинг маънолари шу қадар сунгсиз-ки! Худди кезганингизда эски харобаларга дуч келасиз, қарасангиз, аждодингиз ётган ер экан. Қай бирини айтай?

– Барибирам ақлим етмади, – деди қунок эгаси. – Буларни ёзиб юришингиздан нима наф?

– Эл жуда улуг, кўна, – деб жавоб қилди меҳмон. – Бизлар араб тилини осон, тез урганиб олдик. Араб эса бизнинг тилимизга қийналади. Қолдики, у ҳам ургансин. Бир китоб яралсин, келажакка қолсин.

– Менга изи беринг, бир оз юмушимни қилсам, – дея узр истади у.

– Бош устига, – деди қунок эгаси, кейин наридаги боши очик хотинларга овоз берди:

– Емак-ичмак ҳозирлангиз. Қўниққа қарангиз.



Бу кеча Маҳмуд яқиндагина ёзиб олган Алп Эр Тунга марсиясини шарҳламоққа киришди.

Алп – ботир, қаҳрамондир. Тунга – йулбарс жинсидан бўлган бир хил ҳайвон. У филнинг қушандасидир. Бу сузнинг асосий маъноси шудир. Лекин у туркийларда маъноси узгарган ҳолда қўлланади. Қўпинча, одамларга лақаб урнида ишлатилади. Чунончи, Тонахон, Тона тегин ва шунинг қабилар. Туркийларнинг улуг хони Афросиёбни Тона Алп Эр деб аташ эдилар. Йулбарс қаби қучли баҳодир одам, демақдир.

Демак, Алп Эр Тунга сузининг маъноси “Йулбарс қаби қучли одам, ботир ва қаҳрамон эр” бўлади. Туркий халқларда ботир лашкарбошилар ва подшоҳлар номига, одатда, Алп сузи қушиб ишлатилган Алп Эр Тунга бу номни ўзига исм қилиб олган дастлабки туркий ҳокондир.

«Мен турклар, туркманлар, угизлар, чигиллар, ягмоларнинг шахарларини, кишлок ва яйловларини куп йиллар кезиб чикдим, луғатларини тупладим, турли хусусиятларини ургандим. Бу ишларни тил билмаганимдан эмас, балки бу ишлардаги барча кичик фаркларни ҳам аниқлаш учун килдим. Булмаса мен тилда уларнинг етукларидан, энг катта мутахассислардан, хушфахмлардан, эски қабилалардан, жанг ишларида уста найзаларидан эдим», деб битди у дафтар хошиясига.

Улушиб эран бурлаю,  
Йиртишиб яка урлаю.  
Сикриб уни юрлаю,  
Сигтаб кузи уртилур.

Эранларни бурига менгзар эдилар, деб уйлади у. “Эранлар бури каби улидилар” сузидан мардлар йиғисининг нафаси келади. Урламоқ “ур” сузига яқинми? Бир маҳаллар селдай ёйилиб “Ур-ра” дея оқар эдилар. Энди ушандай овоз мардларнинг юрагидан чикмоқда, ёка йиртиб урламоқдалар. Ун чиқармоқнинг ҳам мотам йиғисига боғлиқ жойи бор, сиктамоқ эса сиктамоқ сузининг узгарганидир. Яъни йиғлаш бошка, сикташ бошкадир. Сикташ – эзилиб-эзилиб, дарди ичига сикмай айтиб-айтиб, кузи уртилиб-уртилиб йиғлашдир. Уртилмоқ эса – урту сузидан олинган, ёпинчик маъносига. Демак:

Мардлар йиглаб, буридек увлашдилар.  
Ёқаларини йиртиб бакиришдилар  
Фаред чекдилар.  
Каттик йиғидан кузлари хиралашиб, гуё парда босди.

Туркийларнинг энг қадим марсияларидан бири – Алл Эр Тунга марсияси эса шундай хитоб киларди:

Алл Эр Тунга уддуми,  
Эсиз ажн колдим,

Узлок учин олдиму,  
Энди журак жиртилур.

Шу ерда Махмуд урнидан туриб кетди. “Юрак йиртилур” деган суз катидаги ажойиб тимсол уни узига махлиё килиб, завклантириб юборди.

“Ҳеч элда бундай ибора йук, – кулимсиради у. – Куздан ёшим дарё булиб окди, очун тор келди, жигарим кон булди дейдилар-у, аммо юрак йиртилгудай булиб кайғу чекиш бундай дарду аламларнинг энг каттигини англамайдимми? Тавба, – деб уйлади ҳайрон булиб. – Узи от чоптириб, ов килиб юрадиган бир эл-у, сузни бундай топиб ишлатганига ақлинг лол колмай илож йук”.

\*\*\*

Эртаси тонг сахарда улар туя сути – кимрон ҳамда жавдар нони билан нонушта килишгач:

– Уловингизнинг корни чала туйди, йулга ҳозир, – деди йнгитча.

Олим унинг нимага бундай деганини сезиб турса-да, атай суради:

– Нега туйдирмадингиз?

– Қорни тук от чопа олмайдир-ку? – деди йнгитча. – Отам йулга чиқишингизни айтди, шунга пичан урнига курук сули бердим.

– Фахму фаросатингизга балли. Ёшингиз неччида?

– Ун бирда.

– Тирнокдан нечта? – деб суради Махмуд, қунок эгасига юзланиб.

– Унта, – деб жавоб қилди қунок эгаси. – Саккизтаси киз, иккиси уғлон.

– Тангри умрию ризқини мул қилсин, – деди олим.

“Тирнок эт орасидан униб чиқади, – деб уйлади кейин. – Сут ва қон ораларидан инсон пайдо бўлишининг бундай таърифига не деса булади? Кишилар уз-

ларидан бино булган жужикларни “тирнок” деб аташган. Сир буйларида “Этли, тирнакли эзирмас”, яъни эт тирнокдан айрилмас деган айтим юради. Тил ҳам уз эгаси билан ана шундай ажралмас булади...”

Шу маҳал ташқарида гунгир-гунгир саслар эшитилиб, кимлардир келгани билинди.

– Уғузлар билан қипчоқлар олқишлагани келишибди, – деди кабилабоши. – Бизлар яйлову чулларда кун кечириб юрадиган саводсиз кишилар булсак, исмимизни китобга ёзадиган одамнинг не истаги булса, кошу кўзимиз устига дейишмоқда. Тангри ёрлақаб, номимиз учмайдиган булар экан, деб суюнишмоқда.

Маҳмуд ташқарига чиқиб, келган кишилар билан куришгач, уларнинг олқишларини тинглаб, совға-саломларини олиб, йулига равона булди.

Бепоен юртнинг кузги осмони тунд, ерлар пилч-пилч лой эди.

Утган ерларида хотинларнинг боши очик, кишилар озод, куп ерларида эркагу хотинларнинг баб-баравар от миниб, ёй отишларини курарди. Ҳатто бир кишлоқда белига қилич осиб олган сарик сочли, кўк кузли кизгинани ҳам учради, унинг юракли экани тан бергулик эди. Эрлардан ҳайикмай, теппа-тенг олишадиган шундай хотинлар эл орасида куп учрайди. Олим утар экан, ёшлар унинг хурмати жиловларни тортиб, бир муддат тек туришди, кейин ҳай-ҳайлаб қичкира-қичкира камар арчалари томон от солишди.

Болосоғун аллақачон олисда қолиб кетган, салтанат жанжаллари хаёлдан уча бошлаган, Маҳмудни энди эл орасидаги турли-туманликлар ўзига маҳлиё айлаб, бошига келган кургуликларни хийла унуттирган эди.

\*\*\*

Кейинги манзил араб кишлоғи булиб чикди. Муқим яшайдиган қариялар учун лой-пахсадан кулбалар тикланган, томларидан камиш учлари-ю попилти-

риклари хуриниб турар, ора-сира чодирлар ҳам кузга ташланарди. Чодир олдидаги баланд буйли, коп-қора, кузлари уйнаб турадиган бири Маҳмудга хайрон булиб караб турди-да, пахса уй ичкарасига караб овоз берган эди, у ердан етмишларга кирган, урта буйли, серҳаракат чол чиқиб келди. Араблар шайх деб атайдиган кабила оксоколи шу киши экан.

– Сизларга Аллоҳнинг саломи булсин! – деб саломлашди Маҳмуд улар билан.

– Сенга ҳам Аллоҳнинг саломи булсин! – деб алиқ олди оксокол, бироқ, нигоҳини узмай тикилиб тураверди. Унинг бундай бетакаллуфлигига Маҳмуд хайрон бўлмади, чунки арабийда “сиз” деган суз йуклигини яхши биларди.

– Одамлар оғзидаги лисонларни ёзиб олувчи сенми-сан? – деб суради оксокол, арабчалаб. – Эшитишимизга караганда, вилояту саҳроларни кезар эмишсан?

Овулдан овулга, кишлокдан кишлокка бу хабарнинг тез тарқалиши хайратланарли эди

– Ҳа, туғри айтишибди. Эл-тошни, дала-тузни кезиб юрадирман, – деб жавоб килди олим, туркийда.

Ёнидаги киши унинг гапини арабийга бузиб таржима қилган эди, Маҳмуд кулиб юборди. Чунки араб “дала” сузини “мазра”, туз сузини “милх” деб угирди.

– Сиз экин экиладиган майдонни “мазра”, яъни дала дейсиз, биз қуналға теграсидаги очик-яйдоқ жойни дала деймиз. Туз деб тупроғи унумли ерни, яъни тузлик етиладиган жойни айтамыз. Сиз эса уни “милх”, яъни ошликка солинадиган туз деб угирдингиз, – деб тушунтирган эди, хайрон булганидан арабнинг оғзи очилиб қолди.

– Ё тавба, илминг бошу кузим устига, – деди кейин. – Сен олимми-сан?

– Олимни бизлар “билга” деймиз, – деди Маҳмуд. – Яъни, “билмоқ” сузидан от ясаймиз. Сиз эса отдан феъл ясайсиз, масалан, “илм” сузидан хосилалар чиқарасиз.



Бу ерда ухшашлик кураминиз, чунки бизлар ҳам “бил” феълидан от ясаймиз.

– Мадрасада сарфу нахвдан дарс олганман, бир канча лаҳжаларни биламан, – деди кейин. – Сизнинг сарфу нахвнигизга кура туркий лисон қонун-қондаларини тартибламоқ, яъни араблар туркий тил урганишларига қумак бермоқ учун кезмоқдаман.

– Арабнинг туркий урганишига не хожат? – ҳайрон бўлди қабила оқсоқоли. – Қолдики, бошқалар арабий ургансинлар. Мусулмонмисан?

– “Қолу бала”, – деди Маҳмуд, кулимсираб.

– Билхосса, мушриф кишилар туркий тилни урганиш лозимлигини, чунки улардан келажакда катта олимлару лашқарбошилар чиқиши башорат қилинганини айтадилар, – деди унинг ёнидаги араб. – Валлоҳи аълам бис-савоб. Демакки, Қуръонни ҳам хатм қилган чиқарсан?

– “Қолу бала” деганидан билмадингми? Шу жавоби билан ҳикмат денгизининг битта дурини курсатиб, алмисокка ҳам ишора қилиб қўйди-ку, фаҳминг етмадимми? – дея қўйиб берди уни оқсоқол. Сунг Маҳмудга юзланиб, деди: – Илминг бор эканига шубҳа йук. Бирок, англаёлмадим, арабий билсанг, нега яна ўз тилингни урганиб юрибсан? Бир Қуръону унинг тили етмасми сенга?

– Ҳокимул-мутлак Бобилдан сунг тилларни аралаштириб юборди, – деди Маҳмуд. – Истаса бир лисонда қилар эди. Муниг маъноси шулким, истаса ҳар қимни мусулмон қила оларди. Лисонларни аралаштиргани билан бир қаторда, кишиларни ҳам турли тонфа қилди. Қуръон тилини урганиб илм олган кишининг савоби ила ўз тилида илм олганиннг савоби тенгмидир?

– Албатта тенг эмас.

– У ҳолда тилларнинг турли-туманлигидан кузланган бир ҳақиқат борлиги аён, – деди Маҳмуд ва тушунтирди. – Тил санъатдир. Сиз туя миниб етган манзилга

биз от миниб етамиз. Табиийки, туя минганнинг кузига бошқа, от минганнинг кузига бошқадир дунё. Бирок ҳар иккиси ҳам Сонийнинг санъатини кўрмоқда. Башарий тиллар Унинг қудрати ва санъатидан дарак беради, мен уша қудратни, уша санъатни урганмоқдаман.

\* \* \*

– Очикка жой қилинг, май-шароб келтиринг, бу кишига байир сўйинг<sup>1</sup>, – деди арабларнинг сардори. – Бошқа элдан булатуриб, бизнинг тилни шунчалик урганиб, жон куйдирибдики, ардоққа лойик.

– Бизнинг энг азиз сўзимиз “уз”дир, – деди Маҳмуд. – Ҳар нарса шу уздан бошланмоқдадир. Сизда бир калиманинг саккиз турланиши бор эса, бизда бир ўзни билган одам камида элликта сўзни билган булади. Устига устак, унинг бир қанча хос маънолари ҳам бордир. “Узим” дейилса, “мен” маъносини билдиради. Узғир одам узган маъносида булса-да, маррага етиб келганида унинг бир ўзи қолганини кўрмоқдамиз. Уз элим деса ҳам ўзлигига ишора қилади. Охир-оқибат, “Узи” деганда биттаю битта Тангри таолони англаймиз. Биргина сўзга шунча маъноларни бериб, бизга билдирганига қараганда, “Уз”нинг маъноси ҳам “Бир”га яқинлашиб келади.

– Бизнинг алифга ўхшар экан, – деди араб. – Алиф бирни англатса-да, аслида ҳарфдир.

– Оламда биргина тилнинг шу хусусияти бор, – деди Маҳмуд. – Ҳарфларнинг сон урнига утишини ҳеч қайси тилда қурмайсиз.

– Китобингни оти нима? – деб сўради араб.

– “Девонн луғотит-турк”, – деди Маҳмуд.

– Девон шеърдан тартиб этилмасмиди?

– Шеърни биз бошқача айтамиз, – деди Маҳмуд. – Сизнинг шеър булоқдай ёйилиб, гул ҳосил қилади. Бизнинг шеърда отлар туёғининг дупури, яйловда куй-қузилар баъраши, пишаётган кесма ош исп, озод-озод

<sup>1</sup> Эрақк туя

от чопкон кншиларнинг кийкиришлари бор. Руҳи ҳам шунга мосдир, – деди ва шуни уқиди:

Алин тоғу йашарди,  
Урут утин паширди,  
Кулнинг сувин кўшарди,  
Сигир, бува мунграшур.

– Мундаги ҳаракатни куринг, – деди, изохлар экан. – Тоғ бошлари ўт-ўландан кўкариб, бултурги куруқ утларни кумиб юборганигача, ёмғирларда кул сувлари тошгани-ю жалада қолган сигир-букаларнинг маърашигача куз олдингизда жонлантирмоқда

Шу тарз узок суҳбатлашиб утиришди. Ниҳоят:

– Фаройиб, – деди оксоқол, тин олиб. – Сен ҳақиқатан билгич одам экансан, аммо ярим тундан оғди, ой ҳаволаб кетди. Салдан кейин Муштарий куринади, бир оз тин олақол.

– У бизга кура Қорақушдир, – деди олим. – Чикса, “Қорақуш тугди” деймиз. Чунки тунги осмон ой-у юлдузни туғади деб уйлаймиз. Баъзилар туя оёқларининг учини ҳам қорақуш дейдилар, ёки киз қуш – тукининг ранги кизил қуш...

\* \* \*

Олимнинг кузларига уйқу келмас, тилнинг бепоён денгизларига тобора шунғиб борарди.

Сунгсиз-адоқсиз яйловларда, тоғ ўнгирларида, дараю қирларда яшаётган турли-туман улуслар тилида тарихга муҳрланиши лозим бўлган шу қадар кўп ажойиб сузлару айтимлар бор эди-ки! У сузларнинг биронтаси ёзиб олинмаган, халқ билан бирга, ҳаёт тарзи узғаришига қараб турланиб-тусланиб яшаб келмоқда. Масалан, чул кишилари ов қушнини чақиринса, “таҳ-таҳ” дейишади. Отнинг боласини, яъни қулунни “қурей-қурей”, мол-қуйни “маҳ-маҳ”, кучукни “баҳ-баҳ”, товукни “тут-тут”, жужани “чип-чип”, мушукни “пиш-пиш” деб чақиринишади. “Пистовук” деган товук

турига “пис-пис” дейишади, сабаби, шундай дейилганида нима сабабдандир турган жойида тухтаб, писиб қолади Бирок, ҳайдаш учун ҳамма бирдай “Кет” ёки “Тур” сүзини қўллайверади. Лекин, шунда ҳам кичик тафовутлар қўринади, мисол учун, итга “тур” дейдилар, аммо кучукбола билан мушукка “пишт” дейилади.

“Кун” билан “Ой” ҳам туркийларнинг энг қадимий сўзларидандир. Бвъзилар қуёшни ҳам кун дейишади, кундуз ёки бугун деган сўзлар шундан таралган бўлиб, кун чикиб ботгунча англанини билдиради. “Умримни кундай ёритсин” дея эрларга “Кун”, қизларга “Ой” исмини қўйишган, масалан Кунтуғди, ёки Ойазим... Агар исми “Ой”дан бошланмаган бўлса, охирига қушиб ишлатишган. Эрлар отига эса “Ҳокон” бўлсин дея, “хон” қушишган.

Тангри, кук, ёй, ук, пустак, тушак, туй, йиғи қабилар ҳам туркийларнинг энг қадимги сўзларидандир. Булар ҳамма элатда бирдай қўлланилган.

Олим маълум сўзларнинг турли маънода қўлланишига ҳам изоҳ берди. Мисол учун, ўғузлар пастликни, тубни “ашак” дейдилар, яъни “ашакка инди” – “пастга тушди”, “ашак кетди” – “паст кетди”. Бошқалар эса уни томон маъносида қўллайдилар: “ашакка кетди” - “уша ёкка кетди”. Баъзилар идиш, коса, пиёлани “аяк” дейишса, ўғузлар уни “чанак” деганлар, ҳозирда қўлланилаётган “табак” эса араблардан кириб келгандир. Ўғузлар шароб, мусаллас, майни “сужук”, Ила водийсида яшовчи яғмо, тухси ва чигиллар эса “қизил сужук” деб атаганлар. Қўпчилик турклар “чиқти” десалар, яғмо, тухси, ябоку, кипчок ва баъзи туркман уруғлари худди шу маънода “ташиқти” сүзини қўллайдилар: “Эр эвдан ташиқти” - “Эр уйдан ташқари чиқди”.

Чигилларда “улус” сүзи “қишлоқ” маъносида қўлланилган бўлса, аргулар тилида “шаҳар” маъносини англаган. “Кент” – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқдир. Бошқалар наздида эса вило-

ятдир. Бошқа туркийларда инак сузи “сигир” маъносида қўлланилган бўлса, ўғузлар тошбаканинг ургочисини шу сўз билан аташади. Баъзилар ошхонани “ошлик” дейишса, булар тарикни “ошлик” дейдилар. Бошқа туркийлар хашаротни “курт” десалар, факат ўғузларгина бунини шундай аташади. Бошқалар одамлар орасидаги ҳар қандай шодлигу кулгини “байрам”, ўғузлар факат хайит кунини “байрам” дейдилар.

Сузларнинг баъзи бир маънолари ҳар уруғда ҳар мазмунда амал қилган. Чунончи, ўғузларда “чакди” сузининг “эшиттирди, айтди” маъноси ҳам қўлланилган: “Ул сузи анинг кулогига чакти” - “У сузини унинг кулогига эшиттирди”. Аммо бармоғини тош билан уриб олган одамга ҳам шу сўз қўлланилган, масалан, “Қулни чакиб олди”. Чакмоқ деган сўз ҳам ҳаракати жиҳатидан шунга ўхшайди. “Чакмоқ чакди” дейилиши кук катида бир нима бошқа нимадирга урилганини билдирса не тонг? Баъзи эллар эса уни илонга еки хашаротга нисбатан ҳам қўллайдилар: “Илон чакиб олди”.

Шуларнинг бари айри-айри тилларга ўхшаса ҳам, ўзлиги айни экани завкли эди.

\* \* \*

Олим чарчоқ кузларини юмиб, бир оз тин олди. Ёгчирок шуъласи липиллаб, ўтов увулдириклари ва керагасида ўйнади.

Ҳа, эл-улус ғоят бепоен, улуг ва кенг, эл руҳи эса тилда бор бўйича аксланмоқда. Ўтовдан чиқмасдан туриб ҳам тил орқали яйлов майсаларининг исларини, енгил ҳавосини, озод кишилар руҳиятини сезса бўлади.

Идрок кузи билан қаралса, унинг ҳаракатланиши ҳам кўринарди. Ҳозир тил арабий-форсий сузлар хисобига бойигани ҳолда, ўз сузларини янгиламоқда эди. Вакту замонлар ўтгач, акли етук кишилар ўз тили жозибалари аро у сузларни кўришганида, ёт сузлар ҳам босқинлардану чолқинлардан, эл утмишидан, шунингдек, илм тарихидан сузлаётганини билиб оладилар, албатта.

“Тил – ҳар нарсани узида акс эттирадиган галати бир тарих битиги, – деб уйлади у. – Саваш-суқиш, экин-тикин сузлари-чи? Шуларнинг бари эл қандай яшаётганидан дарак бериб туради”.

Эртасига йўлга отланганида:

– Бу кетишда қайларгача бормокчисан? – деб суради қабила шайхи.

– То Ирокқача ёйилиб кетган барча туркийларнинг ҳаётини, тилни ёзиб олмакчиман, – деб жавоб қилди Маҳмуд. – Қошу қарокдай ёнма-ён икки қишлоқ шева-си бир-биридан фаркланишига қарасангиз, катта бир китоб бўлади чоғи.

– Уҳ-хў, ишинг зур экан, – деди оқсоқол. – Аммо таҳсинга лойиқ. Мен ҳабибу аҳбобга, авлоду валадга, ақрабога тайинладим, арабнинг ҳар жамоаси сенинг бо-раётганинг ҳақида бошқаларга хабар берсин, муносиб иززат-икром ила кутиб олиб, кузатишсин.

Кейин қулоғига шивирлади:

– У китобингга бизниям қушиб қўя оласанми? Исми Тамим, отамнинг исми Абдуллоҳ, Бану Холид қабиласидан, деб қўйсанг бас.

Олим қулимсиради:

– Албатта.

Сунг улар билан кучоклашиб хайрлашиб, жунаб кетди. Олдинда узоқ ва машаққатли йўл турар эди.

Кеч куз теварак-жавонибга ҳукмини ўтказар, сон-саноксиз улуслар қишлоқ учун тоғ унғирларига, қамарларга қўчишарди. Тез орада дала-тузни қоплаб қалин қорлар ёғди. Кишилар куз аввали келиб қолган уша киши ҳақида анча гапириб юришди. Қарлуқлару ўғизлар, қипчоқлару арғинлар, чигиллару яғмолар тақдирнинг қалқаш йўллари аро олим ёзган китоб дарағи етиб келишини кутишар, тафтли аланга ланғиллаган кечаларда унинг номини эслашарди. Улуслар орасида “Билга киши” деб ном қолдирган узун буйли, доно кишининг ҳақиқий хон ўғли эканидан эса, ҳеч кимнинг хабари йўқ эди.



Орадан бир неча йил утди.

Олим шу кезишлари окибатида, келгусида тартиб берилажак “Девони Луғотит-турк”нинг тамал сузларини, унлаб туркий кавмларнинг урф-одатларини, айғиму дostonларини дафтар-дафтар ёзиб олди. Бу иш учун умрининг ун беш йилини харж этди. Болосоғундан булғор элларигача кезди, юзлаб элатларнинг лахжаларини ўрганди.

Бирок жуда кўп сузлар қишлоқлару ёзлокларда, утлоклару сувлокларда, яйлокларда қолиб кетди. Уларни жам қилишга биргина кишининг умри етмоғи зўр иш эди.

Булғорлар юртига етганида бир муддат сулим куллар, яшил урмонлар аро тин олди. Тангри тоғ аллақачон олисда қолиб кетган эди. Тин олмоқ баробарида туллаганларига тартиб бериб, саралади. Шунингдек, гоят улуг шу элнинг жонли тили борасидаги изланишларнинг сўнги йўқлигини ҳам хис қилди. Вужудида янги бир қувват, жазм пайдо бўлди.

Баҳор кечаси, ёмғир ёғиб ўтгач, кук тозаланган эди. Пасттоғлар ортидан каттакон баркаш бўлиб ой чикди.

– Бизнинг элларда сени “Момо” дейдилар, – деди у орзуларнинг олис тимсолидай кўринган тўлни тун ёриткичига соғинч ила боқиб. – Араб “бадр”, форс “мох” дегани холда, бизлар сенга қошу сочлари оппоқ оқарган момолар васфини ҳам қўшиб “Оймомо” деймиз. Баъзилар эса “Ойдада” деб ҳам айтадилар. Яъни, табиатда неки бор, улуглар ёду ҳурматига олиб келиб боғлаймиз...

Яна бир оз вақт ўтгач, кукка Қорақуш чикди. Тунги самода жимирлаб тураверди.

Олим вужудида латиф енгиллик ҳис қилди. Олам узра яшаётган туркий элатларнинг илк хазинаси мана шундай яратилди. У ҳозир биттагина, холос. Аммо бепоён дунёга ёйилиб кетган юзлаб улусларнинг ҳаёт тар-

зидан, маросимларидан, завку изтиробларидан, умридан дарак берадиган ажойиб бир комус тамали бунёд этилди.

Бир булардангина эмас, эл озодлигидан, сарбастлигидан сўзлайдиган, катида миллат руҳини ташийдиган ухшаши йук асар булди.

“Мен элимнинг энг тоза сузларининг бир қисминигина олдим. Асли ҳар кишлоқ, ёзлок, сувлокнинг, ҳатто овлоқ, пойлоқнинг ҳам уз сузлари бор. Улар ёмбилар каби уз маконида, уз кишилари билан қолиб кетди. Очуннинг ишига қара, – деб афсус ила уйлади у. – Бир хон ўгли эдим, бу қисмат бошимга келмасайди, ҳозир бир ерда муқим эл сўраб утирардим. Ҳа, шунча ерларни кездим-кўрдим. Эл-улус бағрини очиб кутиб олди, ош-озиғини аямади, кўмак берди. Ҳаниси хотун ўша ишини қилмаганида булар қайда эди? Нахотки “Девони луғотит-турк”нинг яралиши учун отаму укаларимнинг ҳалок бўлиши лозим қўрилди? Хон бўлиб тахт сурганимда улус хизматида булардим, албатта. Қолдики, яна эл хизматига бел боғладим. Шояд вақти келиб, бунинг учун илм салтанатидан кичик бир тахт ато этсалар, не тонг?”

Саҳар бузаргани сайин Қорақуш бога бошлади.

“Қундуз қочғач, у яна чиқади, – деб уйлади олим. – Минглаб йиллар то қиёматгача шундай булаверди. Бир Маҳмуд бор эди, у ҳам ботиб кетади. Аммо элнинг Маҳмуддан ҳам чакноқ юлдузлари инсоният самоси узра мана шундай чакнайверадилар.

Қолдики, доимо шу эл, шу улус яшайверсин, Қук Тангриси уни доимо қўлласин.

Эл яшнасинки, тили ҳам яшнасин.

Қадимий ва тоза эди, абадиян шундай тоза, қўрқли бўлиб қолсин!”



## ОФТОБ ЧИҚДИ ОЛАМГА

Кун чикди, кундуз ёйилди. Уткир кизгиш нури айвонда ухлаётган болакайнинг юзига тушиб, кўрпани бошига тортиб олди. Уйку жуда ширин эди-да, кузларини очгиси, шу ажойиб лаззат оғушидан чиккиси келмасди. Нур юзига тушганида кароклари юмук бўлса ҳам кўз олди кизгиш-саргиш тусда ёришди. “Кўёшга сув остидан караса шунака кўринади”, деб уйлади ва уйку уз оғушига тортиб, ростдан ҳам узини сув остида кўрди. Бу бола тиник сувларда эмас, киншлок болалари “дим” деб атайдиган, катта зовурларнинг бутана чуқурларида чумилиб улғайган эди, ҳақиқатан ҳам, лойка сув остидан караса, шунака кўринар экан. Яшил йўсинлар чайкалди. Исingan сув вужудга хуш ёкди, оламга эса ёкимли кундуз ёйила бошлади.

Кейин узини яна айвонда кўрди. Тушми, хушми, билиш кийин эди. Бўғотдаги мусича ку-кулаб тинмасди. Фарк пишган жухоризорлар узра пирр этиб чумчуқ галаси учиб утди. Ок булутлар остида калдирғоч еларди. Туш бўлса керак, чунки шу осмон остидаю ер устида узи тенги бир болакай тойчоқдай уйноқлаб чопиб, хар кадамига мослаб кичкирарди:

– Офтоб... – деганида корайган товони кумни тузгитди.

– Чикди... – деди бир сакраб, бир томони кизил, бир томони сарик шафтолини узиб олиб.

Кейин уни ярмигача тишлаб, даҳанидан ширали сувини оккизиб:

– Оламга... – деганида, ёруғ оламини шу сўзлар тутиб кетди.

– Офтоб чикди оламга! – чириллашди узун оёк, узун мўйлов чигирткалар сакрашиб.

– Офтоб чиқди оламга! – дейишди шаффоф канотли  
инначилар дирр этиб учиб кетишар экан.

Бу жуда ажойиб, завқли манзара эди. Бирок, уйку-  
нинг ширин ҳаёлотларни кеткизиб, туйкусдан хола-  
нинг чийиллоқ овози янгради:

– Ҳой бола, неча марта айтаман сенга? Тур, офтоб  
ёйилиб кетди!

Бир амаллаб кузларини очсаям, киприкларни яна  
ёпишиб қолаверди. Уйкусираб урнида бир оз ўтир-  
ди-да, кейин маккажухорилар ўсган йулакдан этакдаги  
терақлар остига –арик бўйига йуналди. Бу ерда утлар  
қалин ўсган, тиник сув шаркираб оқарди. Қўлини ур-  
гиси келмай, чўнкайган ҳолида мудраб-мудраб, ниҳоят  
бетини ювди.

Ҳа, кундуз оламга ёйилибди.

Офтоб чиқаётганида кизил, кейин сарик бўлади.  
Роса кизиб кетганида оқаради. Умуман, офтоб эрта-  
лабларни унча иссиқ бўлмайди. Тепага етгунича кизиб  
олади. Шомга етганида совиб, яна қора тун қаърига ки-  
риб кетади

Кун исибди. Ҳаслар устида чивинлар визиллай  
бошлашибди. Ер кизибди. Чумолилар ризк излагани  
чикишибди.

Тупрок йулакдан маккажўхорилар оралаб ховлига  
қайтар экан, айвонда кук куйлақли биров утирганини  
кўрди. Ия! Онаизор келдимикин? Онги равшанлашиб,  
мурғак қалбида қувонч пайдо бўлди. Қадамини тезлат-  
ди.

Йук, онаизор келмабди. Кук куйлақ холалики экан.  
Хола, яъни кенг кук гулли куйлақ кийиб олган озгин  
жавроқи хотин, сахарлаб ховли-кучани супуриб,  
мол-қўйни саранжомлаб, кичик айвонда хамир қориб-  
ди. Муштлай-муштлай қўллари қорибди, думалоқлаган  
экан, кўзичок қорнидай келадиган хамир ҳосил бўлиб-  
ди. Кафти билан уриб-уриб, устига эски дастурхонни

ёпиб, тушак билан ураб куйибди. Хамир уч-тўрт соатда купчийди. Кейин зувала ясаса булади.

Боланинг кўз олдига ҳар ер-ҳар ери кизариб-пўрсиллаб пишган, хидию тафти ёкимли кулчалар келди. Қайноқ маҳали сувга ботириб еса жуда мазали бўлади. Сув теккан жойлари совиган, тегмаган жойи қайноқ, тиш орасида кирсиллаб тандир чўғи, утин ва тутун иси аралаш ажойиб таъм ҳосил қилади... Кулча егиси келиб:

– Хола-хола, кулча бер...

Хола унга карамасдан, ишида давом этар экан, тунгиллади:

– Ҳамма иш битта узимгами, баринг нон-нон дейсан? Егинг келса, бор, утин териб кел!

Болакай итоат билан уй ортидаги чакалакзорга ўтди.

Бу ер қаровсиз эди. Бултурги қурук шохларни шамол синдириб кетибди. Ҳозир кичигию каттаси уйкашиб ётарди. Бола баъзиларини шундоқ саранжомлади, баъзилари узун, қайишқоқ экан, оёкчалари билан босиб, қули билан қайириб синдирди. Шу тарика бир уюм ўтин тулади..

Ўтинларини кучоклаб кутариб, тандир олдига олиб келиб ташлади.

\*\*\*

Офтоб оқаргани сайин тандир ҳам оқарди. Қип-қизил кўр устини аста-секин кул қоплади. Хола косов билан чўғларни уйди. Кейин ҳарсиллаб нон ёпа бошлади.

Холанинг ўз болалари ҳалиям ухлаб ётишарди. Боягина кўрсрок муомила қилган хола ўз болаларини шундай уйғотди:

– Хув-в болажонлар! Туринглару-ув, нон пишяпти!

– Туринглар, жон болаларим!

Холанинг болалари ҳам бирин-кетин туришиб, бет-қулини ювмасдан келиб олишди.

Остига сув ура-ура ёпилган нонлар аввал оқарди, бир оз шишди, чекич излари тезроқ кизарди, кейин уртаси қотиб, четлари янада қупчиди. Бети чиройли чиксин дея хола хамирга сут қушиб, юзига ёғ суртган экан. Нонлар қуйиб ҳам кетмади, кийшайиб ҳам қолмади, бари уз ўрнида, худди қунгабоқар каби яшнаб-яшнаб, ажойиб бўлиб пишди.

Болалар тандир олдидан кетмас эдилар. Хола ҳарсиллай-ҳарсиллай, енгча билан нонларни узиб саватга ташлайверди. Исикка қарамай саватдан ҳовур қутариларди. Узиб бўлгач, ўзининг болаларига элакдай-элакдай патирларидан берди. Навбат болақайга келганида эса ҳумрайиб, енгча учиде тирноқдай қулча узатди.

– Ма, еб ол сен ҳам!

Бу – оқ юзли, икки бетида қулгичи бор, қоп-қора қузлари уйчан болақай, онасининг ёлғиз ёдгори эди. Она шўрлик, биринчи турмуши бўлмагач, қўзининг оқу қорасини синглисига қолдириб олиш қишлоққа эрга тегиб кетган, ҳар замонда қўргани келганида туршак, қурт олиб келарди. Қурутлари шўр, уриқлари қатта-қатта, бемаза эди. Ҳар ҳолда Олискишлоқда ҳам турмуши яхши эмас шекилли, баттар озиб-тузиб кетган, утириб қолмай-қолмай, ниҳоят жунаб кетарди.

Яхши бола эди-да... Онасига ичкар, келса роса суйканарди. Ёш болаларда шунақа одат бўлади. Қимдир она биллагини, қимдир кафтини яхши қуради. Ич-ичидан келган тийиқсиз истак ила суйканади, шунда маза қилади. Бу болаям шунақа, онасининг меҳнатда қаварган дағал қўлларини бетига босиб, қузларини юмиб-юмиб, роҳатланиб-роҳатланиб суйқаниб оларди.

Нигоҳи жуда ўткир эди, ҳар нарсани қуради. Арн қанотини қутариб кетаётган чумолининг митти қўзига тикиларди. Думини узиб қочган қалтақесакнинг думи

усиб чикишини кутарди. Хавода улжа талашиб уришган зағчаларга куларди: ер тула емиш-ку, нега уришасан? Гоҳида яшилликларга бурканган маъволар орасидан сарик суфиён товуши келиб колса, каердалигини аниқ биларди. Кизилиштон дарахтни тукиллашиб тешса, уткир нигоҳи дарров топиб оларди, гоҳида чангали тепада, боши пастда бўлиб тешишига хайрон буларди. Кичкина ариқча бўйига сувчумчук пириллаб келиб, бирон шохга куниб олса, оким тубидан чувалчанг топиб чуқишини кузатарди.

Янами?

Яна, ургимчакни алдарди. Кичкина хас олиб турига ташласа, хашарот шоша-пиша улжа сари урмалашини кўриб эси пастлигидан куларди. Утлар орасига тушиб чириган беҳи ҳолваси ширинлигини, урик танасидаги шаффоф гўддани еса бўлишини, аммо шафтоли гўддасини еб бўлмаслигиниям биларди.

Офтоб ёйилиб олди. Ари канотини кутариб кетаётган чумоли уясига етиб борган эди, канот тешикчага сигмади. Думсиз калтакесак кочиб кетди. Зағчалар уриша-уриша бошқа экинзорлар томон учишди. Сарик суфиён “Куёв-куёв, кимга куёв” деб сайради. Кизилиштон саси яқиндан эшитилаётган эди, бошқа дарахтга учиб ўтди шекилли, энди узоқдан кела бошлади.

Ер чўгдай кизиб, осмон ҳам тандирдай оқариб қолди.

Офтоб... Қакрок ер... Ланғиллаган тандир, чакалақдаги утинлар... Бояги оҳанг ҳали хаёлида эди, шуларнинг барини бир онда кўриб тураркан, ҳозиргина руй берган воқеалару ҳодисалар бирин-кетин сўзларга айланиб, ўша оҳангга мос тизила бошлади.

\* \* \*

Бола боя келган йулига қайтиб, уй ортига, чакалақзорга ўтди. Тирноқкулчаси ҳалиям қулида эди. Жуда ширин туюлса-да, емай утирди. Усти кизариб пишиб-

ди, ости янада берч, жигарранг, уртасидаги кайноқ хамири ҳали юмшок, тафти кетмабди.

Боя тушу хуш орасида янграган ёкимли овозни ким билан булишишни билмади. Холанинг болалари у билан уйнашмас, “Етимча” дейишарди. Хола ҳам яхши муомила қилавермас, холанинг эри – баланд бўйли, чўтир қора киши эса ҳеч гапирмасди.

Зағчалар уришишни бас қилиб, сал наридан кингайиб қараб туришарди. Беҳи шохига шовкин солиб узун думли олаҳакка келиб кўндию сарик жоҳил кўзларини тикиб тек тураверди.

Олаҳакка гапга тушунади, хатто сўзларни ёдлаб олиши ҳам мумкин.

– Ҳой, бу ёкка кел, – деди унга.

Қуш кўзларини олайтириб ҳаққалаб келди-да, хайкиб сал нарида тўхтади.

– Сенга айтаман, – деди бола. – Ёдлаб ол, бўптими?

*Офтоб чиқди оламга  
Югуриб бордим холамга.*

Назднда олаҳакка бўни ёдлаб олди-да, қанотларини тапиллатиб шовкин солиб учиб кетди.

Асаларилар визиллаб учишарди. Майда капалаклар ҳам. Қоқ тепада бир қалхат қанот қоқмай айланарди. Боя эрталаб қўшни тарафга утган чумчукгала яна гурр этиб кўнди.

*– Хола-хола, қўлча бер,  
Холам айтди: “Ўтин тер!”*

Чумчукгала яна учиб кетди.

Бола кулимсиради.

Ердаги чумолиллар тўхтаб, унга қараб туришарди

Чумоли уч турли булади. Энг майдаси кумурска, у қайдан чикиб келишини билолмайсиз. Уй ичида, орасидаги кўзга қуринмас тиркишлардан ҳам чикиб кела-

веради. Яна бири кизил чумоли, у баҳорда ер тубидан кавлаб чиқиб хирмон ёди. Яна каттабошли қора чумоли ҳам бор, чакса оғритади. Уни нима қилишини биров билмайди. Буларнинг бари Худонинг лашкари, дейди она. Одамдан ортган нарсаларни ташиб, ер бетини тозалаб кетишади...

Ҳаммаси болақайга ҳайрон бўлиб қараб туришарди.

*Утин тердим бир қучоқ..  
Ҳаммага элакча берди,  
Менга тирноқча берди..*

Чумолилар тирноқдай-тирноқдай ғанақларни қутариб йўлларида давом этишди.

“Ана, ҳамма билиб олди”, деб уйлади бола, қониқиш билан. Ҳали булар ҳам болаларига ургатишса-чи?

Нега ургатишмасин?

Ҳаққа-ю зағча, чумчугу мусичалар полапонларига айтиб беришади. Чумолилар киш келганида ер остида болаларига айтиб утиришади.

Нима дейишади?

“Бир бола бор экан. Отаси йук, онаси узоқда экан. Холасининг қулига қарам бўлиб қолган экан. Холанинг болалари “Етимча” деб мазахлаб, у билан уйнашмас, поччаси гаплашмас, қола оғир ишларга буюриб, гоҳида учи ёнган қосов билан урар ҳам экан. Қосов билан уриб бўлмаслигини билмас эканми? Билсаям ураверар эканда. Овқат қилса, уз болаларига тулдириб-тулдириб, буни қосасига озгина солар экан. Ётгани жой солса, болаларига қават-қават тушаклар тушаб, бунга битта эски шолча бериб “Бор, жойингни узинг солиб ёт!” дер экан.

Узи оқ юзли, тиник нигоҳли болақай экану ким билан гаплашини билмас экан.

Зурёдларига шунақа деб эртаси айтиб беришса керак.

Охирида эса, ёдлаб олганларини ҳам айтишади, албатта...



Ота кириб келди.

– Етимчанг кани?

– Билмасам, қайлардадир юргандир анкайиб... Ширин-ширин нонлар ёпдим, ейсизми? – деб суради хола эридан, меҳрибонлик билан.

– Опкелакол, корним очди, – деди ота.

– Ун тугади, – деди хола айбдорона, елкасини кисиб.

Ота нон чайнашдан тухтаб, ковок уйиб қараб қолди.

– Қанақасига? Опкелганимга бир ой ҳам булмади-ку?

– Тўртта бола, олтита жон, – деди хотин. – Бир еса олтита нон ейди...

Ота анча уйланиб қолди. Кейин

– Етимчангни йукот! – деди қиска қилиб.

– Қаёкка йукотаман? – деди бечора хола. – Узиниям турмуши яхшимас, эри баттарин чикди. Қули қосов, сочи супурги булиб тиним билмайди, эри булса бақиргани бақирган...

– Онасини эмсин бу одамларниям! – деб тунгиллади ота, дупписини бир уриб текислаб қайта кияркан. – На қаттасида инсоф бор, на кичигида...

Индамади, туриб кетаверди...



Бола беҳининг бир-бирига айкашиб кетган бужур танаси буйлаб тепага чикди-да, тирноқкулчасини румолчага ураб, дарахт ковагига эхтиётлаб солди. Кейин боя юлиб олгани ут-улан билан ковакни яхшилаб бекитди.

Она... Эҳ, дийдори нондай иссиқ она... Мунча узоклардасан? Боламга обораман деб қурут ясаётган булишинг ҳам мумкин. У ерда сигирлар шураларни ейишса керак. Бошка ут йукмикин? Ҳа, шура қуп, шу сабабдан қурутлар шур. Ҳаммаёкни оқиш туз босган



булса керак, туршаклариям тахир-ку? Битта-иккита тут ҳам усгандир? Яна камншлар ҳам бор, албатта. Она уша ерда, курутлари котиб, туршаклари куригач келса керак.

“Бу кулчани сенга опкуйдим, она”, деди бола, хаёлан унга.

“Келганигда яшириб куйган жойимдан олиб берман, мазза қилиб ейсан.

Бу ерда бултурги ёнғоқлар ҳам бор, уларниям сенга опкуйганман. Жийда-ю уриклар ҳам бор...

Сал вақт утсин, мен катта буламан. Катта булсам, уй кураман. Кейин сен келасан. Келасану сира кетмайсан. Сен яшаётган кишлок яхши эмас. Ёмон жойлигини туршагу курутлари тахирлигидан билиб олганман. Ҳа, она, сира кетмайсан. Нима килардинг уша кишлокка бориб, ахир, кузингни ёши доим дувиллаб туради-ку? Мени багрингга босиб гапирасан-йиғлайсан, гапирасан-йиғлайсан... Сен келгунча мен яхши бир уй кураман, кейин икковимиз уша уйда яшайверамиз.

У уйга холаминиям, уни эриниям, болалариниям киритмаймиз.

Мазза қилиб қулиб-кузнаб утирасан. Мен қопларда унлар олиб келаман, сен тандир-тандир нонлар ёпасан.

Икковимиз бир сават нонни уртага қуйволиб мазза қилиб еймиз. Тугаб холса, яна опкеламан, яна ёпасан.

Эх-хе, нон нима бўпти, жуда ширин нарсалар ҳам опкеламан. Сандикларимизга тулдириб-тулдириб солиб қуясан. Еяверамиз-еяверамиз, ҳеч тугамайди...

Кара, бугун роса чиройли офтоб чикди, тушимда бир қушиқ эшитдим, уни ҳаммага айтиб ҳам бердим.

Битта сен эшитмадинг...

Офтоб чикди-ю... сен йуксан-да, онажон...”

\* \* \*

Кавагига тирноқкулча яшириб қуйилган беҳини холанинг қайнатаси қадаган эди.

Қайнатанинг рухи ҳозир шу ерда, болакай ахволини куриб турарди.

Умуман, уни яхши одам бўлган, дейишади. Новвой эди, нонлар ёларди. Афсус, умри тугаб қолди. Ҳозир беш яшар шу болакай урина-урина тирноқкулчасини кавакка бекитганини куриб озорланарди. Бола қушигини у ҳам ёдлаб олди. Ёдлаб олдию чиркилла-чиркилла, мангулик оламларига узи билан олиб кетди.

*Офтоб чиқди оламга,  
Югуриб бордим холамга...*

Яна, шу арик буйида бир экин ҳам яшар эди.

Пуф этиб ялпиз барглари чаққатиб утгани маҳал чумолилар ўша оҳангга мос кетиб бораётганини кўрди. Бир химраниб қушиқни узига сингдириб олақолди. Кейин сув бетига ёйиб юборди. Офтоб нури барглар орасидан сув юзига тушиб қумуш жилвалар ҳосил қилган эди. Оҳанг сув билан бирга оқа-оқа, экинлар бағрига кириб борди. Экинлар у зилолни шимиб-шимиб ичишди. Қушиқ зироат бағрига ҳам жо бўлди.

Сўнг кучлироқ шамол эсганида экинни ҳам узига қушиб, кишлок узра турли-туман товушлар аро қутариб кетди. Шиддати зўррок эди, бир эсганида юзлаб кишлоклар устидан учарди. Қушиқ ўша кишлоклар узра ҳам ёйилаверди:

*Офтоб чиқди оламга  
Югуриб бордим холамга...*

Шу тариқа, воқеадан ҳамма хабар топди. Буни бир холаю унинг семиз-семиз болалари билишмади. Етимча қуринмаётганидан фойдаланиб, сингиб пишган нонлардан яна еб олишди. Ҳадеб еяверишса, қоринлари тўйиб, думбирадай қаппайиб кетмасмикин? Ҳа, шундай бўлди. Ортиб қолган нонларни шундоққина ерга ташлаб кетишди.

Худонинг лашкари - чумолилар нон булакларини куршаб, увокларга булиб опкета бошлашди. Унинг жағи икки айри урокка ухшаган булади. Нон нима экан, ут-улан уруғиниям иккига булиб қуяди. Нега? Чунки булиб қўймаса, баҳор келганида ниш уриб, ут уна бошлайди. Чумоли уясида ут усса, болалари кийнаlishади. Чумоли эса болаларини яхши куради, шу учун урина-урина ҳамма уруғларни иккига булиб чиқади... Лекин, чумолилар бунинг канақа нон эканини билишмасди. Ачкимтиррок эди. У тахирлик купчиб кетган ҳамир тахирлиги эмас, етимлик таъми эмасмикин? Бирок, чумолилар таъм билармиди? Айни вақтда ширин ҳам эди, очликнинг лаззатли таъми. Бирок, очлик нималигини ҳам билишмас? Хуллас, шу нон парчаси катида ҳам бир олам дарду изтироб бориydi.

*Ҳаммага элакча берди,  
Менга тирноқча берди...*

Офтоб чикди-ю...

Бир онаизор йўклиги учун шунча нарсанинг таъми узгарди. Ҳа, офтоб чикди, тиккага етиб бориб, қўйинга юмалади. Курту қушдан хашаротгача, жон зоти борки, Худо берган ризкини териб-териб еди, биргина болакай кўзига бениҳоя қадрли курина бошлаган беҳи қавагидаги тирноқкулчаси олдидан кетмай утираверди.

\*\*\*

Бир куни уз ховлимда ухлаб қолибман. Қуёш нури кўзимга тушганида уйку ширинлик қилиб курпани бошимга тортиб олдим. Шунда менинг онгимда ҳам уша болалик манзаралари уйғонди. Тавба, бир маҳаллар кишлок усмирлари “дим” деб атайдиган лойка сувларда чумилиб уйнаганимизда, сув остидан қуёш шунақа куринмасмиди?

Чумчукгала гур этиб қушни томонга учиб утди.

Загчалар емиш талашиб уришишди.

Қушнимнинг майкачан боласи қўлида хивчинтаёғи билан йулақлар узра елиб борар экан, ингичка овозда қушиқ айта кетди:

*Офтоб чиқди оламга  
Югуриб бордим холамга.  
Холам айтди...*

Тавба... Бирданига юрагим хаяжонга тулди.

Ҳеч ўзимни босолмайман, денг.

“Жоним онам!” дейману ўпкам тулади.

Мана, кимдир нон ёпди. Иси теваракни тутди.

Жоним онам! Сен доимо кошимда эдинг. Мен ҳам чоғиб бориб сенга суйканишни яхши кўрардим. Қўлингни тафтини ҳалигача соғинаман, эй мадорим, қувватим, бебаҳо хазинам, оромижоним онам!

Офтоб чиккани маҳалда, тонг пайтида янграган бир қувноқ қушиқ шунча туйғу ҳосил қилади деб ким уйлабди дейсан?

Ахир, дийдорингни соғиндим-ку, жонимнинг Каъбаси?

Элакдай эмас, тирноқдай меҳрингга ҳам зорман-ку, онагинам!

Бу қуёш, бу табиат, бу фароғату оромлар сенинг бир жилмайиб қарашинггаю рўмонинг остидан чиқиб турган бир-икки оппоқ соч толангга арзимайди.

Борсам... қувониб юз-қўзимдан упа-упа, бирданига шошиб “Ўтириб тур, сенга нон ёпиб берай” деб тандир бошига кетарсан? Ҳатто ўтин тер деб ҳам айтмассан, болам уринмасин деб ўзинг терарсан?

Ўшанда... дийдорингга термилиб-термилиб, дунёда сенгина ёпа оладиган бениҳоя ажойиб нонлар исидан маст бўлиб, бошим айланиб, яйраб-яйраб қуларман, она!

Ахир, не саодат бу, онаю боланинг ёнма-ён бўлиши!

Тонг сахар қулогимга урилган, хаёлимда бениҳоя кўп манзараларни ҳосил қилган у мангу қушиқ ўзгариб, бахт оҳангларини тарата бошлайди.

Яна офтоб чикади, асрдан сўнг чўгдай лангиллаб, шом тарафга оҳиста ботади.

Аммо, сенинг меҳр қуёшинг сира ботмайди!

Сенга шу гапларимни айтсам, бағрикенглигу хушқоллик билан:

“Ҳаёт узи шу-да, болажон”, дейсан.

“Англамадингми?” дейсан.

“Қара, офтоб чикди-ку? Наҳотки сезмадинг?”

“Нимани, жоним онам?”

“Ахир, офтобим сенсан-ку, болажон?”

Эҳ она... Дийдори нондай иссиқ она... Англамасмидим? Кузимнинг ёшини яширишга, овозимдаги титроқни билдирмасликка уриниб, беғубор жилмаяман:

“Ҳа, офтоб чикди...”

Офтобим ўзингсан-ку, онажон!...”

Кузимга ҳеч нима қуринмай қолади. Шошиб-пишиб йулга отланаман. Хаёл ҳозир кадрдон ота уйимни, нималаргадир уриниб юрган онизоримни яққол гавдалантиради. Олтмиш олти сўнгагим, етмиш етти томирим она дийдорини қумсайди.

Мана, оз қолди. Ҳозир кошнингга етиб бораман, онам!

Кафтингни юзимга босиб, туйиб-туйиб суйканиб ҳам оламан.

Осмону фалакда, ер бетида, табиат ораларида эса уша қушиқ, факат бу гал шодон оҳангларда, ҳаммаёқ заранг ер бетида ялангоёқ чолиб бораётган боланинг кувнок қушиғига тўлиб кетади:

Офтоб чикди оламга,

Югуриб бордим онамга...

ҲАЗРАТИ ХИЗР НЗИДАН

ҚИССА

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### ҚИЗИЛҚУМДАГИ ВОҚЕА

Кун кизиб кетган эди.

Сахро аллақачон жонланган, майда жонзотлар кум ва кесаклар аро ризк илинжида чопишар, суғурлар инларидан чикиб, қаккайиб туришар, катта бир тошбақа кумни силжита-силжита имиллаб, сал наридаги янтоқ соясига етиб олишга уринарди.

Хиел нарида, ёлғиз гужум якинида ёш бир жайрон сувсизликдан ҳолдан тойиб, туёқлари дир-дир титраб турарди.

Сахро жонзотлари унинг мажоли қуриганини, тез орада ажали етишини сезишди. Кулранг баргларга бурканган қирмизи юлғун шохига уралиб олган илон аста судралиб, у томон урмалай бошлади, ахён-ахёнда тилини чиқариб, улжа жойини аниқлаб оларди. Юксакларда учиб юрган бургут ҳолдан тойган жайронни уша баландликдан пайқади, айлана-айлана қанот қоқиб, яқин орага келиб кунди-да, сарик кузларини тикиб тураверди. Қачонлардир сел ҳосил қилган қурғоқ жарликдан ёввойи дашт мушуги чикиб келди, вазиятни дарҳол чамалаб, чултикан ортида тек қотди.

Нарироқда эса бир нечта жайрон ер тепиниб, не қиларини билмасдан туришарди. Бири ахён-ахёнда титраётган боласига яқинлашиб искаб қураб, тақдир ёзуғига чора тополмаслигини сезгандай ортига қайтар, унинг шу ҳаракатида сезилар-сезилмас айланаётган чархи давворанинг баҳайбат иродаси бордай туюларди.

Яқинлашиб келаётган ажал шарпасини саҳронинг бошқа жонзотлари ҳам пайқашган бўлса эҳтимол. Аммо

табиат буни дафъатан сездирақолмайди, сабаби, ҳашароту ҳайвонлар қурганларини тафаккур қилиш иноятдан маҳрумдирлар. Воқеа-ҳодисалар саҳронинг ҳар жонзоти ҳофизасида муҳрланиб қолади, лекин идрок қилинмайди. Шу сабабли, теградаги жон эгалари ажал шарпаси қаршисида бамайлихотир турганга ўхшайди.

Айни маҳалда, кум узра олов лангиллаб турган паллада узун яшил тун кийиб олган бир киши шу тарафга қараб шошилмай юриб келмоқда эди.

Ҳар томони бир неча кунлик йўл бўлган сариқ саҳро бағрида у одамнинг нима иши бор?

Бургут унга қинғайиб қаради. Келаётган жон эгасининг улжа ёхуд емиш эмаслигини савки табиий ила сезгани учун ҳам жойидан қимир этмади. Шунингдек, бошқа жонзотлар ҳам унинг йулидан четланишди.

Буларнинг бари ҳаётнинг мангу қонуниятларига мутлақ бўйсуниб аро руй берди. Саҳрода бир туп гужум ўсган эди, яшил тунли одам ўша гужум олдига келиб, бир дам тин олди.

Бу тур дарахтлар нами бўғланиб кетмаслиги учун жазирама вақтида баргларини қуёш нури тушмайдиган қилиб тиккалаб олишади. Гужумнинг камбар япроқлари шу сабабли соя бермайди.

Гужум-ку ўз холига, янада ғаройиби шундаки, келаётган бу одамнинг ҳам сояси йўқ эди!

Ўзи нурдан иборат бўлса, нега соя берсин, ахир? Нур қул билан ушлаб бўлмайдиган нарса-ку? У ҳолда, Тангри таоло ирода этган юмушларини қандай бажаради? Масалан, ҳаво ҳам қузга қуринмайди, лекин қанча ишларни бажаряпти? Шунки-ки оқувчан қилиб қўйган зот, яна бир қувватини юривчан қилиб қўёлмайдими?

Бироқ, қурганлар уни одам сифатида талқин қилдилар. Айтадиларки, тахминан олтмиш-етмиш ёшлар орасидаги тик қадли бир чол экан. Чол бўлса, бу ғалати саҳрода кезиб юришга қайдан қуч-қувват топақолди?



Яна айтадиларки гоҳ кўзга куриниб, гоҳ куринмасмиш. Инсонлар кузига куриниб-куринмай юришидан кузланган мақсад не экани ҳам сирлигича колаверди.

У одам кафтини кумга тутган эди, салдан кейин тўсатдан уша жойдан митти булок қайнаб чикди. Иссик, кургок кум зилолни дархол шимиб олди.

Сув!

Сахрода пайдо бўлган нажот иси ҳар ёкка ёйилди. Бирок, жон эгалари якин келишга журъат қилолмайд турардилар. Нариди кушлар, юмронлар, шоколла ва кийиклар гоҳ-гоҳ ер тепиниб, унинг кетишини кутишарди.

Ҳаёт!

Ҳаёт манбаи бўлмиш сув ингичка жилға ҳосил қилиб, кум бағрига сингиб кетмокда эди.

У киши кафтига сув олиб, холсиз жайрон боласи ёнига келди. Жонивор ундан ҳайикмали, балки ховучдаги зилол оч-пушти дудокларига теккани он жонланиб, ютокиб-ютокиб ичиб олди. Сўнг сургала-сургала булок ёнигача келди.

Киши узоқлашиб кетар экан, жайрон боласи оёкка турган, янги пайдо бўлган булок теғрасига курту кушлар тўпланиб олган эди.

Жайрон боласига ёрдам берган номаълум кишидан шу воқеа қолди, холос. Орадан йил утиб-утмай, ҳар сахар чул адоғидан сарик қуёш ловуллаб кутарила бошлаган маҳалда турли-туман жонзотлар сув ичгани келадиган жойга Жайронбулок деб ном беришди. Бора-бора, халқ тилида у Жарабулок бўлиб кетди.

### ДАШТУ ТУЗ

Шоймардон чол тулки овлаши билан донг таратган тажрибали овчилардан эди. Ҳозир у утовни олдида тева-ракни кузатиб турарди. Чул қуёши кутарилиб улгурди. Гумайлару каврақлар иссиқда тек қотди.

Шоймардон чол тулки туттишининг узига хос усулини уйлаб топган кишилардан бири эди. Кеча неваран-

си билан ошқовокни тулки боши сиғадиган даражада қирқиб, ичини тозалаб, янги ивиган катикдан қуйиб қуйди. Шундай тузоклар ҳозир чул бағридаги беш-олтита жойга ярмигача қумга қумилиб турар, айёр тулки келиб катик ичгиси келганида бошини ковоққа тиккач, чиқаролмай ирғишлаб-ирғишлаб, ниҳоят тақдирга тан бериб ҳоргин чузилиб қолишини қуп қурган эди.

Тулкининг сут-катик ичиши бор гап. Гоҳида ўтлаб юрган сигирлару эчкиларни эмиб кетганини қурганлар бор.

Невараси чакирганида, Шоймардон чол уйига қайтиб кетмокчи булиб турувди. Салдан кейин отига миниб бориб карашса, тулкининг боши ковоққа тикилиб қолган, ғалати ҳаракатлар билан ундан қутулишга урниб ирғишлар, бироқ кулоклари халал бергани учун чиқаролмай, яна ирғишлашга тушарди.

Бу – ун тукқизинчи тулки эди.

– Ҳа-ҳа! – деб қувонч қулгиси ва ғалаба ҳайкириғи аралаш бақирди Шоймардон чол. – Ун тукқизинчи! Ҳа-ҳа!

Кейин қум сочиб, тузокка тушган хайвон сари чопди.

Бу усулнинг афзаллиги шунда эдики, дашт айёрининг товланувчан чиройли териси бус-бутунлигича қолаверади. Уни сотса, нархиям баланд булиши турган гап.

Ҳар ҳолда нима руй бергани аниқ эмас, аммо шу маҳал бархан ортидан узун яшил тун қийган бир чол чиқиб келиб, тулкининг бошини ковоқдан чиқараётганини икковлон ҳам қуришди.

– Ҳой аҳмоқ чол! Нима қияпсан? – деб қичқирди Шоймардон чол, уша томонга қум сочиб югуриб. – У меники!

Чол эса бу томонга қараб ҳам қуймади. Бир маромда оҳиста қадам ташлаб, йулида давом этаверди. Ёнида тулки ҳам унга эргашиб борарди. Яна бир оз вақтдан кейин улар бархан ортига утиб қуздан ғойиб булиш-

ди. Шоймардон чол ўша чопишида “тулки барибирам кочиб кетди” деб афсус билан уйлар ҳамда ўлжасидан жудо қилган чолдан аламини олгиси келиб турарди. Буталар орасидан чопа-чопа ҳарсиллаб бархан устига чикиб караганида теварак бум-буш, жон зоти кўринмади.

Чул кишиси теварагидаги жонзотларнинг феълени беш қулдай билади. Булмаса тулкидай хайвонни хийла ишлатиб тузоққа туширармиди? Саргайган ўт-ўланлар тугаб кум бошлангач, Шоймардон чол караса, тулкининг фақат изи қолибди. Анави чол эса ерга кирганми, осмонга чиққанми, ҳеч қаерда йук...

Шоймардон чол из бўйлаб бораверибди. Ўзи қотма, илдам эди-да. Боравериб-боравериб, тулкининг инини топибди. Барибирам қулимга тушасан-ку деб ҳас-чўп ёкиб, инга тутун хайдабди. Бир маҳал караса, иннинг нариги томонидан ўша тулки чикиб келибди. Ортида тўртта боласи ҳам бор эмиш. Шоймардон чолга қарай-қарай, узоклашиб кетганмиш.

– Мен уни ўгри деб уйлабман, – деди кейинчалик Шоймардон чол даврадагиларга. – Тузоқ меники бўлгач, унга тушган ўлжа ҳам меники-да? Шум чол келиб, тайёр ўлжани олди-кетди, дебман!

– Болалари бор экан-да, – дер эди Шоймардон чол, бошини чайқаб. – Агар терисига кизикиб сотворсам, тўртта боласи тиришиб ўлиб кетар экан.

– Аниқ биламан, ўша чол Хизр бува эди, – дерди кейин. Шу воқеа сабаб ўзгариб қолган, тақводор, ҳудожуй кишига айланган эди. – Қаранг-а, сал булмаса тулқичаларни уволига қолар эканман.

Шоймардон чолнинг уруғлари кўп, қай бир халқда ҳаммамиз бир-биримизга чатишиб кетганмиз, дейишни ҳуш кўришарди. Шуларнинг бари Шоймардон чолнинг Хизрга рупара келганига ишонишарди. Чолнинг обрусси ошди, Хизрни кўрган киши дея маросимларда тўртга

чиқарар булишди. Лекин рўзгорига сира барака кирмади, қандай бўлса ушандайлигича қолаверди.

Шоймардон чол узок яшади. Умри охирида тунда уйкуси қочиб, юлдузларга термилиб утирадиган одат чиқарди. Невараларига гоҳо “Уша келган Хизр эди” деб гапиришни хуш кўрар, бироқ ҳар гапирганида ич-ичидан эзилиб, афсус тутуни қалбини қоплаб олгани сезиларди.

– Қаранг-а, Хизрни қурибману ҳеч нима сурамабман, – дер эди ўксиниб. – Овимни угирлаб олишни қўзлаган бир бетавфик деб ҳаёл қилибман. Роса қоним қайнаган чоғим эди-да, ов иштиёқи жуш урарди. Қилган ишимнинг нимасидир Худога ёқмабдики, Хизр келибди. Йўкса, модомики тулкини қутқаришни лозим кўрибди, кўзимни кўрмайдиган, қўл-оёғимни ишламайдиган қилиб қўйсаям буларди-ку? Эҳ, аттанг...

Шунингдек, уша воқеадан кейин онгида рўй берган бир учқун ёлқини ҳақида ҳам гапириб берарди.

– Ушанда миямнинг ичида бир нима чирс этди, – дер эди. – Кейин, ҳар нарсада ҳикмат кўрадиган бўлиб қолдим. Қай бирини айтай? Масалан, устингиздаги қўйлақ туфайли отангиз билан қанча жанжал қилгандирсиз? Аммо, Худойим тулкига қандай ажойиб либос кийдириб, ясаиб қўйганини кўрмайсизми?

Болалар қариб-қартайиб қолган чолнинг гапларига қулишар, ёлгон деб уйлашарди.

...Умрининг охирида Шоймардон бува воқеа юз берган жойга амал-тақал қилиб бориб, бир неча кун уша ерда ўтирди. Қароматли чол яна қуриниб қолармикин деган илинжда эди. Йўқ, ҳар қанча синчиклаб термилса ҳам теварақда Хизр зухур этмади. Учинчи кун тўсатдан совук шамол турди, қўз нафасидан дарак бериб, қора булутларни ҳайдаб келди. Умр кузи ҳам яқинлашиб қолган, тақдир шамоли ажал булутларини қисмат осмонига шу тарз ҳайдаб келаётганини сезарди чолнинг қалби. Бир амаллаб уша жойда лойдан макбара

ясади, қадимгилардан қолган усулни қўллаб, узун бир таёққа ҳўкиз думини осиб кўйди.

Шоймардон чолдан шу гап-сузлару уша мақбара қолди. Хизр кўринган ерни халқ “Ҳазрати Хизр мазори” деб атай бошлади...

Шундай. Бир инсон умрини яшаб, ошини ошаб утди-кетди... Ундан бор-йўғи шу воқеа қолди...

\* \* \*

Юрт худудларида Ҳазрати Хизр мазори бир нечта. Ҳаммасида ҳам узун ёғочга туғ қадаб қўйилган. Сабабини биров билмайди, аммо мазор туғсиз бўлишини тасаввур қилиш қийин. Одамлар гурос-гурос бўлиб зиёратга келишади, кимдир хуроз, кимдир курка, кимдир кўй опкелиб сўйиб, қурбонлик қилади, ҳожати раво бўлишини суради. Мавсум шамоли бултурги қурук ҳазонларни учириб одамлар оёқ остига олиб келиб уради, бошига катта дастор ураган киши калин овозда дуриллаб “...ва одамлар туп-туп бўлишиб, Аллоҳнинг динига қираётганларини кўрсангиз...” дея қироат қилади, келгувчиларнинг аксарияти унинг маъноларидан беҳабар, сўйилган қурбонлик гуштларини пишириб, еб-ичиб ўгиришади. Томларда лолақизғалдоқлар чайқалади, қушлар учиб-қўнади, юпун, уст-боши афтодаҳол, қушларида ҳаёт чарчоқлари қотиб қолган саноксиз ёшу қари оломони дарёдай бўлиб мақбаралар сари оқаверади.

– Тавба! Хизр улганмидики, мазори бўлса?

– Хабаримиз йўқ. Лекин, тахминан мана шу ерда бир муъжиза қўрсатган. Ушанинг ҳаққи ҳурмати, даҳма бино қилинган.

– Ким бино қилган? Нима муъжиза қўрсатган?

– Билмадик... Аммо кимнингдир мушқулдини осон қилиб утиб кетган

Қайдан келган? Қайга утиб кетган?

Умуман, муттасил айланиб турган шу ёруғ оламда ақл бовар қилмас муъжизалар қўп. Уларнинг маънавий

исботини топишга ақл ожиз. Гуё теваракда кузга куринмас беҳисоб яратиклар инсонларнинг айтар сўзига, фикру уйига, дарду изтиробига шохид бўлиб туришгандай. Мисол учун, кетма-кет киз кўрган киши ўғил орзусида, супрақоқди кизалоғига Уғилой деб исм қўяди, қараб-сизки, кейинги фарзанди ўғил бўлиб туғилади. Бет-қулида холи билан туғилган боласини Холдор деб атайди, шу билан у хол тек туради, дарду балога айланмайди. Шунга ўхшаш, нажотбахш мозорлару макбаралар юрт бўйлаб сочилиб кетган, ҳар бири қандайдир мушкулни осон қилишига қўпчилик қаттиқ ишонади. Илмли кишилар имон бобида ваъзлар уқишади, ботил эътиқод хавфидан огоҳлантиришади. Бироқ, одамлар шу каби мозорларга ихлосини сира қанда қилишмайди. Катта-кичик кишлоқлару қасабалар кишилари дарё-дарё бўлиб оқиб келаверишади. Авлиё зотлардан ҳожатларини раво қилишни утиниб-утиниб сурашади...

## ТОҒЛАР ОРАСИДАГИ ВОҚЕА

Тиёншоннинг кўк музларни оқ қорларини тузғитиб сарсари шамол эсарди.

Кимсасиз кенгликлардан эсгани учун ёввойи туёларди. У баҳорнинг илик нафасини олиб келди, арчаю сарвларнинг эски шохларини синдирди, омонат харсангларни юмалатди. Шу иликлик остида муз ёрилди. Унинг қарсиллаган овози ҳайвонларни чучитиб юборди, тоғ тепаларида утлаб юрган қийик галаси жон ҳолатда пастга қараб энди.

Шамол арчаларни синдириб утди, шохларни бир-бирига қарсиллатиб урди, забти остида жонлиқ жонсиз уз ҳолича нола қилмоққа, сас чиқара бошлади.

Ағанаб тушган арча қийик боласининг оёгини босиб қолган, она қийик зурёди ёнидан кетолмасди. Сал нарида эса қунғир пахмоқ юнгли айиқполвон улжа топилганига ишониб-ишонқирамай, олдинги икки панжаси билан ағанаб тушган бошқа бир дарахтни қучоқлаб,

шу ёкка караб турарди. Ҳар холда, кийик боласининг ажални етишини кутаётгани аён

Шу талотуп орасидан яшил тун кийган узун буйли бир чол чикиб келди. Яна уша холат руй берди: хайвонлар ундан хайикншмас, бироқ нтоат ила четланиб йул беришарди.

Чол эгилиб, арча остидаги кийик боласини туткунликдан озод қилди. Кийик боласи оқсоқлана-оқсоқлана чолнинг ёнига келиб, кафтига буйнини ишқаб, титраб турарди. Ҳатто қулларига нозик, чиройли юнглари ёпишиб қолди.

Чол унинг туёғига диққат билан қаради. Эт эзилганини, аммо суяк бутунлигини кургач, уша жойга кафтини куйган эди, тусатдан оқсоқланиши ғойиб бўлди. Шодон сакраб-уйноқлаб, онаси ёнига интилди.

Ҳар икковлон йулсиз унгирилардан пастга, уюр томонга елиб кетишди.

Шамол қаҳ-қаҳ уриб эсарди. Чолнинг соқолларини юлкилар, гоҳ самога кутарилар, гоҳ хайбат ила ёйилар, теваракни зуғумига оларди.

Кимсасиз тоғ ораларида шу ходиса руй берди.

Ниятига етолмаган айикполвон узича гўлдираб, улжа қулдан кетганига афсусланиб дарахтлардан бирининг танасини тимдалаб, сакрай бошлади. Улкан бу қайроғоч тепасида ёввойи асалари уяси борлигини биларди. Уя тепада булгани учун чиқолмаслигига кўзи етса-да, асал исн димоғига урилиб, нафсини ҳитикларди.

Яшил тунли чол бу манзарани тек кузатди. Сунг яна йулида давом этди.

## БУҒДОЙЗОР ВОҚЕАСИ

Айтишадик, эндигина пишиб етилаёзган бугдойзор ёнида кўришибди уни. Сап-сарик олтин бошоклар эгилиб ётган чиройли дала узра гуриллаб учган кушлар галасини томоша қилиб турганмиш.

Бугдойзор қоровули утлар буликрок усган жойга сигирни бойлаб куйган экан. Хабар олай деб келса, сигир аллақачон арқонини узиб, ариқ буйига етиб олибди. Буйинини чузиб, “ғулк-ғулк” сув ичаётганмиш. Сал нарида эса баланд буйли, яшил тунли бир киши турганмиш. Бугдойзор қоровули уни танимабди.

Нотаниш бугдойзорни қоқ уртасидан пайҳон қилиб кесиб утаётган одамга қарата:

– Бугдойзорни пайҳон қилган одамга лаънат бўлсин! Бугдойзорни кесиб утган одамга лаънат бўлсин! – дея хитоб қилармиш.

Қоровул унинг нега бундай деганини, узи қимлигини сурамоқчи бўлиб уша томон юрай деса, сигир қулидан чқиб яна сувга интилибди. Бойлаб бўлиб қараса, қол аллақачон оқислашиб кетибди. Ҳа аттанг, суролмадим-а деб уз ишига машғул бўлибди, кейин одамлар орасида, бир қуни эсига тушиб, шу воқеани айтиб берибди.

– Ҳа-а, уни қаранг-а, – дейишди буни эшитганлар бир хикматни англагандай бўлиб. – Хизр бувага дуч келган бўлманг тагин?

– Йўғ-э, у сираям қол эмас, кучга тўлган бақувват киши эди.

– Балки сизга ушандай қиёфада қурингандир? Қандай истаса ушандай қўринади дейишади...

– Қайдам... Хизр бўлиб бирон муъжиза кўрсатмади-ку? Бор-йўғи “Бугдойзорни пайҳон қилиб утган одамга лаънат бўлсин” деди, холос.

– Ҳа, бирон йўловчи бўлса бордир... Нимага унақа деди экан-а?

– Бугдой бошоғи ризк-ку? Сиз бошоқ нима дейишини эшитганмисиз?

– Нима дер экан?

– Мени ердан қўқартириб, узимдан қўпайтирдиг, битта эдим, юзта қиқдиг. Бандаларингни ризқини ҳам шунақа қўпайтиргин, дер экан!



- У-у, ҳикматни қаранг!
- Ия, шошманг. Машраб бобо эсингиздами?
- Девона Машрабми? Ҳа, эсимизда.
- “Бир дона эрдим, минг дона булдим” деганида бошқни назарда тутганмикин?
- Йўғ-э, одам кайда-ю бошоқ кайда?

Ҳа, тупрокдан бош кутариб чиққан гиехни, яъни бир жон эгасини нобуд қилиш нафакат Хизрга, балки инсон боласига ҳам мувофиқ иш эмас. Инсоният оламда Хизр аталмиш бир банда борлигидан Ҳазрати Муҳаммад туфайли хабар топди. Ваҳоланки, хабар келганида, яъни Хизр ва Мусо воқеаси рўй берганидан сўнг минг йилдан эиёд вақт утган эди. Яратганнинг у икки буюк бандасининг учрашуви ҳақида одамлар шунча асрлардан сўнг хабар топишганига қараганда, яна бир қанча ақл бовар қилмас сирлар махфий турган бўлиши мумкин-ку?

Кўнникилган нарсалар низомининг бузилиши одамни ўзига жалб қилади. Мисол учун, “Фалончи ариқ сувини тесқари оқизди” дейдилар. Содда кишилар хайратдан ёқа ўшлаб қолишади. Фалончи эса сув бетида худди ердагидай қадам ташлаб юрар эмиш! Яна бири шомни Самарқандда, хуфтонни Маккада уқиганини кўрганлар бор.

Ҳа, одамлар кўз унгида рўй бериб турган, ўлимни ва йўқликни рад этиб барқ урган минглаб муъжизаларга хайратланмайдилару олам низомини кимдир бузса, оғизларини очиб анграйиб қоладилар.

Аммо, у воқеаларнинг бари тарихда экани ғалати. Ҳаёт давом этади, шодлиқлару қайғулар алмашаверади, кўзга кўринмай эсувчи қисмаг шамоллари инсонларни бола-чақа севинчи, ризқ шодлиги аро мағрибдан машрикка узлуксиз тортқилайди, воқеа-ҳодисалар ҳикматларга айланиб онларга қуйилади, шуларнинг бари бир кун, худди бир гилос мева бергани, бир қурт пилладан капалак бўлиб ўчиб чиққани каби, ҳаёт хулосаларига айланади, етилиб келаётган ёш авлодга неларни-

дир хитоб қилади ва бетиним оқувчи умр дарёси уларни ҳам аста-секин кунботар тарафларга окизиб кетади.

– Кунботарда нима борки, қайта-қайта айтилмоқда? – деб сурашади улар, бу гапнинг маънисига тушунолмасдан.

– Қибла, – деб жавоб беришади купни курганлар. – Эсингиздан чиқарманг, қибла кунботардадир.

### ЮНУС ХАЛФА ҚИССАСИ

Юнус бува барваста, соч-соколи мошгуруч қария эди. Айтишадики, бир маҳаллар ёшлигида, демакки, бундан эллик-олтмиш йил бурун бир муллага шогирд тушган, сабоқни тузукрок эплай олмагани учун халфаликдан ҳайдалган экан. У гапни одамлар узлари тукиб чиқарган бўлса керак, чунки нима бўлганида ҳам Юнус халфа анча-мунча илми бор одам сифатида обрӯ-эътиборга сазовор эди.

Биладиганлар Юнус халфадан масала сурашар, бироқ, суровчиларнинг узлари ҳам илмда ортиқрок эмас эдилар. Мисол учун:

– Дунё махлуқми, махлуқ эмасми?

Бу хийлақорона савол аслида арабчани биладиган кишидан суралади. “Махлуқ” арабчада “яратик” маъносини беради. Арабча билган киши “Ҳа, албатта махлуқдир” деб айтади, чунки яратилишга разм солади. Билмас киши эса фақат жонни бор нарсаларни, янада жохилроғи фақат хайвонни махлуқ деб уйлайди ва кўзини бакрайтириб “Ия! Дунё қанақасига махлуқ бўлсин?” деб хайратланади.

Юнус халфа бундай саволлар ортида хийла яширинганини билар, шу сабаб жохилроқлар олдида эса шу каби саволларни уртага ташлаб, ўзини илмли қилиб курсатишни хуш қуради.

Умрининг охирида ибодатга жуда берилиб кетди. Қачон кирсам ё айвонда, ё қуябасида утирганини қурадим. Барваста, етмишдан ошса ҳам соч-соқолида

окидан кораси куп, кулимсираб турадиган беозор киши эди.

Аслида кишилар килар ишларини қила-қила, қартайишганида художуй булиб қолишса-да, Юнус бувадан сабабини сўраганим эсимда.

– Бир воқеанинг мазмунини тушуниб қолдимиз кўриб кетдим, – деб жавоб қилди Юнус бува.

– Нима ривоят экан?

– Ҳазрати Юнусни эшитганмисан?

– Ким экан у?

– Улуг пайгамбарлардан бири. Уни бир куни каттакон балиқ ютиб юборади. Балиқ қорнида бир неча кун қолиб кетади. Уша қоронғилиқдан туриб Худога тинимсиз ёлворадики, мени бу зулматдан қутқар дея. Ниҳоят, Худо муножотини ижобат қилади, балиқ уни соҳилга чиқариб ташлайди.

– Ҳа-а...

– У маҳал Юнус алайҳиссалом ҳушдан кетган эди. Худонинг иноятини кўриб, қок ердан бир қовоқ униб чиқади. Қовоқ тез устишини яхши биласан. Салдан кейин яшил баргларини ёйиб, Юнус устига соя солади. Шундан кейин узига келиб қовоқ муъжизасини қургач, яна илтижо қилади...

– Ҳуш, нима бўпти шунга?

– Ана! Англамадингми? Одамни қалласида бир нима ярқ этиши керак-да. Ярқ этмаса қийин...

– Нима экан?

– Эй воҳ! Дунё деган балиқ қорнида етмиш йил яшабману бирон марта бу зулматдан мени қутқар деб илтижо қилмабман, – деди у соқоли титраб. – Мана энди ажал қурина бошлаганида титраб-қакшайману эрта бир кун қиёмат кунда Худойим ҳеч бўлмаса тепамда битта қовоқ устириб қуярмикин деб қурқаман...

Юнус бува етмиш уч ёшида оламдан ўтди.

Бу гаплар ҳамминг эсида эди. Баҳор маҳали борганлар қабр устида бир дона қовоқ барг ёзганини

қуришгач, тонг қолишди. Лекин, ҳеч ким “Ҳа энди, бир сабаб бўлиб уруғи тушиб қолгандир-да” демади. Ҳамма Юнус буванинг гапларини эслар эди. “Авлиё даражасига етиб қолган экан-у, билмай қопмиз. Қаранг, Худойим қабри устида қиёматда соя солсин дея қовок устириб қўйди!” Хуллас, бирданига ҳамма Юнус бува ҳақида яхши гаплар айтадиган бўлиб қолди.

Уйлаб кетасиз: дунёда нечта Юнус бор? Ҳаммаси ўша саодатли Юнус бўлаверармиди? Бири ундок, бошқаси мундок. Нима бўлсаям ошини ошаб, умрини яшаб борадиган жойига бориб турибди. Лекин азбаройи ўша униб чиққан қовок ҳаққи, одамлар бориб қабрини суваб, гувалақдан кичик бир сағана ҳам қутариб қуйишди. Фариштадай киши эди, фариштадай кетди дея.

У қабр ҳалиям бор. Ёмғирларда, шамолларда сувоқлари кучган кичкина қабрча. Қишлоқнинг оламдан кетган қуркам, барваста кишилари қатори, Юнус бува ҳам ниҳоятда сокин, ғалати суқунат ичида ётибди.

Жойи жаннатда бўлсин...

## ИККИНЧИ ҚИСМ

Узлуксиз оқиб турган, оламда Тангри таоло қудратидан дарак бериб турадиган тириклик ҳаёти аро бундай ривоятлар ер юзининг деярли барча халқларида турлича зуҳур этган.

Ҳозиргина Тангри таолонинг балиқ қорнида туриб йиғлаган Юнус деган бандасини зикр этдиг-а? Уни масиҳийлар Иона деб аташади. Масиҳийлар талқини ҳам бизнинг қишлоқдаги талқинга мос: Тангри таоло иродасига бўйсунмагани учун уни денгизда балиқ ютиб юборибди. Барча мусулмон улқаларидаги ривоятлар эса айнан бир хил. Ёки ҳазрати Мусо билан суҳбат қурган билимли бандани Хидреллез дейишади, бу исм ҳам бизнинг қишлоқлардаги Хизри Илёсга ўхшаб кетади. Теварак яшилликларга бурқанган маҳал, экин-тикин

юмушлари бошланишидан аввал уша халклар Хидрел-лез байрамини нишонлашади.

Юнус ибн Матто эса... бирданига уч кават зулмат орасида қолди, дейишади билгичлар. Тун зулмати, денгиз зулмати ҳамда балиқ қорнидаги зулмат... Тангри истаса, бир неча кат зулматлар орасига тикиб юбориши ҳеч гап эмас. У воқеа қандай руй берганининг тафсилотлари эса турли-туман. Шулардан ҳақиқатга яқини барибирам мусулмон ривоятларидир.

“Юнус ибн Матто имон қорловларидан чарчаб “Бу халқ сира инсофга келмас экан-да” дея тун қоронғисида бош олиб кетганини эсланг”, дейилади асотирларда. “Ҳамда жунаб кетишга чоғланаётган бир кема олдига келиб, нариги соҳилга утказиб қўйишни илтимос қилганини эсланг. Қаранг, мисли қурилмаган ходиса юз бермоқда: Оламлар Парвардигорининг элчиси уз вазифасидан юз ўгириб кетмоқда. Шунингдек, денгизда туфон кутарилганини ҳам, уйдайд тўлқинлар кемани ҳасдай ўйнатганини-ю кишилар унинг қорловларини эслашиб “Парвардигорингга нола қил, туфонни тўхтат” дейишганини ҳам ёдга олинг. Шунда Юнус қуръа ташлашни таклиф қилди. Қуръа уч маротаба ҳам Юнусга чиққач, кемадагилар афсус ва надомат ила уни денгизга отдилар. Кема остида то соҳилдан бери сузиб келаётган баҳайбат балиқ уни уша захоти ютиб юборди. Бу воқеанинг хайбатига разм солинг. Туфон шундан сўнг тина бошлагач, кемадагилар “Юнуснинг гаплари ҳақ экан-ку” дея бари бирдай имон келтиришганини ҳам эсланг.

Дунё махлуқдир. Ундаги ҳою ҳавас балиғи сизни омонсиз ютиб юборишидан қурқмаяпсизми?

Эсланг, шундан бошқа нажотингиз йук ахир. Бу воқеа оламда имон ва виждон ҳайкириги каби, ортида яна унлаб-юзлаб маъноларни жам қилиб турмоқда”.

Воқеанинг қисқача таърифи шу. Бироқ, масиҳий уламолари ундан бизнинг Юнус бувамиз каби ҳулоса чиқаришганми-йукми, номаълум. Юнус халфанинг од-

дний хулосаси эса одамни кизиктиради, дунё ройишига теранрок назар ташлашга ундайди. Касаллик туфайли бир жойда ётиб қолган, ишлари юришмаган, кун кечирришга қийналган юзлаб-минглаб кишилар онгида шунга ўхшаш – “дунё зулматида умрим ўтди” дегандай уйларни ҳосил қилади.

Бир-биридан гузал, ажойиб товланувчи манзаралар, суратлар, лаззатлар, таъмлар, фасллар, ҳаволар, хидлар, тоғу тош аро барқ урган муъжизаларнинг пашша қанотичалик қадри йўқ эса, бунчалар ажойиб санъатга не ҳожат? Мисол учун, урдак боласи дунёни бошқача кўради, унинг ранг ва ис тушунчаси инсондан тамомила фарқли, ризки бор-йўғи бир қанча дон-дун ҳамда хашаротдан иборат. Ҳатто тиканники кузни кувнатиб гул очадиган қилибди, сахро маликаси ҳисобланмиш юлгунга-ки қулранг барғу қизил тана ила чиройли қиёфа бахш этибди, бу ёруғ оламни балиқ қорнидай тору тағ, ундан тезроқ қутулиб қолақолиш маъқул деб ҳукм қилиш ўринлими?

Олимлар мана шулар устида бахслашншади. Буларнинг бари инсон боласида ҳис пайдо бўлсин учун яралган деб уқтиришади. Денгиз ҳайбатини қуриб ақли шошсин, оламни сув энлаган маҳалдаги Нух деган бандасининг холини тасаввур этсин. Ичиб бўлмайдиган шўр сув аро ташкалик не эканини туйсиңу мана шу ичишга ярамайдиган муҳит аро турли-туман ҳаётни барқ урдириб қўйганини, истаса тошлар орасидан ҳам турфа хил ризқлар чиқаришини идрок қилсин... Юнус халфа-ку саводсиз киши эди, қачонлардир урганиб олган муқаддас оятларни бузиб-ямлаб талаффуз қиларди. Ажабо, саводдиларнинг холи не?

Лекин агар инсон боласи кунлик ризқига итоат қилиб, яна бир ривоятда таъкидлангани каби, дунёда юз йил яшайманми-йўқми дея ўзига тузукрок уй ҳам қурмаган бўлса, теварақдаги бу турли-туман ақл шошадиган санъатлардан қўзланган мақсад нима?

Бу рангу таъмлардан, лаззатлардан, кўзни кувнатадиган нарсалардан биронтасини олиб кетолмаса, у ҳолда, олиб кетадиган нарсаси не?

\* \* \*

Оламда Хизр нечта?

Баъзилар айтадиларки, саногини Худодан узга ҳеч ким билмайди. Одамзот унинг биттасидангина хабар топди. Бошқалар айтадиларки, йўқ, у ягона эди.

Одам боласи бўлса, қайда, кимдан дунёга келган эди? Ота-онаси, кавму қариндоши ким, наслу насаби не?

Ғайб билимлари ато этилган у буюк зот ҳақидаги саволлар кўпайса кўпаядики, асло қамаймайди. Қачондан бери ер юзини кезади? Мусо пайғамбарга дуч келган Хизр не учун кейинчалик қонот сарвари бўлмиш Муҳаммад алайҳиссалом қошига келмади? Демак, уша пайтдаёқ ёруғ оламни тарқ этиб, Ҳақ раҳматига қовушақолдимми?

Ер юзи турли-туман. Бир жойида инсонни мумдайд эритиб юборадиган жазирама ҳукм сурса, абадий музликлар диёрларида қор буронлари тинмайди. Улкан муз тоғлари қарсиллаб ёрилади. Уша сувларда ҳам денгиз жонзотларию оқ айиқлар худо берган ризққа шукрона аро ҳаёт кечиради. Шунингдек, ёмғирлар тинмайдиган ёки узлуксиз шамоллар эсадиган жойлар ҳам бор, уларнинг кўлида инсон изларини кўрмайсиз. Ёввойи, ибтидоий табиат ғалати бир мувозанат ичра ҳаёт кечиради. Хизри аъзам уша жойларни ҳам кезармикин, деган уй келади. Ҳеч кимга кераксиз бир тулкини кутқарибди, бир кийик боласига ёрдам берибди... Хуш, нима бўпти?

“Сиз Хизрга эмас, тулкига диққат қилинг” дейишди билганлар. Хизр аслида имон йўлларини очиб юрган бир банда эмасми? Сиз бошқа тафсилотларга эътибор қаратинг. Бой-бадавлат кимсаларнинг кийган кийим-

ларига, еган емишларига разм солинг. Оламда кундузу куйнинг либосига хавас қилиб, терисини шилиб олиб киядиган, жайрону кийикнинг гузаллигига махлиё була-була утда ковуриб ейдиганлар бор. Ахир, “акл юритмайсизларми” деб бежиз қайта-қайта айтилмагандир?



Авлиёнинг бири сув бетида кадам ташлаб юра олар эди.

Бу холи одамларга маълум булгач, ҳамма хайрон қолиб, у сари оқиб кела бошлашди. Бироқ, авлиё одамлар билан кўришишни сира истамасди.

Ниҳоят, сиру синоат ҳақида бир мартагина гапирришга рози булди.

Одамлар сурашди:

– Қандай қилиб сув бетида юра оласиз?

– Худди сиз қурукликда юрганингиз каби, – деб жавоб қилди авлиё.

– У ҳолда нега юрмайсиз?

– Қурқаман.

– Нимадан қурқасиз?

– Ҳар кадам куйганимда “Ё Эгам” деб кадам босаман. Сув бетида жуда юпка бир парда бор, “Ё Эгам” деганим учун уша мени кутариб туради. Сал чалғисам ғарк булиб кетишимдан шунчалар қурқаманки, аъзойи баданимни қора тер босади, наинки дунё, балки узимнинг кимлигим ҳам эсимдан чиқиб кетади, бутун фикру зикрим қирғоққа етиб олиш булади.

Одамлар бу изохга бир нима дея олмадилар.

– Э, муъжизанинг бу тарафи ҳам бор экан-ку? – деб хайратланишди. – Худойим берган қароматларининг юки оғир булар экан-да?

– Сиз англаёлмадингиз, – деди авлиё ота. – Тепангизда кук осмон, остингизда қаттиқ ер турганига алданманг. Ҳаммангиз сув бетида кадам ташлаб бораётган



одам мисолисиз. У истагани он парда йиртидиб, туб-сизликка ғарк булиб кетишдан қурқмайсизми?

Куринмас ота деган авлиё бор эди, истаган махалида истаган ерида хозир у нозир бўла оларди, дейдилар.

Илон ота деган бирига Оламлар Парвардигори яра-тиб қуйган судралувчан жон эгалари сўзсиз буйсуни-шарди.

Сугалли ота деган зот бир сийпаса, одам аъзойи ба-данига тошган тушунарсиз гуддалар – сугаллар бир ке-чада уз-узидан уваланиб тукилиб тушарди.

Бундай зотларнинг яна бири – Арслон ота эса хай-бати одамни қуркитадиган ваҳший арслонларни эшак қилиб миниб юрарди.

Яна бири шамоллару фасллар қанотида келадиган марҳамату фалокатларни аниқ биларди. Шу сабабли, сочлари барвақт оқариб кетган, тинмай йиғларди.

– Тавба, – дейишарди одамлар. – Шунчалик қудрат-га эга қилиб қуйибди-ю, бу одамнинг йиғлашини қур.

Ҳатто қулсиз бир авлиё сават тукиб қун кечирга-нини, уни қандай тукишига қизиққан кишилар келиб қулбасига муралашганида, Худо унга ғойибдан қул ато этганини ёки яна бири қулсиз қура олганини ҳам айта-дилар. Суқир киши шундай эканки, олисдаги тоғ тоши-га қуниб утирган турнанинг қузигача қуриб турар экан. Яна, шу ҳолларида, қулсиз туқийдиган, қулсиз қуради-ган қилиб қуйгани учун Тангрига ёлвориб, марҳамати-дан жудо қилмаслигини ўтнинишар экан.

Кишилар у зотлардан яна нималарни сурашгани-нию нима жавоб қилишганини айтишнинг ҳожати йўқ. Билганлар суқут саклайдилар. Билмаганлар эса турли тахминларини айтишса-да, уларнинг сузлари қупинча ҳақиқатдан йирок бўлади.

## АБАР УҒРИ ҚИССАСИ

Сахролари даштларга, даштлари водийларга, водий-ларни тоғларга қушилиб кетган шу қадим ҳудудлардаги

сон-саноксиз кишлок урамларидан бирида Абар деган уғри яшаган, дейишади.

Абар шунчалик шум, баттол эканки, кишиларнинг кузини шамғалат қилиб, шундок бурнининг тагидан куй-молини етаклаб кетаверар экан.

Биронта кишлокда яшамас экан. Качонлардир ота-онаси бағридаги шухгина болакай эди, ота-она утгач, тугилиб усган маконини тарк этиб, дашту сахрога бош олиб кетган, дейишади.

Ўша теварақдаги Гувалдак деган бир кишлок ахолиси бир кун пешин махали узоқдан бир киши келаётганини куришибди. Кулларини кузларига соябон килиб қараб туришса, Абар экан.

Кишлоқ оксоқоли бакирибди:

– Бу Абар-ку! Ушланглар уғрини!

Ажабки, Абар киприк кокмай қараб тураверибди.

– Ия? – деб ҳайрон булишибди одамлар. – Сен уғри эмасмидинг? Нимага қочмасдан, тек турибсан?

– Одамлар Худога ишониб, савобдан умид килиб, бола-чакасининг ризкидан кийиб топган-тутганини опкелишса, уни туя қилган сен уғримиз ё битта-иккита мол уғирлаган менми? – дебди Абар, киприксиз кузлари юмилмай, безрайиб.

– Оксоқол ниҳоятда ҳурматли киши, беадаблик қилма! – дейишибди кишилар.

– Мен битта-иккита мол-қуйни очлигимдан, қорнимни туйдиргани уғирлаб кетардим, – дебди Абар – Сен руза-ниёз деб халқни канча молини единг? Мен ҳар уғирлик қилганимда Худо деб борардим. У раҳм қилгани учун одамлар уғирлигимни пайкамай қолишарди. Сен эса Худо номини сотиб бойиб кетдинг. Қани айтчи, қайси биримиз беадаб?

Одамлар нима деярини билмай қолишибди.

Ниҳоят ақллироқ бири:

– Муни уғри деган номи бўлсаям, биронтангиз уғирлик устида кулга туширдигизми? Далил-исботингиз борми? – деб сўрабди.

– Йук, – дейишибди кишилар. – Аммо ўзи тан олиб турибди-ку?

– Гапидан қайтса-чи? – деб сурабди фаросатли киши.

Шунака баттол ўғри эди-да Абар.

– У ҳолда бир бандага жавр бўлмасин, – дебди ҳалиги киши. – Хуш, нима учун келдинг халқ орасига?

Шунда Абар даштда руй берган воқеани гапириб берибди.

– Чайламда ётувдим, – депти у. – Бир маҳал шарпа эшитилди. Чикиб қарасам, бир чол бир арслонни эшак қилиб миниб келаётган экан

Чолни қуятуринг-у арслонни ваҳшатини курсангиз эди! Баҳайбат, ҳар панжаси ҳодадай, ёллари силкиниб-силкиниб, попилтирикчи думини силкитиб-силкитиб келяпти.

“Ия” деб тилим калимага келмай серрайиб колдим.

– Ҳа, Абар? – деди чол, менга. – Миррих пастлаб колди, ётаверасанми?

Феълим терс-ку, “Миррихинг нималигини билмайману пастлаганидан гапирасан”, дедим.

– Пастласа-ю бошингга йикилса, сенга нажот берадиган биров бўлмайди, – деди чол. – Тагида чумолидай эзилиб, абжағинг чикиб ҳалок бўлиб кетасан.

Шундай деб халачупини бир силкиган эди, юзлаб махлуклар пайдо бўлди. Орасида тимсохлару мен билмайдиган қуркинчли ваҳшийлар бор эди. Бари тишларини иржайтириб ваҳшат қиларди.

– Э тавба, – дедим. – Ҳой чол, узинг кимсану булар нима?

– Булар гуноҳларинг, – деди чол. – Ҳар битта қилмишинг бир ваҳшийга айланиб сени кутиб турибди.

– Ҳозир Гувалдак деган кишлокка борасан, – деди кейин. – У ерда эски бир мачит бор. Ушанинг нураб тушган деворини тuzатасан, кейин одамларни хизма-

тини киласан. Эвазига ҳақ олмайсан, халқ нима берса шуни ейсан. Шояд гуноҳларинг авф бўлса.

Шу тариқа арслонини миниб, тепага урлаб кетди. Мен эса бу ёкка келавердим.

Одамлар Абарнинг гапларига ишонишмабди. Гарчи Абардай саводсиз бунақа гапларни қайдан олганига ҳайратланишсаям, барибирам ҳайдашибди. Бирок, Абар уришса ҳам, сўкишса ҳам кетмасмиш.

– Шошманг, ахир, – дермиш. – Сиз у арслонларни курсайдингиз! Одам боласини омон қолдирмайди. Мен сиздан ош-нон сураётганим йук. Шу мачитда сув-пув ташиб, супуриб-нетиб юрсам бас. Хизматингизни қилай, ахир.

– Хизматингни бизга кераги йук, – дейишибди одамлар. – Шу пайтгача узимиз эплаб келяпмиз.

– Мен ахир, кўрқяпман, – дебди Абар. – Нималигини сизга таъриф қилиб беролмайман, аммо жудаям кўрқяпман.

– Гуноҳни узинг қилдинг, тавбасиниям эпларсан.

Абар шу кетганича кетибди. Уни биров қайтиб кўрмабди. Нима бўлганини ҳеч ким билмадию орадан йил ўтиб, баҳор чоғида оқсоқол тилдан қолди.

Нега тилдан қолгани ҳеч кимга аён эмас. Ҳол сурагани кирган кишилар узларини бардам тутиб, кунгил кўтариш учун жилмайишиб ҳол сурасалар, деворни кўрсатиб кўзларини ола-кула қилармиш. Ҳар ҳолда уша ерда жуда кўркинчли бир нимани кўрганини билдирмоқчи буларди, шекилли. “Э тавба, Худо бериб қўйган неъматларнинг кадрига етмаймиз-а, – дейишарди одамлар, чиқишгач. – Қара-я, тил деганлари бор-йўғи бир парча эт, қушдаям, хайвондаям бор, шуни опқуйса, одамнинг аҳволига бок!”

Уша йили оқсоқол ўзига келмай вафот эди.

Шундан кейин Абарнинг дарағи чиқди.

Даштга чикканлар саҳро қўйнида бир дахма кўришибди. Кичкина булоқ жилдираб оқар, дахма олдида соч-соқоли ушиб кетган Абар утирган экан.

Уни таниб булмасмиш. Авваллари шиддати ичига сигмайдиган, кора кузлари уйнаб турадиган серҳаракат йингит эди. Бу эса кузлари жавдираган бир бечора. Агар Абар булса Худо инсоф берибди, дейишибди кишилар.

– Бу Арслон ота дахмаси, – депти Абар. – Уни шу ерда курувдим. Ҳақки-хурматига дахма курдим.

– Бирон бир жонзот йук жойда дахмангдан нима фойда?

– Жон эгаси бор-йуклигини сиз кайдан ҳам билардингиз? – депти Абар. – Ҳар тонгда юзлаб курту куш тупланиб келади. Шуларга дон-дун териб келиб сепаман.

Абар афсонаси шу тариқа пайдо булди.

У мақбара ҳозир ҳам бор. Даштдан тоғларга қараб ярим кун юрсангиз, яккам-дуккам ўсган бурганлару чўл янтоклари орасида устида туғи осилиб туради. Уни халк Арслон ота дахмаси деб атайди.

Абар унутилиб кетди. Уни биров эсламади. Фақат бир кишининг тушига кирибди. Ортида уйдаи-уйдай баҳайбат ургимчақлар, том буйи чаёнлар бормиш.

– Булардан қандай қутулишимни билмайман, – дермиш Абар, зор-зор йинглаб. – Бир зум тухтолмайман. Тухтасам, анавилар мени еб юборишади.

Шундай деб утиб кетармиш.

У туш ростмиди, ёлғонмиди? Ҳар ҳолда рост булсаям, ёлғон булсаям бировга нафи тегмаслиги турган гап. Умр давом этмокда, кишилар ҳар куни ҳар хил тушлар куришади, ҳар бирига диққат қилинаверса, ҳаётни таъми колармиди?

Абардан шу гап колди, холос.

## ЭНА ҲИКОЯСИ

Болам, турмуш оғир, ҳаёт машаққатли эди.

Мен янги келин бўлиб тушган хонадон узим катта булган ҳовлидан унча фарк қилмас, уша-уша захматлару меҳнатлар бу ерда ҳам давом этса-да, узимнинг рузгорим деб қувонардим. Ҳар ҳолда, кизбола буй етар

экан, кун келиб уз уйим-рузгорим булсин деб орзу қилади. Уйга кирсам, янги тушакларимнинг исига су-юнардим.

Қайдам, уша пайтларнинг энг қувонтирадиган нар-саси янги кўрпа-болишлар, сўзана-ю пардалар булган-микин? Латта-путталаримга караб ҳам севиनावерардим, ахир, ун олти яшар кизалок эдим-да.

Жамалаксоч кизчалар менга караб хавасланишса, узимни еттинчи осмонда сезардим. Худди катта бў-либ колгандай, кадру кийматим ортиб колгандай ту-юларди-да. Ким кўрса узингдан кўпайгин, ризкинг бугдойдай сочилсин деб дуо қиларди. Билсанг, кизлар турмушга чикканида энг катта орзу-хаваси – фарзанд бўлади. “Ўзимнинг болам” деган ёкимли ўй бахтдан да-рак бериб этини жимрлатади, кўзининг оку корасини бағрига босишни жуда-жуда истайди. Мен ҳам бир этак угил-кизларим бўлишини хоҳлардим.

Орадан йил утди, Худойим фарзанд беравермади. Кунглимга ваҳима оралай бошлади. Етти пуштим соғ, нимага бермас экан, узим билмай биронта гуноҳ қилиб кўйдимми, деб кўркдим.

Ушанда момонг айтдики, хар жума нон ёпиб, етти қушнига чикараверасан. То буйингда булмагунга ка-дар, хар чикарганинг савобини Хизр бувага атайвера-сан. Баъзан пешанангга ёзилмаган нарсалар улуғлар ду-оסי билан насиб қилади. Хизр шундай зотки, чакирсанг эшитмайди, чорласанг келмайди, аммо унинг учун бир нима қилсанг дарров билади. Ёруғ дунёда биров менга савоб бағишламасди, бу банда ким экан, деб дунёни на-риги чеккасидан ҳам етиб келади.

Шуни билки, савоб ниҳоятда улуғ нарса. Одам бо-ласидан бошқа биронта яратик савоб ҳосил қила олмай-ди, узгага бағишлашини-ку кўявер! Хизр-ки шунга зор экан, ҳикматини узинг билиб олавер.

Яна, хар сахар турганингда дарвозанг эшигини ал-батта қия очиб қуй. Одамлар уйқудан уйғониб-уйғон-

маган маҳал Хизр бува тоза, саришта хонадонларга ризк улашиб утади, бетартиб, каровсиз уйларга эса қараб ҳам қуймайди...

Айтганини қилдим. Ҳар жума етти патир пишириб етти қушнига чиқаравердим. Қуни-қушни ҳаққимга дуо килаверди.

Йил утгач, хурлигим келди. Бостирмада молга ут солаётган эдим. Сигир туққан эди. Жонивор, бузокчасига шунақанги меҳрга тулиб-тулиб қарайди-ки! Бузокча эса шаталоқ отиб, орқа оёқларини кутариб-кутариб ирғишлаб уйнайди. Бир айланиб онасининг ёнига қайтиб келса, буйинини чузиб гадир-будир тили билан ялайди, шунда бузок юнгида тарам-тарам хул излар қолади.

“Эй Бори Худоё, шу хайвонга-ки зурёд бердинг, менга бермайсанми” деб йиғладим.

Ана, энг ҳақир чумчукларгача бола очди. Чумолилар болалари билан урмалаб хирмон ёйишди.

Пакирни кутариб, кучага сувга чикдим. Кун иссиқ, жазирама. Шунда йул четидан бир чол келаверди.

Бир қарасам, танишга ўхшайди. Яна бир қарасам, мутлақо нотаниш. Аммо юз-кузидан нур ёгилиб турибди.

Келиб айтдики.

– Қизим, бир коса сув берсанг, жуда чанқадим.

“Хуп” деб сув опчикиб бердим. Чол мирикиб ичди-да, кулимсираб:

– Уйингда ҳамма дарахтдан бор экану гилос йук экан-да? – деди.

Ҳовлида ростдан ҳам гилосимиз йук эди.

– Ҳа, шунақа, – дедим.

– Ҳозир айни вақти, – деди. – Бостирма олдидаги анор қуриб қолган жой бор-ку, уша жойга эринмасдан бир туп гилос қадаб қуй, бўптими? Янаги йил гуллаганида ўзинг суюниб, мевасидан ейсан.

Кейин кибла тарафга ўтирилди-да:

– Илохо, овмин! Шундай булсин! – деб дуо килди.

Уйимга қайтиб кирдим, косани жойига куйдим, молга сувини охиригача бермаган эдим, бостирмага қараб кетаётиб, бирданига тухтаб колдим.

Эпирай, у чол уйимда гилос йуклигини қайдан би-лақолди?

Бостирма олдида ростдан ҳам анорн куриб қолган жой бор эди, уша ерга бир нима эксамин деб мулжаллаб юрардим. Унақа жой борлигини қайдан билди?

Юрагим ҳаприкиб, чопиб нзимга қайтдим. Кучага чикиб карасам, ҳеч ким йук. Иссиқда тупроқдан ховур кутариляпти, холос.

Ичимга чирок ёккандай булди. Эртасига бобонгга айтиб гилос кучати опкелтирдим. Иккаламиз кададик, ҳар кетмон урганида, ҳар сув куйганимда “Худо” деб турдим. Гилос тутиб кетди, уша йилиёк барг езди, би-рок гул очмади.

Куз келганида тушаклар билан авайлаб урадим. Ҳар куни хабар олавердим.

Яна баҳор келди. Дов-дарахт яшилга бурканди. Ги-лосим гуррос гул очди. Гулларига қараб, силаб-силаб “Сен-ку гул очдинг, мен-чи?” деб уксиндим.

Отам барвақт утиб кетган эди. Шу кеча тушимга кирибди. Оппоқ яхтақларни кийиб, янги белбоғларни бойлаб олган эмиш. “Қизим, рузғорингда пичоғинг йук экан, янгисини опкелдим” деб, тиғи ярақлаб турган пичоқни олиб сурига қуярмиш-да, “Бу жуда утқир, эт-су-якни бирдай кесади, эхтиёт булиб ишлатгин” дермиш...

Тавба! Тушда узук ё такинчок курсанг киздан, пичоқ ёки ханжар курсанг уғилдан дарак, дейишмасми-ди? Суюниб турсам, укчиқ келди. Сира тухтай демай-ди. Ёмон бир нима еб куйдиммикин? Чопиб бориб сув ичдим, сал босилди. Аммо бир оз утиб-утмай, яна бо-шлади. Энанг раҳматлик тирик эди, олма тагида укчи-ётганимни куриб.



– Ана, – деди кувониб. – Худо беради демаганмидим? Ўзи, бетингни сепкили кўпайиб, холинг қорайиб қолганидан билувдим... Илоё умри-ю ризки билан берган бўлсин!

– Вой?

Тусатдан келган бахт шунақа бўлар эканми?

– Ростданмикин? – дейману шарақлаб қулгим келди, ичимга сиғмайман.

Ҳамма ёқ шу туфайли ўзгариб кетди. Рузғорим нурга тулгандай туюларди. Ажойиб тушлар кўрардим, яшил урмонлар оралаб чопиб юрган кийиклар, йўғон дарахттанасига тирмашиб чиқишга уринаётган айик-полвонлар, ердан қайнаб чиқаётган булоқлар тушимга қирарди. Жайронларни буйнини силаб утирган булардим...

Буларнинг ҳаммаси ўша қолни дуоси туфайлимиди? Қайдам... У авлиёмиди, деб ҳам уйлайман. Бир қарасанг унақага ўхшамайди. Яна бир қарасанг, ростдай. Ўшандан кейин тўққиз ой утиб отанг, кейин аммаларинг дунёга келишди. Гилос йил сайин буй чузиб, оламжаҳон гул очаверди, мевасини қурту қуш чуқиб кетаверди. Мен эса тўққизта болали бўлдим. Ахийри ёшим улғайиб тугмас бўлганимда, гилос ҳам қуриди-қолди.

– У қол қим экан?

– Хизр бува эди, – деди энам, ишонч билан. – Қайларнидир кезиб юрганида, ҳар жума мен қушница берган патирларимни савобни бораверганига ҳайрон бўлиб, излаб келган-да. Қим билсин, қузимга қуринмай рузғоримгаям назар солгандир? Қараса, фарзанд илинжида қуйган бир шўрлик... Раҳми келиб, дуо қилгану кетган.

– Бошқа иши йўқмиди? Сизни патирингизни деб келармиди?

– Бекор айтибсан, – деди энам. – Худо уни бекорга яратибдими? Майда-чуйда қурту хашаротники бир юмуши бор, Хизрники бўлмасинми? Одамларни мушқулини осон қилиб юрадиган қароматли зот у. Эх-хе,

ер юзида канча одам бор? Шулар орасида юра-юра, ҳеч кимга билдирмай бир нималарни туғрилаб қўяди-да. Кейин ҳаётингга барака кела бошлайди, қайдан келаётганига ақлинг шошади. Ич-ичингдан сезиб турасану кўзинг билан кўриб, қулинг билан ушлаб ололмайсан. Энг муҳими, рўзгоринг бахтга тулиб қолади. Кирсанг ҳам, чиксанг ҳам сезиб тураверасан. Мана, битта бахтим сенсан, – шундай деб юз-кўзимдан ўлиб-ўпиб олди знам. – Бир мўмин-мусулмонга яна нима ям керак буларди? Рўзгорим бут, болаларим тукин, шу-да бахт...

– Кейин кўринмадимми?

– Йук, сира кўрмадим, – деди знам. – Отанг туғилганидан кейин яна етти ой Хизр бувага атаб нон ёпдим. Ҳар сафар миннатдор бўлиб, раҳмат айтиб ёпавердим. Нон увокларини қушлар олдига қоксам ҳам савобини унга атайвердим. Хизр рупара келмади-ю, аммо тушимга кирди.

Қарасам, уша чол, қулимсираб турибди. Ортида қайгадир кетиб бораётган одамлар оломони...

– Тожинисо кизим, – дейди.

“Ия, отимниям билар экан-да”, деб ҳайрон буламан.

– Булди энди, етар, – деди. – Ота-онанг савобга зор бўлиб ётишибди. Шунча қилдинг, бас. Мен ҳам Худони сенга ўхшаган бандасиман. Умрингни қолган қисмида ота-онангга савоб қилақол, сендан розиман” деб ўша ғалати оломон ичига кириб кетди. Шундан кейин у ишни бас қилдим. Энди неки яхши иш қилсам, савобини ҳалигача ота-онамга бағишлайман. Уларни соғинаман, ичимда ҳалиям кичкина қизалоқдайман... – хурсинди. – Сизларнинг кўзингизга эса мункиллаб қолган қари кампир бўлиб қуринаман...

Эл орасида яна юзлаб шундай ривоятлар бор.

Бирок, нима учундир у қароматгўй зот бугун ҳеч кимга кўриямайди. Тарих кишилари содда бўлишган десак, бугуннинг уддабурон одамлари ҳам у зотга дуч келишни орзулашади. Аммо, у йук, йук, йук! Шамол-

лар елади, теракларнинг учларини эгиб-эгиб, емгирга хомила булутларни суриб келади, жалалар куяди, хаволар ўзгаради, наботот барк уриб, яна йукликка жунайди, чорва туғилади, ҳалок булади... Ҳаёт бир хилда давом этса-да, бирон ерда бирор киши Ҳазрати Хизрни кўрдим демайди... Гуёки Мусо-ю Юнус алайҳиссалом ёки бошқа муборақ кишилар каби вафот этиб кетган, ёди тарих қатларидагина қолган... Улар-ку Тангри таолонинг танлаб олган улуг зотлари эдилар, эл аро авлиёларни ҳам қурмайсиэ. Ҳаммаси тарихда, ақлу нигоҳ етиши мушқул зулматлар орасида, ўзлари етишган билимлари бағрида мангу оромга чумишгандай...

### **БИЛИМЛИ КИШИ ВА ДЕВОНА ҚИССАСИ**

Яккам-дуккам буталар ўсган дашту сахро оралаб икки киши кетиб борарди.

Бирини – буйнида дор ипи, оппок кафанига чулғанган озғин, сочлари ўсик, иккинчиси – яшил тун кийган, узун буйли, барваста одам бўлиб, улар ортидан бир кучук ҳам эргашиб борарди.

Бир жойга етганларида, яшил тунли киши суради:

– Дор оғочини арралаётган пайтим мени нега тўхтатдинг?

– Тақдир ёй, ажал ўк, отгувчи Ўзи булса, қайга қочардинг? – деб жавоб қилди шериги.

– Тўғри айтасан, – деди яшил тунли киши, уйлашиб. – Ўзидан бошқа манзил йук. Энди ҳар нарса ниҳоясига етди. Сафаринг хайрли бўлсин...

– Нима дейсан, қуриш насиб қилармикин? – илинж ила суради дор ипи буйнида булган киши. – Дунё сари келиб, бир лахзада кетгандайман. Жамолини бир қурай деб бутун умр ургангандайман. Ҳар нарсадан кечиб, бошимни остонасига қуйгандайман-у... Жонимни тарадуд ёкмоқда, ишқилиб, қулармикинман?

– Остонадан утиб булдинг, – деди яшил тунли зот. – Бундан у ёғига мен бора олмайман. Ҳар не дардинг булса, Ўзига айтарсан.

–Айтганинг келсин, – деди шериги. Сунг тараддул-  
ланиб, бирданига юз-кузи ёришиб, шундай деди: – Яна  
кайта куришиш насиб киладимиди-йўқми, сен ҳам, мен  
ҳам билмаймиз. У ҳолда... менадан рози бўлгил! Алви-  
до!

–Сен ҳам рози бул. Алвида! – деди яшил тунли  
киши.

Буйнида дор ипи бўлган киши уз йулига кетар экан,  
теваракни саҳро иссиғи каби чулғаб бир нидо тарал-  
ди. У худди жони бордай, эгасининг ортидан қувларди.  
Қуюнга айланиб, қумларни тузғитиб сочар, гоҳ олдин-  
га утар, гоҳ ортида қолиб эргашиб борарди:

Ҳар кишини дарди бўлса, йиғласун ёр олдида.  
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор олдида.

Мансури Ҳаллождек ичиб шароби антаҳур,  
Чарх уруб, йиглаб турармен ушбу дам дор олдида.

Ҳар киши бир журае нуш айласа бу бодадин.  
Ул киёматда килтур арзини Жаббор олдида.

Телба Машраб, қилмағил сиррингни зохидга аён.  
Айтиб-айтиб йиғлагайсан ошиқи зор олдида.

Икки зот шу тарика бир-бирларидан айрилишди.

### УЧИНЧИ ҚИСМ

Қун кизиб кетди.

Миллий университетнинг фалсафа факультети та-  
лабалари навбатдаги дарсга сира ошиқишмасди. Узун-  
дан-узоқ тарих воқеалари, тахминлару мулоҳазалар,  
қарама-қаршилиқлар уларни шоён зериктириб бул-  
ган эди. Ахир, инсон ақли тулишиб, ҳаёт воқеаларини  
қура-қура кузи пишиб, урганган билимларини тажри-  
баси билан чоғиштирганидан сунггина фалсафага эҳти-  
ёж сезади. Эндигина балоғат остонасини ҳатлаган ёш  
йигит-қизларга эзма қолларнинг узундан-узоқ, қайдан

бошланиб кайда тугашилини билиб булмайдиган хулосаларни ҳаётдан узоқ, кераксиздай туюлишни ҳам бор гап.

Кенг-мул йулакнинг эълонлар тахтасига катта эълон осилган, унда бугун Мисрдан келган машхур олим дарс утиши билдирилган эди. Ҳатто шу эълон ҳам талабаларни кизиктира олмади, факультет деканининг дук-пуписаларидан кейингина болалар иш жиддийлигини сезишиб, ҳозир уша аудиторияга боришга ва орқароқдаги уриндикларни эгаллаб олишга шошмоқда эдилар.

Мавзу ҳам ажойиб эди: “Халқ ривоятлари ва замонавий фан”.

Ҳар турли воқеаларни мулоҳаза қилган, ҳатто илмий кашфиётлардан ҳам фалсафий хулосалар чиққаришни севадиган бу фан энди кишилар оғзидаги ривоятлар негизида ҳам умумий ҳамда ғоятда ақлли хулосалар чиқаришга бел боғлагани аён.

Роппа-роса айтилган маҳалда аудиторияга Дониш домла кириб келди. Паст буйи, пилдираб юриши, тепакаллиги ва насихатни яхши куриши билан шу лақабга сазовор бўлган эди. Ёнидаги узун буйли, қотмадан келган, замонавий кийиниб, ҳатто кукрак чунтагига бўйинбоғи рангида яшил рўмолча тақиб олган кишини эҳтиром билан турга чиқаргач, Дониш домла завқ-шавқ билан эълон қилди:

– Шарқ фалсафаси академиясининг ҳақиқий аъзоси, бир қанча олий даргоҳларнинг фахрий профессори бугун бизнинг меҳмонимиз! Ҳурматли олим бизларга халқ оғзида хануз кезиб юрган ривоятларнинг ҳақиқий талқинини аён қилиш учун ташриф буюрдилар.

Талабалар орасидан узук-юлук карсақлар эшитилди. Дониш домла утирганларни жилмайиб куздан кечирар экан, нигоҳи дераза рафидаги куриб қолган ковоҳ поясини ҳамда қорайиб турган ўлик чивинни илғади. “Оббо, биров эътибор бермабди. Меҳмоннинг кузи тушса шарманда буламиз-ку” деб уйлади норози-

лик билан. Бирок энди вақт утиб булган, камчиликни тугрилашнинг иложи йук эди.

– Ҳурматли талабалар! – деди Дониш домла, янада шодон овозда. – Рухсатингиз билан, мен бир оз кириш нутки ирод этмоқчиман. Бугун сизлар билан бир қанча асрлардан бери оғиздан-оғизга утиб келаётган муъжизалар ҳақида суҳбатлашамиз. Оддий кишилар утган замонларда турли-туман ҳаёлий кучларга эътиқод қўйиб келишганидан хабарингиз бор, албатта. Ундай ривоятлар бугунги кунимизда ҳам гоҳо учраб туради. Тугри-ми?

– Тугри, – узук-юлук жавоб келди аудиториядан

– Инсон вужудининг имкониятлари бекиёс, бизлар унинг фақат икки фоизинигина ишлата оламиз. Халқ орасида шу сингари эътиқодлар турли-туман. Мисол учун, Юнус деган пайғамбарни бир балиқ ютиб юборгани айтилади. Ёки дашту чўлларни кезиб юрадиган, мушкулларни осон қиладиган Ҳазрати Хизрдан ривоят қилинади. Хабарингиз бор-а?

– Ҳа.

– У ривоятларда ихтилоф шу қадар купки, ақл бовар қилмайди, – деди Дониш домла. – Одам ютишга ҳамда уни ошқозонида бир неча кун олиб юришга кодир махлуқ нима экан? Ундай улкан баликлар уч турли ҳолос, яъни, юнусбалиқ, кашалот ҳамда ақула. Юнусбалиқ ниҳоятда баҳайбат жонзот, лекин одам тугул, оддий баликларни ҳам ютолмайди, сабаби, томоғида тароғи бўлади. Кашалот ҳақиқатан ҳам одамни ютишга кодир, аммо нима учундир инсон зотига сира яқинлашмайди, сезгани захоти етти чақиримга кочиби кетади. Ақулага келсак... баъзи халқлар уни кўппакбалиқ деб аташади, чунки улжасига қутурган итдай ташланиб, гуштларини юлкилаб узиб-узиб ейди, яъни, ютмайди. Ёки Ҳазрати Хизрни олайлик. Уни кишилар шарти кетиб, парти қолган бир чол деб тасаввур қилишади. Тавба, чол бўлса, дашту саҳрони кезиб юргани қайдан куч-қувват то-

паколди? Чулни кургансиз, тикану янтоқдан бошка бир нима усмайди, қайдан егулик топди, қайдан сув ичди? Лекин, деярли ҳар қишлоқда кимгадир дуч келгани айтилади. Айтингчи, у ҳолда нима учун шу кунларда ҳеч кимни балик ютмайди ёки ўша айтилган Хизр ҳеч кимга куринмайди?

Жавоб булмагач, Дониш домла ниҳоятда ҳаққоний шу саволидан узи завқланиб, давом этди:

– Ютгани ёки курингани билан... Ҳуш, кимга фойдаси бор?

– Ҳеч кимга! – деб жавоб берди узи, сўнг мулоҳазаларини баён қила кетди: – Яқин замонларда ҳам ота-боболаримиз ниҳоятда қашшоқ ҳаёт кечиринган. У қашшоқликдан қутулиш имкони йуқлигини билишган, албатта. Шу сабабдан турли-туман ҳаёлий зотларни яратиб олишган. Қадим ривоятларнинг барчаси ҳудди дostonлару зртаклар каби, инсон орзу-хаёлларидан баҳс этади. Мисол учун, Сулаймон пайғамбарни шамол кутариб учган дейдилар. Яна бири ўтда ёнмаган, бошқасини эса балик ютиб юборганмиш. Эътибор қилсангиз, инсон боласи юз йилдан буён узи шамол ҳосил қилиб самоларда учиб юрганидан ташқари, фазога парвоз қилиб, Ойга ҳам бориб келди. Ўтда ёнмаслик масаласига келсак, ўт учирувчиларимизни яхши биласиз, уларнинг махсус кийимлари олов бағрига бемалол қириб-чиқишларига имкон беради... – Дониш домла бир оз ўйланиб қолди-да, давом этди: – Ҳаво! – деди шодланиб. – Ахир, олов ёнганида хавони суриб олади-ку? Шу сабабли ўт учирувчиларнинг скафандрида хаво ёстикчалари булади... Хуллас, замонавий илм биронта муъжизага урин қолдирмади. Бугун инсоннинг узи Хизрга, Сулаймонга, Иброҳимга айланиб бўлди. Балик қорнидаги одамга келсак... фазо зулмати олдида у нима бўпти? Инсон боласи аллақачон космик кема қорнида туриб, совуқ зулматларга-ю юлдузларга назар солди, бироқ, зулматдан қўркиб “Мени қутқар” дея нидо қил-

мади, балки она заминда узини кузатиб турган инсонларга қарата жилмайиб қўл силкитди... Муъжизалар ҳозир рўй бермаслигининг сабаби мана шу! – деди у. – Энди сўзни ҳурматли олимимизга берсак-да, ижозатингиз билан, оламда ундай кароматли зотлар билимсиз, жохил кишиларнинг ҳаёлоти туфайли уйлаб топилганини исботлаб берсалар!

Олим аудиторияни бир оз кузатиб тургач, сўз бошлади. Овози сокин, босик, бироқ аудиториянинг охиригача бирдай етиб борарди. Бу овоз ҳаммани узига махлиё қилиб қўйди.

– Кун тиккага келган, икки денгиз суви бир-бири билан аралашиб кетмасдан, охиста долғаланарди, – деди олим, гуё бу оҳанг билан ҳаммани олис диёрларга, бир тарафида сахро қуми денгиз каби тулқинланган, бошқа тарафида эса денгиз суви сахродагидай долға урган диёрларга олиб кетмоқчидай оҳангда. – Мана шу ғалати чегара кесилган жойда, кимсасиз соҳилда бир киши ва унинг хизматкори кетиб бормоқда эди.

Олдиндаги кишининг исми Мусо, ортидаги сават кутариб олган хизматкорнинг исми эса Исо Навин эди.

### **ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ БУЙИДАГИ ВОҚЕА**

Исо Навин ҳудожуй киши эди. Бола-чакаси бормиди, асли зоти кимлардан эди, булар ҳақида биров бир нима билмайди. Мусо Алайҳиссаломга шоён меҳр қуйганидан унга хизматга ёлланган эди.

Ҳозир Тангрининг пайғамбари олдинда кетиб борар, шу туришида оддий кишилардан сира фарқ қилмас, чоригидан қолаётган излар ҳам оддийгина. Очкасақ ермиз деган мақсадда тузланган балиқни саватга солиб, Навин уни елкасига оқиб олган эди.

Навин бу соҳилга нима учун келишганидан беҳабар эди. Икки денгиз бирлашган жойда, теваракда жон асари қуринмасди. Жуда қуп воқеаларга гувоҳ мангу қоятошлар иссиқда чатнаб-ёрилиб кетибди. Жазирама қу-



чайгани маҳал майда жонзотлар уша ёриқларга кириб жон саклашади. Денгизнинг кўпикли сувлари сохилга бош уриб, шовуллаб ортга кайтарди. У кўпиклар нима сабабдан ҳосил булишини Навин яхши биларди. Шўр сув ўзига тушган нарсаларни кўпикка айлантириб юборади, шу боисдан суви доимо тоза бўлади.

Орадан бир оз вақт ўтгач, куюш найза буйи кутарилди. Теварак иссиқнинг зўридан мовий пардаларга ўраниб кўрина бошлади. Шу маҳал Навин елкасидаги саватда тушунарсиз ҳаракат сезді.

Бу ғалати ҳаракат эди. Эчкешар боласи кириб олдимикин, деб ўйлади Навин, ҳамда ёнига эгилиб, саватни елкасидан туширди-да, устидаги ёпқични очган эди, тузланган балиққа тўсатдан жон кирганини курди. Улик балиқ типирчилаб, узини ташқарига отди. Сохилнинг сарик куми устига тушгач, яна бир-икки билтангланган маҳали тулқин етиб келиб, уни ўз бағрига олди.

Навин рўй берган ҳодисага ақли етмай қараб турарди. Бу ғайриоддий воқеа шуурини қарахт қилиб қўйди, ҳатто тили келимага келмади.

Шундан сунг ундан ҳам ғаройиби рўй берди. Тузланган балиққа жон кириб, сувда сузиб кетди. Аммо сузиб ўтган йули қандок бўлса шундоқлигича қолаверди. У ҳозир балиқ гавдасига мос, денгиз тубига қараб чўзилиб кетган ингичка қувурни эслатарди.

– Ия! Ия! – дерди Навин, хангу манг бўлиб.

Шу маҳал сал нарида ажойиб бир сохибжамол пайдо бўлиб, Навинга қараб илжайиб, нозик бармоғини лабига босиб “Жим бўл” ишорасини қилди, унга қараб Навин серрайиб қолди, ғайришуурий равишда саватини елкасига осди. Салдан кейин яна қайтиб қараганида, сохилда ҳеч ким йўқ эди.

“Иссиқда кўзимга шундай кўриндимикин”, деб ўйлади у пешанасидаги терини артиб. Ҳа, иссиқ зўрайди, ғалати ҳаёлотлар кўрина бошлади.

Ҳамда ўзига келиб, ҳозир ҳаёлида бино бўлганлар кулгили ва бемаъни туюлиб, хожасининг ортидан эргашди.

\* \* \*

Қуеш янада кутарилганида Мусо баландрок бир қоятошнинг соясига келиб тухтади-да, юз-кузидаги терни артиб, хоргин товушда:

– Ҳой Навин! Кун тиккага келиб қолди, тушлик қилиб олсак булар? – деди.

Навин бош ирғаб, сояга саватини куйди. Унда балиқдан ташқари, бир куза сув ҳам бор эди. Қумларни нари-бери суриб, утиргани жой тайёрлади. Хожаси учун сал наридан япаски бир тошни кутариб келди. Кейин сават устидаги мовий ёпинчикни очди-ю, хангманг булиб қолди.

– Ия! Ия! – деб такрорлади яна, тили калимага келмай.

– Ҳолимга вой! Менинг ҳолимга вой бўлсин! – деб бошига иссик тупрокни соча бошлади.

– Нима бўлди, эй Навин?

– Балиқ сувга тушиб сузиб кетди! Балиқ сувга тушиб сузиб кетди! – такрорларди у. – Шурим курсин! Анави соҳибжамол киз уни унуттирди.

Ҳозир хожасининг қойишини кутиб, елкасини қисиб олган эди. Бирок Мусо:

– Биз излаган нарса мана шу, – деди бирданига руҳланиб. – Юрақол, ортга қайтамиз. Сен у жойни эслаб қолдингми?

– Ҳа, сузиб кетган жойда изи қолувди, – деди Навин ҳалиям хангу манг ҳолича. – Э тавба, сувдаям из қолдими? Шундай ишнинг унутадими одам?

Ҳожа ва хизматкор ортга қайтишди.

Бу қайтишнинг яна бир ғалати тарафи шунда эдики, келиш вақтида енгил қучган йул энди бирданига мушқуллашиб кетди. Теп-текис соҳилда юриш ҳам ма-

шаққатга айланди. Хожа ҳам, хизматкор ҳам қора терга ботиб йул босишарди.

Хийла вақтдан сунг Навин айтган жойга етиб келишганида, уша ерда яшил либосга уранган бир чолни куришди. У тунининг бир тарафини бошига қуйиб, қолган қисми билан устини ураб соҳилда тин олиб ётган экан.

– Ассалому алайкум, эй Тангримнинг билимли бандаси, – деб саломлашди Мусо, у билан.

Чол қаддини ростлаб, Мусога қараб:

– Жаннат аҳли бир-бирига айтадиган бу саломни сен қайдан биласан?

Навин четроқда уларга қараб тек турарди. Бу қурғоқда усти-боши топ-тоза, ўзи бардам чолни куриш бошқа ўйларни келтириб чиқарди. Мусо Алайҳиссаломнинг муъжизакорлиги ҳаммага аён, ҳозир яна бир муъжиза юз бермоқдами? Улар гаплашиб туришаркан, Навин юраги ичига сиғмай типирчиларди. Энди нима бўлади?

– Сен қимсан? – деб суради у зот.

– Мусоман, – деган жавоб бўлди.

– Миср ерларида сувдан чиқариб олинган Мусомисан?

Шу маҳал бир қуш учиб келди. Жимитгина булиб соҳилга кунди-да, гоҳ тумшугини денгизга солиб, гоҳ бошини тепага кутариб сув ичди. Сунг пирр этиб яна ҳавога кутарилиб кетди.

– Ҳуш, эй Мусо, менда нима ишинг бор? – деб суради чол.

– Билганларингни билдиришингни сурамоқчиман, – деди Мусо.

– Мен у раво қурганидан ортигини билмайман, – деди чол. – Унинг илми шу қадар кенгли, сену менинг билганларимиз шу қуш ичган сувчалик эмас. Бироқ, мен билганларимга сен тоқат қилолмайсан, сен билганларни эса мен биллолмайман. Шунинг ўзи қифоя эмасми?

– Йук, – деди Мусо. – Ер юзидаги энг билимли одам узимман деб уйлар эдим. У эса гайбидан хабардор яна бир бандасидан хабар берди. Энди, билдирмагунингча сира тинчимайман.

...Навин қиссаси шу ерда ниҳоя топади. Шундан сунг уни ҳеч ким эсламайди. Мусо ва кароматли чол уз йулларига равона булишади. Навин эса бум-буш сават, ярим куза сув билан қолиб кетади. Унинг уй-хаёлларидан ҳеч кимнинг хабари йук. Ахир, қаторасига учта муъжиза руй берди. Уликка жон кирди, кузга қуринмас банда зухур этди, сувда балик изи қолди... Анави соҳибжамол-чи, ростдан ҳам мавжудмиди? Демак, ер юзидаги тирик одамлар қузидан ниҳон, сон-саногии бемисл узга яратиклар Унинг мутлак ҳукмларини адо этиб, ҳаёт мувозанатини таъминлаб туришар экан-да?

Сиз қавмларга назар солинг, дейилади асотирларда. Кузга қуринадиганининг узиниёқ ақлингиз камраб ололмайди. Баҳор маҳали сон минг сув яратикларни увилдирик ташлаш учун уммонларни сузиб ўтиб, узга маконларга қучишади. Бениҳоя хуп қушларга ҳукми илоҳий келгани боис чиркиллаб қитъалар узра учиб ўтишади. Узлуксиз айланиб турган чархи даввора аро одам ақли бовар қилмайдиган минглаб ҳодисотлар руй беради. Қурганингиз каммидики, қуринмагакидан баҳс этасиз?

Сувга тушиб кетган балиқ ҳақида ҳам биров гапирмайди. У ахир, тузланган балиқ эди. Уша ҳолича яшаб қолдими ёки асрлар оралигидаги мана шу буюк учрашувдан сунг, уз-узидан ғойиб бўлиб, қупикка айланиб кетдими? Баъзилар, Мусо то Билимли киши тин олиб ётган ерга келгунига қадар унинг изи сувда тураверган, дейишади. У ҳолда, Билимли киши ҳам балиқнинг изини қўргач, оламлар Парвардигорининг бир бандаси билан шу ерда учрашишишидан хабар топганмикин?

Билганимиз: – маълуму машҳур икки буюк банда қиссасидир. Навин воқеаси шу ергача давом этиб келади ҳамда тарих зулматлари аро ҳодисалару қисматлар

қаърига чумиб кетади. Ровийларга кура, Навин у худудлардан уз масканига эсон-омон қайтиб келади ҳамда Мусо Алайҳиссалом номаълум бир чол билан сафарга жунагани билан бир қаторда, содир булган барча воқеаларни айтиб беради. Бошка маҳал булганида одамлар ишонмаган булишарди, аммо Мусо Алайҳиссаломнинг ҳаёти то таваллудидан бери турли-туман муъжизалару сир-синоатларга бойлиги учун имон келтиришади. Ҳатто бир нечтаси Навиндан у ерни суриштириб, бориб ҳам келишади, уз узидан аёнки, ҳеч нима топишолмайди. На сувга тушиб сузиб кетган улик балиқ, на иссик ховур аро пайдо булган соҳибжамол, на Тангри таолонинг икки буюк бандасининг излари...

### КЕМА ҲИКОЯСИ

Шундан сунг Мусо ва Билимли киши денгиз соҳидаги бир кишлокка бориб тухташди.

У кишлокнинг аҳолиси шу қадар кашшоқ эдики, устларида унгиб-эскириб кетган лунгисидан бошка ҳеч нима куринмасди. Озгин, кир-чир болалар уйнаб юришарди. Кишлокдагиларнинг бари бутпараст эдилар, уйларнинг меҳробида лойдан ясалган ҳамда утда куйдирилган унғайсиз, кичкина, бир-бирига ухшамайдиган катта каллали одамсимон жонзотларнинг ҳайкалчалари турарди.

Энг ажабланарлиси, буларнинг биронтаси на номаълум зотни, на Мусони куриншарди. Уларнинг ёнгинасидан икки киши бир нималарни суҳбатлашиб ўтиб кетишди. Денгизда пуртана бошланиши кутилмоқда эди. Пуртана вақти каттароқ баликлар сув тубига яшириниб олишади, аммо тулкинлар яқинроқдаги баликларни соҳилга улоқтириши турган гап. Шу сабабли одамларнинг кайфияти чоғ, муқаддас Тамъа кунда ковурилган баликлардан тайёрланадиган шохона зиёфат дарагини бир-бирларига суюнчилашни иташарди.

Мусо ва Билимли киши йўгон аркон билан соҳилдаги қозикқа бойлаб қуйилган кичик кема ёнига келиш-

ди. У – эски баликчи кемаси эди. Ёғочлари шур сув ва қуёш забтида қовжираб-қорайиб кетибди. Елканлари йигиштириб олинган, баликчилар пуртана маҳали кириб оладиган уйча эшиги чилвир билан бойлаб қуйлибди. Ов солинадиган катта ўра эса очик қолибди.

Икковлон кема тубига тушиб, у ернинг уч айри булимга булинганини қуришди. Шунда номаълум киши осон бир ҳаракат билан бир булма тубидан тешик очди, ёғочлар қарсиллаб синиб, шур сув отилиб кира бошладиди-да, икковининг оёқларини ҳул қилди. Улар яна қайтиб юкорига кутарилишди-ю, соҳилга қайтиб тушишди. Бир оздан кейин кема ёнбошига кийшайиб, уша ҳолича туриб қолди, ҳар ҳолда уч айри қисмининг бири тамомила сувга тулиб булган эди.

Уз-ўзидан маълумки, бу ҳодиса қандай руй берганинию ким содир этганини ҳам биров қурмади. Қуришса, қишлоққа ризқ-руз келтириб турган ягона кемани тешиб қуйгани учун болта кутариб чопишган, зараркунанда у кишиларни кийма-кийма қилиб чопиб ташлашган булишарди.

Лекин, нимагадир ҳаммаёк тинч эди.

Шундан сунг улар бошқа томонга жунаб кетишгани аён. Денгизни сузиб ўтиб, бир қишлоққа келишгани, у ерда кучада ўйнаб юрган бир болани қуришгани маълум. Вақт оралаб юришгани ҳақида ривоятлар бор. Яна айтадиларки, уша маҳалда Миррих пастга тушиб, Хут буржига кирган экан. Хут эса жуда катта баликнинг номи булиб, баъзилар Миррих пастлаб шу буржга кирганида ғаройиб воқеалар руй беришини айтишади. Лекин, уларнинг гапларига ҳам ишониб булмайди, чунки уйда туриб, кучадаги воқеадан беҳабар киши қандай қилиб келажакдан хабар олсин?

### **БОЛАКАЙ ВОҚЕАСИ**

Айтадиларки, у боланинг исми Жайсур экан.

Бу шаҳарнинг аҳли художуй, имонли кишилар эди. Пастқам кўчалару тош деворлар настарин гуллари-

нинг кум-кук тўфонига бурканган, ҳаммаёқдан гул иси анкир, эски ибодатхоналарнинг куббалари яраклаб турар, одамлар ҳаёт ташвиши билан банд эдилар. Кимдир узунчок қилиб пиширилган нонларини кутариб утиб кетди. Қайдандир куйган темир иси келди, сандон овози ҳам эшитилди.

Уша ерда улар саккиз яшар чамаси бир болага дуч келишди. Кузлари ўтдай чакнаб турар, сочлари ўсиб энсасига тушган эди. Ёнгинасидан саватини кутариб утиб кетаётган новвойга қараб “Нонингдан бер” деди. Новвой кулиб “Тошингни тер” деганида қаттиқ суқинди.

– Нега суқасан? – деди новвой. – Худодан қўркмайсанми?

– Худойинг узини ишини қилсин, – деди бола қовғини уйиб. – Менинг ишимга аралашмасин! Нонингдан бермасанг, тош билан уриб бошингни ёраман!

– Э тавба, – деди новвой, ҳайратдан ёқа ушлаб.

Номаълум зот жуда яқин борган борган эди, шундагина бола уни кўрди. Ҳайрат ичра оғзи очилиб, анграйиб қолди.

– Сен кимсан? – деди хангу манг булиб. – Қайдан пайдо булақолдинг?

Номаълум зот кулимсиради. Лом-мим демасдан боланинг бошини силаган эди, у шилқ этиб ёнига қулади. Нигоҳи унга термилиб қолган, кузларидаги жоҳиллик ва безорилик ўти сунган, мусаффо ва пок нигоҳга айланган эди.

– Қандай яхши киши экансан... – деди шивирлаб, сунгги нафасида. – Лекин... отам-онам.. қолиб кетяпти-ку?

Яна нимадир демокчи эди, булмади: жони танасидан чиқиб кетди.

Инсон кўзи жон кетган тарафга қараб қолади, дейдилар. Ким билсин.. Лекин, болақайнинг нигоҳи само-ларга термилиб қолган эди.

Яна аввалгидай ҳолат руй берди: одамлар тусатдан жон берган бола қошига чоғиб келишди.

– Нима бўлди?

– Афсус, ёш бола-я...

– Ажали етдими?

– Сабабсиз-а?

Ҳеч нимадан беҳабар одамлар лолу хайрон, шуларни муҳокама қилишар эди.

Икковлон одамлар издиҳоми оралаб ўтиб, яна йулга тушишди. Олдинда уларни учинчи воқеа кутиб турарди.

### ДЕВОР ВОҚЕАСИ

Бир жойга бориб, бузила бошлаган тошдевор ёнида тухташди.

Девор катта тошлардан урилган, намгарчилик туфайли устини зангор пуланак қоплаган, харсанглари шилимшиқ ҳолида нурай-нурай деб турарди. Ҳар ҳолда, урилганига анча йиллар бўлгани тайин. Тубига ҳашаротлар ин қуриб олишибди, захсевар у жонзотлар икки киши шарпасини сезишса-да қочмасдан, уз ҳаётларида бемалол давом этишарди.

Номаълум зот деворга қараб бир нималарни мулоҳаза қилиб турди-да, кейин уша атрофдаги тошлардан ташиб келди. Бу ишини ҳеч бир зўриқишсиз, ортикча ҳаракатларсиз бажаргани ажаб. Гуё ёнига борса, тошга жон кириб, уз-узидан эргашиб келарди. Шундан кейин деворни тузатишга киришди. Бир қанча вақтдан сунг девор тикланиб, мустаҳкам бўлиб қолди.

– Худо ҳақки, сабрим чидамади! – деди шунда Мусо Алайҳиссалом. – Қилмишларинг билан одамларга нукул зарар келтирмоқдасан. Нега бундай қилганингни айтасан! Тангри таолонинг билимли бандаси эканингни билмасайдим, ҳозир сенга ташланардим, сабрим шу қадар тулиб-тошди!





Қолгани кейинги даврларга тааллуқли воқеалар булиб, улар ҳам кузга гоҳ қуриниб, гоҳ қуринмайдиган, дунёни кезиб юрадиган уша киши бир жойда гуллаб-яшнаган кишлоклар томон ҳалокатли селларни буриб юборганидан, айқириб-купириб оқаётган сув экинзорлару боғларни яқсон қилиб утганидан дарак беради. Уни Фаластин ерларида ҳам қуришган, айтишларича, Юсуф пайгамбар қабри қошига тавоф учун келган эмиш. Оснә чулларида жуда кўп кезгани, деярли ҳар кишлокда қимгадир учрагани айтилса-да, оламнинг уммонларга яқин соҳилларида, тош ҳайкаллару маҳобатли ибодатхоналар қад кутарган мамлакатларда сира учрамайди. Ҳеч бир нарса курганингиздай эмас, деб ҳайкиради қадим асотирлар. Ҳақиқат билнш қийин ва махфий жойдадир. Одамлар устига селни буриб юборган киши у кишлок одамлари ғамлаган заҳиралар янаги баҳоргача етишини билган, дейдилар. Ҳақиқатан ҳам, сап-сарик бутана сув уз бағрида булнқ тулрокларни окнзиб келиб экинзорлар узра ёйди, кейинги йил эса мисли қурилмаган ҳосил етилди. Ҳа, гоҳида ҳалокат деганингиз марҳамат булиб чиқади, ёки аксинча, марҳамат деб уйлаганингиз ҳалокатнинг нақ узгинасидир. Кема, бола ёки девор воқеаси ҳамма биладиган воқеалар, уларнинг ҳақиқий моҳияти эса яширин. Тешик кема чуқиб кетмасдан, тунн билан соҳилда чайқалиб турди, Жайсур деган боланинг не сабабдан улганини биров билмади, девор эгаси қимлиги эса мангу сирлигича қолаверди. Агар яна уша соҳилга қайтсак, пуртана тинганини, одамлар олисдан келаётган кемага хавотир ила тикилиб туришганини кура оламиз, албатта.

### КЕМА ВОҚЕАСИНИНГ ДАВОМИ

Денгизда тунда кутарилган пуртана тонгга яқин аста-секин тинди.

Қишлоқ кишилари туни билан тулкин қарсиллашларини, соҳилдаги тошларни юмалата-юмалата ортга қайтишидан ҳосил бўлган турли шовкинларни эшитиб ётишди. Қуз илғамас ерларгача ясланиб кетган сув уз-узидан жунбушга келган, худди жон киргандай, қурукликни забт этмоқчидай интилар, ҳайбат соларди.

Хайриятки, куёш чиқар-чикмас пуртана тиниб, денгиз узининг сокин-осойишта холига қайтди.

Беш-олти киши турларини, чангак-санчкиларини олишиб “Энди яхши ов бўлиши турган гап” дея соҳилга йул олишди.

Қун исий бошлаган, осмон мусаффо эди.

Соҳилга бораверишдаёқ салтанат рамзи туширилган елканларини ёйиб олган баҳайбат кема яқинлашиб келаётганини куришди.

“Салтанат кемаси!”

Узларининг балиқ тутадиган кемалари унинг ёнида кичкина ва ночор қуринар, бунинг устига, ёнбошига қийшайиб ҳам қолибди. Кишилар унинг номаълум сабабга қура тешилиб, бир қисми сувга тулганига, шу холида ҳам чуқмасдан, сувда чайқалиб турганига гувоҳ бўлишди.

Салтанат кемасидаги қуролли кишилар соҳилга тушишди. Бир нечтаси қайиқда балиқчилар кемаси томон кетди. Кема даргаси:

– Ҳукмдорингиз Худод ибн Будод уруш бошлади, – деди қиска қилиб. – Сузишга ярайдиган кема борки, давлатга мусодара қилинади.

– Бизнинг ризқимиз не булади?

– Тангрингиздан суранг, – деб қиска жавоб қилди сипоҳбоши. Салдав кейин кетганлар қайтиб келиб бош чайқашди.

– Муҳтарам дарга, у кема сузишга ярамайди, чунки тешик.

– Атай тешиб қуйишмаганмикин, текширдингизми?

Бу тахмин ҳақиқатдан йирок эди. Чунки кишлок-чадаги ҳеч кимга уруш хабари маълум эмас, бунинг устига, кема болта ёки арра билан тешилмагани, балки тошларга урилиб ёғочлари сингани куриниб турарди.

– Кемангизга нима бўлди?

– Билмадик, – дейишди туғрисуз кишилар. – Кечагина бус-бутун эди. Тунги пуртана тошларга обориб урган бўлса эҳтимол.

Кишилар ғам-алам ва афсусда эдилар. Дарға ортга қайтишга буйрук берди.

– Нимаям қилардик, – дейишди кишилар. – Олисга сузишга ярамасаям, шу теваракда бир амаллаб балик тутишга яраб турар? Ризкимизни териб олайлик, кейин бир амаллаб тузатармиз ҳам. Ҳа, бу катта мусибат. Энди болаларимиз, ота-оналаримиз нима ейишади?

– Қаранг-а, кема бутун булганида ундан тамомила айрилган булардик. Тешик бўлсаям кунимизга ярашининг узи катта гап.

Шундай деб шодланишар ҳам эди.

Бу воқеанинг ниҳояси шундай. Қолганини биров билмайди. Лекин бошқа мусибат хабари келмаганига кура, одамлар бир амаллаб тирикчиликларини угказишгани ҳақиқатга яқин.

## БОЛА ВОҶЕСИНИНГ ДАВОМИ

Тусатдан ажали етган у болақай уша ердаги бир чол-кампирнинг ёлғиз фарзанди экан. Одамлар шовқин-сурон кутариб боланинг жасадини олиб келишганида, улар ҳушдан кетишди. Ниҳоят, тақдирга тан бериб, кузларининг оку қорасини тупрокка топширишди.

Айтадиларки, ота-онасининг тушига кирибди. Ям-яшил боғ аро кулиб турармиш.

– Эй шафқатли отам-онам, мени деб уртанманг, – дер эмиш. – Худойимнинг марҳамати туфайли шу жойлардаман.

Тангри таоло менга келажак воқеаларини билдирди. Агар уша номаълум киши булмаганида, ҳалок бўлиб кетардим.

– Болажон, сен ахир, ростдан ҳам улдинг!

– Йук, сираям улмадим. Хув анави дарахтни кўряпсизми?

Жуда баҳайбат бир дарахт тагида бир чол анча-мунча болаларни ўйнатиб ўтирган экан.

– У Туби дарахти, – дер эмиш бола. – Уша болаларнинг бари вояга етмасидан улим топган болалар, чол эса Иброҳим алайҳиссаломдир. Ризвон қопқалари очилганида улар оёқчаларини типирлатиб ер тепиниб “Отам қани? Онам қани? Ота-онамсиз ҳаргиз жаннатга кирмасман” деб ҳархаша қилишади...

Чол-кампирнинг бир хил туш кургани ажаб. Ноилож такдирга тан берган у ота-она тушда воқеъ бўлган ҳодисага руй-рост ишониб, умрларининг охиригача “жаннати болам” деб гапириб-эслаб юришди.

Худонинг қудратини қарангки, орадан маълум вақт ўтиб, шу қариялардан яна бир зурёд дунёга келди. У киз бола эди. Фарзандли бўлганига сўюнишган ота-она бунда бир ҳикмат кўришди, киз ҳақиқатан ҳам ота-онасига меҳрибон бўлиб усади, ахир. Шу тариқа ёшларини яшаб, ошларини ошаб оламдан ўтишди, улардан қолган ягона ёдгор эса вақти келиб турмушга чиқиб, бир этак бола-чақали бўлиб кетди.

Яна айтадиларки, ота ҳам, она ҳам умрининг охиригача ҳар куни боласини дуо қилишар, руза тутишар, одамлар юрадиган йуллардаги шох-шаббаларни олиб ташлашар, қушу ҳайвонларга емиш беришар ва барча савобини дунёдан ўтган уша боласига бағишлашарди. Ота экан-да, билдирмасди-ю, лекин кунт билан шу ишини умрининг охирига қадар давом эттирди. Она экан-да, билдирса-билдирмаса, кўзи ёшланиб йиғлайверарди. Келажакда ғирт муттаҳам бўлиб етишиши башорат қилинган, аммо вояга етмасидан фалокат тимсолида кел-

ган ажал ҳаммага баб-баравар хайру марҳаматлар олиб келгани ҳақидаги шу кичкина воқеагина тарих зулмати аро яшаб қолди. Бошқалар эса – ҳукмдорлару салтанат эгалари, лашкарбошилари сон-саноксиз кишиларнинг барчасини Вақт деган балиқ тириклайин ютиб юборди. Маълум фурсат утганидан сунг уларни бирор соҳилга чиқариб ташладими, чиқарган бўлса қай соҳил эдию яна не гаройиботлар содир бўлди, бу ҳақда биров билмайди. Айтишларича, у билимлар хатто Тангри таолонинг уша олим бандасига ҳам берилмаган экан...

### ДЕВОР ВОҚЕСИНИНГ ДАВОМИ

Мен қуп йиллардан бери турган, қуп ходисаларга сабаб деворман.

Менинг бино бўлишим кечаси келган бир одам билан боғлиқ.

Ушанда у елгиз эди. Тунда ер қазганида мен ҳали бино бўлмаган, тош-тупрок эдим, холос.

У одам ерни чуқур қазиб, бир хум жавоҳиротни кумгач, тошларни ташиб келиб, мени барпо қилган.

Шунақа, остимда хазина яширилган деворман мен.

Йиллар ўта-ўта ёмғирлар ёғиб, шамоллар эсавергач, бир четим нурай бошлаганида жуда хавотирда эдим. Ахир нураб кетсам, остимдаги хазина очилиб қолади-ку?

Шунда икки киши келди. Бири уша, тунда келган одам эди.

– Ҳа, чарчадингми? – деди тунда келган киши, тошларимни сийпалаб. – Нураб кетибсан-ку?

– Сен ҳали яна анча туришинг керак, – деди. – Чунки, уз-узингдан бузилмайсан. Орадан йиллар утгач, кошингга баланд буйли бир йигит келади. Келиб уз исмини айтади. Сен ана ушанда бузиласан. Билиб қуй, унинг оти Шиддат, – деди у киши. – Уша йигит келмагунча бузилмайсан.

Ёнидаги киши эса суз котмас, индамас эди.

Тунда келган киши яна енг шимариб ишга тушиб кетди. Нураган жойларимни тузатди, яна мустаҳкам деворга айландим.

– Ҳозир нураб кетсангу хазина очилса, бошқалар келиб ташиб кетишади, – деди тунда келган киши. – Шу сабаб, уша бола балоғатга етмагунча турасан. Сунгра тупроғинг тупрокка, тошинг тошга қушилиб кетсин. Омин, шундай бўлсин! – деб дуо қилди у.

Шунда ўз вазифам борлигидан мен ҳам шодланиб, куксимни кера-кера туравердим. Токи уша бола балоғатга етмагунча... Келиб чўкич билан мени бузмагунча... Тошим тош, тупроғим тупрок бўлмагунча...

Лекин воқеа бу билан тугамади, ғалати бир сирдан шу кеча воқиф бўлдим.

Чунки уша икковлон менинг ёнимда тортишиб қолишди.

Ёнидаги кишининг жуда жаҳли чиққан, “Сен одамларга нуқул зарар келтирмоқдасан” деб, тунги кишини маломат қила бошлагач, тунда келган киши хотиржамлик билан кема вокесини, бир боланинг ўлдирилишини ҳамда менинг тарихимни айтиб берди.

У, Яратган деган, барча ходисаларни бошланишидан то ниҳоясига қадар бошқарадиган, бутун оламни ҳукмида тутиб турадиган қудрат эгаси ҳақида гапирганида, қўрққанимдан парчаланиб кетишимга бир баҳя қолди. Шохид бўлганлариму бағримда яширинган сирнинг узиёқ яна тош-тупрокка қушилиб кетишим учун етарли эди.

Шу холимда зир-зир титрардим. Чунки булар ғалати сирлар эди. Уша киши сир қалитларини очар экан, ҳозир зилзила руй бермасайди, парчаланибкетмасайдим деб қўрқардим...

\*\*\*

Шундан сунг манзаралар ғойиб бўлиб, фақат олимнинг босиқ ва сокин саси қолди.

– Ана уша ерда улар айрилишди, – деб давом этди олим.

Сиз бу ривоятнинг “икки денгиз бирлашган жойда” дейилишига диққат қилинг. Икки буюк денгиз шу тарз бирлашмаганмиди? Бири Мусо денгизи, бири Билимли зот денгизи эмасмиди?

Лекин, уларнинг сувлари бир-бирига аралашиб кетмади. Мусо ва Билимли банда денгизи уз ҳолича тулқинланишда давом этди.

Бир муддат учрашдилару яна айрилдилар.

Бири инсонлар орасига, хидоят ва имон чорловлари учун.

Иккинчиси – махфий даргоҳларга, одам кузидан ниҳон сирли юмушлари сари.

Кетар чоғи ҳар иккиси ҳам бир-бирига Тангрининг раҳматини тилашганига шубҳа йук. Чунки икковлон ҳам унинг марҳамати не эканини ҳаммадан кура яхши билгувчи зотлар эдилар.

Шундан сунг Мусо пайгамбар замони давр долғалари остида кумилиб кетди. Ажал Тангрининг шу бандасига ҳам етиб келди. Вакт-соати етиб, жонини Тангрига топширди ҳамда хушбахтлигу оромга ковушди. Муъжизалар, солланишлар имон ва имонсизлик тафовутлари, кибру хаволар, шавку сафо туғёнлари – барча-барчаси ёруғ олам аталмиш завқлару хайратлар, газаблару нафратлар, алдовлару садоқатлар, мухаббат ва хижронлар дунёсида қолиб кетди...



Олимнинг овози тинар-тинмас, ҳамма узига келди. Барча уша гаройиб воқеани уз кузи билан кургандай эди. Ҳатто Дониш домла ҳам анграйиб утирарди.

– Жуда ажойиб! – деб хитоб қилди ниҳоят, вазиятни қулга олиш кераклигини тушуниб етгач. – Худди уз

кўзингиз билан кўргандай ҳикоя қилдингиз! Энди ижозатингиз билан, севимли фанимизнинг бу воқеага муносабатига тухталсак.

Олим жавоб бермади. Талабалар орасида эса жонланиш сезилди, чунки ҳозир бу киши ҳар доимгидай қовун тушириши турган гап эди.

– Ҳақиқатан ҳам дунёда икки денгиз бирлашган. аммо суви қушилмаган жой бор, – деди Дониш домла. – Лекин, сираям Қизил денгиз томонларда эмас, балки Шимолий кутб тарафда, музликлар диёридадир. Ихтилофни кўряпсизми? Мантқиқ у икки кишининг Қизил денгиз соҳилида эмас, балки ўша қаҳратон маконларда учрашганидан дарак берса-да, ақлли кишилар Хизр деган афсонавий зотнинг мавжудлигига барибир аммо ишонмайди. Ишонмаслигимизга жуда ҳаққоний бир сабаб бор! Қани, айтинглари-чи, қанақа сабаб экан?

Зал гуриллаб қулиб юборди. Дониш домладан бундай гаплар чиқиши одатий ҳол эди.

– Чунки, йўқ нарсага ишонишнинг ўзи қип-қизил нодонликдир! Муъжизалар мозийда қолиб кетди. Бундан бу ёғига на пайғамбар бор, на муъжиза. Қолаверса, инсонларнинг уларга эҳтиёжи ҳам йўқ. Ҳурматли олим, нима дедингиз?

Олим яна индамади.

– Балки бордир-у, лекин бу бошқа масала, – деб давом этди Дониш домла. – Мисол учун, асотирлар Тангри таолонинг ризқ фаришталари бошқа, ажал фаришталари бошқа эканини уқтиради. Сиз бугунги куннинг сўлим оромгоҳларида ҳам маза қилиб истироҳат қилишингиз мумкин, уларнинг малак монанд хизматчилари сизга беҳуда сўз қотмайдилар. Яъни, жаннат Ер юзиде бунёд этилиб бўлди. Замона шу даражада тараққий этдики, авлиё-анбиёларга ҳам ҳожат қолмади. Тўғри эмасми?



– Модомики ҳожат йўқ экан, у холда... – уйланиброк жавоб килди олим. – Масалан, инсон оёғи етмаган жойлардаги сон-саноксиз жон эгаларига ризқ бўлсин дея, турфа набототу мева-чеваларни ундириб чиқарадиган, ёмғирлару қорларни ёғдирадиган ҳеч ким йўқми? Улар уз ҳолича униб чикмоқдами?

– Сиз айтган воқеалар инсонлар яшайдиган жойларда ҳам рўй бермоқда, – деди Дониш домла. – Буларни бошқарадиган бир қудрат булганида эди, уша жонсиз ерларда ундирмаган, яъни сарф-харажатини уйлаб иш қилган буларди, – ҳазиломуз қулимсиради у. – Фойдасиздай қуринганига караганда булар уз-узидан, табиат ройиши боис рўй бераётир.

– Шундай дейсизу... – деди олим. – Бу гаплар менинг ёдимга тарихда аниқ содир булган яна бир ҳодисани эсга солмоқда. Келинг, модомики бир оз вақтимиз бор экан, сиз билан бирга яна бир маконга саёҳат қилаколайлик.

– Қаерга? – деб сўради Дониш домла, суҳбат жилови яна қулидан чикканини ҳис қилиб, руҳи сусайиброк.

– Яна-да олисроққа, – деб жавоб килди олим. – Юнус ибн Маттони балиқ ютиб юборган маҳалларга...

## ЮНУС ИБН МАТТО ҚИССАСИ

Осмонда булутлар пастлаб сузар, шовуллаб ёмғир қуярди.

Тангри таолонинг пайғамбари дунёдан утган, бир маҳаллар у норизо бўлиб бош олиб кетган қишлоқ аҳли ҳозир қабри бошида тупланиб, юм-юм йиғлар эдилар.

– Қаранг, ахир Миррих пастлаб келиб, Ҳут буржига кирди. Юнус ибн Маттони улим деган балиқ ютиб юборди, – дейишар эди. – Эй воҳ! Қандай ажойиб кишидан айрилдик. Энди ҳолимиз не кечади?

Уйлаб қарасак, фақат яхшиликлардан нидо қилган экан-ку? Ҳеч кимга зарари тегмаган экан-ку?

Кексаларингизга яхшилик қилинг, бир-бирингизни асраб авайланг, Парвардигор ҳукмига буйсунинг. Ахир, қурмаяпсизми, унинг суюкли бандаси эдим, бор-йўғи бир итоатсизлигим учун мени баликка юттириб юборди. У балик не эди деб чуқур кетманг, қилган осийлигим боис у узгарди, йукса денгиз тубларида ризкини те-риб юрган оддий махлуқларининг биттаси эди, холос. Денгизга тушсангиз ушандай баликлардан яна юзлабини кўрасиз, ҳеч бири мени ютган балик булолмайди.

Ер юзини ёйиб-текислаб, тоғларни қозик қилиб қоқиб, турли ризқларни ундириб, дастурхон қилиб безатибди, осийлик қилсангиз холингизни шу қадар танг қиладики, балик қорнидаги Юнусдан фарқингиз қолмайди, деган экан гуё.

Оламдаги умрингиз ғоят қисқа, ҳалол-пок бўлингиз, дея ўтиб кетаверибди.

Афсус, қанча нарсаларни биларди. Тангри таоло унга яна нималарни билдирганидан хабарсиз қолдик. Осийлик қилмаганимизда, хушбахтликка эришганлардан булардик-ку? Ким билсин, энди уни қайдан топамиз? Улим балиғи билдирмай келиб севганларимизни бирин-кетин ютиб юборгани он, навбат узимизга ҳам етиб келаётганида арзимизни кимга айтайлик? Эй воҳ, қорнимиз бир булак нонга ҳам тўяр экан-ку? Қандай ажойиб ҳазинамиздан жудо бўлдик, деб йиғлашар эди.

Энди бирлашингиз, дебди шунда ораларидаги кўпни қурган оксоқол. Ҳа, Тангри таоло сизни шарафлаб, орангиздан пайғамбар чиқарди. Унинг қадрига етмадик, деб ўқинишингиз ўзингиз учун яхши. Чунки, номи қиёматга қадар тилларда дoston бўлади. Аммо сиз-чи, сиздан не ном-нишон қолгай?

\* \* \*

– Юнус ибн Маттодан шу ривоят колди, – деди олим.

– Нега буни гапиряпси? – деб суради Хизр билан Юнус алайҳиссалом ўртасида боғлиқлик тополмаган Дониш домла. – Юнус ибн Маттонинг кабрини Мусулда дейишади. Бир неча йил аввал таг-туғи билан вайрон килинди. Бирок, у ерда ҳеч ким ҳеч канака ковок қурган эмас...

Шу саволни берган маҳалида тусатдан жуда очикканини ҳис қилди, бу эса ҳаёлини шу окшом суюкли хотини пиширадиган мазали гўммалар томон етаклаб кетди. “Тезроқ яқунласак буларди” деб уйлади у, дўмбок гўммаларни куз олдига келтириб.

– Қовок дедингизми? – кулимсиради олим. – Бу ҳақда суз кетганида яна бир жихатини айтиш керак. Ер юзидаги ҳаётнинг бениҳоя турли-туман шаклларига эътибор қаратдингизми? Ораларида хушбичим, ҳатто гузаллари ҳам бор, мисол учун, саҳрода оёғи тузалиб чопган кийик боласининг онасига талпинишлари ёки айикполвоннинг алпанг-талпанг асал излашлари одамда завқ уйғотади. Бирок, жуда хунук ва қурқинчилилари ҳам бор.

– Масалан, тимсоҳ деган жонзотни олинг. Унинг ваҳшийлиги ҳаммага аён. Улкан сув илонларинию бўри галаларини, арслонларни-ю чаён-хашаротларни айтмайсизми? Ҳаммасига бир маромда ризки етиб тургани ҳолда, улар нима учун бу шаклларда яралди экан?

– Экологик тизимни мувозанатда ушлаб туриш учун! – деб жавоб қилди Дониш домла.

– Туппа-туғри! – унинг гапини тасдиқлади Профессор. – Лекин яна бир жихати бор.

– Жаҳаннам! – деб хитоб қилган эди, овози хайбат солиб гўмбурлаб кетди. – Ким билсин, қай бир гу-

ноҳингиз ваҳший бир ҳайвон куринишида каршингизга чиксаю у уз маҳсулингиз булгани учун кочибу кутулишингизнинг ҳеч иложи булмаса ва у ҳар гал сизга қайта-қайта ташланаверса? Улкан юнусбалик қайта-қайта ютаверса? Бир маҳаллар бир уғри “Қурқинчли жонзотларнинг бари гуноҳлар боис пайдо буладиган жаҳаннам махлуқларини эслатиш учун яралган” деб айтган эди...

Дониш домла худди ёмби топиб олгандай қувониб кетди:

– У ривоятни мен ҳам биламан, – деди бирданига каттиқ овоз билан. – Абар уғрини айтяписиз-да? Гувалдак кишлоғида туғилиб-ўсган дейишади. Бобомнинг исми эса Шоймардон чол, роса куч-қувватга тулган маҳали тулки овлаш билан шуғулланган экан.

Талабалар яна кулиб юборишди.

Шундан сунг Дониш домла бобоси ошқовок этини пичок билан уйиб ташлаб, ичига катик қуйиб тулки овлаганинию гал ун туккизинчи тулкига келганида яшил тунли бир чол келиб уни қутқарганини гапириб берди. Гапирганида кузларида болаликнинг шавкли ёлқинлари чакнард эди. Ҳеч бирини қолдирмай айтди-да, кейин:

– Ота-боболаримиз жуда содда, ишонувчан бўлишган-да, – деб хулоса ясади. – Ҳозиргина айтган гапларингиз бобомнинг айтганларига жуда ўхшаш. Аждодлар турли муъжизаларни хуш куришади, бироқ, барибир саволимизга жавоб бермадингиз. Айтинг-чи, агар у бор булса, нима учун шу кунларда ҳеч кимга курирмайди? Уни охириги марта бир девона билан куришган экан, сунгги зухуроти шу дейдилар. Қарангки, девонанинг ёнига келиб “Узинг хабар олган оламлардан дарак бер” депти, девона эса “Ҳаргиз сабр килолмассан” деб жавоб қайтарибди...

– Мутлақо булмаган гап, – деди олим. – Ҳар иккиси ҳам махфий эса, уларни доимо куриб турувчи яна ким-

дир хабар бериши керак эмасми? Усухбатга ким шохид булақолибди?

Хамма жим булиб қолди. Дониш домла ҳам бу мулоҳазанинг ҳаққонийлигини тан олиб, уйланиб турди-да:

– Кучук... – деди бирданига, кулимсираб. – Шохид булган биргина кучук бор эди у ерда.

– У кучукнинг оти Китмир эди, – деди олим. Кейин бош чайқади: – Йуқ, у кўрганларини идрок қилиш хусусиятидан маҳрум эди. Воқеага гувоҳлик бериши биргина ҳолатда мумкин, яъни, агар “Сўзла” деган ҳукми илоҳий келмаса... Модомики шундай экан, сизга бир ҳақиқатни айтай, – деди. – Оламда Тангри таолонинг кўзга кўринмас қувватлари қуп, шуларнинг бари ўзларига буюрилган ишларни...

– Фаришталарни айтяпсиз! – деб унинг сўзини бўлди Дониш домла. – Инсон елкасида кўзга кўринмай ҳар нарсани ёзиб олувчи қотиб малакларни ёки туну кундуз алмашганида алмашиб турувчи муҳофаза фаришталарини, тўғрими?

– Улардан ташқари... – деди олим, сўзининг булинганига жаҳли чиқиб. – Мисол учун, ҳавони оқувчан қилиб қўйганини кўрмайсизми? Оқувчанлигидан бошқа, маълум ишларни ҳам адо этади. Жон эгаларига ҳаёт манбаи эканидан ташқари, дарахтларни чанглайди, бутулларни суради, уммонларни чайкатади, ёки айтайлик, тўсатдан... – Олим сўздин тўхтаб, бир нималарни мулоҳаза қилди-да, кейин давом этди: – Ҳа, тўсатдан кучли шамолга айланиб, ваҳима уйғотади. Қудрати ила жонзотларни осмону фалакка учуриб, кейин заранг ерга олиб келиб уриши ҳам ҳеч гап эмас. Уйингизда нур, иссиқлик пайдо қилаётган, маълум нарсаларни ҳаракатга келтираётган яна бир қувват-чи? Бағрига сира туганмас куч жойлаб қўйилган оҳанрабо-чи? Уларни

куз билан кура олмайсиз, факат бажараётган ишига караб мавжудлигини биласиз. Мисол учун, инфрақизил нурлар билан ишлайдиган қуриқлаш ускунаси ажойиб нарса, бироқ, сиз инфрақизил нурни ҳам курмайсиз-ку?

Кечагина Дониш домла уз касри олийсига шунака нурда ишлайдиган қуриқлаш мосламаси олиб келиб урнаттириб, кунгли хотиржам тортган эди, шу эсига келиб “Бу одам менинг уйимдаги ускунани қайдан биларди?” деб уйлади-да, яна эътироз билдирмокчи эди, олим:

– Аллақачон кеч кирибди-ку? – деди ачиниш оҳангида. – Уйлайманки, суҳбатимиз жуда марокли кечди. Афсус, менга ажратилган вақт ниҳоя топибди.

– Ҳа, тугри, – деди Дониш домла, жонланиб. – Бироқ, асосий гапни айтмадингиз-ку? Афсона ва ривоятларни койилмаком килиб сўзлаб бердингиз, аммо Хизр дейилган у зот масаласи...

Шундай деди-ю, кузи дераза рафидаги усимликка тушиб, дудукланиб колди. Боягина сулиб-курукшаган ковок яшнаб, ёнидаги улик чивинга жон кирган, энди узини ойнага уриб, гунгиллаган товуш чикарарди..

– Ия, – деди у, оғзини очиб, анкайиб.

Талабалар Дониш домланинг нега бундай деганига сабабини билишмас эди. Тагин гур кулги кутарилди.

– Ақл юритмайсизми? – деб суради олим, Дониш домладан. – Бизлар минг йиллар аввалги воқеалардан сўзладик. Лекин, орадан бор-йўғи юз йил ўтгач, наинки бу даргоҳда, балки ер юзида ҳаёт кечираётган кишилардан биронтаси ёруғ дунёда колмайди. Гўдаклар кексайишади, нигоҳлари нурсизланиб, вужудлари мажолсизланиб, мангулик сари йул олишади. Сизу биздан эса шу гаплар қолади, холос...

Шу билан маъруза ниҳоясига етди. Университет майдонига шом қуна бошлаганида Дониш домла олим-

ни кузатиб қўйиб, шоша-пиша уйига қўнғирок килди. Севимли рафикаси айтган, ичига ичак-чавак солинган гумма аллақачон тайёр булса керак. Дониш домла шоша-пиша бекатга қараб жўнади. Хаёлида эса олимнинг тушунарсиз сузлари айланарди.

Кечкурун ҳақиқатан ҳам мазали пиширилган гўмани еб қорни тўйгач, аёли оҳорли юмшоқ лижамасини кийдириб, кенг-мўл уринга ёш боладай қилиб ётқизиб қўйганида ҳам кўзларини катта-катта очиб ўйланиб ётаверди. Хотини уни жуда катта олим деб биларди. Бу Дониш домлага жуда ёқарди, шу сабабли, хотинининг ўйларини янада қувватлантириш учун:

– Инсон ўзига билдирилганлардан ортиғини билса нима бўлади? – деб ҳар эҳтимолга қарши сураб қўйди. – У билимлар фалокат келтирадими ёки даражасини орттирадими? Нима дейсан, келажакни билган киши хотиржам ухлай оладими?

– Билмасам, – деди содда аёл, Дониш домланинг бундай теран ўйларига ақли етмай. – Сизнинг илмингизга менинг ақлим етармиди?

Вакт кеч бўлган эди. Юксакларда елган шамол кўк тоқидаги бир-икки булутни суриб кетди, ой кутарилиб, теваракни бирдай ёғдуга бурқади. Орт тарафидан ёришган булутлар катида у сузаётгандай қуринарди.

“Аслида уни сузаётган курсатаётган булутдир, – деб ўйлади Дониш домла. – Шамол юксакларда шиддат билан эсиб, булутларни аямай суради”.

Ой нури шу хонадонга ҳам мўралади. Дониш домла кўзига уйқу инар экан:

– Олим биронта саволга жавоб бермади, – деб ўйлади. – Жуда айёр, писмик киши экан...

Шу тарика пинакка кетди. Тушида тоғу тошлар оралигидаги ёввойи маконларни кўрди. Кучли шамол кўзгалган эмиш. Синиб тушган қарағайлару пайҳон бў-

Энди уйку йўклиги аён эди.

Домла кўп йиллардан бери сира ниҳоясига етказа олмаган илмий ишини очди. “Абсурд” деб номланган бу рисола бугуннинг ҳаққоний воқелигини акс эттириши, инсонларни чалғитадиган турли-туман бемаъни ва хаёлий ғояларни тор-мор қилиб, ҳаёт ҳақиқатларини очик-ойдин кўрсатиб бермоғи лозим эди. Бироқ, қутилмаганда мавзу шу қадар теран бўлиб чиқдики, охири қуринай демасди. Рисола инсон мавқеи, турли манзилларда барқ урган ҳаёт деган кузга кўринмас қувват ҳукми аро, кўргиликлару синовлардан ута-ўта товланиб бориши ҳақида эди. Дарёдай тўлқинланар экан, бу азим қувват кимларнидир ўз домида чирпирак қилиб ҳасдай олиб кетар, кимларнидир соҳилга чиқариб улоқтирар, кимлардир тубига абадиян ғарқ бўлар, гоҳида ҳодисаю фалокат наҳанглари тириклай ютиб юборар, шу ғалати қудратгина мутлак ҳукмини ўтказиб, ўз ишида абадий давом этарди, холос.

## АБСУРД

“Абсурд” сўзининг лугавий маъноси бемаъниликдир. Яъни, бир нарсанинг бошқалар томонидан рад қилинишидир.

Одам дунёга келганида онгу шуури ҳеч нима ёзилмаган топ-тоза коғоз, бирор нарса аралашмаган зилол сув, шарбат қуйилмаган кўза мисоли бўлади. Турли-туман қарашлар, ғоялар, эътиқодлар билан тўлиб боравергач, шахсият сифатида шаклу шамойил касб эта бошлайди.

Қарашлар унга инсонлик чегараларини кўрсатади, тоифаларга мослайди, гуруҳларга айиради. Модомики дунёда ўлим деган қонуният инсонни ҳам, дов-дарахт, қурту қушни ҳам тупроққа айлантириб кетар экан, дунёнинг икки четида икки бола туғилди дейлик. Бири яхши, бири ёмон бўлиб вояга етди. Ғоялар бу икков-



либ кетган арчалар орасидан кимдир югуриб келарди. Яқинлашганида караса, бир уғри экан. Кимсасиз тоғу тошлар орасида нималар килиб юргани тушунарсиз эди. Уғри Дониш домлага караб кўзини олайтирди, ортидан эса жаҳаннам махлуклари эргашиб келарди.

“Ҳой эси паст! Кўрмаяпсанми, Миррих пастлаб келмокда. У янаям пастласа, абжағинг чикиб кетади” деди уғри, кўзларини баттар ола-кула килиб, сўнг югуриб-олислашиб кета бошлади.

Талабалар, айникса кизлар бутунлай бошқа, мафтункор манзараларга гувоҳ бўлишди. Яшил тўнли бир киши саҳрода жайрон боласига булок сувидан тутганини, урмонда кийик боласини кутқарганини, сал нарида асалхўр айикполвоннинг дарахтга чиқишга уриниб бесунакай сакраганини куришди. Манзаралар ниҳоятда завқиб ва гўзал эди, бу тушни кўраётган кизалоклар уйкуда жилмаяр эдилар.

Шундан сўнг ер охишта силкинди. Одам яшамайдиган поёнсиз дашту туз аро қайлардадир нимадир руй берди. Жайронкудук деб аталган жойдаги кичкина қоя шу силкиниш туфайли бир неча қулочга юксалиб қолди. Талабалар сингари, у ҳам ёш, муттасил усмоқда эди...

Оддий, ашёсиз хоналарда яшаётган талабалар бу силкинишни сезишмади ҳам. Дониш домланинг турли безакларга гўла уйида эса, жавондаги кимматбаҳо идишлар бир-бирига тегиб жаранглади. Шу жаранг Дониш домлани сескантириб юборди, урнидан туриб “Магнитуда... Гейгер ҳисоблагичи... Рихтер жадвали...” деб гўлдираб, бир коса муздай сувни ичиб олгач, меҳрибон рафикаси қолган гўммаларни ликолчага солиб, устига нафис ёпкич ташлаб қуйганини кўрди-да, фаросатли хотинидан миннатдор бўлиб, ликолчани кўтариб иш хонасига кирди.

лонни бир-бирига карама-карши килиб улғайтиради. Уларни бир-бирига карши қуйган уша ғоялар – абсурд-дир.

Инсон ҳаётга келишидан аввал қайда туғилишини, қай ота-онадан дунёга келишини билақолибдими? Оламда қанчадан-қанча кишилар ўзлари истаган ма-сканларда, ўзлари истаган ота-онадан туғилмаганига афсус чекадилар. Бу эса ҳаётнинг адолатсизлигини билдиради. Инсоннинг ҳаётга келиши бемаъниликдир. Ҳа, инсоннинг дунёга келиши ҳам, ҳаётнинг ўзи ҳам бемаънидир. Чунки, инсон ўлимчилдир.

Модомики дунёга келибди, кетиши ҳам ҳақ экан, яшаб ўтган ҳаёти хоҳ яхшиликдан, хоҳ ёмонликдан иборат бўлсин, барибирам бемаъниликдан иборат. Чунки олдда турган ўлим деган ҳодиса яшаш мазмуни-ни бемаъниликка айлантиради.

Дониш домланинг наздида, булар ҳақиқатан ҳам дохиёна фикрлар эди.

Тийиксиз озодлик истаги барча чеклов ва ахлоқ қои-даларини йўққа чиқариши турган гап. Мисол учун, сиз бениҳоя кадрлайдиган ота деган зот аслида эркингизни мудом чегаралаб келган киши эмасми? Қилар ишларингиздан олдин маслаҳат сўрашингизни қулоғингизга қуйган, зуғум ила онгингизга босим ўтказган, заифлик чоғингизда бакувват қафти билан шапалок тортган, би-рор номаъқул жойга борсанг оёғингни синдираман деган зотга меҳр қўйиш... тўғрими?

Аслида у – куч-қудратга тўлган маҳалида ўй-наб-қулган, ҳаёт лаззатларини тотган бир одам, холос. Сиз улғаяр экансиз, ўрнини эгалловчи бошқа бир эр-как етилиб келаётганини савки табиий ила сезиб, ҳукм юритишга уринади. Ҳаётнинг бешафкат қонуниятлари измида қартайар экан, хануз ўз сўзини ўтказишини қўй-майди...

Ота – тақикларнинг ва чекловларнинг энг бешафқатидир. Қаранг, фикрларингиз ўзингизга қарши чиқмоқда. Сиз ризқларни Тангри таоло беради дейсиз-у, “мени едириб-ичириб катта қилган отам” деб меҳр қўясиз.

Ҳар иккинчиз ҳам инсонсиз. Шу нуқтадан қарасак, биринчиз иккинчингиздан ортиқ эмассиз.

Она ҳақида ҳам шундай деса бўлаверади.

Модомики, бир отаю онадан оламга келган экансиз, биров сиздан туғиласанми-йўқми деб сурадимиз?

Ҳаётда минглаб кишилар борки, “Қошки, шу ёруғ оламга келмасайдим” дейди.

Қаранг, ҳатто ақлсиз ҳайвонлар ҳам маълум вақтдан кейин ота-онасини тарқ этиб, ўз ҳаётларини яшай бошлайдилар. Инсонгина турли-туман қондалар яратиб, сунг ушалар чамбаридан чиқолмай қийналиб юраверади. Узини, рўзгорини, боласию ота-онасини ўйлаб, умрини сарфлаб юборади.

Шундай экан, акаю укалар, опаю сингиллар, тоғаю амакилар, қавму қариндош деганларининг бари ботил, кераксиз ҳукмлардир. Ҳар бири ўз ҳаётини яшашга ҳақли.

Мана шуларни қадрият десак, демак, бундай қондаларнинг бари чегаралар бўлиб, инсонни маҳкум этиб турувчи унсурлар ҳисобланади.

Ота ким? Она ким? Кишилар ҳаёт машаққатлари аро, вақти келиб қариб-қартайиб қучдан қоладиган вақтларида фарзандлар ота-онани авайласин дея шу сингари қондаларни ўйлаб топишгани ҳақиқатга яқинроқ.

Дониш домла ота ва она ҳақидаги ҳикматларни ҳам туплаб чиққан эди. Улардан кўзда тутиладиган асосий мазмун – сени гўдақлигингда тарбиялаб вояга етказишди, энди улар гўдақ ҳолига келишганида, сен ҳам иззат қил. Тамом-вассалом. Ҳа, қийин замонларда ки-

шилар учун бирлик, жипслик зарур бўлган. Теваракда ваҳший ҳайвонлар изгиган, кабилалар ер-сув, мулк талашиб бир-бирига тиг кутарган замонларда одамлар бирдамликка эҳтиёж туйишгани бор гап. Ака-ука, кавму қариндош деган тушунчалар шулар замирида пайдо бўлгани ҳақиқатга яқинроқ.

Замонавий дунё у машаккатларнинг барини йукка чиқарди. Энди бу оламда инсон якка-ёлғиз ҳолда ҳаёт кечиришни истаб қолди. Булмасам-чи? Сарватлар ёлғиз унинг ақлу заковати туфайли топилди. Сулаймон пайгамбарни шамол кутариб учар эди. Бугун инсон боласи ўзи шамол ҳосил қилиб, ўчиб кетмоқда. Довуд пайгамбар қўлида темир ҳамирдай юмшоқ бўлиб қоларди. Ҳозир темирдан ташқари, ғайриоддий, ҳатто мудҳиш ўлимчил хусусиятларга эга юзлаб маъданлар изну ихтиёрида. Одамлар бир маҳаллар Ойга қараб ҳаёл суришган, уни ёр юзига ўхшатишган эди. Инсон аллақачон Ойга етиб, заминига қадам ҳам қўйиб бўлди. Қараса, жонсиз, ўлик бир макон экан...

Меҳр-муҳаббат, вафо-садоқат каби ҳиссиётларни ҳам домла жуда пухта тартиблаб чиқди. Мисол учун, касал одамга ачиниш ҳисси ортида қурқув етади, деб ҳулоса қилди у. Аслида бировнинг ажал чанғалида типирчилаши бошқа одам учун аҳамиятсиз, бироқ, у типирчилаш асносида одам ўзининг келажагини қўради, “қун келиб ўзим ҳам шу аҳволга тушсам-чи” деган ўй пайдо бўлгани боис, ибтидоий онг кўмаклашишга ундайди, онг ости эса, “қун келиб мабодо шу аҳволга тушсанг, кимдир ёрдам берар” деган мулоҳазани рўпара қилади.

Мазкур фалсафа дунё олимларининг диққатини торта бошлагани ҳам унинг муваффақиятидан дарак бериб турарди. Ғарб олимларига бу мулоҳазаларнинг Шарқдан чиққани ажабланарли бўлади, деб ўйлади у.

Оламда тирикликни мустахкам тутиб турган ягона кудрат бор, у – манфаат, деган хулосага келди Дониш домла, охирги гуммани ҳам еб булгач. Кейин “Инсон хакикатан ҳам хайвондир” деб уйлади коникиш билан. Илмга интилади деган гапларнинг бари беҳуда, масалан ўзим... ажойиб гапларни колдириб, гумма егим келгани учунгина маърузани бас қилдим-ку?

“Яхшиси, ховлини бир оз айланиб келақолай” деди узига узи, рисоласини бир четга суриб. Таомдан кейин аклий иш билан шугулланиш урнига сайр қилиш фойдали эканини қайдадир эшитган эди. Шу сабабли, хашамдор эшикни очиб, пастга – арчалар орасидаги йулакка тушди.

\* \* \*

Ой хаволаб кетди. Дониш домла арчазор оралаб бир неча қадам босган эди, каршисида яшил тунли бир қарияни курди.

– Ия? – хайрон булди у, замонавий инфрақизил қурилмалар орасидан бу чол қай тарз сездирмай утиб келганига акли етмай.

– Менга қара, хой бадбахт, – деди чол, гумбурлаган овоз билан. Қотма гавдадан бундай овоз чиқиши ғалати эди.

– Ёзганларингни дарҳол ёкиб юбор! – деди чол.

– Нега энди? – деди Дониш домла талмовсираб. – Шунча йиллик меҳнатим, ахир.

– Ёкиб юбор дейилди сенга, – деди чол.

Кейин Дониш домлага жуда тез яқинлашиб, қулок-чаккасига каттик тарсаки туширди. Шу билан Дониш домланинг хаёт ва мамот хақидаги уйлари ниҳоясига етди. Шапалокдан сўнг вужудида ажойиб бир ҳузур пайдо булганидан хайратланиб:

– Жуда ғалати булди-ку, – деди илжайиб. – Аммо...

У чолдан шу гаройиб ҳузурнинг сабабини сурамоқчи бўлди. Чунки бирданига илму фан ҳам, мухташам иморат-у хотинининг унинг бекиёс ақлига лол қолиши ҳам аҳамиятсиз бўлиб қолди. Қолаверса, дунё бекиёс гузаллик касб этди. Ҳа, ой таъриф топилмас даражада гузал, дарахт баргларига қуйилаётган ёгдуси ундан ҳам гузал, оламдаги энг ёқимли шабада эсарди.

Лекин чол шошилмасдан дарахтзор томон кета бошлади.

– Шошманг, – деди Дониш домла, унинг ортидан эргашиб. – Ҳамма айтганингизни қиламан. Сиз кимсиз узи? Илтимос...

Бирок, чол дарахтлар ортида гойиб бўлди.

Осмонда ой сузарди. Лекин, уни сузаётган қилиб курсатаётган булут эмасми, деб ўйлади у. Ниҳоятда юксакда бўлишига карамай, Дониш домланинг хаёлини угирлади. “Қора кенгликларда сузар ёруғ ой” деган мисра келди хаёлига. “Қора совуқларда... сузар.. ёлғиз.. ой..”. Самонинг кундузи кук, кечаси қора тусга киришининг сабаби нима? Тафаккури онг зулматлари аро худди ойдай сузаётганга ухшади. “Ойда кимдир бормикин?” деб ўйлади кейин, ҳануз қузини ололмади. Кейин узига-узи ишониб, “Албатта бор” деди. Олисдаги кук-яшил Ер сайёрасига қараб, мен каби уй сурадиган кимдир албатта бўлиши керак...

Бу фикр давом этмади, энди унинг диққатини ерга шовкин билан узилиб тушган заранг япроғи жалб қилди. Япроқ томирлари кизгиш бұртган, жон асари ҳали кетмаган эди. Чирсиллаш ҳам шунақа каттик буларканми, деб ҳайрон бўлди ва япрокка эгилди.

Қизиги шундаки, япроқни жон қандай тарк этаётгани қуриниб турарди. Юзлаб майда хужайралар оралаб ҳаёт дейилган қудрат сийрилиб чиқиб кетмоқда, хужайралар бирин-кетин ҳалок бўлмоқда эди. Уларнинг

халокати ҳам очик-ойдин намоён булар, қурукшаб, ранги кетиб, товланувчанлиги йуқолмоқда, томир ичида оқаётган сув елим каби қотмоқда эди. Шу манзаранинг ўзиёқ онгидаги юзлаб саволларга ягона бир жавобни ҳосил қилаётгандай туюлди. Шунингдек, шуурида ўз шахсиятига доир нарсалар ҳам ғойиб бўлаётганини пайқайди, бу аввалгисидан ҳам ҳузурбахшроқ эди.

– Қанчалар аҳмоқ эканман, – деди ғулдираб.

– Қип-кизил аҳмоқ эканман-ку! – деб қаттиқ кулиб юборди.

Назарида, ўсик сочлари сийрак, бир тутами пешанасига тушиб турадиган, кузлари чакчайган қорамтир бир шарпа узидан ажралиб чикди. Дониш домлага қараб бемаъни тиржайди-да, қол кетган тарафга қараб у ҳам ғойиб бўлди. Дониш домла унинг боягина кўрган тушидаги ўғрига ўхшаш эканидан ҳайратланди.

Самода Ҳут буржи тиккага келган, Миррих пастлай бошлаган эди. Ҳут буржи ҳам ниҳоятда пастлаб келганида, Дониш домла унинг сираям бурж эмас, балки улкан балиқ эканини кўрди. Буржнинг балиққа айланиши ҳайратангиз эди, аммо Дониш домла ҳайрон бўлмади. Салдан кейин Ҳут янада пасайиб, узини ютиб юбораётганини ҳис қилди.

Шуларнинг барчаси мисли кўрилмаган ором ва ҳузур-халоват аро руй берди.

Дониш домла деган шахсиятнинг мавжудлиги шу тариқа ниҳоя топди.

## ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

### АКА ҚИССАСИ

Бугдойзор ғарқ пишган, қаршидаги ям-яшил қишлоқда бир аканинг ёлғиз сянглиси яшар эди.

Ака яқинда касалдан турган, юрса силласи курирди. Шундай булса-да, синглисини кургани боргани ахд килди.

Нимаям дердик, ота-онадан ёдгор булиб шу акаю шу сингил колди. Икковлон аллақачон ўз рўзгори билан булиб кетишган. Неча кундирки, аканинг тушига синглиси киради. Бола-чақасидан, уй-рўзгор юмушларидан ортиб фурсат тополмаган, кургани келолмаган булса бордир. Соғиндими? Булмасам-чи! Ака юз-кузида ота-она сиймоси накшланган булади, кургиси келмасмиди? Ахир, сингил бировнинг кулига қарам булади, эрку ихтиёри ҳар доим ҳам ўзида эмас. Қолаверса, унинг юз-кузида ҳам отаю она чехраси накшланиб туради. Анча вақт булди, бормасам булмас, деб уйлади ака. Шу сабабли йулга чиқди.

Қатта йул буйида уловдан тушиб колди. Кун иссиқ, тиккада тургай сайрарди. Сингилнинг уйи шу рўпарада, бепоён бугдойзорнинг нариги тарафида эди. Бир оз уйланиб туриб, "Айланиб юргунча тинкам куриydi, кесиб утақолай" деб ахд килди.

Ўша ерда, ёлғиз тол тагида бир тўп кишилар бор экан. Бугдойзорни кесиб утаётган кишини куриб, маломат қилишди. Шунда воқеани улар билан бирга кузатиб турган яшил тўнли бир чол:

– Сингил дийдорини курай деб бугдойзорни кесиб бораётган акага Худонинг раҳмати булсин! – деди кулларини дуога очиб.

Ҳамма хайрон булиб у чолга қаради.

– Овмин, бундан кейин доимо шундай булсин! – деди чол.

Хайрон булиб яна қарашганида, ака манзилига етиб колган эди.

Чол эса гойиб булибди. Ерга кирганми, кукка учганми, билиб булмасди. Нотаниш чол билан боғлиқ бул-



гани учун бу воқеа ҳам унутилмади. Кишилар оғзида юраверди.

Ака ким эди? Оламда акалар камми? Инсон ақлу хуши саноксиз акалар орасидан биттасини ажратиб тасаввурга рупара қилибди. Исми ким? Насаби не? Қайда яшабди? Қанча умр курибди? Бола-чака, зурёд қолибдимми? Номаълум. У одамдан шу воқеа-ю “Ака” деган рутба қолибди, холос.

Синглиси қошига етиб бордим, борган булса жон-жигарининг қувонганига, “Вой, отамни урнига отам келди-я” деб узини қўярга жой тополмай типирчилаб, ҳаммага суюнчилаганига шохид бўлдимикин? Кексая бошлаган акаю сингилнинг дийдор онларидан кўра хушбахтрок яна не бор бу кўҳна оламда? Дунёда минглаб ака-сингиллар бор, уларнинг дийдорлашуви хар доимо шодлик ва қувончларга йўғрилган булади. Ака синглисига “Онамнинг ёдгори” деса, ота кузи билан бокса, сингил акасига “Отам” дейди. Отасини соғинса, акасига талпинади. Бошка кимгаям талпинсин, ахир? Аканинг қисмати ҳам шундай: онаизорини соғинса, синглисини кўргиси келади. Унинг ҳам талпинадиган бошка кими бор?

“Менга қолса дунёнинг энг катта хазинаси деб шуни айтган булардим”, деди бунга гувоҳ булган кишилардан бири. Тилла-ю қумушларнинг оддий тошдан сира фарқи йук. Аммо бу дийдорни, бу юзлашишни қайдан ҳам топа олардингиз? Сингил дастурхонига қуйган нонга бир қаранг. Тафти, хиди узга эмасми? Ундан келадиган ис яна қайда бор? Гул-гул яшнашига қарамайсизми? Ҳаётнинг энг ширин дамларидан келган бир муждага айланганингизни сезяпсизми? Қадр-қийматингиз қанчалар эканини пайқаяпсизми? Ким сизга бунчалар кадру қиймат берарди?

Дунёда бир инсон бор эди. Барча зотлар каби у ҳам мангуликка жунади. Аммо кетар чоғи сингилларига бир таъриф бериб кетди. “Райҳонларим, жамбилларим” деб алкади сингилларини... Эй воҳ, умр тугади, бир жон эгасидан бир канча сузлар колди, холос.

Райҳонларим деб йиғламайсизми? Жамбилларим деб йиғламайсизми?

У райҳону жамбилларни ким устирганини, ким тарбият килганини мулоҳаза килмайсизми? Барчасини Яратган деган, ҳодисаларни бошланишидан то ниҳоясига қадар бошқарадиган, бутун оламни ҳукмида тутиб турган бениҳоя қудрат эгаси беҳуда яратмаганига имон келтирмайсизми?

Отам – суянган тоғим, онам – туганмас боғим, дейсиз. Токка суянар даражада баҳайбатмидингиз, ота ҳаётлигида? Гуллаб-чаппар урадиган ажойиб бир боғ эгасимидингиз, она тириклигида?

Ака мана шуларни уйлай-уйлай борарди-да. Ҳа, умр кузи вужуд боғига етиб келди. Ариқларда сувлар қурди. Гулу чечаклар сўлди. Мевалар ғарқ пишган эди, бирин-кетин ерга тўкилмоқда. У меваларни кимдир олса олди, йукса ут-улан орасида чириб, қурт-у кумурскалар ташиб кетишади.

Шошманг, гул нима? Сув нима? Мева нима?

“Ота” дея борарди у киши, бугдойзор оралаб. Адоғига етаёзган ёзнинг иссиқ шабадаси юз-қузларини худди болалигидаги каби сийпалаб ором берар, юпатишга уринарди. “Воҳ отам-а” дерди бугдой шовуллаши, бошок шитирлари аро...

### ОТА ҚАСИДАСИ

Отам бор-йўғи бир ҳафта бетоб ётди. Вужудига илашган хасталик руҳини тентиратар, ёнига кирганимда баъзан ғалати уйку ичида ётганини қўрардим.

Тепасида утириб, юзини коплаган ажинларига, сийраклашган сочларига, буйнининг тиришларгаю харакатсиз кулларига термиларканман, шууримда уз хаётим, туйғу ва завкларим эмас, рупарамдаги заиф, вужуди бир амаллаб улим ва хаёт орасида курашаётган зот панохида кечган дамларим жонланарди.

Бундай изтиробга тоғу тошлар ҳам бардош бера олмайди. Ёстигини туғрилаб куяй десам, кулларининг эти суягидан ажралгани, осилиб колгани кўрkitарди, ахир.

– Вақт-соат етганини сезмаяпсанми? – дер эди гуё, отамнинг илвирарган вужуди. – Шунча йилдан бери бошингда тож эди. Оламга не султонлар келиб-кетишди. Сенинг султонинг эди бу одам...

– Куз олдимда эсимни таниганимдан бери у билан боғлиқ турли воқеалар жонланарди.

Қишда анорлар кутариб келарди. Анор тумов-пучқоқнинг олдини оладими-йўқми, билмайман. Аммо биз болалар ишониб, битта куймай ер эдик.

Оёғи оғрир эди.

– Нима булган эди, ота?

– Ҳа энди, турмуш-да, болам...

Эҳ, нодон! Оёғи оғришининг сабабини кейинчалик билдим. Мен бир ярим яшарлигимда, каттик шамоллаб кукйутал булганимда тушакка ураб, тўрт чакирим йўлга пиёда олиб борган, у ердаги табиб чол бир нимани эзиб ичкизгач, томоқ оғригим барҳам топган, яна шунча йўлда бағрига босиб кутариб келгану ўзи йикилиб колган экан.

Табийки, у воқеани эслолмайман. Вужудимга илашган касаллик ҳам ёдимда йўқ. Аммо...

– Киш эди, – деди отам, кулимсираб. – Икки қават тун кийиб олувдим-у, этигим йиртик, сув утарди-да. Ҳаммаёқ пилч-пилч лой, изғирин шиддат урарди. Бағримда сенимас, оловни олиб кетаётгандай эдим.

Ҳар замонда бир инграб қуярдинг, иситмада лов-лов ёнардинг. Кетяпман-у Худойимга илтижо киламан, назаримда улиб қоласан деб қурқаман У нидо ич-ичимдан қанчалар ситилиб чиққанини узим биламан, холос. Кузимдан ёшим дув-тув тукилади, бетларингга томса, юзинг совқотмасин деб артиб ҳам қуяман, дегин.

Йук, Худойим сенга шифо берди. Ушандан кейин тузалдингу узим ётиб қолдим. Жуда совук ўтган экан-да. Келсам, онанг ухламай утирган экан. Сени ётқиздик, этигимни ечиб ут олдига утирдим, бироқ, қани иссик сезсам! Анчадан кейин олов тафти ўтганида, жиз-жиз ачишаверди. Иссик ҳам ачиштирар экан-да? Кейин шишиб кетди. Оёқ оғриғини ўшанда орттириб олганман, болам...

– Ҳа энди, битта у эмас, бошқа анча-мунча сабаблар ҳам бор. Қишлоқчилик-да, нимаям қилардинг, – деб қуярди. Бу гапларида “Сени деб бод касали орттириб олганман” деган маъно чиқмасин, боламнинг дили оғриб қолмасин” деган маъно бор эди.

Дусту ёронлари чакириб ҳам келишарди, албатта. Балки бирон жойда улфатлашгани чорлашгандир? Ҳа, шундай. Отам уларни кузатгач, узиям чикиб кетар, анчадан кейин белбоғи катида бир булак гушт кутариб келар, онамга.

– Улфатчиликда менга нима бор? – дерди. – Шу бир парча гуштни бола-чакам билан бирга еб утиришимга нима ётсин?

Бормас эди-да.

Мен катта булиб эр етила бошлаган, воқеалар онгимга учмас булиб муҳрланиб борарди. Укаларим кичкина, отам улар билан ёш боладай кийкириб-кийқириб ўйнардди. Завкланса, бакириб-бакириб куларди... Ниҳоят чарчагач, уларни ёнига олиб, бағрига босиб ухлаб қоларди. Ушанда юзидаги бахтиёрлиги эсимда қолган.

Ростини айтсам, хозир ҳам куз олдимда уша киёфаси купрок намоён булади. Эски айвон. Баҳор. Вижирлаган калдирғочлар, жонланган ҳашаротларнинг визиллашлари, отаси билан уйнаётган болаларнинг кий-чуви-ю отанинг бахтиёр хайкириги...

Майли, булар ўтди. Дунё жуда хайбатли бир чархпалакка ўхшайди. Бир томонидан сув олиб, бошка томонга куяди. Одамлар ҳам шундай: бир айланиб ҳаётдан мамотга қараб оқадилар.

Ўзим ҳам анча ёшга киргач, ҳаётимга разм солсам, онгимда бир нима чирс этади. У кейинги йилларда бот-бот ҳасталанган отам билан боғлиқ.

Ана, айвонда ётибди.

– Синглингни олиб келсанг-чи, – дейди менга.

Кузларидаги болалигимдан таниш шахд ғойиб бўлган, кейинчалик балқий бошлаган донишмандлик ифодалари ҳам йук. Илтижо бор, холос. Тақдир деган қудрат қаршисидаги ожиз кишининг илтижоси.

– Бориб синглингни олиб келсанг. Кургим келди, соғиндим.

Ёз утиб, мевалар етилдими? Боғу роғларни, ўт-ўланларни куз саранжомлаб булдими? Баҳор сира қайтмайдими? Кеч куз – умр кузи етиб келдимми?

– Қара-я, мева-чева гарқ пишди, – деди отам, кузлари ёшланиб. – Сезяпсанми, ўғлим? Мен ҳам пишиб қолдим шекилли.

– Йук! – деб хайкиргим келса-да, ичимга ютиб. – Ота, ундай деманг!

Ҳақиқатан ҳам, жон ота, ундай деманг. Шунча меҳнатлар қилдингиз, умрингизни сарфлаб юбордингиз. Энди болаларингизнинг роҳатини курадиган пайтингиз келганида-я? Яхши гапгайм, ёмон гапгайм фаришталар овмин дейишади, отажон, унақа гапирманг!

– Йук дейсанми? – кулимсиради отам. – Кулингдан бир нима келармиди? Мева пишгач, туп этиб ерга тушади-да...

Бир кеча, “Ёнимда қол” деди.

Айтганини қилдим.

Буришиқ қўлларини, елкаларини силаб утирдим. Озорлақаётган жони бир оз тинчландими... хар тугул, текис нафас ола бошлади. Бир маҳал қўзларини очди.

– Ота? – деди овозида севинч сезилиб. – Отажон?

Кейин нимагадир уринди. Тусатдан бу ҳаракатнинг маъносини тушуниб қолдим: қўз ўнгида отаси намоён бўлмоқда, уғил падар қошида ётгани ийманиб, қад ростлагани уринмоқда эди.

– Ота? – дедию қўзларидан ёши дув оқиб кетди. – Жоним отам, келдингизми?

Бобомни айтяптими?

Ҳа, бобомни ниҳоятда эъзозлар эди. Еру қўкка ишонмасди.

– Э тавба, тирик экансиз-ку? – деди аранг. – Мен сизни ўлиб қолгансиз деб ўйлар эканман...

Юзидаги чуқур тиришлари ёйилиб, кулимсирашга урингани-чи?

– Отажон... – деди, гапиршга уриниб. – Жуда қийналдим.

Сиз кетгач, елкамга катта юк тушиб қолди.

Ҳар нарсада сизга суянардим-ку? Ҳеч ишни маслаҳатингизсиз қилмасдим. Бир ўзим, қўп нарсага ақлим етмай қолди

– Аммо, қанча қийналсам ҳам айтганларингизни барини бажардим, – деди овози тобора сусайиб. – Қизларингиздан кўнглингиз тўқ бўлсин. Мана, барини оёкка қўйдим. Узимни болаларим ҳам етилиб қолишди.

Салдан кейин жилмайиб, худди отаси иш буюрган ёш боладай киприклари пирпираб:

– Хуп булади, – деди.

Нимадир руй берардию нималигини англаёлмасдим. Лекин, гапиргани чучирдим. Кара-я... Отамнинг ичида шунча армону афсуслари бор экан, билмабман. Тогдай бўлиб ҳаётимда юраверади дебманми?

Отам худди ёш боладай кулимсиради.

– Ия? – деди кувониб, етмишдан ошган шу чол. – Бу ўша, сиз айтган тойчок-ку?

Эсимга айтганлари келди: болалигимда отам кора тойчок олиб бераман деган, деб айтарди. Кули юпка, доим шуни гапирарди-да. Урнига Худойим сизларни берди, энди битта эмас, кара, канча тойчоғим бор, деганлари-чи?

– Ота! – дедим бир нима руй бераётганини янада якколроқ сезиб. – Ота!

Отам гапимни эшитмади ёки эшитса ҳам парво қилмади. Уз падари бузруквори дийдорини курганидан бахтиёрмиди? Билмадим.

Уша кулимсираши билан гуё отасига эргашди. Балки узини ёш боладай ҳис қилгандир?

Болалик чоғларимда отам “Юр, уғлим, зур нарса олиб бераман” деб кизиктириб далаларга ишга олиб кетарди.

Балки, ҳозир отаси ҳам шундай қилдимикин?

Шу... Отасига эргашди.

Бошка ёкка карамади.

\* \* \*

Отамнинг улими менга жуда каттиқ таъсир қилди. Турсам ҳам, ётсам ҳам уйлайверадиган бўлдим.

Баҳорда хали нами кетмаган куп-курук ерларда меҳнатлар қилиб, ям-яшил боғлар яратмасмиди?

Тер тукиб ризкини тупроқдан чиқармасмиди?

Туйларга бориб қолса, чунтагига бир сиким пи-ста-бодом солиб келар, бизларга булиб берарди. Ҳат-то... баъзан узимиз еб турган нарсамиздан илиниб “Сиз ҳам енг” десак, кулимсираб оларди-ю емасди. Дастур-хоннинг бир четига қуяр, кейин эса энг кичигимизга берарди.

– Сенинг еганинг – менинг еганим-да, – дерди.

Эҳ-ҳе, нимасини айтай?

Отам кетдию рўзгоримиздаги жуда яхши, ажойиб нимадир аста-секин йиғиштирилиб, ортидан жунаб кетди назаримда.

Яна айтайми?

Бунисини шеър билан айтақолай, зеро, ундан ортти-риб бир нима дейишим кийин.

Буйи раҳмат анга етмас, кимки бадкирдордур,  
 Гур ани қилмас қабул, чиркин тани мурдордур,  
 Чун Худо бандам демас, ҳар кимки дил озордур,  
 Ким падарозордур, андин Худо безордур,  
 То Отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени.

Ахир, махшар кунини тасаввур қилсангиз-чи? Ос-мон ер устидан сидириб олинган, қуёш уралиб-нур-сизланиб қолган, тоғу тошлар чангу тўзонга айлан-ган ҳамда одам болаларига қайтадан жон ато этилган, Тангри таолонинг ҳайбат, ризқ, улим фаришталари ер юзига тушган маҳал. Пайғамбарлар, набийлар, авлие-лар барчаси шу маконда. Савобу гуноҳлар ҳисоб-китоб қилинган пайт. Бирданига олдинда бениҳоя улкан тў-сик пайдо бўлади. Унинг вималигига ҳеч кимнинг ақли етмайди.

– Бу бандадан отаси розими?

– Рози бўлмаса, жаннат ҳаром бўлсин!

– Овмин! Шундай бўлсин!



Дини имонинг билан урсанг бу йулда дасту по,  
Зури бозинг бирла этсанг уттиз уч минг хонако,  
Осмондин тушса Исо, килса хаккингга дуо,  
Муршидинг Хизри замон булса, булолмас рахнамо,  
То отанг рози эмас, тавбанг кабул булмас сени...

### ОНА МАДҲИЯСИ

Нимасини антасиз, онам ниҳоятда ажойиб, юз-кузи ёғдули аёл эди. Биласизми, бировни соғинсангиз, киефаси нур тарага бошлайди. Қош-қуларни, кулишлари, гапиришлари тиниклашиб қолади. Куриб, дийдорига туйганингиздан кейин яна одатий киефага қайтади.

Кучалардан юриб келиб ҳовлига кирсам... уйчасидан кавушини пойма-пой княсолиб, истикболимга шошилиб чиқаётгандай туюлади. Кавуши дедим-а? Ҳа, онаизорим кийган кавушларгача саклаб қуйганман. Уйда, меҳроб ёнида турибди. Кичкина, кийилавериб таглиги ейилган, ранги кетган. Қулимга олсам, йиғлавораман. Қаранг, кийган кавушигаям зор булиб колар экансан одам.

Румолини бетимга боссам, камзулини исхасам, бир дунё хотирот ёпирилиб келади. Тентакка ухшаб гоҳ куламан, гоҳ ўксиб-ўксиниб йиғлайман. Баъзан ёстигим ёнига қуйиб ухлайман. Шунда бир нима руй беради, ўспиринлик давримга қайтаман. Жазирамада кизиган ҳовли тупроғида товоним қуяди, ёпган нонларининг тафтигача сезаман. Яхшиям болаларим бор, кенжатойимни бағримга боссам, пешанасидан келадиган жаннат исидан юрагим тинчланади.

Аваллари соғинсам, қошига бориб, туйиб-туйиб олардим. Ҳозир эса, борсам ҳам қуролмайман-ку? Ҳар хил гапларимни гапириб-гапириб келаман, бироқ, дийдор йўқ-ку? Чехрасини, кулишларини бир курсайдим, қойишларини эшитсайдим деб уртаниб кетаман...

Шу, ҳаётда букчайиб, заҳматлар тагида эзилиб яшаётгандайман. Каддимни кутариб теграмга қарасам, минглаб одамларнинг ахволи шу. Бир қарасам, атрофимда ҳеч ким йўқдай, узим ҳам болаларимни оёкка қуйгач, вазифам тугайдигандай, бировга керагим қолмайдигандай. Туй-маросим қилсам суюнаман уйимга қариндош-уруғим, ошна-оғайним тулланиб келса, ҳалиги уйларим эсимдан чиқади. Бирок, гаплашиб утирганимизда юзларидаги ифодаларидан, сузларидан ташвишлари мул эканини пайқайман. Одамлар кетишгач, бениҳоя олис осмон остидаю тақир ер устида яна ёлғиз... ҳаётимда давом этаман.

Қаранг, онамдан нима қолибди? Охири йўқ хотирот, бир неча майда-чуйда ашё, холос. Отамдан эса гувалақдан урина-урина кутарилган синчли бир иморат қолди. Ҳа, айтмоқчи, дарахтлар ҳам бор. Этакдаги урик, ёнғок, шафтолиларни отам эккан. Шафтолилар қуриб кетди, урик билан ёнғок ҳали ҳаётда.

Яъни, икки жон тирлишиб-уриниб ҳаёт кечирди, улардан шу нарсалару уч-тўрт зурёд қолди. Шу билан умрлари тугаб, абадий манзилларига унсизгина жунаб кетишди. Ушандан кейин осмон янада олислашди, ер янада қаттиқлашди.

Бошингизда ота-онангиз бўлса, бус-бутун экансиз. Улар кетгач, яримга бўлиб қолдим. Ҳайронман: ҳамма нарсам етарли, ҳаётдан нолисам инсофсизлик булади. Қорним тўқ, устим бут. Аммо нимага қаддим эгилиб кетаётганига тушунмайман. Гоҳида юрагим тулиб кетади, худди ичимга дунё гами йиғилиб қолгандай. Ю-юраман елкамга туғимни ташлаб... Шунда Вактнинг қилмишларини сезаман, ҳайбатини ҳис қиламан, барибирам тортқилаб-судраб олиб кетиши аён, қиладиган ишларим эса бир дунё... Кузнинг пилчиллаган ёмғирла-

рида дов-дарахт эгилиб-эгилиб меваларини тукканини, ут-улан сарғайганини кураман. Дардлашгани бир дўсти ёрон тополмайман...

Билсангиз, дарахтларнинг баъзилари кузда сарик, баъзилари кизил тус олади. Теварагимда сариғу кизил ранглар туфони руй беради, тақдир мана шундай, билдирмасдан келиб бошим узра айланиб, ҳамма нарсани сездирмай олиб кетаётганга ухшайверади.

Айтинг-чи, сиз ҳам шунақа уйлаб коласизми? Балки, менинг аклим етмаганларга сизнинг аклингиз етар? Дунёга нима учун келган эдим? Қуш ҳам, ҳайвон ҳам болам-чакам деб тиришади. Бир инсон булиб дунёга келдим, қушдан, ҳайвондан ортиқ жойим йукмиди?

Улуғларимни соғинсам, айтдим-ку, ашёларини қўлимга олволаман. Улар бениҳоя азиз, кадрли. Онамнинг кавуши уни кийиб борган жойларидан, одамлардан, воқеалардан дарак беради. Отамнинг белбоғи ҳам турибди. Тавба, эскириб, ювила-ювила баъзи жойлари ситилиб қолган экан. Кашталари қўлда тикилган, четларига дўппи нақшига ухшатиб гул солинган оддий чит белбоғ.. У отам куч-қувватга тулган чоғларини эсимга солади. Элас-элас тер иси ҳам қолган, қисқаси, у ҳам меҳнатдан дарак беради. Ҳар кунги ишларимни килиб юравераману жоним истагани он ушаларни қумсайман. Ажабо, ўзимнинг ашёларим йукмиди? Борийди-ку? Аммо, қани улар? Мени тамсил этадиган, гудаклик, болалик, усмирлик, ёшлик онларимни билдирадиган нималар бор? Улар сақланиб қолмабди... Ҳай, майли, ҳаётда ўзим борман-ку, ашёга не ҳожат? Шунақа қилиб яшаб юравераман.

Лекин, мана шу ғалати ҳаётимни ўзим унглай олмайман. Бир муъжиза юз берса, Хизри замон келиб қолса-ю унглаб куйса деб ҳаёл қиламан.

\* \* \*

Ҳой одам боласи, Хизр дедингизми? Тангри таоло яратиб қуйган сон-саноксиз ғайб яратикларидан бирдан хабар топдингиз, аммо шуни билмадингизки, унинг отаю онаси йук. Бош уриб борай деса, киблагохи йук.

Ахир, падари бузрукворингиз ҳам келажакни олдиндан курмасмиди? Қаршингиздан чиқиши мумкин булган не-не кургиликларнинг олдини олган экан у мухтарам зот? Сиз Хизру Илёсдан гапирасиз, мен қошу қароғим устидаги узимнинг Хизрларимдан гапирмоқдаман. Дунёнинг барча Хизрини бир ерга тупласангиз, отамдай булолмаслигини айтмоқчиман.

Не килсангиз килдингиз, аммо онангизнинг бир дуо-си билан ризвон дарвозалари очилишини билмадингиз. Шу муштипар зот тукқиз боласи тукқиз ёнда, қай бири касал бўлса ушанга чопса, қай бири кеч қолса, ушанга куз тикса, болалари жамулжам булганидагина кузига бир оз уйку инса... Ҳой одам! Она дейилган шу зот – Худонинг бир заиф бандаси, кимнингдир кузининг оқу қораси, орзуларию умидлари билан буй етиб, бир оилага келин бўлиб тушган жамалаксоч кизгина – келин бўлиб тушган онидан бошлаб ўзи учун яшамаганини, умрини рўзғорига, болаларига фидо қилиб юборганини идрок килсангиз-чи? “Жаннат оналар оёғи остида” дедилар, айтинг, қайси авлиёнинг оёқлари остига ташлаб қўйилган экан жаннат?

Ҳой, оналари тирик зотлар, барака топкурлар! Тирикчилик юмушларингизни бас қилинг, чопинг, жонингиз борича югуринг, қошига етиб боринг, нурсиз кузларига бир дам терминг – сизга меҳру муҳаббат ила туйиб-туйиб боккан, пешанангиздан келган исни искаб “Ургилай, боламдан жаннат иси келади-я” деб қувонган, сиз учун жонини фидо қилиб юборгану эвазига фақат сизнинг дийдорингизни тилайдиган биттаги-

на зот бор дунёда! Азиз чехрасига туйиб-туйиб терми-  
либ олинг – айни онда “Эй Худо, боламни паноҳингда  
сақлагин” деб утирган бу зотнинг вужуди уқлардай ҳа-  
фифлашганига, кўзларидаги ҳаёт нури хиралашганига,  
бошингизни силаган қуллари заифлашганига, у иссик  
тафтли бағир совий бошлаганига эътибор беринг! Бо-  
ринг, Худо хайрингизни берсин, ахир, жаннатнинг бо-  
шка калити йук! Сиз амалларингиз боис жаннатга кира-  
ман деб хотиржам бўлдингизми?

Ҳой, оналари дунёдан утиб кетганлар! Оналарнинг  
нигоҳи доимо болаларида бўлади. Парвардигори олам  
махфий тутган экан, у ёкка дуоларгина етиб бориши-  
ни унутманг. У дунёда ҳам болам деб ўтирган мушфик  
зотга бир дуо етганида қалби ором топишини, болам  
соғ-саломат экан дея шодланишини тасаввур қилинг.  
Хаёл қуввати сизга бежиз ато этилдими? Ахир, қалблар  
юмшаганидагина шафқатли бўлади, тош қалбингиз-  
ни эритинг! Қайдан ҳам билардингиз, жаҳаннам ути  
лангиллаганида “Уни ҳаргиз боламга рупара қилма”  
деб ёлворадиган биттагина зот бор, холос!

## БЕШИНЧИ ҚИСМ

Буларнинг бари уша Аканинг уй-хаёллари эди.

Бугдойзорни кесиб ўтди, синглисини қурди, кўзла-  
ридаги шодлик учқунларини қуриб ўзи ҳам суюнди,  
қалби ором олди ҳамда хайрлашиб, изига қайтаверди.

Сингилнинг уйида анорлар ғарқ етилган экан, икки-  
тасини узиб, қуйнига солволганини айтмайсизми, ту-  
мов-пучкокнинг олдини олади, деб?

Қайтаётганида бугдойзорни кесиб ўтмади, балки  
тутқаторлар ёкалаб йул солди.

Қадам ташлар экан, кўнгли тулиқиб, ичидан ғалати  
бир хунграш келмоқда эдики, унинг қудрати самоларда

булутларни суриб келадиган шамол шиддатидан ҳам зуррок, қалб ичидаги туйғуларни чирпирак қилиб учирар, афсус булутларини катма-кат уяр, юракда содир булаётган у туфон мана ҳозир ташқарига кузу қароқдан тошиб чиқаётгандай эди.

Ҳа, юрган йулида йиғлаб келмоқда эди.

Шу қадар афсус, пушаймон ва ўқинч ичида эди-ки...

– Нахотки, оддий ҳақиқатни англаб етгани шунча йил керак бўлди? – деб нидо қиларди у. – Аввал қаерда эдим? Шунини тушунарчалик ақлим йукмиди? Эй воҳ, минг воҳ!

Оламга келибман, ўсибман-улғайибман, турли-туман билимларни эгаллабман-у, теграмдаги кишиларнинг кийматини энди-энди англай бошлабман. Бир пайтлар, талабалик маҳаллари дунё халқларининг турфа урф-одатларини ургана-ургана, хавасланган ёки хайратланган чоғларим бўлгандир, эндиликда эса, ўз кишиларимиз кўзимга ўтдай қурина бошлабди. Дониш домла деган муаллимимиз борийди, уша маҳалларда метиндай мантик қуввати билан ҳаёлларимизни лол айлаган бўлса-да, энди, ҳаётнинг паст-баландини қурақура, у фалсафаларнинг бари бир пулга қимматлигини, дунёда одам дийдори, инсон тафти бебаҳо эканини тушуна бошлабман...

Яшаб утилган умрнинг афсуслари эди булар. Сира ортга қайтиб бўлмас, ортдаги содир этилган хатоларнинг тоғ-тоғ шарпалари юҳо махлуқларга айланишган, инсон руҳини ютиб юборгудай бўлиб таҳдид солар, олдда эса фурсат ғоят оз... Ҳар бир айтилган сўздан, ҳар бир тутумдан сўраладиган, оламни тубдан ўзгартириб “Ҳой, жон эгалари! Бундан бу ёғи мангуликдир!” деган хайкирик янграшига бир баҳя қолгандай туюларди.

Не-не сувлар оқиб ўтди. Қанчадан-қанча кишилар бу ёруғ оламни тарк этиб, йўқлик диёрига қараб кетди-

лар. Дусту ёрон юзини ажинлар буркади. Вужудларни қувват тарк этди.

Ака теваракка куз фасли етиб келганини курди. Баъзилари хануз яшиллигини йукотмаган, аммо барглари-нинг ранги туклашган, оёк остидаги майсалар сарғая бошлаган, дарахтлар олтин тус олиб, оч кизилдан кир-мизигача булган алвон туфонини ҳосил қилган, куз ет-гунгача булган жойларга япроқлар тукилиб-ясланган, осмон ниҳоятда кум-кук, ҳаво тигизлашган, саслар ку-юклашган ва бугиклашган эди.

Бутун коинот шу фасл босими остида “Ут-улан, дов-дарахт мевасини бериб булди, сен-чи?” деб ҳай-кирмоқда эди.

Фикр туфони унинг аклида чирпирак булиб айла-нувчи куюн ҳосил қиларди.

Қурт жондан кечиб, пиллага кирди. Атрофда юз-лаб-минглаб майда хашаротлар тухум қуйиб, пилла ясаб ичига кириб, энди капалак булиб учиб чиқиш онини кутмоқда. Қурту кушдан ўргимчакларгача ту-хум қуйди, ҳозир бари бирдай, авлоди қошида кимира-этмай ўтиришарди. Қайлардадир қаттаю қичик турфа ҳайвонот зурёдлари оламга келди. Бу ишлар ажиб сас-сизлик ва одамни қуркитадиган улкан итоат аро содир булмоқда ва у жараёни тўхтатишга кодир бирон куч оламда мавжуд эмас, ёруғ дунё деб аталмиш шу ғалати чарх аро узгармас ҳеч нима йук эди!

Шуларнинг бари бирданига намоён булар ва уз-ларининг яралиш мазмунларини рупара қилардилар. Бугдойзор аллақачон дашту саҳрога айланган, умр бор-йўғи бир сафар, юракда эса бир қушча нолон сайрарди:

Бул мусофир даштида ҳар дам тутошиб снаман.

Ҳар қаен борсам агар, йулдан адошиб бораман.

На отам бор, на овам, ҳеч кишим йуқдир мени,  
 Ҳар таги деворларга зору саргардонаман...

Бу бениҳоя ғалати билим эди. Дунё қонуниятларидан ва уни жорий қилган қудратдан дарак берар, самодаги булутларнинг сурилиб келиши, қуёшнинг чиқиб ботиши ва олов сочиши, тиккамасига учган қушлару кизиган қумнинг чирсиллашлари – ҳаммаси ақлга чинкириб, фарёд уриб хитоб қилар, ер юзида ҳаёт кечириётган, меҳру оқибат, вафо-садоқат, севги-муҳаббат, қумсашлару интизорликлар аро олий мақомларга кутарилган одам болаларни ҳаётнинг мазмувларидан суйларди.

### НИДО

Меҳнату заҳматлар аро канча умрим утди, мен нодон, канийди йулларимда Хизр пайдо бўлса-ю, шу кийин ҳаётимни унглаб қуйса деб уйлабман

Кимгаки Хизр дуч келганини эшитсам, борибман. Қайларни кезади, қай маҳал қуринади, сураб-суриштирибман. Макбаралар, мазорлар, даҳмаларни зиёрат қилиб, қунлаб утирибман, “Ҳар Мусога бир Хизр” деганлари каби, умр йулимда бир нажот Хизри пайдо бўлса деб орзулабман.

Модомики, ҳаёт кемамгазарар етказмаган, болалик маҳалим қаршимдан чиқиб ажал сари йулламаган экан, менинг учун қайлардадир... умримнинг қай бир девори остида хазина яшириб қуйгандир, деб ҳаёл қилибман. Мусо каби ёнида юргим келибди, аммо уз вужудимдаги, онгу шууримдаги Мусодан беҳабар қолибман.

Муъжизалар қуз унгимда руй берибди, шохид бўлибману унутибман...

Эй воҳ, ҳар нарса қошу қароғимда экану ғойибдан кутибман, Хизрларим ёнимда экан-у, бошкага қуз тикибман.



Вокеа-ходисаларни унглаб қўяди дейишларига ишонибман-а! Ахир, олдидан шох чикса олиб қўйган, арик чикса кутариб утказган, келажакда қаршимга чиқадиган кургиликларни улар рўй бермасидан унглаб қўйган, менга ризк ташиган, касал бўлсам елкасида кутариб олисларга олиб борган, келажагини менда курган, қанча йиллар бошим узра беминнат соябоним отам... аллақачон Хизр мақомида эканини билмабман-ку! Қим менга отамдай парвона бўларди? Қим мени отамдай дуо қиларди?

Тепамда қўзлари киртайиб тунларни утказган, кексайганида ҳам оғзимга қараб турадиган, “ичингга иссиқ кирсин” деб бир нималарни қийнала-қийнала пишириб оғзимга тутган онаизорим-чи! Бир қуш ҳам тумшуғида ниманидир олиб келиб полапонига тутади, ахир! Мен ўша полапончалик эмасманми? Сиз фаришталардан баҳс этдингиз, ахир, Тангримнинг қай фариштаси бошимда шунчалар парвона бўларди?

Хизрларимни тупрокка берганимдаги фарёдими бир узиму бир Яратган билади. Воҳ, қиблагохим отам-а! Оёқларининг остига жаннат тушалган, жаннатмақоним онам-а! Қайси Хизрнинг оёқлари остига Парвардигор фирдавсу ризвонни поёндоз қилиб тушаб қўйибди?

Рузгоримни саранжом-саришта айлаб, Худойимнинг нурларга тула даргоҳларидан фариштадай жужикларимни ҳадя этган, Тангримнинг менга омонати яна бир зот – мушфик аёлим қимлигидан яна гафлатда қолибманми? Узимча у-бу деб гердаганим билан, у ҳам қўзимга мултираганлари, қаттиқ гапирсам мунгайиб, ширин гапирсам шодланганлари-чи? У ҳам қимнингдир қўзининг оқу қораси экани, унинг ҳам ота-ю онаси йулларига мултираб, дийдорига зор бўлиб қўз тикиб ўтиргани, булардан ташқари, у ҳам аллақачон Она деган муътабар мақомга эришгани-чи?

Рузгоримга тусатдан барака кирганининг сабабини-ям тушуниб етмабман. Гулдай жужикларим фаришта маъсумияти ила мени “Қиблагохим” деб бошларига кутаришибдию у баракалар уша болалар туфайли ёғилганини билмай, Худойим ҳаётимда мени бир Хизри аъзамга рупара килса, рузгорим унганса деб ҳаёл килибман.

Унганса, нима буларди? Қасрлар қурармидим, шохона ҳашамлар ичида яшармидим, маишатларга шунғирмидим? У сарватлар ичида менга нима бор, Худо берган ризкимни болаларим билан бирга утириб еганимга нима етсин? Ахир, дунёнинг оддийгина саодати шу эмасми? Ҳалигача онам билан бир пиёла чой ичишга зорман-ку? Отам қулига сув куйишни қумсаб, уртаниб кетаман-ку? “Яша, болам, умринг узоқ, ризкинг мул булсин” деган бир оғиз дуосига муштокман-ку?

Бир оғиз ширин суз, самимият чакнаган нигоҳлару бениҳоя оддий, инсоний муомилалар... “Ҳой, сиз дунё деган кишлокда жуда оз турдингиз, холос” деган кичкирик янграгани он теграмда тупланадиган кишиларим, устозларим, дустларим, элдошларим, юрагимнинг азиз кишилари! Умримнинг қай бир лаҳзасида сиз ҳам Хизрдай булиб қаршимга чикканингизга ишончим комил, афсус, мен нодон, сизнинг кадрингизни ҳам билмабман!

Тангри таоло бениҳоя тадбирлидир. Ахир, вужуд деган девор нурай бошласа, кузга қуринмас бир бандаси махфий даргоҳларидан келиб, тузатиб қуёлмасмиди? Ҳаётимни ақлим етганича сарҳисоб килиб, ёзуғим не булар экан дея чуқур уйларга толганим маҳал, мен беҳабар яхшиликлару марҳаматлар хазинаси олдинда кутиб турган булса-чи? Тангри таоло бир бошокни ун,

бир уругни минг килади, қай бир эзгу ишим боис савоб хазиналарини аллақачон яратиб қўйган бўлса-чи?

Эҳ, дунё бир бугдойзордай экан. Келибман-у, кетаётган маҳалим уйлаб қарасам, баллиқ қорнидаги Юнусдай эканман. Бир ёруглик, бир нур қўрмабман. Энди, ҳаёт ва мамот тулкилари вужудимни абадият соҳилига чиқариб ташлаётганида, Парвардигорим рўзи маҳшар кунда бошим узра биттагина қовок устиришини орзулаб... нурай бошлаган умр деворлари остида ҳақиқатан ҳам мен билмайдиган ажойиб бир хазина яшириб қўйилганига умидлана-умидлана... кетмоқдаман...

Алвидо, ёр! Алвидо, ёронлар! Алвидо, болаларим!

Алвидо, қўқ осмон, болалигимнинг ёркин дамларида ажралмас уртоғим бўлмиш қуёш, дунёи дундаги илк севги туғёнларимнинг гувоҳи қўҳна ой! Эй юртимнинг соч тузгитар, қўм тузгитар шамоллари, сувлари, майсалари, утлари, қўшлари, жонзотлари... алвидо! Шак-шубҳасиз, бир кун олам янғидан бино бўлади. У кунда дўсту биродарларим, сўйганларим, азиз кишиларим чехрасини қўришимга ишончим қўмил. Лекин, фақат инсон болаларигина абадият осмони остида қайтадан бош қўтардилар. Тоғ-тошлар, тупроқлар, дов-дарахтлар, гулу майсалар, уйнаб оққан зилол сувлар, қўшлару хайвонлар йўқлик қаърига равона бўладилар. Уларни яна қайта қўришнинг сира имқони йўқ...

Аммо ўқинмангиз, суянган тоғим қетди деб... Ахир, мен ўз суянганларим қўшига қетмоқдаман!

Шунчалар ҳақир, шунчалар тупроққа қўришиб қетган, боргани жой тополмай борармиш-да.

Боргани жой, дедик. Ер юзида-я? Нахотки шундай қенг дунёи дунда унга жой бўлмаса?

Йўқ эмиш! Еру осмон хазиналарининг ҳасча қиймати қўлмабди. Қўнботарга қараб қетаверибди. Қўзларидан ёшлари дув-дув туқилармиш. Туқилган жойларида

ут-уланлар бош кутарармиш, хаслар яшил тус олар, чўп кукарармиш.

Эй сафобахши баҳорим, бустоним, кайдасан?  
 Нури дийдам, мушфиким, оромижоним, кайдасан?  
 Эй тириклик боиси, сарви равоним, кайдасан?  
 Ёлғизим, уйда рафиқу меҳрибоним, кайдасан?  
 Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним, кайдасан?

## ОЛТИНЧИ ҚИСМ

Куряпсизми, Ой сузмокда. Аслида уни сузаётгандай курсатаётган булутдир.

Айтадиларки, Ҳазрати Хизр Мусо билан учрашган маҳаллардаёқ улим топган экан. Бунга исбот уларок, оламлар эгасининг “Ҳар бир жон улимни тотгувчидир” каломини далил қилиб келтирадилар.

Ким билсин... Мисол учун, малаклар ҳам жон эгаларидирлар. Лекин, ажал уларга қачон, қай кўринишда етиб келишини биров билмайди. Оламлар Парвардигори ажални ҳам турли-туман қилиб қўймаганми? Инсонга етадиган ажал билан малакка келадигани орасида фарқ бормикин?

Яна, инсон акли етмайдиган муъжизалар тинимсиз содир булаётир. Мисол учун, кимдир кетма-кет киз куравергач, ўғил кўришни ният қилиб, кенжа кизига Уғилой дея исм қўяди, қарабсизки, кейинги фарзанди ўғил бўлиб туғилади. Кимдир давлат олакелсин дея, Давлат деб номлайди. Бирок, эл орасида булардан ҳам кўра, фазлу фаросатли бўлсин дея Фозил ёки Фазлиддин, камоли марҳаматга эришсин дея Камолиддин, Тангрининг суюкли бандаси булақолсин дея Мумин, Муслим, Мухтарам... Яна кимдир куз-қароғига Юнус дея ном беради.

Мухаммад-у Ахмадлар-чи? Иброҳим-у Юсуфлар-чи?

Исмоиллар, адҳамлар, юнуслар, юсуфлар, расуллар, набилар, маҳмудлар, ахмадлар... Тангри сифатларига “Абду” кушилиб ҳосил булган абдуллалар, аъзамлар, азизлар, каримлар, одиллар, кодирлар, қаюмлар, раҳматлар, раҳимлар, сатторлар, жабборлар, қаххорлар...

Элнинг олис-якин кишлокларида умргузaronлик килиб юрган бениҳоя яхши кишилар: ойишалар, ҳанифалар, хожарлар, зулайҳолар, назиралар, ибодатлар, марҳаматлар, ойнисолар, умидалар, мунисалар, муқаддаслар, муқаррамлар, иноятлар, садоқатлар, латофатлар, барнолар, сулувлар... Гул-чечак исми куйилган, узлари ҳаёт дейилган шу бўстонда гулдай очилиб, чаман ҳосил қилган наргисгуллар, ёқутгуллар, гулбаҳорлар...

Райҳонларим... Жамбилларим... Наргисларим... Лолаларим...

Сизлар оддий кишилар эмассизлар!

Ҳар бирингиз олам маъноларини, ота-она умидларини, захмату армонларини ўзида мужассам этган, келажакка тикилган нигоҳларида бир дунё орзу ва умид балққан азизу кадрдон зотларсиз!

Алпанг-талпанг юришни эндигина ўрганиб олган, ота-онасию бобо-момосини “У ким, бу нима” дегандай беҳисоб саволлари билан чарчатадиган беҳзодларим, хумоюнларим, мухриддинларим, хуршидларим, ўқтамларим, холмуроду бекмуродларим, умидларим, азизларим, анварларим...

Ҳа, кимдир “Ҳазрати Хизр дунёдан утди” деди.

Утган бўлса, эл аро захматларни унглаувчи ким?

Кимгадир дуст, кимгадир ёр, кимгадир қиблагох... кимгадир ака, кимгадир ука бўлиб, қаршисига Хизрдай чиқаётган, мушкулларни осон қилаётган ким?

Ким?..

\* \* \*

– Ким? – деб сўради тоғу тошлар орасида, сўкмок бўйида, олдида сувковоғини қўйиб ўтирган соч-соколи ўсик киши, ёнидаги кучугидан. – Фикру мулоҳазалар, ўй-хаёллар селдай оқар экан, эрта бир кун фалокатга айланмасин дея ўнглаб кўядиган ким?

Кучук сал нарига кўнган капалакка караб хурди.

– Ғайриодатий бир воқеага шохид айлаб, одам шахсиятини тамомила ўзгартириб юборадиган, моҳиятларни кўрсатадиган, барчани имону инсофга, кадру кийматга чорлайдиган, аммо ўзи сира кўзга кўринмайдиган ким? – деб сўради у одам.

– Гоҳида жажжи чакалоклар айвонда ўйнаб ётишганида, ўз-ўзидан жилмайиб, кўлчаларини силкитиб чуғурлаб колишади. Уларни кулдираётган, улар билан ўйнаётган ким?

– Дарахтдан мева оламан деб йикилиб тушганимда галати бир куч мени тутиб колганини, ерга оҳиста туширганини аниқ сезганман, – деди у. – Йўкса, пастда учлари найзадай ўтинлар тиккайиб турган эди. Ушалар устига тушсам, аниқ ҳалок бўлардим. Мени яккол ҳалокатдан кутқариб, ёнга оҳиста сурган ким?

– Узингиз кимсиз? Нима учун бу ерда ўтирибсиз? – деб сўрашди ундан.

– Ўтган-кетганга бир коса сув улашсаму савоб топсам дейман, – жавоб килди у. – Аммо неча йилдирки, зоғ ўтмайди. Сал нарига косамни қўйсам, кушлар келиб сув ичишади, шунга суюниб ўтираман.

– Тингланг, эй одамлар! – деди кейин. – Уша олим тўғри айтган экан. Инсон қадами етмаган жойлардаги сон-саноксиз жон эгаларига ризқ бўлсин дея, турфа ўтлару мева-чеваларни ундириб чиқарадиган, ёмғирлару қорларни ёғдирадиган зот албатта бор. Кимсасиз ўрмонларда ҳам баҳор чоғи минглаб тур наботот ўсиб-у-

нади. меваю уруг тугади, ризқлар етилади. Шуларни биров бошқармаса, уз-узидан етилармиди?

Сунг бошини куйи солиштириб, афсус-надомат ила айтарди:

– Дарахтларнинг барглари чайқала бошлади, билмайсизми, шамол келмаётганмикин?

– Келса келар, сизга нима?

– Билмадим-у, лекин жуда қурқаман, – дер эди. – Оғочларни қайириб-синдириб, еру қукда вахшат солиб эсса, қалбим ваҳимага тулиб кетади. Ахир, ҳавони оқувчан қилиб қуйганини қурмаяпсизми? Уз-узидан ҳаракатга келиб қутуриб эса бошласа, мени ҳам дарахтлар сингари эгиб-синдирмаса ёки осмону фалакка қутариб, кейин заранг ерга опкелиб урмасайди деб титраб-қакшайман Эсиб қолса, яширингани жой тополмайман Айтинг-чи, ундан қутулишнинг бирор чораси борми?

– Қизик гапларни гапирар экансиз, – дейишди кишилар. – Шунча йилдан бери гоҳ шиддатли, гоҳ сокин эсиб, узининг ишини бажариб юрибди-ку? Аммо тақводор, имонли кишига ўхшайсиз, бизни ҳам бир дуо қилақолинг, шояд дуоингиз сабаб ҳаётимиз унганса, рўзғорга барака кирса...

## ЕТТИНЧИ ҚИСМ

Бугдойзор ёкалаб қайтаётган Ака мана шуларнинг барини идрок қилгани он, рўпарасида яшил тунли, буйчан бир зотни қурди.

У сираям чол эмас, балки ўзи тенги бир киши экан.

Тиник нигоҳи мулойим боқар, юз-қўзи Тангрининг махфий даргоҳларидан ато этилган билимлар боис нурланиб турар эди.

Ҳайратланарлиси шундаки, у зотнинг сояси йўқ эди.

Ўзи нурдан иборат бўлса, нега соя берсин, ахир?

– Модомики шу ергача етиб келибсан, тила тилагингни! – деди у зот.

Шунда у мазкур зотнинг ҳам Парвардигори олам синовларидан бири эканини англаб етди.

Ичу таши нурга тулиб, меҳру муҳаббат ила қараганида, у зот ҳам қаршисидаги кишининг кунглидан кечганларини англади.

– Эй Бори Парвардигоро! Яқинларимнинг ризкини улуг қилиб бергин. Улуғларимнинг умрини узок, узларини саломат қилгин. Шундай билимларингни билдиргинки, севганларимга, дўстларимга, эл-улусимга, қалби имону инсоф, меҳру муҳаббат ила ёғдуланган барча кишиларга мутлақо эзгуликлар келтирсин. Барчамизнинг ҳаётимизни хайру баракали қилгин! – деб илтижо қилди у.

Хизри замон қулимсираб турарди. Зеро, суралғувчининг ҳоли сурағувчидан ортнқ эмаслиги иккисига ҳам аён эди.

– Овмин! Шундай булсин! – деб дуо қилди у.

Шундан сунг икковлон уз йулларига равона бўлишди.

Бири инсонлар орасига, ҳидоят ва имон қорловлари учун.

Иккинчиси – махфий даргоҳларга, одамлар қузидан ниҳон сирли юмушлари сари.

\* \* \*

Нимаям дердик... Орадан йиллар утгач, айтилган воқеалар замон долғалари остида қумилиб кетади. Ажал Тангрининг шу бандасига ҳам етиб келади. Вақт-соати етиб, жонини Ҳаққа топширади, хушбахтлигу оромга ковушади.

Тавба дейсиз-у, ҳаётнинг улкан қонуниятлари аро ақл етмас муъжизалар ҳар қадамда содир бўлаётганини



кураверасиз. Ҳаёт не? Ёруғ оламга келдик, ўсдик-улғайдик, лаззату ором нималигини билдик. У холда, ажал не? Келганлар кетадилар, иншоллоҳ, янада улканроқ фароғату оромларга ковушадилар. Ахир, не-не зотларни ўз канотида хушбахтлик диёрларига олиб учмаган у.

Ҳа, нимаям дердик... Муъжизалар, солланишлар, имон ва имонсизлик тафовутлари, кибру хаволар, шавку сафо туғёнлари – барча-барчаси ёруғ олам аталмиш завку хайратлар, ғазаблару нафратлар, алдовлару садокатлар, мухаббату хижронлар дунёсида қолиб кетади.

Инсон қадами етмаган жойлардаги сон-саноксиз жон эгаларига ризқ бўлсин дея, турфа утлару дов-драхтлар муттасил униб чиқади, ёмғирлару қорлар ёғади. Кимсасиз ўрмонларда ҳам баҳор чоғи минглаб турнаботот қуққа буй чузади, меваю уруғ тугади, ризқлар етилади.

Хизр кимлигини ўз ҳолича англаб етган у кишидан эса, Вақт деб номланмиш азим китоб саҳифалари аро шу арзимас битиклар қолади, холос...

## ГЕНЕТИК

### Роман

#### *Муқаддима*

Айтадиларки, бир одам дарс ёкалаб келаётиб, катта-коч ёмби толиб олди. Кўйнидан ёнгогини олиб, чакмоқчи бўлиб уринган эди, ёмби бир неча булакка булиниб кетди. "Ялтироқ булгани билан ҳеч нимага ярамас экан-ку", дея афсусланиб, уни отиб юборди-да, қирғоқда қалашиб ётган оддий тошлардан бири билан ёнгогини чакиб еди ҳамда му-род-мақсадига етиб, 51 йулига равона бўлди.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

*“Тонг ота бошлади,  
сунг унинг изидан ер юзи ёришди.  
Сунг қуеш чиқди, ҳаммаёқ ёруғ булди.  
Эр шигит эмаклаб борди, Тангрига йулиқди...”<sup>1</sup>*

## ОНА ТУПРОК

Қишлоқ. Ёз. Жазирама.

Қок туш махали бакатерак остидан заиф бир “пуф” елиб утади.

У – шу маконнинг митти эпкини. Терак баргларини бир чайкатади-ю, ариқ буйига ўзини ташлайди. Яна бирини сув шабадаси дейдилар. Қайрағочдан узокка кетолмай, камбар барглар орасида айланиб эсадиганиям бор. Қуввати кучлироқ булгани сабабли сал берирокка келиб, иссиқда кимир этмай турган жухориларнинг узун, сарик хошияли япрокларини чайкатиб ўйнайди.

Баъзилари йулларда шухлик килишади. Қумок йулдан кетаверинг-чи. Йул уртасида ё четида митти гирдоб ясаб, тупрок тузғитиб пириллаётган қуюнчани куриб қоласиз. Бироздан кейин уз-узидан тиниб, майда хас-чупларни сочиб юборади.

Яна бир турли шабада тонгу шомда бедазорлар томондан эсади. Сахарлаб ўша ёкка кетиб, окшом изига кайтса керак. Бедазорга етгунича томоркалар узра елади. Қушнининг кузи кўр лайчаси уни сезиб, хуради.

– Итга ўхшамай ўл, мунча хурасан? – дейди она унга.

<sup>1</sup> “Ирқ битиги” дан.

Олислардан келадиган қудратли шамол эса теваракни қулрангга узгартириб юборади. Балки чанг кутаргани учун само қул тусига кирар? Аввалига қўқларда елади, кейин пастга тушганида бениҳоя қўқ товушлар ҳосил қилади. Девор бошидаги гувалақлар бугиқ гувуллайди. Буготлардан ҳам шунақа сас чиқади. Дарвоза ёриқларидан кириб, хуштак чалади. Ҳовлида валиш<sup>1</sup> га илиб қўйилган толсават чўплари шириллади. Она дорга осган қирларини уйга олиб кириб кетган. Таранг тортилган чилвир дириллаган сас чиқара бошлайди.

Даладаги товушлар эса тамомила бошқа ва айқаш-уйқаш. Ердаги нухат билан ловия пояси узун, ингичка, тинмай силтанади. Шамол забтида хинонинг қобиғи ёрилиб, ичидаги қизил уругларини сочиб юборади. Маккалар шовуллайди. Дарахтлар остига борсангиз, шитирлаган, читирлаган, зириллаган юзлаб сасларни эшитасиз. Булар орасида қийиллоқлари ҳам бор. Қурмақнинг узун пояси шунақа товуш чиқаради. Дарахт шохдаги қўш палапонлари қўқиб қийиллашади.

Уҳ-хў, уни ўшанда қўрсайдингиз! Ёйиб қўйилган қирларни учиради, мурт терақлар, шохларини бемалол ёйиб юборган тол-уриқлар қарсиллаб синади, танасининг оч-сарғиш бағри очилиб қолади.

У қўпинча ёмғир бўлутларини суриб келади. Бўлутлар ҳам турли-туман. Ораларида чакмоқлари билан келадигани бор, у шиддатли жала қўяди. Томчилари қичқирок бўлса, ҳаммаёқ шовуллайди. Каттарок бўлса, қўлмақларда пуфакчалар ҳосил қилади. Бўтана сувлар ҳасларни аралаштириб оқизади, баъзан ялпиз япроқларини узиб юборади, улар ҳам ҳасларга қўшилиб оқади.

Қайлардадир ёмғир қирқ кеча-қўндуз ёғади, дейдилар. Уммонлар узра шовуллаб қўядиган жалалар ҳам булармиш. Балки дунёнинг бошқа жойларига борсан-

<sup>1</sup> валиш (водий шеvasида) – ишқом.

гиз, ёмғирлари бегона туюлар? Сабаби тафтию хиди, товушлари узга Бизда эса, мол-қуй иси, кимнингдир боласини чакирган овози, чечак аралаш утлок хидлари аро ёккан ёмғир турфа товушлар билан бирга, исларни ҳам ҳосил қилади. Аввалига ер бетларида митти кулранг нуктачалар пайдо бўлади. Унақа нуктачаларни нафақат ер бетиди, балки том устида ҳам кўрасиз. Томчилар дов-дарахт, ут-улан устида туриб қолади. Дала-тузни, тупрок йулларнию сукмоқларни, урилган пичанларни бир хилда қорайтириб-намлаб, шивалаб уради. Кейин ҳаммаёкни шалаббо қилиб ташлайди. Маккапоялар, ер бетиди қолиб кетган нарсалар, қўрадаги эски утинлар – бари бирдай намланади. Урмалаб кетаётган чумоли устига тушса, чумоли қўрқиб тўхтаб қолади. Ургимчак турига тушса, тур эгаси апил-тапил қочади, ёмғир эканини билади. Ҳайвонлар бамайлихотир бош чайқаб, ризқини еяверишади. Паррандалар эса бостирма остига утиб олишади.

Ёмғир остида дарахт шохига чиқиб олиб, осмонга қараб кичкиргим келади.

Қизик, қушлар ёмғирда қочиб кетишмайди. Қарға, зағча, қалдирғоч бемалол учади. Чумчук билан мусича берқиниб олади.

Ёмғир ёкқанида ҳам ёкимли, ҳайбатли оҳанг яралади. Ҳар нарса айри ун чиқара бошлайди. Тол ёнига борсангиз, дарёдай шовуллашини эшитасиз. Сабаби барглари учли, узунчоқ, қайиқчага ўхшайди, ёмғир суви улардан оқиб пастга қуйилади. Терак шитирлайди, япроқлари тиғиз бўлгани учун бир-бирига урилади. Каттароқ баргли дарахтларда дағалроқ товушлар ҳосил бўлади. Қурук шох-шаббалар бошқа, ҳаслар бошқа сас чиқаради, қуллас, бутун борлиққа бастачисию ижрочиси табиат бўлмиш ёмғир мусикаси таралаверади.

– Ҳой бола, бери кел! Ивиб кетибсан-ку! Нима бор ёмғир тагида?

– Ота, ажойблигини қаранг! Момақалдинок зур гумбурлади-я? Мениям каттиқ кичкиргим келди. Чакмокни-чи, қурдингизми? Худо ўша камчи билан булутларни савалаяпти...

Ҳар боланинг калбида бир истеъдоди бор, у кутилмаган саволларни ақлга рўпара қилади.

– Ота?

– Ҳа?

– Куёш нечта?

– Битта-да, болам.

– Йук, унака эмас. Ҳар куни биттадан янги куёш чиқади...

– Ота?

– Ҳа?

– Дунёнинг охирида утлар усмайдими?

– Билмасам, уғлим...

– Усмаса керак, чунки куёш ботиб кетган булади-ку.

– Ота, тоғлар ортида баҳайбат одам яшайдими? Оғзининг ховуридан шамол келадими?

– Куёш орқасида катта учок бор экан. Оламдан ўтган кишилар ўша учокка ўт ёкишармиш...

Болакайлар барча ходисаларга синчиклаб разм солишади, тасаввур орқали ёш онгда пайдо булган саволларга жавоб топишади. Истеъдод учқунланиб, узини шу тарз намоён қилади.

Одамлар эса ўша ходисалар билан биргаликда жонланади. Бир кечаю бир кундуз тинмасдан эсиб, еру кукни қуритиб кетадиган шамол хаёлимда қушнимиз Убай аканинг кичкириклари билан бирга садоланади. Яна, мактаб синфхонасидаги олов гуриллаган қора чуян печка, дераза тиркишидан кираётган елвизакда совқотиб, кулокчинларини тушириб сабоқ олаётган болалар, кузга қуринмас хавонинг зуғумли хайқиришлари аро патлари юлкина-юлкина уясидан нари кетолмай юрган

паррандалар, ниҳоятда зерикарли ва ҳеч кимга кераксиз дунё фанлари намоён булади. Ёмғир десам, баҳор жаласида баъраб шаталок отган қузилар билан бир қаторда, бепоён далалар қуз олдимга келади, қалбимни ширин хислар чулғаб олаверади. Бол деганимда бизникига меҳмон бўлиб келган, олис аجدодларимизнинг қайси бир халқасида қанақадир алоқаси борлиги учун қариндош деса ҳам булаверадиган қишлоқдошларимизни эслайман. Улар билан келган қизалокни қуриб, бир лаҳзага қотиб қолгандим гўё. Қизгина ниҳоятда чиройли эди, аммо чиройи нимада десангиз, жавоб беролмаслигим ҳам бор гап. Қариндошлар ушандан кейин қайтиб келишмади, яшаш жойи Дашти Кипчок эканини билсам-да, тасаввуримда жуда олис, тушунарсиз галати макондай бўлиб қолаверди. Мени довлдиратган – турли ифодаларни акслантирган қук-яшил, гавҳар қузларимиди?

У маҳаллар атлас бурмали куйлақлар урф бўлган, тус қора сочи узун эди... Асалари тудасини курсатганим, уядан оқиб тушган болни берганим, тилига теккизиб қуриб, “Роса ширин экан” деб миннатдор қарагани ҳам эсимда.

Онгим у манзарани қучайтириб, рангларини ёрқинлаштириб, узига жо этган. Қурилган-билинган ходисаларнинг тасаввурда ўзгариб қонланишидан хабар топганимдан кейин шунга диққат қиладиган бўлдим, билсам, айнан мен қуришни истаган шаклда қонлантисар экан.

\* \* \*

Сап-сарик қуёш самога қутарилганида осмон бағридаги бир нечта булут ер бетида аста силжувчи сояларни ва ҳар ер-ҳар ерда осмондан ергача инган ёрқин нур дасталарини ҳосил қилади. Нурлар дов-дарахт ва бута

шоҳларига зар либосини кийдирса, булут куланкалари уларни бирпасда кулрангга буюйди. Офтоб кутарилгани сайин буталар, кичик кирлар, оғочларнинг узун соялари қисқариб, ўзига ўхшамай қолади, кичрая-кичрая, эгалари пойида ётган хуфя аскарларга айланишади. У аскарлар ер бетида ҳар ер-ҳар ерда, худди дала-туз тинчини қуриқлаган каби, ҳар дунг, ҳар тепа, ҳар бута остида туришади, бирининг милтиғи, бирининг камони, яна бирининг қалқони куланка бўлиб қузга ташланади. Теварақда эса аста-секин улуг бир силжиш рӯй беради.

Бундай манзаралар қушнимиз Нисо ҳоланинг қаровсиз теракзори орасида ҳам намоён бўлади. Нисо хола ёлғиз кампир эди, қуни-қушнилари бечорага ҳар қуни овқат чиқаришарди. Теракзор ости соя булгани учун ҳар нарса ғалати тарзда ушиб кетган, масалан, отқулоқ барглари нақ бир қулочга етган, билсангиз, япроғининг иплари бўлади, энг узун иплар ўшандан чиқади. Соя бу ерда ҳаракатланмас, турғун, шу сабабли бошқа ут-уланлар ҳам узайган, ёввойи қузикоринлар одатдагидан анча катта, ҳатто ургимчаклар ҳам катталашиб, улкан турлар туқиган.

Қайрағоч шоҳлари орасидаги асалари тудасини уша ерда тасодифан қуриб қолганман. Остидан утиб кетаётсам, бошимга, сочларим орасига қуюқ бир нима томчилаб, юзимга оқди. Сийпалаб курсам – асал! Суяқ, новвотранг, гул иси анкиб турибди. Тепага қарасам – баланд шоҳ орасида гуж асалари тудаси! Қайдан келганига ақлим етмади. Уша ерга ин қурибди, бол ҳам туплабди.

Отамга айтсам, уйланиб туриб: “Қайдандир ажралиб чиқиб, шу ёққа келиб қолгандир? Эгасини топмасак бўлмас, нима бўлганда ҳам, бировники”, деди.



Лекин асалари сирини отамга Дашти Қипчоқдан келган мехмонлар орасидаги киздан сунг айтганман. У киз келиб-кетгунгача бир-икки кун ичимга сигмай юрганман. Отам ёки укаларим томорканинг уша хилват томонига утишса, асалариларимни куриб қолишмасмикин, дея жон ховучлардим. Асаларилар кечалари қанака ухлашар экан? Қулимга фонар олиб, тунда дарахтга тирмашиб, нима қилаётганини кургим келади. Лекин тунда булса-да, чакиб олиши мумкинлиги ҳайиктиради одамни. Чунки бир-икки кишини асалари тудаси қувлаганини биламан, қулларини хавода силкита-силкита қочишганини ҳам эслайман.

Асалари одамдан бошқа қимни чакиши мумкинлиги хақида уйлайман.

Чумолини чақолмайди, чунки кичкина. Қушниям чақолмайди, пати бор. Ҳайвонларниям чақолмайди, сабаби – териси қалин. Унда, қимни?

– Айик асални яхши куради, деди отам. – Уяси билан купориб олиб, панжаларини ботириб, ялаб-ялаб ейди. Асалхур айик бу атрофда йўқ, булганида ҳам чақолмаслиги аниқ.

– Унда қимни?

– Одамни-да, – кулди отам. – Асалани оламан десанг, чақади.

Душмани одаммикин? Яна ақлим етмайди.

Уя асалга лиммо-лим булса керак. Ҳар замонда бир чақиллаб томади. Томчисига қафтимни тутаман. Шаффоф, тиник, катта томчи. Қарасам, дарахт танаси чумолиларга тулиб кетибди. Ҳаммаси бол ишқида ур-малашяпти.

Бол қайдан келади?

Асалари қайдан топади уни?

Уларни кузатаман. Асалари зириллаб учиб келади, гулкоса ичига қиради. У ерда жуда нозик, чиройли

чангли жойи бор. Уша ерда бир нималарни туплайди. Синчиклаб қарайман-у, болни курмайман. Арилар бирин-кетин учаверишади.

Уша куниек отам кути топиб, юз-кузини латта билан ураб, уяни олиб тушади. Асаларилар гуж булиб эргашади. Отам уяни кути ичига солади, кули билан асалариларни хайдайди. Эҳ-хе, улар сон-саноксиз. Жойлагач, менга узокдан асалини курсатади. Саргиш катакчаларга жойлар экан. Онам берган косани олиб бораман, теграсида асаларилар гужгон уйнаган отам косага асал окизади. Коса ярим булгач, узоклашади. Асаларилар бироз кувиб келишади-да, ортга кайтишади.

Бармоғимни тикиб, ялаб кураман. Жуда лаззатли, томоғим қирлиб, овозим чикмай қолади.

Дашти Кипчокдан келган киз менга уша асални эслатади. Юзи новвотранг, ушандай ширин бир нимадан дарак беради. Пешанасига бир-икки хуснбузар тошган эди, узига ярашгани-чи? Қуллари ҳам эсимда, аланга олдида утирганимизда курганим – одатий каварган, меҳнаткаш куллар эди. Уст тарафи корайган, кафтининг ичи эса нимагадир қизгиш, яъни хино қуйган экан. Роса гапирганим ҳам эсимда, ажабки, нималарни гапирганим ёдда йук. Гапимни тинглаганида хиёл жилмайишига маст булиб, ўзимни курсатгим келгани-чи? Ушанда нима учундир теракнинг учига чикиб, чумчук палапонини олтушгим келган эди. Яна, катта тункани кутара олишимни ҳам курсатганман. Булар майли, дарахту экинзорлар узра учолганимда, кулларимни кенг ёйиб, кукларда чарх уриб айланган булардим.

Кейин эркак-хотин айри-айри овқатланишди. Эркаклар сүрида, хотинлар айвонда, у ёк-бу ёкдан жуда зерикарли гаплардан гапириб утиришди. Ота-боболари шу кишлоқда яшашган экан, у маҳалларда турмуш жуда хароб, шояд унглансак дея узокларга кучиб кетишган-

миш. Сочига чулпи<sup>1</sup> тақиб олган кампир: “Нимагаям уша ёқларга кетган эканмиз, дарвоза тик этса ватанимдан биров келдимикин деб, сочим оқарди”, дея йиғлади. Бу гап-сузлар уз тупидан айрилиб, дарахтга келиб ўрнашган асаларилар тудасини ҳам эсимга солди. Таом ейилиб, фотиҳа килинчак, худди шу тартибда жой тўшалди, ҳамма уйқуга ётди. Энам қадим эртақларни айтиб берди. Олисларда бир хоконнинг кизига Эр Кенжа ошиқ бўлибди. Ҳайе-хуйт деб йулга чиқиб бораверса, тункарилиб ётган бир тошбакани куриб, унглаб куйибди. Яна йулида давом этибди, қараса, ўтлоқларда юрган бир оқ илонга лайлак тумшук солиб турган экан. Илонни кутқарибди. Янаям бораверса, тош остида эзилиб қолган чумолига дуч келибди-ю, тутқунликдан озод қилибди... Терақлар ортидан сарғиш-қизғиш тусли қатта ой қўққа қутарилди. Ёғдуси айвонга тушганида ҳаёлим меҳмон кизнинг сочлари ейилиб ухлаётганини қўз олдимга рўпара қилди, ҳатто, пешанасидаги бир-иккита қизғиш пўрсиллаган ҳуснбузаригача қўрсатди.

Эртасига сахарлаб турганимда меҳмонлар йук, хайрлашиб жунаб кетишган экан.

– Бир чиройли кизчаси бор экан, исми Интизор эмиш, – дейишди хотинлар.

Қизнинг исми Асал эмас, Интизор бўлиб чиккани тасаввуримни ўзгартирмади, балки дарахт шохларидан томган болни татиб куриб, кузида қувонч ила қулган киз билан тунда қутарилган улкан ой бирлашиб, етиб бўлмас армонли манзарага айланиб қолди. У пайтнинг иссиқ, тигиз хавоси, япроқлар орасидан тушиб турган даста қуёш нури ҳамда уша нур дасталарида ёғдуланиб учган капалағу ниначилар, табиатнинг умумий шовқини аро қимнингдир боласини чақирган, қимнингдир

<sup>1</sup> Чулпи – Аёлларнинг сочга тақиладиган ёки қўқракка тушириб юриладиган, қумуш ёки олтиндан ясалган зийнат буюми

кулган, кимнингдир озорли овози, ҳайвон товушлари ва кайдадир шодланиб хурган кучук саслари ила уша тутаб турган нигоҳ бирлашиб, қалбимга жойланди.

Мен у киёфа энди сира узгармаслигини, орадан канча йиллар утса-да, бир хилда малоҳатли бўлиб қолаверишини билмаган эканман. Сафарга кетаётганлар азиз киёфаларни энди сира қўрмайман, деб афсусланишадими-ку? Орадан шунча йил ўтди, қўп кўнларни бошдан кечирдим дейман-у, ичимда ҳалиям уша болакай яшаётганини сезиб тураман. Манзараларга қараб қувонсам, у ҳам қикирлаб кулади. Асал киз ҳам ичимда уша малоҳати ила узгармасдан қолган...



Асаларидай беозор, тартибли ҳашарот йўқ дейишди. Катталар айтишича, бол туплашндан ташқари, гул-чечакни чанглантлар эмнш. Баҳор иссиқларида чаман бўлиб очилган гуллар орасида, албатта, асалари манзараси бор. “Биз ҳам асаларидай тинмаймиз, – дейди отам. – Аммо ташиб қелган ризқимиз қайда-ю, асал қайда?”

Сигир деярли барча хонадонларда бор. Қайси ўтти ёқтириб ейишини, қай бири зарар эканини ҳамма яхши билади. Хотинлар даладан ғарамлаб ўт ўриб келишганини қўп қўрганман. Таом тайёрлагандаги сабзавот пўчоқларию овқатнинг қолган-қутгани берилаверади. Узимизнинг сигирларга нима берсангиз еяверади – қўрмакни, шўрани, макка поясини, ажриқни, бедани, арпани ёқтиради. Ажрик тез сувсатади, қўрмак пояси сувли бўлгани учун суғормасангиз ҳам бўлаверади. Семизўт ичини ўтказиб юборади, бангидевона миясини айнитиб қўяди. Дарахт баргларида тол, беҳи, гилос, узум барглари охурига солса бўлади, терак баргини бермагин, заҳари бор, дейдилар.

– Худон таолонинг кудратини кўр, – дейишади кишилар. – Утлаб-семирадиган, ҳар йили уз-узидан купа-диган гуштни қаерда кўргансан?

Мол-ҳолга бундай баҳо мени хайратлантиради.

– Суймасанг, сут-катик бериб юраверади. Суйсанг -- гушт-да...

Кузда болалар мол-ҳолни дала-тузга ҳайдашади. Бизнинг сигир эсли, кеч кирган маҳал уйни ўзи топиб келади.

Сигир туғса қувонишади, оклик дейишади. Сутининг ранги оқ булгани учунми? Бузоқ оеклари титраб-титраб, майишиб-майишиб сигирга интилади. Сигир уни роса ялаб-юлкайди, шунда чиройли юнгада палахса-палахса, қорамтир ҳул излар қолади. Мана шу ҳолат хотинларнинг раҳмини келтиради. “Вой бечора, эна-да” дея кузларига ёш ҳам олишади.

Сигир фақат тукканидан кейингина сут бера бошлашини ушанда билиб олганман. Унгача ҳар доим сут бераверса керак деб уйлаган эканман.

Бузоқча кузларини бир нуктадан узмай, тумшуғи билан туртиб-туртиб эмади. Гоҳо каттикроқ туртса, сигир бечора мункиб кетади, озорланиб, бошини буриб муърайди, аммо тепмайди.

Илк сути бурда-бурда, тахир таъмли, уни ёш болаларга беришади.

Кейин ҳар тонг сут соғилаверади.

Челакдаги сут устига дока ёпиб, осиб қўйишади. Анча тургач, устини қаймоқ бойлайди. Болалар қаймоқни сидириб олиб ейишади.

Аввалроқ ивитилган қатикдан озгина солиб, устини ураб қўйса, катик булади. Уни матога ураб қуёшга қўйса, пишлокка айланади.

Сут табиатнинг ҳамма жойида мавжуд. Масалан, асалари сути. Асли қанақа эканни билмайман, отам

олиб келади. Лекин таъми тахир булади. Гудаклар, болалар шамолласа, қошиқ учида беришади

Ўт-улану дарахтларнинг ҳам сути бор. Момакай-моқнинг оч-яшил пояси найчага ухшайди, иккига булсангиз, аччиқ таъмли оппоқ суюқлик тошиб чиқади.

Қуй, туя сутиниям ичиш мумкин. Эчки сутини касалларга ичиришади. Мол, қуй, эчки сутидан курут килишади. Мушук-кучукларнинг ҳам сути бор, албатта. Гоҳо далаларнинг четларида, салкинроқ жойда болалаган ит ёнбошлаб ётганини, кузи эндигина очилган уч-тўртта кучуквачча каторасига эмиб ётганини куриб қоласиз.

Ез жазирамаларида қорни қаппайиб, зурга юрган ҳайвонларни қурганмисиз? Хотинларнинг раҳми келиб, олдига товоқда ёгулик қуйишади. Кечагина ириллаб юрган итнинг зугуми ғойиб булган, болалар яқинига борса ҳам мултираб қарайди. “Менга тегма, аҳволимни қурмаяпсанми, деяпти”, дейишади хотинлар. Ёгуликни ёб, кейин лапанлаганича ўз жойига қараб кетади.

Умуман, сут муқаддас нарса. Ерга сут тўкилса, айниқса, хотинларнинг жони чиқади, сутни тўккан болани аямай уришади:

– Нега тўқдинг, бола булмайдил! Кузинг қур бўлиб қолади-я!

Қайсарроқ – кимнингдир феълидан суз кетса, “Сут билан қирган жон билан чиқади”, деб ҳам қуйишади.

Қўшни боланинг қулоғи оғриб қолади.

– Қулоғига сут томиз!

– Уни қайдан оламан?

– Нариги қўшнининг келини кузи ёриган, ушанга айтсанг беради.

Сут томизилса, қулоқ оғриғи барҳам топади.

Кушни хотинни “Кукал хола” деб чакиргин, дейишади. Чунки куни-кушнининг боласи очкаб йиғласа, эмизиб қуяверар, сутини қизганмас экан. Теградаги учтўрт хонадоннинг болалари шу тарика кукалдош бўлиб қолишган. Кукал хола буюрган ишнини адо этган болаларга “Эмизган сутим ҳалол булсин” дейди, шухрокларини эса, “Берган сутимга рози булмайман” деб қурқитади.

Ёши каттарок болаларга хотинлар: “Ҳозир эмизиб қуяман”, дея пуниса қилиши-чи? “Э, бор-э”, деб тўнғиллаб нари қочишади болалар. Чунки эмизиб қўйса, мазахга қолади.

Чақалокчалар қулчалари билан онасининг қуйлагига тирмашиб олиб, эмиб ётишади. У маҳалда нигоҳлари сокин бўлиб қолади, ияклари титраб, оқи хиёл қўқимтир, қорачиғи катта қўзларини бир нуқтага тикиб, мик-мик эмаверишади.



Шундай қилиб, ёмғирдан кейинги кучаларнинг лойлари аро уйга қирамиз. Юмушлар барҳам топиб, кеч маҳали сандал атрофига тизиламиз. Бениҳоя қизиқарли маталлар вақти келади.

Сандал атрофида қариялар эртак бошлашади, шулардан бири – Нух алайҳиссалом ҳақида.

...Бир куни Нух алайҳиссаломнинг хотини нон ёпибди. Нонлари кип-қизариб, пўрсиллаб пишибди. Тандирдан узиб саватга солаётса, қули қуйиб, биттаси ерга тушибди.

– Енгча<sup>1</sup>си йўғаканми?

<sup>1</sup>Енгча – тандирдан нон узилаётганда қийиладиган, биласқача етадиган, қалинроқ матодан ичиға пахта солиб тикилган утун қўлқон. Бир тарафи қорайиб-қуйиб кетган бўлади, ёмғирда намланса, қуйиқ иси шикийди. Хотинлар янги пилган иссиқ нонларни ўпа енгча билан узишади.

– Боракан-у, аммо қулига кийволиш эсидан чикқан экан. Ёки нон ёпаверганидан илма-тешик бўлиб кетганими?

Хуллас, нон ерга тушганида хотин:

– Ҳаҳ, улгур, – дебди.

Шунда Нух пайгамбар айтибдики:

– Ҳой нодон, ризкниям сукадими одам? Қани, тавба қил-да, нонни ердан олиб кузингга сур-чи!

Хотин шундай қилибди. Ерга тушган нон булагини олиб, пуф-пуфлаб кузга суртиш одати ушандан қолганимиш...

Маталларнинг қупида хотинлар нодон қилиб тасвирланишига ақлим шошади. Ташқарига чикқанимда уларга қизиксиниб қарайман, сираям нодонга ўхшашмайди.

Пайгамбар дейишса, ҳаёлимга тун кийиб, белига белбоғ боғлаган нуроний, насиҳатчи чоллар келади. Айтадиларки, Нух алайҳиссаломнинг уч ўгли бўлган, тунгичидан бизнинг ота-боболар таркаган экан. Бу ривоятга одамнинг ақли бовар қилмайди – пайгамбар қайда-ю, биз қайда?

\* \* \*

Одамлар ҳамма нарсани ўзгартириб, жон ато этиб олишганига яна ҳайрон қоласиз. Масалан, ноннинг жони бормидики, гапирса?

– Нонни тесқари қуйма, гуноҳ бўлади.

– Нега?

– Ризқинг кийилади.

– Кучукни урма!

– Нега?

– Эрта бир кун Эгамга сендан шикоят қилади. “Уни кучли, мени заиф қилиб яратувдинг, уриб жонимни оғритди”, дейди.

– Қиблага қараб чоптирма.



- Нега?
- Мохов бупколасан.
- Кечаси ташқарига бир узинг чикма.
- Нега?
- Озикчи опкетиб қолади.

“Озикчи” нималигини биров билмаса-да, ҳамма болалар ундан қурқади. Бу ғалати суз озик тиши билан уйқашлиги учун, назаримда, ухшовсиз тиржайиб, ой нури тукилган кечаларда дайдиб юрадиган, курак тиши оғзидан козикадай чикиб турадиган бемаъни бир яратик киефасида гавдаланади. Болаларни нега опкетади, биров билмайди, аммо катта козонга сув солиб, кайнатиб шурва қилиб ичади, деб қуркитишади.

Қиш тунлари узундан-узук, болалар сандал четига тикилиб олиб, катталарнинг ваҳимали хикояларини кулок кокмай эшитишларини ҳам айтайми? Одамларни адаштириб кетадиган ғалати кишилар, йул ёқасидаги дев, киз киефасидаги ажина, қора юзли киши ҳақида-чи?



У маскан узра тунлари ёғдуланган Оймомо – факат шу жойларнинг момоси. Узга маконларда Ой бунака қуринмайди, номиям момо эмас, дейдилар. Тог орасидан қалққан ёки адоксиз сахроларнинг Ойи бутунлай бошқа қуринишга эга эмиш. Дов-дарахт иси анкиган кечаларда, тутлару тераклар ортидан ҳаволанган узимизнинг ой жуда азиз.

Тавба, Ой десам, хаёлимда София холам жонланади. Ниҳоятда беозор, қалби ёруғликка тўла муштипар хотин эди. София холам десам, юксакларда ёғду сочган ажойиб Оймомо ёдга келади.

Тенгдошларим билан дала-тузни кезар эканман, дашт қорақушига қуп дуч келардим. Бошқа қушлар-

дан фарк килиб, ҳакалаб юрар, ҳаслар орасидан бир нималарни излагани-излаган эди. Неча марта тош ё кесак отганмиз, лекин бирон марта ҳам теккизолмаганмиз. Одамлар боравермайдиган жойларга ҳаслардан ураб-чирмаб, халтача шаклида ин қуради. Мен қурган инлар бум-буш, қорақуш қачонлардир унда тухум босиб утирган, нар қуш емиш ташиган, сунгра жиш палапонларини учирма килиб, ташлаб кетган булса керак. Дала-туз сира узгармади, назаримда, минг йиллар аввал шундай эди, эндиам шундай қолаверса керак деб уйлайман.

Одамлар ҳаёти эса ўша-ўша тарзда давом этарди:

– Ҳой, бола булмай кет! Сени нимага тукқанман, дала-даштда санқигин дебми? Бор, ишингни қил! Ҳамма юмуш битта ўзимгами?

Теварак нимага бунақа? Нега қуш учадиган, кумурска ўрмалайдиган, сигир қавш қайтарадиган, кучук хурадиган килиб яратилган?

Тенгдошлар билан ҳам шу мавзуда гаплашиб қоламиз:

– Нимага Худо бизни одам қилиб яратган?

– Бир қуни катта бўлиб, бола-чака кўрсин деб.

Ҳақиқатан ҳам, ўша маҳал ача эшитганларим орасидаги энг туғри фикр шу бўлиб туюларди. Бутун тева-ракнинг қилаётган иши фақат шугина, яъни дов-дарахт мева солар, қузда баргларини тукиб уйқуга кетар, бир неча йил утгач, қуриб, йуқлик оламига жунади. Ҳамма нарса яратилиш ва ҳазонга айланиш ҳукми остида экан, одам ҳам шуларнинг бири деб уйлаш ҳаётни осонлаштирарди. Қилар ишинг фақат ризк териш, уйга емиш ташиш, бола-чака катта қилиш, шуни эплаёлсанг олам гулистондай туюларди. Яъни, захмат чекаётган бутун элнинг ҳаёти дашт қорақушиникидан ортқ эмас эди.

Меҳнатлар эса давом этарди. Самода узимизнинг булутлар сузар, ёмғиру қорлар ёғар, қуёш чиқиб-ботар, қишлоқ тепасидан шамоллар елиб, тасаввурни жуда олисларга – хилват ва бепоён урмонларга, ажойибот улқаларига, уммонлару музлар маконларига олиб кетар, озод-озод, одамни сармаст қиладиган гузалликлар диёрига етакларди.

Дунёнинг қаерларидадир қуз қуриб, қулоқ эшитмаган ажойиботлар бор, биз яшаган қишлоқ эса туссиз, зерикарли, ипидан игнасиғача урганиб чиқилган, қункилган макон бўлиб туюларди-да.

– Ҳой яшшамагур! Ташла китобингни! Уқиб одам булармидинг?

– Бор, молга ут уриб кел!

– Ерни чопиб қуймабсан-ку, аҳмоқ? Неча марта айтаман сенга?

Бундай қойишлар болаларга қуп ҳам таъсир қилавермас, ими-жимиди юмушларини битириб, яна уйинга машғул бўлиб кетаверишарди.

Усмир ун икки ёшида халиям бола булади. Ун туртга ўтганида эса мўйлови сабза уради, юзигаю пешанасига бужамалар тошиб, овози дуриллай бошлаганида катталар насихатга утишади:

– Қап-катта бўлиб қолдинг, энди рузғоргаям қараш. Шу туришда юравермай, бирор ишни бошини туттишни ўйла.

Қанака ишни бошини туттишга ақл етавермайди. Лекин катталар нима деса шу: индамай буйин эгиб кетаверасиз. Ё томорқада етилган мева-сабзавотларни опчиқиб сотасиз, мол-қуй семиртирасиз, ё терак эксангиз, беш-олти йилда иморатга яраб қолади. Бунга буйнингиз ёр бермаса, ана, сувчилик ёки тракторчилик қилинг... Отангиз туғри айтибди, ростдан ҳам, ёш бола эмассиз-ку?



Тавба, куш десалар, хаёлимда уясида тухум босиб ўтирган дашт қорақушию қора чумчуқлар намоён бўлади. Бу манзараларнинг ҳаракатли экани ажаб.

Сигир десалар, пов-пов қупириб соғилган, кейин нимагадир ерга тукилган сут манзарасини кўраман.

Нега айнан тукилган сут жонланишига аклим етмайди.

Инсонларнинг қиёфалари ҳам маълум воқеа-ҳодисалар билан бирлашиб кетган, кимни эсламай, қайсидир воқеага боғлиқ ҳолда жонланади. Убай акани шамоллар билан бирга тасаввур қиламан, София холам ой манзараси билан уйқаш, Дашти Қипчоқдан келган сулув қиз бол ва асал ҳосил қилади, онамни ялпиз, райҳон ҳамда гул очган чечаклар ёнида, отамни қулида болта ёки арра, кесилган дарахт шохлари ёки яхшилаб ағдариб чикилган майдон ўртасида кўраман. Узимни мана шу манзаралар ичида учиб юрган боларисидай тасаввур қиламан, қай манзарага яқинлашсам, уша катталашиб, майда-чуйдаларигача намоён бўлади.

Яна анча йиллар ўтгач, улғайганимдан сунг ҳам сира ўзгармаган далалар аро бошқа уфқлар юз курсатиши хаёлимга келмас эди. Ҳали яна қуп воқеалар хотирага муҳрланишини, фурсат булганида ҳар воқеани турган жойидан олиб айлантриб томоша қилиш мумкинлигидан хабарим йўқ эди-да. Кишилар оламдан беҳабар, шу митти ҳудудда оддийгина умр кечирар эдилар. Ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди: на ҳалокатли билимлар, ҳаёт ўрнига ўлиму барақа ўрнига фалокат келтирувчи ризқлар, на дунё бўйлаб кезиб юрган сон-саноксиз кишилар, на ҳаволарни янгилаб, фаслларни ўзгартириб эсадиган мавсум шамоллари...

## Лайлатулкадр

Уша йили руза кузга туғри келган эди.

Катталар болаларни руза тутишга ундашар, тутиш-маса куп ҳам мажбурлайвермас эдилар. Менга ҳам бобом уч-тўрт марта пуписа килди, кўркканимдан “хўп” десам ҳам, салдан кейин корним очкаб, тахта кутидаги нонлардан бирини билдирмасдан қўйнимга солиб, томоркадаги маккапоялар ортига утиб, шоша-пиша еб олганим эсимда.

Одамлар нима учун бунчалар кийналиб руза тутишларига аклим етмасди. Оч юриш-дан Худога нима наф? Худо ҳақидаги тасаввурим ҳам йўқ, ҳамма ундан кўркишини билардим, чунки сал нарсига “Худодан кўркмайсанми?” дея гапиришганини куп эшитганман. Назаримда, руза тутиш ҳам шу кўркув туфайли эди, мен бобомнинг кузини шамғалат килиб, корнимни туйдириб олганимдан кейин кул ёки оёғим ишламай қолишини хавотирланиб роса кутдим, аммо ҳеч нима руй бермагач, “Катталар алдашибди” деган тухтамга келдим.

Руза охирлай бошлаганида одамлар орасида Лайлатулкадр ва Хизр бува ҳақидаги гаплар пайдо бўлди. Хизр – узимизнинг оксоколларга ухшаб кетадиган бир чол бўлиб, кузга гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай, мана шундай кечаларда эл оралаб юрар, рўпара келганларнинг мушкулларини осон килар эмиш.

Кечаси одамлар дуо килиб ўтиришар экан, Лайлатулкадрни лайлакка ухшаган бир куш деб уйлаганман. Қанотини қоқиб ўтиб кетса, одамларнинг дуоси ижобат бўлар, хатто, ушлаб ўтирган нарсаси тиллага айланиб колармиш.

Бу борада кўркинчли гаплар ҳам борийди.

Бир хотин боласини эмизиб утирса, Лайлатулкадр келқолибди. Суюнганидан ҳар нарсаларни тилабди, бир

маҳал боласига қараса, аллақачон тиллага айланиб қолганмиш. “Войдод, бойлик сурамай мен улай” дея, тилла болани кучоклаб, фарёд ура-ура ақлдан озганмиш.

Кимлардир уни кутиб, томда ухлашганини ҳам айтишади. Авваллари шундай кечаларда мен ҳам ухлаб қолар эдим. Бу сафар кизиқиб ухламадим.

Тун ярмига борган маҳал, томорка адогидан, қушнинг тераклари ортидан ой самога кутарилган, Убай ака уйига чиқиб кетган, Холис аям билан София холам сурида эдилар.

Бир пайт кунботар тараф яллиғланиб кетди. Қип-қизил, ғалати яллиғ эди у. Йук, садо келмади, шунчаки яллиғланди. Осмоннинг ярмини энлаб олди. Кейин орасидан жуда ёруғ бир нима тиккасига самога кутарилди.

– Вой, ана Лайлатулқадр! – деди София холам. Кейин қуллари калтираганича дуога қул очиб, йиғлаб юборди:

– Эй Художон, узингга шукур! Узингга бениҳоя шукур!

Лайлатулқадр шунака булар экан-да! Яллиғнинг хайбати ақлимни шоширди, маълум вақтдан кейин сунса-да, одамлар ҳаяжонланиб жаврашар, купчилик ухламаган, ғала-ғовур тинмасди.



Орадан бир неча кун ўтгач, уша тунда яллиғланган синоатнинг, шунча кишиларни йиғлашга, қисмат хўрликлари аро ёлворишга ундаган ходисанинг сири очилди.

Биздан олисда, уша асал юзли кизалок яшайдиган Дашти Қипчоқ томонларда ҳарбийлар бор экан. Ер остига ракеталар жойлаштирилган экан. Ҳарбийлар истагани он ер сурилиб, остидаги ракета самога отилармиш. Жуда баҳайбат, узокка учадиган нарса булар

экан. Бориб тушган жойининг кулини кукка совуриб юборадиган қудратга эга эмиш...

– У қуроллар кимники?

– Давлатники.

– Давлат ким?

– Ҳар хил нарсаларни сурайвермайди, бола деган. Тек ўтириб нонингни е!

Лайлатулкадр ҳамда Хизр хақида бундан бошқа кулгилирок гап-сузлар ҳам юрарди. Шу кишлоқлик бир йигит кечаси эгатларга сув тараб юрган экан, иттифоқо бир бува сувдан хабар олгани чиқибди. Дахана толлар остида экан. Тунда, ой ёруғида бораётса, халиги йигит бувани қуриб, тили калимага келмасдан серрайиб туриб қолибди. Кейин жон ҳолатда югуриб келиб, икки қуллаб бош бармоғини ушлаб олибди.

– Қанақа аҳмоқ боласан, қуйвор қулимни! – десаям қуйвормасмиш.

– Жон бува, дуо қилинг, рузгоримга барака кирсин. Заҳматда қийналиб кетдик. Иккита қизим бор, битта ўғил ҳам берсин! – дермиш ёлвориб.

Шу тарика, тупроқ кўчалар, гувалак деворлар, лойсувок уйлар, иссиқда хансираган дала-туз, ҳар нарсага дарров ишонаверадиган содда одамлар аро улғаярдик тенгу туш. Хизри Илёс, Нух пайғамбар, кадр кечалари, одамлар оғзида юрадиган турли-туман ривоятлар тобора узоклашиб, олислашиб борарди.

### София холам

София холам – эсини таниб-танимасдан турмушга чиққан кишлоқ аёли эди. Данақдайлигидан онасининг ёнига кириб митти муштчалари билан хамир қорган, ҳовли супурган, томорқада ут юлган, сигир-қуйларга қараган, кишнинг совукларида утин кутариб сандалга олов қалаган... шу меҳнатлар аро бир куни келин бўлишни, кенг-мул, иссиқ уйда болаларини катта қилишни орзулаган бўлса ажабмас

Мен эсимни таниганимда эса кап-катта хотинга айланган, биринчи турмуши бузилиб, эри киз туккани учун хайдаб юборгач, орадан канчадир вақт утиб, ёши анча катта бошка бир одамга турмушга чиккан эди.

Турмушга чикқач, уйимизга келишлари ҳам серсилиб колди. Авваллари куп келарди. “Тулпок, вазмин бола эдинг, даладан кайтишда сени кумсаб уловдан тушиб колиб, шунча йулга пиёда келар, кўтариб бағримга босганимдан кейингина шом қоронғисида уйимга кетардим”, деган эди бир пайтлар. Бу гапларнинг маъносига ушанда ақлим етса, қанийди? Унинг маъноси – шом қоронғисида, чарчаган булишига қарамасдан анча йул босиб, бир-икки ёшга тулиб-тулмаган жиянини кўришга келган холанинг иддаоси эмас, балки “Сени жудаям яхши курардим” деган иқрор эканини мен нодон, кейинрок англаб етдим.

София холам диёнатли, покиза аёл эди. Уникига уйнагани борардим. Борсам, дарров дастурхон ёзиб, кандкурс, туршак опчиқарди. “Жияним мени кургани келди”, деб кувониб кетарди-да. Холамнинг томорқасида катта тут бор эди, шохларига чумчуклар ин курган булиб, палапонларини олишга кизиқардик. Лекин тепага чиккани курқардик, чунки у ерда катта илон бориёди. Илондан хайикишимиз бешбаттар кизиктирарди, тут остига якин боролмасдан, узоқрокдан туриб шохларига уралиб олганми-йўқми, дея кузатардик. Мабодо кимдир юрак ютиб тут танасига урлагани оң, бироз кутиб тургач, баримиз бараварига “Илон!” деб бакирсак, ботир дустимиз уша захоти узини пастга ташлаб, тирақайлаб кочса, котиб-котиб кулардик. Бу ёқда илон ваҳимасидан титрасак, у ёқда холам койиб қоларди.

– Ҳой болалар, тегманглар! Бечорани Худо шунака, судралиб юрадиган килиб яратган. Ризкини излаб юрган бир махлук-да, шурлик...



Холамнинг исми бошқа аёллар исмига ухшамаслиги хайрон колдирарди. Бизнинг кишлокдаги аёлларнинг исмлари Ойнисо, Турғуннисо, Хосият, Назира, Ибодат... булиб, бегонарок бундай исмни хеч нимадан хабари йук, умрини далада дехкончилик билан утказган бувам қайдан топиб қўяколган экан? Табиийки, маъносини ҳам билмасдим. Аёл исмига “ой” ёки “хон” кушиб айтилгани учун, холамини ҳамма “Софияхон” ёки “Софияой” деб чакирарди, кишлок тилида у аллакачон “Сапия”га айланиб кетган эди. Софияой деган исм менга кўпрок ёккани учун, тунги булутлар орасидан куринган хаёлий тулин ой манзарасини ёдимга солади.

Дастурхон устида гоҳо танбех ҳам берарди:

– Нонни унг қулинг билан е!

– Чап қулим билан есам нима кипти?

– Чап қулинг билан есанг, куриб шол булиб қолади.

Мен эса бекитиқча чап қулим билан нонни ушлаб курар, қулим шол булиб колмагач, холамнинг гапларига кулардим.

Бошқа угитлари ҳам шунака эди:

– Калишни унг оёғингдан кий!

– Нимага?

– Оёғинг ишламай қолади!

– Чумолини улдирма, мени нимага улдирдинг, деб қаргайди!

– Утларни пайхон қилма, уларнинг ҳам жони бор, худо дейди!

Табиийки, холам айтган бари тақиқларнинг терсини килиб курар ва курқувлари беҳуда эканига, мени алдаганига ишонардим.

Холамнинг назарида, ҳар нарсанинг жони бор ва ҳаммаси “Худо” деб униб-усар эди.

Мен улғайганимда холам кампир бўлиб колган эди. Уша нурни, уша юзларни ҳалигача соғинаман. Гоҳо, тун-кечаларда бирданига кўргим келиб қолади. Майин жилмайишини, юзидаги поклик ва мусаффоликни кўмсайман.

Улғайгач, исмининг мазмунидан хабар топдим. “София” – юнончада “илохий донолик”, арабчада “мусаффолик” деган маъноларни англатишини билганимда, “Албатта, холамга айтаман, эшитиб суюнади” деб уйлаганман. У маҳал холамнинг менга меҳри янада ортган, “полвон болам” деб суяр эди. Бир куни йўқлаб борганимда шуларни хикоя қилиб бердим.

– Хола, исмингизнинг маъноси жудаям булакча экан.

– Қанақа экан?

– Қадим замонларда София деган бир киз тушида ойнинг ерга тушганини курибди<sup>1</sup>. Сўнг туши унгидан келибди, яъни муборак бир кишига турмушга чиқибди.

– Ростданми? – холамнинг кузлари жикка ёшга тўлиб кетди. – Шунақа воқеа ростдан ҳам бўлган эканми?

– Ҳа, хола, бўлган экан.

– Катта китоблардан уқидингми?

– Ҳа, катта китоблардан уқидим.

– Эй Худойим, – деди холам, овози титраб, бирданига кўзининг ёши дув оқиб. – Мени шунақа қилиб яратган эдингми?

– Хола, нимага йиғляяпсиз? – деб сўрадим тушунмасдан, бирор нозуя гап айтиб қўйдимми дея хавотирга тушиб.

– Мен ҳам кўрган эдим, – деди кузлари жикка ёш холам, юзига гайриоддий бир нур иниб. – Кичкина қизалоқ эдим. Тушимга оппоқ соқолли бир чол қирган эди. Ушани имоси билан ой ерга тушувди...

<sup>1</sup> Пайгамбарини Мухаммад алайҳиссаломнинг аёли, ҳазрати София онамизга ишора.

– Йўғ-э?

– Ҳа, болам, – деди. – У сираям катта эмас, мен тенги бир кизча экан. Иккаламиз қул ушлашиб, шудринг босган томорқаларда роса уйнаганмиз. Менга узининг хикоясини ҳам айтиб берган.

– Қанақа хикоя экан?

– Ой хикояси бўлади-ю, оддий булсинми? Жуда ажойиб эди.

– Айтиб беринг.

– Эсимда қолгани шуки, – жилмайди холам. – Сен ҳам, мен ҳам бежиз яралмаганмиз, деган эди. Ундан: “Бепоен осмонда бир ўзинг зерикмайсанми”, деб сураганимда, “Зерикаман, чунки сендака уртоғим йуқ-да”, дегани эсимда. “Бир куни Худонинг суйган бир бандасига турмушга чикаман, менинг яралишимнинг хикмати уша банданинг хизматини қилиш”, деган эди. Яна, “Сен ҳам ажойиб бир кишига турмушга чикасан, ҳаёт осмонида ойдайд балқиб, бир этак болаларинг бўлади, то ҳаётинг сунгигача инсонлар калбини ёритиб турасан”, деди. Аммо, ўзи ҳақида неки айтган бўлса, қули унутилган. Балки унутмагандирман? Балки у айтмаган-у, ўзим шунақа ҳаёл қилгандирман? Шуларни айтгач, “Юр, уйнаймиз” деганида, қушилиб чопганим, шудринглар оёқларимни ҳул қилгани ҳам эсимда. У маҳал кичкинагина кизалок эдим-да... – хурсинди холам. – Мана, энди қаридим...

“Уйлаб қарасам, бутун умрим меҳнатда утибди, – деди бир куни. – Эсимни таниганимдан бери рузгордан ортмабман. На уйнаб-қулибман, на еб-ичибман. Болаларим дуркун ўссин, зорикмасин дея, айни куч-қувватга тулган маҳалимда далаларда чопиқ қилибман, тутқаторларда ут ўриб, бошимга қўйиб қутариб келибман, толиб-тутиб овқатлар пиширибман. Қарасам, умр утиб кетибди...

Уксиниб кетаман. Бир умрни яшабман-ку, мендан болаларимга нима колди, деб хайрон буламан. Бари одобли, эсли-хушли бўлиб усишди, энг катта мерос шу-да, дейман. Гоҳида эса... поччанг билан меҳнатлар кила-кила кўтарган уйимизнинг гувалакларига, синчларига тикилиб, кўзимга ёш келади. Қалдирғоч келиб, айвонимизга ин қуради, бола очади, кейин палапонини учирма килиб, куз махали узиям учиб кетади. Мен ҳам, поччанг ҳам дунёга бир қушдай учиб келдик, омонат ин курдик, болаларимизни оёққа куйиб, кейин учиб кетадигандаймиз...”

Холамнинг гаплари у ҳақдаги тасаввурларимни буткул узгартириб юборди

София холам дейилганида бол, сут ва ой бир жойга жамлангани-чи? Сузи болдан ширин, калби сутдай оқ, юзи ойдаи малоҳатли бўлиб, қалбимнинг ичидан урин олгани-чи. Йукса, бугдойранг, озгиндан келган, баланд бўйли бир хотин эди. Энди ҳар гал борганимда уни севинтирадиган майда-чуйдалар кутариб борар, озгин кўлларини кафтимга олиб силар, юзимга сурар, кўзимга босиб тавоф килар эдим. Нега дейсизми? Чунки меҳнатлару заҳматлар ичра умри утган шу мушфик-меҳрибон зотнинг бир тола сочини махсус лабораторияларда тадқиқ қилганимда, дунё олимларининг аклини шошириб қуядиган хазинага – олам аро энг ноёб, энг мусаффо Момо Ҳаво генига рупара келган эдим...

Момо Ҳаво гени... Замонавий фан совуқконлик билан “L-турли ген” деб ном берган бу муборак халқалар инсониятнинг бутун утмиши харитасида Сомон йули каби шуълаланади. Тангри таолонинг жаннатини кўрган, соддалиги ва ишонувчанлиги бонс илон хийласига йуликкан муқаддас, бекиёс гузал Онадан ҳикоя килади...

Бирок бу мавзуга ҳали анча бор. Ҳали бизлар коналарида шавкатли даврларнинг англанмас шавку шид-

дати яшаётган яна аллақанча кишиларни куришимиз керак. Пайкаяпсизми, болакайлар биров ўргатмаса ҳам беҳидан ёй, толдан ук ясаб, елкаларига осиб юришибди. Муштдайлигидан от устида ёпишиб колгандай утиришини айтмайсизми? Кузларида жасурлик учкунланмоқда. Турли жон эгаларидан сира ҳайнқмай, олди-га бормоқда, гуё уларнинг ягона ҳукмдори ўзи каби... Дунёга келаётган жужани диккат билан кузатмоқда, тухум ташидан синса – улим, ичидан синса ҳаёт эканини билиб олмоқда. Усармикин-ўсмасмикин деб, шафтоли танасига ковун уругини тикиб кўрмоқда. Дарахтдан олиб тушган чумчук палапонига турли ёмишларни егишишга уринмоқда. Сувсарни улдириб кўйиб, тепасида хайрон бўлиб утирибди: жони қайга кетди, дея...

Ҳамиша соғ-саломат бўлсин деб, ота-онаси унга Омон деб исм кўйган. Воҳалару водийларга ёйилиб кетган минглаб кишлоқларда шу хол муттасил рўй бермоқда...

### Убай ака

Убай ака бизнинг кўшнимиз, бақувват, елкалари кенг, овози ўткир киши эди.

Асли исми Убайд бўлса бордир, халқ уни ўзига мослаб “Убай” деб олган, гоҳида “Убайдин” деб ҳам чақиришарди.

Отаси – Мамасиддик бува иссик кунларда уйининг олдидаги тахта супага чиқиб утираверадиган индамас қария бўлиб, бизлар ундан кўрқардик. Бир маҳаллар урушга борган, танк ҳайдаган дейишса-да, туриш-турмуши қаҳрамонларга сира ўхшамасди-да. Кўчадан ўтган-кетганларнинг баъзилари бош лиқиллатиб салом бериб, баъзилари уловидан тушиб, кўшқуллаб кўришиб утишларини ҳам кўрардиг-у, кейин яна ўз уйинларимизга – тераклари ўсиб ётган қаровсиз боғларга жунаб қолардик. Боғ теракларининг остида улкан баргли

откулоқлар, доимо соя тушиб тургани учун ранги айниб кетган ургимчақлар ва уларнинг қатта турлари аро худди эртаклар мамлакатидаги каби кезардик, у ерда узок уйнай олмасдан, соялар ва туссизликлар куланкалари аро яна қуёш мул-кул чарақлаб турган, мевалари гарк пишган уз далаларимизга чопақолардик.

Убай аканинг хотини, болалари ҳам борийди. Холис ая баланд буйли, келишган аёл булиб, Убай аканинг зуғум ва тазйиқларига лом-мим демай бардош берадиган ва уша зуғумлар аро болаларини тишида тишлаб қатта қилаётган бир хотин эди.

Қисқаси, эл катори, бола-чака ташвишидаги бир оила. Офтобшувокда уззукун утирадиган, уруш қурган кекса ота, уй ишлари билан андармон хотин, бирин-кетин етилиб хелаётган одобли болалар... кучадан бери келмайдиган Убай ака.

Маҳалладагилар Убай ака билан айтишиб қолишдан эҳтиёт булар эдилар. Сабаби, жини бор, дейишарди. Кузининг оқидаги ҳоли уша жин булса керак, деган гапларни эшитганмиз. Ҳақиқатан, Убай аканинг қузига тик қараб туриш қийин, ғалати бир жунуни борийди.

Уйимизда юмушлар билан машғул эканмиз, баъзан бақирришлари эшитилиб қоларди:

– Ҳе, турқинга сени!..

Нимага суқинганини билмайман, салдан кейин Холис ая бизникига қочиб чиқар, қурқиб-хайқиқиб, ранги буздай оқариб, эрининг жаҳлдан тушишини кутарди. Бир-икки марта ҳовлисида уни қувганларини эслайман, бақувват эркак пишқириб бақирар, заиф хотини эса олдига тушиб, йиғлаб қочар эди.

Уша шиддатию жасорати билан нимагадир онамдан ҳайқарди. Гоҳ жанжал авжига чиққанида онам уларникига кириб:

– Ху, Убай бўлмай ўл! – деб қарғар, кейин Холис аяни юпатарди.

Убай акадан мен ҳам қурқардим. Кафти ниҳоятда улкан, биров “Ҳа?” деб қуришгани қул узатса, қушқуллаб қуришишимиз кераклиги ақлимизга қуйилган, у одам эса биз каби болаларнинг қулини каттик сиқар, шунда эт эзилиб оғриса, хахолаб қуларди.

Салга лов этиб ёниб, жанжал чиқараверарди-да. Оксоқоллар бизларга, уришиб-талашманглар, деб на-сихатлар қилишар, аммо куппа-қундуз қуни кучада ёкавайрон буғишаётган кишиларни курсак, эсимиз оғиб, на қочиб кетишни, на якин боришни билмасдан, ҳам қўқув, ҳам қизиқиш билан узоқроқдан томоша қилардик. Биров инсофсизлик қилса, мисол учун, бозорда мош-гуручга тош қириндиси қушиб сотса, ёки қуйни семиз кўрсатиш учун жониворни орқа туёғи пайининг устидан тешиб, тери остига ҳаво юборса, қимдир бошқа бировни алдаб чув тушириб кетса, қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳамманинг ичида буралаб суқар, кейин бошини чайқаб-чайқаб:

– Энангни қурдинг, хой халқ! – деб бақирарди. – Бир-бирингни алдамайдиган булмагунингча, одам урнида кўрмагунингча одам бўлмайсан!

Ҳа, зўр эди, уришқок эди, унча-мунча киши бас келолмас, аммо ҳассасига таяниб зурга юрадиган чоллардан хайикарди. Чоллар қойиб беришса, “хўп” дея бош эгиб, итоаткор бўлиб қолар, уша бош эгганича уйига қараб жунарни.

Бир қуни бостирма остидаги бука арқонини узиб, одамларни қува кетди. Убай ака уйда эди. Ҳамма қочса ҳам оёқларини қериб, букага ковоқуғиб қараб тураверди. Бир маҳал хайвон унга қараб интилди. Қаршисига келиб, ер тепиниб шохлашга чоғланганида, Убай ака “Ҳе, уша туркингга” деб бақириб, олдинга ташланди-ю, улкан

мушти билан пешанасига бир урган эди, бука гангиб колди. Бу одамдаги кудратни курсангиз эди! Шохидан кайириб, ерга ағдарди, кейин буйнига миниб, хануз кайириганича “Холис, аркон опке!” деб бакирди. Ажабки, бука ҳам ювош тортиб колди, шундан кейин Убай акани курса, хайнкиб ортига тисариладиган одат чиқарди.

– Бу бука энди одам булмайди, – деди Убай ака, хахолаб кулиб. – Шохи кайрилди-ю? Қассобни чакириб суйдириб, гуштини сотворсанг, савобга коласан!

Яна эсимда колгани. бошқаларникида пастак ва-лишларда етилган, нимагадир ачкимтир таъмли ко-ра-кукиш узумлар, мазаси тилни ёрадиган тукли шаф-толилар куп булиб, Убай аканикида эса мевали дарахт йук, ёки бор булса ҳам бир-иккитамиди... Балки ҳам-ма қушниларнинг боғу боғчаларига бирин-сирин бош сукиб, ейишга арзигулик ширин таъмли бир нима ах-тарганимизда Убай акадан кўркиб, ховлисига кирма-гандирмиз? У ёғи эсимда йук. Ҳозир уйлаб карасам, хаёлимда Убай аканинг буралаб сукинишларию Холис аянинг мумсик кнефаси колибди, холос.

\*\*\*

“Убай узини курсатгиси келаверади”, дейишарди.

Ёлғиз угил эди-да. Холис аянинг ука-сингиллари ке-либ, ховли-дала ишларига ёрдамлашишарди. Адашма-сам, аянинг бир иниси ҳам борийди, узун буйли, озгин киши. Убай ака ерга, мол-холга ҳам қарамасди, купин-ча аянинг уйида уша укаси, синглиси ер чопишар, экин экишар, аммо уйнинг эркаги диккат килмагач, бир нима унармиди? Ёзда томорқалар саранжом-саришта булган-ни холда Убай аканики қаровсиз булиб чиқарди. Ёлғиз ая уларни эплай олмасди, албатта. Болалар эса ёш эди, катта угли синглимнинг, уртанчаси укамнинг синфдо-ши булиб, бирга тушган суратлари хозиргача бор: уч



яшар, иштонсиз икки болакайнинг илжайиб турган сурати.

Менинг ақлим сал аввалроқ кирган шекилли, гоҳо Убай ака ёнига чакириб, суриштирарди:

– Ишлар калай, укам?

– Яхши.

– Қачон энди, уйланасиз?

Мана шу саволга орим келарди. Турсайганимни куриб, шаштидан тушарди, каршисидаги хивчиндай озгин болага зуғум утказгиси келмасмиди, ҳаркалай:

– Уйлансангиз, бурнингиз кутарилиб кетмасин-а? – деб кўярди.

Бурун кутарилиб кетиши нималигини билиб олган эдим. Бу жумлани илк бор қачон эшитганимни эслолмайман, аммо буруннинг кутарилиши – одам бошини орқасига хиёл ташлаб, бошқаларга бурнингинг учидан қарашини, яъни кибрланишни билдирарди.

Орадан бироз вақт утиб, Убай ака қайгадир ишга кирди.

Энди бакиришлари камроқ эшитилар, чунки уззукун уша ишида машғул эди. Томорқа янада қаровсиз бўлиб қолди, ота қурган уй янада чўкди. Орада бува ҳам оламдан утиб кетди. Ҳар баҳорда Убай аканинг угиллари уй деворини оҳак билан оклашар, томорқа эса уша ахволда ётаверарди. “Убай уй қурмади”, дейишарди одамлар. Ота ўғлимга деб қурғач, болаям вақти келиб иморат кўтаради. Убай ака уй қурмади-ю, тўсатдан дарвозаси олдида кўк рангли ял-янги мошина пайдо бўлди.

“Убай мошина олибди!”

Қай тарз олганига ҳамма хайрон эди. Мошина пайдо бўлгач, Убай ака бир-икки ой эҳтиётлаб миниб юрди, кейин у ҳам қаровсиз ҳолатга келди. Бир куни, ҳаммамиз кўчада эдик, шом қоронғиси тушиб улгурган,

ёзнинг иссик окшоми, теваракни доғланаётган ёғ иси тутган, қалдирғочлар ер бағирлаб учган маҳал... узоқда бир мошина кўринди-да, шу тарафга қараб ўқдай учиб кела бошлади.

“Маст келяпти, қоч”, дея қочдик.

Мошина ёнимиздан гувиллаб ўтиб, туппа-туғри симёғочга бориб урилди. Қарсиллаган овоз чикди, эшиги очилиб, ичидан Убай ака тушди. Оёгида зўрға турарди. Қийшайиб ётган мошинага бир зум қараб турди-да, кейин қаттиқ тепди:

– Ҳе уша, туркингга сени!..

Ўзи уйига кириб кетди.

Мошина эрталабгача шу зайл турди. Эрталаб нима қилишганини билмайман, чиқиб қараганимда, ерда ойна синиклари ётар, мошина йўқ эди.

Болалар ўзаро Убай аканинг қилигини айтиб қулишар, ҳамма орзу қилиб юрадиган ажойиб мошинани бир пулга олмаганига хайрон қолар эдик. Орадан бир-икки ой ўтиб, Убай ака яна биттасини олди. Эскиси уйининг қираверишида қанг босиб роса турди, Убай ака эса янгисини миниб юраверди.

Аммо уй-жойига яна қарамади.

Маҳалладагиларнинг қўпи насихатни яхши кўрадиган кишилар эди, шулардан бир-иккитаси унга насихат қилмоқчи бўлишган экан, Убай ака шунақа буралаб сўкибдики, нарёғи йўқ.

Маҳалламизнинг ёши улуглари хушмуомала, оғир-вазмин, биз қаби болаларга одоб-тарбиянинг ўрнаги бўлиб кўринса-да, Убай аканинг терс феълига ҳеч тушунмасдик.

Кейин олисга, ўқишга кетдим. Сулим, қўқаламзор шу масканимдан узоқлашдим, бегона жилвалар кўзни қамаштирди. “Тоғнинг виқорию гузаллигини узоқ-

дан кур'', дейдилар, кишлогим кўзимга бенихоя гузал, одамлари бенихоя ажойиб курина бошлади.

Кетаётганимда Убай ака:

– Ҳа, майли, – деди. – Дунё кўринг, аммо бурнингиз кўтарилиб кетмасин-а! Кишлоқни эсдан чиқариб қуйманг.

– Хуп.

– Яшанг, – деди у бирдан тулқинланиб. – Мен Убайдинман, билиб олинг. Менга букилганга етти букиламан, бошини кўтарганга ун баравар бош кутараман. Шунням унутмасангиз бас.

...Уша маҳаллар Холис ая оламдан утиб қолди.

Шунақанги ич-ичимдан ачиндимки!

Икки юзида қулгичи бор, истарали эди-я! Тандири бизнинг деворга туташ, лангиллатиб ут ёққанлари, иссиқ нонларидан олиб чиққанлари, онам бир нима деб ҳазиллашса, шарақлаб қулганлари эсимда. Бола эканман, онам. "Бор, Холисонникига кириб хамиртуруш опчик", дер эди, ая хамиртурушга кушиб туршакми-мевами берарди. Ҳазил-хузулни яхши курадиган, буйчан, куркам хотин эди. Жилмайиб гаплашарди, мен унинг ковок уйганини, ё жаҳл билан турсайганини ҳеч курмаганман. Йўкса, биз каби болақайларга баъзи кишилар ёлғондакам пўписа ҳам қилишарди-да.

Маросимлар утгач, бир куни хабар олгани кирдим. Убай ака кираверишдаги уйчада утирган экан. Кириб, фотиҳа қилдик. Убай ака бирдан жонланиб кетди:

– Қани, туринг, анави чойнақни бу ёққа олинг-чи.

Олиб бердим.

– Нонни синдириг, пиёладаги шамани тукинг.

Айтганини қилгач, Убай ака менга чой қуйиб узатди-да:

– Ана, халиям узимизни боласиз, – деди кониқиш билан.

Атай қилганини билиб турардим.

– Холис яхши хотин эди, – деди кейин, уйланиб. – Индамайгина яшаб, индамайгина ўлди-қолди. Бошқа хотин олсаммикин?

Кузларига қараб, бу ғалати саволни менга эмас, узига бераётганини сездим.

– Йук, энди булмайти... Сизга бир гап айтайми? – деди катта бошини қуйи солиштириб, пиёлада чойни айлантириб. – Эскиларнинг бир гапи бор: хотинга зугум утказсангиз, қариганингизда учини олади. Ушанчун бир каттик, бир ширин гапиришингиз керак.

Ҳадеб яхши гапираверсангиз узидан кетади, “Эрим нима десам қунади”, деб ҳаволанади. Зугум қилаверсангиз, тош остидаги майсадай эзилиб кетади, ҳаётдан қунгли совийди. Мана шу иккаласининг уртасида буласиз.

Укам, мен Холисга қуп зугум қилдим. Нетайки, тушуниб етганимда у йук. Энди яна уйланиб, шу тутумни тутай десам, барибир Холис булармиди?

Яхшиси, мен ҳам кетаман, – деди бирданига кулумсираб. – Холис ҳозир жаннатда булса керак.

Жаннатдаги хотинлар канака яшашар экан, билмайман-у... аммо Холисим менга кузи турт булиб утирганига аклим етади.

Жаннат ҳам бир боғу бустон булса керак-да. Уша ерда юмушларини бажариб юргандир?

Лоп этиб бориб қолсам, суюниб кетса ажабмас. Атрофи ҳар қанча чиройли булсаям, барибир эри бу ёқда-ку, татирмиди?

Нима қилсаям қуз очиб қурганиман, бориб қолсам, қуз-қузи порлаб, питирлаб қолар? Ҳаётдалигида ишдан келсам, шунақа буларди. Узидан кетмасин деб ёлғондакам қовок уйиб, тесқари қараб илжайиб қуярдим.

Эҳ, укам... Ҳозир уйласам, ичимда аллақанча яхши гаплар бор экан, ушаларни айтмабман-да, деб афсусланаман. Умр утиб кетар экан-ку?

Бориб қолсам, уша ёқда айтарман деб ҳам уйлайман.

Қанақа гапиришимни тасаввур қилсам, кулгим келади. Мени-ку, худойим жаннатига киритмаса керак, аммо хотинимни кургани келдим, десам-чи? Киритмасмиди? Эр-хотинни бир-бирига интизор қилиб қуярмиди? Уртада никоҳ бор-ку?

Энам ҳам жаннатда бўлса керак. Аммо Холис бошқа жойда, энам бошқа жойда. Тасаввуримда энам уша ёқдаям нон ёпаётгандай туюлади. Тандирда кизарган иссиқ нонлар. Мен борсам, “Вой, онанг чуринг бўлсин” деб, дарров йул-йул дастурхонини ёзиб, чой дамлаб келиб, кейин “Ҳозир сомсаям ёпиб бераман, утириб тургин-а”, деб шоша-пиша тандир бошига кетадиганга ухшайди.

Қайдам, уйлайман-у, сира ақлим етмайди. Ичим тула шиддат-у, нимага сарфлашга хайронман. Гоҳо бировларга ташлангим ҳам келади. Дашту саҳроларга, тоғу тошларга кетсам дейман. Бир ёни тоғ, бир ёни унгири яйловларда чайла қуриб яшагим, тоғларга қараб бақиргим, буриларни тутиб, бугзини чайнаб узгим келади.

Ҳеч каерга сизгамайман-да.

Эҳ, укам... Бу дунёда яшар холим қолмади. Болалар катта бўлди, бари рузгорим деб уриниб юришибди. Гаплашай десам, ниманиям гаплашардим? Келинимдан тортинаман, шу уйчага кириб утиравераман.

– Отамдан кўрқар эдим, – деди кейин. – Урушдан қайтиб келгач, индамас бўлиб қолган эди. Ҳеч нима демасди, усик кошлари остидан хумрайиб тикилиб тураверарди. “Ота, нимага бунақа қараяпсиз?” десам ҳам лом-мим демасди. Ҳеч нима қилмасди,

уй-рузгорга карамасди, курган кунига шукур килиб ўтираверарди. Узи гапирмасди, гапи бўлса знам оркали етказарди. Шу, улғайганимда “Уйлансин, бир этак бола-чака курсин”, дебди. Ота-ку, гапини икки килиб булармиди? Уйланганимдан кейин рuzгор бошимга тушди... Худога шукур, Холис яхши хотин чиқди. Уйлаб карасам, Холисимни роса яхши курган эканман, – деди хурсиниб.

– Шу ёшга кириб, энди билдингизми? – деб кулдим.

– Ҳа, кадрина курсатиб куйди. Ҳаётдалигида аразлаб онасиникига кетиб колса, бир-икки кундан кейин барибирам қайтиб келади, деб бормас эдим. Ҳақиқатан ҳам, кун утиб, бир қулида тугуни, бир қулида боласи билан кириб келаверарди. Онаси ўтганидан кейин сира кетмади. Борадиган жойи йук эди-да, қайгаям борсин? Мана, энди аразлаб кетган жойини қара! – деди хаёлчан. Ниманидир эслаб яна кулумсираган эди, юзи ёришиб кетди. – Барибирам изимдан келмайди, деб ўтиргандир?

Бу гапга нима дейишимни билмас эдим. Йук, кутаётгандир, дейми? Ёки, ҳақиқатан ҳам, кутмаётган бўлса керак, дейманми?

– Сизга бир гап айтайми, – деди кейин. – Шу кишлоқ тула одам эди. Бари келишган, куркам кишилар эди. Фариштадай кампирлар бориди. Ҳаммаси кетиб қолишди-я?

Кузда ут-улан сарғайиб, уруғларини тукиб юборди. Кейин аста-секин сула бошлайди. Худди биров бир чеккадан уриб-ғарамлаб келаётгандай...

Назаримда, кетганларнинг бари ўша ёқда, бир кучани тулдириб яшашаётгандай.

Шу кучамиз ўша ёқда ҳам худди шунақа буладигандай.

Ух-ху, бу халқ қанака эди, сиз билмайсиз-да...

“Эх, Убай ака! Мен билмасмидим?” – дегим келади. Дегим келади-ю... энди Убай ака ҳам йук-да.

Йул буйидаги ариқда тоза сувлар шаркираб оқарди. Тоғу тошлардан оқиб келадиган, сут каби оқ сув эди. Олтин беҳилар етилар, узумлар катта-катта бош солиб, ғарк пишарди, узум зангларини кеч кузда ерга кумардик. Окшомлари оппок яхтак кийиб, белбоғларига пичок тақиб олган кишилар кучаларда гаплашиб туришарди. Биров терак кесарди, товуши шу ёккача келарди, арра остидан чиккан кипик исигача туярдингиз. Ҳар ховлида, валишлар остидаги учокларда овкатлар пишарди. Одамлар пиширган таомларидан бошқаларга илинишарди. Шомда уйида утиргиси келмасдан, бир-бириникига чиқар, хотинлар бир ён, эркаклар бир ён, то ой ҳаволаб кетгунича гаплашиб утиришарди.

Энди уша одамларни тополмайман. Куриб гаплашгим келади-ю, сира иложи йук.

Барини бирма-бир эслайман. Дашти Қипчоқдан келган кишиларнинг дард-изтиробини тушунгандай буламан. Ота-бобосини истаб, авлодимиз узга элларда йук бўлиб кетмасин, дея қариндошлик ришталарини боғлаш учун шунча олис йулни босиб утишганига энди аклим етади... Ҳовлиларнинг сувоғи тукилган деворларидаги ҳар гувалак бир қисматдан дарак беради. Утиб кетган улуғларимизнинг гап-сузлари, бобомнинг “Ҳой, бетаъсир” деб чақиришлари, отамнинг суюқиб кириб келишлари... Қай бирини айтай, жуда купчилик йук-да.

Шу айланишда она кишлогимга утаман. У ерда теґрасидаги тол шохлари сувгача эгилган улкан ховуз буларди. Бир четида ларзон-ларзон беҳи пишарди. Бепоён далалар аро чоғиб уйнаганларимиз эсимда. Кучалари болалигимдан таниш, ҳар дўнги, ҳар чуқури ёд. Аммо у ердаги кишилар ҳам йук...

## Дашти Қипчок

Нимасини айтай, Дашти Қипчоқдан келган у кизгина то улғайгунимга қадар ҳаёлимни асир этиб келди.

Баҳор келганида гул-гунчалар очилади. Уларнинг ҳар бири ёмғирлару шамоллар аро – юзи иссиқда пурсиллаган, кулиб қараши билан ёдимда қолган уша кизнинг сиймосига айланади.

Атлас куйлаги олов ёлкинида товлангани ҳам эсимда. Қуллари дағал, меҳнатда ёрилган, коп-қора сочи қалин эди. Вақт ўтгани сайин малоҳати ортиб боравергани-чи?

Ҳар ҳолда, бироз улғайганимдан сўнг, уни яхши қуриб қолган булсам керак, деган тухтамга келдим. Ўз фикримдан узимнинг орим келди, буз йигитга мос тутум эмасди бу. Қишлоқда бировни севиб қолган киши мазахга қолиши бор гап. Биров бировга кўнғил қўйиши жуда ўзига хос, маҳрам мавзу ҳисобланади.

Лекин менинг ақлу ҳаёлимни Дашти Қипчок кизи қуп йиллар банд этиб юрди. Уша, қайрағоч шоҳлари орасидан оккан асал билан унинг сиймоси бирлашиб кетди. Қизарган юзи, нимагадир мовий тусда порлаган офтоб, иссиқда ранги узгарган осмон, кишиларни эритиб юборадигандай туюладиган ёз ховурлари аро балкиб тураверди. Мовий деганимнинг сабаби – қуёшга тикка қараб турсангиз, бироздан сўнг теғрасида қизил аланга ловуллаб турган мовий оловга айланиб қолади. Оний у манзара ҳаёлимга уша мовийлиги билан кўчиб урнашганига хайронман.

Қишнинг қаҳратонларида қалбимни иситганини айтмасам ҳам булар. У маҳал ишқ-муҳаббатни англайдиган ёшда эмас эдим. Лекин уни уйласам, қалбим ҳароратга туларди. Совуқ уйга утин опкириб ёккач, кечқурун ҳамма бир дастурхон атрофига тизилиб таомлангач, уйкуга ётганимда ҳам ушани уйлайверардим.



Юрагимга кириб келган бу номаълум туйғуларни Тангрим не учун бино қилди? Нега уни инсонликнинг энг олий, энг юксак туйғуси уларок танлади? Лекин, бир томондан, мухаббатимни ор деб ҳисоблар, гуноҳдай туюлган уша туйғу ичимда борлигидан тортинар, биров билиб қолишини уйласам, юзим хижолатдан лов-лов ёнар, худди менга бениҳоя ишонган отаю онам қошида кечириб бўлмайдиган ноҳуя бир иш қилиб қуйгандай, ичимда улар билмайдиган ёмонликни олиб юргандай эдим. Бошқа томондан, етти пушт олисдаги қариндош бўлишса-да, улар билан ҳаддимни саклаб гаплашишим кераклигини билардим. Қишлоқ шу эди-да, ҳатто, тенгдош кизлар билан кучада гаплашиш ноҳои саналар, чунки киз-жувонлар оилаларнинг, эркакларнинг ор-номуси ҳисобланарди. Аёлларга эҳтиётсизлик туфайли айтилган бирон гап ёки бирон-бир усмирнинг уйламасдан қилган мухаббат изхори учун ҳам жанжал чиқар, ўзини ўша кизалок шаънига алоқадор деб билган кимки бор, бири пичоқ, бири паншаха кутариб “ора очди”га келаверишарди. Улғаяётган кизни ака-укаси, тоға-тоғаваччаси, амакию амакиваччасигача – бари бирдай эҳтиётлаб-ҳимоялаб юришар, сувга ёки бошқа юмушга бир ўзини чиқаришмас, кеч қирганида туй-маросимга борар бўлса, албатта, ёнига қуриқчи қушиб жунатиларди.

Худо ҳаққи айтаманки, юрагим фақат тоза туйғулар билан тулган эди. Хаёлимда нигоҳининг уша маҳалдагидай чакнаши, пайваста туташ қошлари остидаги чуғ кузларининг мен билмаган ифодалари қолган, холос. Яна, у билан бениҳоя қуп гаплашгим, узим билган ажойиб жойларни кўрсатгим, дала ниҳоясида етилган ноҳнинг қир учига чиқиб, олтин меваларидан узиб тушгим келган. Катта ариқдан қандай сакраб ўта олишимни ҳам кўрсатганман. Менга миннатдор қарашининг узиек

усмирлик мазмунимга берилган баҳо, десам булармикин? Биргина уша караш учун оламдаги ҳар қандай ишни бажаришга тайёрдай сезардим ўзимни.

У қиз ҳам менга эътибор қилганмикин? Нима учун уни етаклаб келишди экан? Қавминг, жон-жигарларинг шулар, бизлар шу элдан узилиб кетганмиз, билгин-у, унутмагин, ришталарни маҳкам тутгин, дейиш учунмикин? Катталарнинг гапи шундай бўлса бордир, қизнинг узи-чи? Қаршисидаги новдадай озгин, узини курсатгиси келган буз бола қалбида кизиқиш уйғотганмикин? Яъни, менга бир кадру қиймат берганмикин?

Яшириб нима қилдим, гоҳ-гоҳ уша Дашти Қипчоқ томонларга боргим ҳам келарди. Назаримда, ҳар тарафлангиллаган саҳро, паҳса уйлар олдида у қиз шу тарафга бот-бот қараб, юмушларга уриниб юргандай туюларди-да. Униям, уша кишлокдошларимизни ҳам саҳро тутқунлигидан қутқариб, фаровон яшил боғларимизга олиб келгим келарди...

### Бобом

Бобом мош-гуруч соқолли, юзи ажинларга тула, барваста қария эди.

У туғилган маҳалларда одамлар жуда қашшоқ яшашган экан. Эски замонларнинг гап-сузларидан гапириб утирарди.

Узи новвой эди. Туйларга нон ёларди. Туй нони чиройли чикса, “Худойим, узингга шукур”, дер, азага ёпилгани қийшиқ чикса, “Ўзинг раҳм қилгин”, деб қуярди...

– Ниҳоятда қийин ҳаёт кечирганмиз, – дерди. – Одамлар турмуш жуда оғирлашиб кетганида ҳам қора кунларга сабр қилиб, ризқларини ердан чиқариб юраверишган. Бир кунмас-бир кун Худонинг раҳми келиб, умримизни унглаб қуяр, деб ҳаёл қилишган.

Эҳ-хе, эл канака кунларни курмаган дейсан? Бора-бора, ҳаёт тирикчилик ғамидангина иборат булиб қолган. Жон-жаҳди билан рузғорим, болам-чакам деб тиришавергач, нимаям буларди?

Бобом мана шулардан – эски, олис, мен тушунмай-диган ғалати тарихлардан ҳикоя қилиб берарди.

– Бу дунё тўрт нарсасиз ҳеч нимага айланиб қолади, – дерди. – Сув, ҳаво, тупроқ, олов. Ҳаво булмаса, ҳеч ким нафас ололмайди. Сувсиз тириклик қирилиб кетади, тупроқсиз неъмат унмайди, оловсиз бирор нарсаси пишмайди. Шунча махлуқотни тўрт нарсага муҳтож қилиб қуйганини курмайсанми?

Раҳматини тўртта нарсага жойлаган: шамол, ёмғир, сут, асал. Шамол келмаса – ҳаво алмашармиди, дов-дарахт чангланармиди, булут келармиди? Булут келмаса – ёмғир ёғармиди, мева-чева етилармиди, ут унармиди? Сут булмаса, авлод етилармиди, тириклик булармиди? Асал булмаса, шифо келармиди?

Одам деган иморатни тўртта устунда қутариб қуйган: соғлиқ, ризқ, шуқур, барақа. Соғ булмасанг, томоғингдан битта увок утмайди. Шуқур қилмасанг, умрингга барақа келмайди. Ота, она, жуфт, бола-чақа деган тўрт унсур эса тўрт томонингдан ураб туради. Шуларни биттаси кам бўлса, оҳу зоринг осмонларга етиб зорланасан. Э, тавба...

Умрининг охирларига бориб, жаннат ҳақида гапирадиган бўлди.

– Руза тутсанг, кечқурун ҳалвоқанд бераман.

– Тутсам нима бўлади?

– Жаннатга кирасан.

– У нима?

– Охири йўқ боғ-да. Қара, ҳамма руза тутяпти. Бир кун келиб қарасанг, мана шу кишиларнинг бари худди шу кишлокдагидай бир жойга тупланишади.

– Тутмасам-чи?

– Гуноҳ булади.

– Лайлатулқадр нима?

– У сенга жуда катта кадр-қиймат беради. Шундан кейин неки олсанг, олтин булаверади.

– Хизр ким?

– Катта булганинга билиб оласан, – кейин кузлари намланиб, соқоли титраб, уксиниб шундай деди: – Эвоҳ, узимнинг хизрларим бир маҳаллар шундоққина кипригим устида эди-я. Кадрига етмадим, ҳар нарсага чалғидим, энди каддини билганимда, иккаласиям кетиб қолишди. Кургим келади-ю, кўролмайман, шунча ёшга кириб мункиллаб қолган булсам ҳам соғинаман...

Бобом саксон тўрт ёшида жонини Ҳаққа топширди. Ушанда мен ун тўрт яшар бола эдим. Дунё узининг зухуротлари, воқеа-ҳодисалари билан бирга онгимга тўфондай куюларди. Қаерлардадир мен кўрмаган-билмаган воқеалар рўй бераётганини сезиб турардим. Кишилар эски телевизорлардан кўрган, радиодан эшитган гап-сузларни гапириб утиришарди. Эртагу афсоналар, урф-одатлар, Хизр алайҳиссалом ривоятлари, Лайлатулқадр кечалари каби унлаб ҳодисаларнинг бари зехнимга ўчмас бўлиб ўрнашган эди.

Яъни, теграмдаги кишилар умум бир мазмунни шуурига қуйиб бўлишган, энди шу мазмун ила умр кечиришга маҳкум эдим. Бу бахтиёрликми, саодатми ёки хатоми, ақлим етмасди. Лекин ўзгартиришни истасам ҳам, ўзгартиролмаслигимни билардим.

### Ҳаёт

Бир менинг кишлоғимда эмас, минглаб кишлоқлардаги ҳаёт шундай булганига энди ақлим етади.

Ҳовлилар, тутумлар, маросимлар, одамларнинг яшаш тарзи бир-бирига жуда ўхшаш. Масалан, бир ҳовлига кириш. Айвон устунда миҳга осиглик тўрт-

бурчак радио бор. Сими қорайиб, баъзи жойлари очилиб қолган. Ундан қушиқ таралмоқда:

Сим деган вайронага бормай десам боргим келтур,  
Бу шароб аччиқ шароб, ичмай десам ичгим келтур...

Қушиқ эгаси нима учун у вайронага боргиси келишини, нимага аччиқ шароб ичишини тушуниб бўлмайдди. Билағонрок биронтасидан сурасангиз, бош иргаб, “Ҳа, Сим – уз шахримиз, қадим замонларда аждодларимиз харобаларда яшашган-да”, деб қуяди. Ишонмасликнинг иложи йўқ, чунки қушиқ эгасининг узи айтиб турибди вайрона эканини...

Дарвозахонага яқин жойга, кираверишга меҳмонхона қурилган. Меҳмонхонага болалар кирмайди. Янги тушаклар уша ерга солинади. Хонадон эгаси уни қурби етганича жиҳозлайди. Узи эса этакроқдаги бошқа уйда кун кечиради. У иморат икки хонали, улардан бири – ошхона. Ошхона ичида учоғи бўлади. Қишда бутун оила мана шу ерда кишлайди. Чунки ягона иссиқ жой шу. Учокда тинмай ут ёнади, гоҳида сандал қурилади.

Айвондаги эски радио овози шу ерларгача ҳам келиб туради.

«Диккат килинг. Сунгги ахборот эшиттираммиз. Бугун соат олтидан ун уч дақиқа утганида, халқаро экипажни уз бағрига олган космик кема фазога парвоз қилди. Космонавтлар узларини яхши ҳис этмоқдалар. Халқаро космик экипаж парвоз мобайнида турли радиометрик улчовларни ҳамда вазнсизлик муҳитида инсон генетикаси мавзусидаги илмий изланишларни амалга оширади».

Учқур тасаввур хаёлни фазо қаърига олиб кетади. Ёз тунларида бодрокдай сочилиб кетган юлдузлар, нуқра чангига беланган Сомон йули, Ёттиоғайни, Ол-

тин қозик... Кузлари чакнок, пахмок сочли болакай узини бепоён Коинот бағридаги митти фазо кемасида куради. Уша ердан туриб она заминга назар ташлайди, уз масканларини излайди. Юксакдан менинг кишлоғим канака куринар экан деб уйлайди.

У нигоҳ солган масканда – ерда эса бир чумоли дон кутариб урмалаб бормоқда. У – курмак дони. Уругини ерга туккани бу йилги юмушини бажариб булганини билдиради. Майсалар уруг солса бас, дарров кузга тайёрланиб, япрок тука бошлашади. Шу сабабли, райҳонлар “вазифам битди” демаслиги учун уругларини чимдиб олиб ташласангиз, янада гуркираб усади. Чумоли курмак донини ер тубидаги уясига ташиб кетаётгани куз эрта келишининг аломати.

Агар кишлоққа фазодан эмас, куш учадиган баландликдан қарасангиз, тураржойлар озлигини, далалар эса кенглигини курасиз. Далаларда бошларини румол билан ўраб, этик кийиб олган кишилар куринади. Ҳар ер-ҳар ерда шийпонлар бор, уларнинг теграси толлар билан уралган. Туш маҳали далачилар шу жойга йиглиб келишади. Иссик кучаяди.



Ҳа, иссик кучаяди, тупрокдан кайнок ҳовур кутарила бошлайди. Меҳнатчилар очқашган. Даланинг ёвғон шурваси қорайиб кетган катта қозонларда пишади. Ичида сабзавот мул, аммо гушти йук, шилдир сувдан иборат Ошпазни “баковул” дейдилар, у купинча кексароқ кишилардан сайланади. Тушликкача пиширса булди-да. Одамлар ейдиган нонларини узлари, уйлари-дан опкелишади. Улар уртага куйилганида, ҳар хонадон нони турлича эканини курасиз: бирининг чакич изи бошқа, бирининг рангию шакли... Ёвғон шурва ирилгач, бироз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб утиришади.

Уша иссиқда ҳам киз-келинчаклар шийпон ортига утиб, ут уришади. Боякиш, кимнингдир хонадонига келин булиб тушган, энди хизматини қилиши шарт.

– Хали новдадайгина болакайсан-ку, куй ахир, бироз дамингни олақол?!

– Йук, – дейди офтобда қизарган юзи янаям қизариб. – Буш кул билан кириб борсам, айб булмасин...

Одамлар экин-тикиннинг барча хусусиятларини билишди. Масалан, чигит баҳорда қадалади, қушқулоқ булиб чикканида ёмғир ёгса, тупроғи катқалоқ булиб қолади, теша ёки кетмонча билан юмшатилади. Кейин ягана қилинади, яъни беш-олтита униб чиккан ниҳолдан битта ё иккитаси қолдирилиб, қолгани юлиб ташланади. Уша маҳал офтобда кизиган кесак исини сезасиз, у ис димокка қаттиқ урнашади.

Баъзи далаларга беда экилади. Беда иси ёқимли, кум-кўк гуллаганида орасида асаларию капалаклар учиб юрганини қурасиз. Гоҳида ер араси ҳам булади, унинг чакниши хавфли эмас. Қовоғари қаттиқ чақади, у уч турли. Беозор учиб юрадиган сариғи, зуғумли қизили ҳамда қораси бор. Қора қовоғари чакса, одамни улдирармиш. Камдан-кам учрайдиган кук туслиси ҳам бор, уни кўкйўталга даво дейишади. Олма пукағи орасида буладиган семизкурт ҳам кўкйўталга даво эмиш, уни эзиб, сувини ичган одам тез тузалармиш.

Дала шийпони – оҳак билан буялган қатта бини, бир ёнида ҳовузи, ортида сабзавот томорқаси булади. Ҳовуз четида толлар тигиз усган, шохларида ризк истаб урмалаётган ҳашаротлар гоҳо сувга қулаб тушади. Ҳовуз ёнида сўри бор, қатта кишилар шу сўрида тушлик қилишади. Бошқа толлар остида беланчаклар осилган. Беланчак – иккита ингичка таёқни ёнма-ён қуйиб, қанор қопнинг матоси тортилиб, тепаю ластига кундаланг қалтаклар қуйиб ясалади. Қалтаклар тутдан ё беҳидан

кесиб олинади, агар тол-терақ шоҳидан килинса, синиб қолиши мумкин. Гӯдаклар мана шу беланчакларда ухлашади, биронтаси йиғласа, боғча хотин келиб тебратади.

Уйноки шабадани шу кенгликларда ҳам кӯрасиз. Улар қумлоқда буй чузган салом-алиқ утининг уруғларини тӯкади, қакрай бошлаган ер ёриқларидан мӯралаган қоракунғизни қурқитади, қучанинги упадай тупроғидан пириллоқ ясайди, қайрағоч баргларини уйнайди, қизгин далалардаги экинларнинг япроқларини ёввош чайкатиб утиб, ҳорғин далачилар пойнга майин ясланади. “Ҳаҳ, борингга шуқур, жуда вақтида эсдинг-да”, деб қўйишади кишилар унга қарата жонлари ором олиб.

Ғоҳида беланчакка тол шоҳларидаги қурт-қумурскалар тушиб қолади. Биронтаси чақиб олса, гӯдак чириллаб йиғлайди. Майна деган қуш бор, хушёр турилмаса, боланинги қузи йилтиллагани учун келиб, қўкиб кетиши мумкин. Кейин бешиктерватар деган ҳашарот ҳам бор, у одамнинг қузига ташланади, дейдилар. Олд оёқчаларидаги аррасимон тишчаларини қурсатиб, тебрана-тебрана бир сакраганида, пардасини қирқиб юборса, қорачиғи оқиб тушармиш.

Бошқа қушлар хавфли эмас. Чумчуқлар тӯда-тӯда булиб гуриллаб учишади. Сувчумчуқ ариқ буйларида узи ёлғиз, учиб-қуниб юради. Ғоҳида узун думини силтаб олаҳакка пайдо булса, чумчуқлар ундан қурқиб қочишади. Энг соддаси – мусича, юксакка учгиси келиб, самоға парвоз қилганида қанотлари бир-бирига тегиб, “тап-тап” овоз чиқаради. У баланд учолмайди, икки терақ буйи қутарилғач, яна ер сари шунғийди.

Боғча хотин шуларнинг барига хушёр туриши керак. Чунки қопиқчи жувонлар болаларига жуда илҳақ.

Қопиқ шуқи, ғуза тубидаги сув етиб борадиган жойнинг тупроғи кетмон билан юмшатилади. Шунда у бе-малол сув ича олади.



– Ғуза – энг дангаса экин. у ёк-бу ёғини чоғиб, қулоғидан тортиб, илдизига ҳаво бермасанг, сира устгиси келмайди, – дейишади катталар.

Чопикчи аёллар эгат ораларида усган утларни юлиб-туплашади. Шабада ғуза барғи, юлинган курмак ва печакнинг бироз ачкимтир исини атрофга таратади. Утлар юлинганида ёки урилганида нима учундир гуркираб хид таратади. Шом қуна бошлаганида ҳамма уйига йул олади. Қиз-жувонлар урган утларини тугиб, бошларига қуйиб олишган. Тераклар остидан, тупрок йулдан каторлашиб кетаверишади. Ариқда сув жилдираб, ялпиз буйларини сочиб юборади. Шом қуна бошлаган маҳал турли ислар ҳар ёқни тутуди, негадир тоғда ёки пешинда унақа бўлмайди. Ош ис келади – зирвағиқовурилмоқда. Қишлоқтомонга карасангиз, сийрак тутун сузиб юрганини курасиз, у – доғланган ёғнинг тутуни. Тарқалиб-сийраклашиб кетмайди, юпка катлам булиб сузаверади.

Болалар ҳам уйиндан чарчаб, уйларига кира бошлашади. Далачилар ҳозиргина ишдан қайтишди. Нарирокқа “Т-28” деган трактор келиб тухтайди, араваси одамга лик тула. Фарам-фарам утлар ерга ташланади. Каттароқ усмирлар далачиларнинг келишини пойлаб турнишади, утларни ушалар кутариб боришади. Қиз-жувонлар бир-бирларига ёрдамлашиб юборишади: гарамлаган ўтларини бошларига қуйиб кетаверишади. Шундан кейин трактор тариллаб жунайди: тракторчининг ҳам бола-чакаси бор, куз тутиб туришибди.

Ҳа-а, худога шукур, кун утди. Чарчадик... Этиклар ечилади. Қул-оёк, бел зиркираб оғрийди. Кундуз жазирамасини узига сингдириб олган, хали иссиғи кетмаган ўтларни сигир-қуйлар талашиб-тортишиб ейишади.

– Овқатга келинглари-ув!!!

Бу – ун битта боласи бор Тухта холанинг овози. Шунга ухшаш чорловлар ҳар ховлида эшитилади.

Оилаларда бола-чақа кўп. Сабаби – вақти келибулғай-ишганида бир-бирини суясин, ёрдам берсин. Тухта холанинг болалари ун битта бўлса, яна бир муштипар аёл – Қумри холанинг фарзандлари ун бешта.

– Ҳой болалар, келинглари-ув! Овқат пишди-и!

Шу тариқа шом киради.

Шом қўнганида теварак сокинлашади. Ой ҳаволаганида эса бирон жон асарини сезмайсиз – ҳамма уйқуға кетади. Ахир, кун машаққатли, меҳнат захматли бўлди, чарчоқ ғолиб келмасинми? Эртага саҳарлаб туриш керак. Чунки канча рузғор иши турибди, бунинг устига, чопиқ ҳали битмади. Купроқ ут ғамлаш керак. Утинчуп йиғиш керак, меҳнат қилмаса бўлмайди. Сабзавотлар етилди, йиғиб олиш керак, маккаларни уриб-саранжомлаб, донини уқалаб қопларга солиш керак. Кишга тайёргарлик-да. Киш қаттиқ келици мумкин, ғамлама-са, янаги баҳорга етиб олиш мушкул.



Болалар ун уч-ун тўрт ёшидан далага чиқишади. Ёшроқларга осон ишларни буюришади, масалан, ариқ тозалаш. Ариқ ичидаги утлар тигиз ўсиб, сув оқимини тўсиб қўяди. Кетмон билан ариқнинг ҳам остини, ҳам икки ёнини чопиб тозалайсиз.

Далага сал-пал кузи урганган ўсмир дори солишга тайинланади. “Т-28”нинг орқасидаги, тубида тешикла-ри бор катта ёғоч охур дорига тулдирилади. Трактор эгач оралаб юрганида дори темиртишлар ағдариб кетаётган тупроқ орасига бир текисда шувуллаб тукилаверади. Бу захира даланнинг у бошига икки марта бориб келишга етади. Мотор шовқинида овоз эшитилмайди, бунинг устига, тракторчи Далавой аканинг қулоғи оғир

Иккинчи бориб-келишда тракторчи пайкал четига тухтайди. Усмир пастга тушиб, коғоз коплардаги дориларни опкелиб, уша “охур”га ағдаради, тулганидан кейин яна эгатлар орасига кириб кетишади.

Дорилар бир неча тур. Селитра оппок, майда, юм-юмалок булади. Сувга солсангиз, муздай килиб куюди. Фосфор, карбамид деганлари ҳам бор. Қизил тусли, куздан ёш окизадиган яна бирини “калий” дейдилар. Мана шулар далага солиниши керак. Бир хафтача шу ишда ишлаган одамнинг баданига қизил тошмалар тошиб кетади.

Қалдирғочлар айланиб қияламасига учишади. “Уларга карасанг бошинг айланиб йикилиб тушасан”, дейишади. Бултур бир бола қалдирғочларга махлиё бўлиб, темиртишлар орасига тушиб кетган. У биздан бир синф куйида ўқийдиган, кенг пешанали, микти гавдали бола эди. Тарих дарслигидаги Тешиктошдан топилган қадимий болага ўхшарди. Ниначини тутиб, икки канотини жуфтлаб ушлаб, майда хасларга яқинлаштирганда, оёкчалари билан ўша хасни чангаллаб олса, завкланиб-кийкириб куларди.

Дори солинганидан сунг ғузалар ҳам, ўтлар ҳам гуркираб ўсиб кетади. Нимагадир ҳамма кусак санашга ишкивоз. Агар бир тупда саккизтадан ошиқ кусак булса, ҳосил яхши. Баъзиларида унтадан ҳам кўл булади. Пайкал четларидаги ғузалар киркилиб, трактор бурилиб олиши учун йул очилган, у ернинг гирдо-гирдига маккажўхори, мош, ловия экилган. Маккажўхори – сирга емиш, вақти келганида эгаси уни уриб-саранжомлаб, уйига олиб кетади. Маккалар ҳозир одам буйи бўлибди, пишишига анча бор. Мош-ловия етилмабди. Эртапишар ковунлар ҳам бор, усмирлар баъзиларини хом-хаталалигича ёриб еб қуйишади. Ҳали пишма-

ган-у, аммо таъм кириб улгурибди. Этини еб, уругларини пайкал ораларига ташлаб кетамиз.

Ғузага тушган кусак курти жуда очофат булади. Бир куни эгат ораларига ташлаб кетилган ковун уругларини кусак куртлари еб, улиб колганини курдик. Ширасини сезиб, урмалаб келишган-у, нимасидир ёкмаган булса керак... Ковунда кусак курти учун захар борлиги тасаввурга сизмайди, шундай ширин нарса, нахотки захар булса? Уч-турт марта шу ишни такрорлаймиз, хар сафарига уша яшил жонзотлар халок булаверади. Одамзод учун лаззатли нарсалар бошқаларга емиш килиб берилмаганини идрок киламиз. Масалан, мол-куй шакар емайди. Асалдай ширин нарса ҳам унга озуқа эмас... Болалар тупланиб, қай махлук нимани емаслигини тажриба килиб кураимиз. Энг ярамаси кучук бўлиб чикади: окканд ёки ширинкулча еган кучуклар бор. Бошқалари эса бизга мазали туюлган нарсаларга қайрилиб ҳам қарашмайди... Ҳовлимиздаги олма пишганида баъзи мевалари ичидан каттакон курт урмалаб чикади. Болалар билан томок оғриганда ичиладиган суюк дориларни у ер-бу ердан топиб, уша куртларга сепиб кураимиз, жон ҳолатда билтанглаб қочса, доридан қурқар экан-да, деб хулоса ҳам киламиз.

Идрок мана шундай барқ уриб, теваракдаги ҳодисаларни узига сингдираверади.

Оталар угилларига “Келишингда молга ут уриб кел”, деб тайинлашади. Айтганини баъзан қилишади, баъзан қилишмайди. Жуда булмаса, зовур ичидаги сабзидорларни уриб келаверишади. Сабзидорнинг турган-битгани сувдан иборат, офтобга қуйсангиз бир тутам бупқолади. Азбаройи ота қойимасин деб, амал-тақал уриб келишади-да. У шумликларни ота билмас эканми? Ота-я? Гоҳида қойийди, гоҳида эса индамайди.

### Илмлар маскани

Қишлоқ болалари тонг-сахарлаб мактабга йул олишади.

Синф парталари қачонлардир жигарранг, кейинчалик яшил буюк билан буюлган, кучган жойларидан эски буюғи қуриниб қолган, устида сиёҳ доғлари, пичокча билан уйилган белгилар қузга ташланади. Кимдир дарс маҳали ёқтирган қизининг исмини уйган, кейин учириб ташлаган. Хоналарнинг шифти баланд, фанер кокилган, ҳар синфда то шифтгача буй қузган қора бакалок печкалар бор. Синфларнинг эшиклари ҳам баланд.

Катта синфлар тушгача, кичиклар тушдан кейин уқишади.

Дафтарларнинг аҳволига маймунлар йиглайди. Физика дафтари ичида қушлар, дарахтлар, қулида қамон ёки болта тутиб хайвонларни овлаётган азамат овчиларни қурасиз. Улар отаётган ўқларгача қизилган бўлади. Ҳаммининг ўз қаҳрамони бор. Масалан, Расул деган бир боланинг дафтарида яхши отлик ёмон отликни қувиб кетмоқда. Табиийки, яхши отлик – Расулнинг ўзи.

Ёр юзининг игна учича келмайдиган нуқтасида ҳаёт мана шундай давом этади. Ҳар сахар анча-мунча бола папкасини елкасига осиб мактабга, одамлар эса дала-ларга йул олишади. Бу болалар нима учун ўқиётганини ўзлари ҳам билишмайди. “Ўқисанг, одам бўласан”, дейишади катталар. Одам бўлиш қанақа ўзи? Ҳеч ким бу болаларнинг “одам бўлиши”га ишонмайди. Ҳа, мактабни битиришса, армияга кетишади, армиядан келиб ўйланишади. Кейин амакилару тоғалар каби мол-ҳол боқиб, ё далада ишлаб юраверишади. Ҳаёт шундай давом этади.

Мактаб болалар онгига тарих сабоқларини қуяди:

– Ота-боболарингиз ғирт жоҳил, саводсиз, зулм остида эзилиб юришган. Кейин Давлат келган. Халқни ўқитиб, билим берган, мактаблар очган. Электр токи

опкелиб, йулар қурган, мошиналар, тракторлар совға қилган... Давлат булмаса, халқ омонда ер ҳайдаб, эшак миниб юрган буларди.

– Давлат нима?

– У ниҳоятда қудратли, айтганини қулоқ қокмай адо этиш керак. Йукса, қулингни етти пуштингга қушиб қукка совориб юборади. Лайлатулқадр кечасидаги омон эсингдан чиқдими?

Бор-йук тушунча шундан иборат.

Ҳа, давлат нималигини-ю, тарихни қайдан ҳам билардик? Физика айтадики, электр тоқи ихтиро қилинганига юз эллик йил булди. Қосмик кемалар фазога парвоз қилади, ток кепқолганида фазогирлар телевизордан ер юзидаги инсонларга қараб, қулиб қул силқишади, олис урмонлару музликлар бағрида яна нималардир содир булади. Биргина бизнинг кишлққда ҳаёт тухтаб қолгандай... Айтилаётган гаплар тасаввурдан шунчалар узокки, худди эртаққа ухшайди.

– Омон?!

– Ҳа?

– Тур, молга ут сол, рўзғорга қараш! Уқиб олим булармидинг?

Аслида одамлар фарзандларининг билим олишини, “қатта” уқишларда уқишини орзу қилишади, аммо шу шароитда олган билими “қатта уқиш” оstonасигачаям етмай, “Булмади, ота”, деб қайтиб қелишидан қучишади. Шу сабабли, “Сендан олим чиқармиди”, деб қуяқолишади.

Уша-уша баҳайбат техникалар, уларнинг лойда қолдирган излари. Шамолда тараклаётган йул белгилари... Узундан-узок экин далалари, эгатлар орасида қурук ерга утириб ейилган беҳи таъми, мактабдаги дарслар. Узок тарих олисдан бир жилваланади-ю, қойиб булади.

Нима булган эди узи, тарихда?

Тарих жим эди. Гапирмасди, индамай тураверарди.

Катталардан сурасангиз, улар ҳам билишмайди. Гуё одамлар жуда кўп асрлардан бери шундай яшаб келишаётгандай. Саводсиз, жоҳил ота-боболар, зулм остида эзилган таркок халқ... Бегона қахрамонлар, сув ости кемалари, баланд учадиган стратосфера учоклари... Елкасига беҳи новдасидан камон ясаб осиб юрган болалар... Бу ёшдан утиб, анча улгайганларига эса отаси “Уйлантириб кўяман”, деб пўписа қиладиган бўлган... амалтакал қилиб мактабни битириб олишса, нима ишнинг бошини тутиши номаълум... Уша ҳаёт, уша захматлар...

У таассуротларни, манзараларни ҳеч бир тарих тунштириб беролмайди. Тарих курук фактлардан иборат. Лекин кишилар қалбидаги манзаралар бутунлай бошқача, жонли, маъноли, инсонлар тақдиридан ҳикоя қилаверади.

Рим империяси ва “Homo Sapiens”

Мактаб болалари ўзларининг тарихларини яратиб олишган.

Шулардан бири – Рим империяси. Темир совут, учли дубулға кийган, узун найзали киррабурун кишилар ва икки гилдиракли жанг аравалари дарҳол кўз унгингизга келади. Шунингдек, оқ матога чала-ярим уранган ҳамда бошига дафна япроғидан гулчамбар тақиб олган императорлар ҳам намоён бўлади. Улардан бири – Октавиан Август дегани нариги кўчадаги патак соқолли Сами бувага ухшаб кетади. Фақат, Октавиан жингалак сочли, оқ юзли бўлса, Сами бува – сап-сарик киши. Октавиан қадимий бир шаҳарни ишғол қилади ва унга Карфаген деб ном беради. Уша шаҳар ҳозир ҳам бор, фақат номи бошқа – Картагена<sup>1</sup>.

Бу фан мешларга ҳаво тўлдириб, дарёлардан сузиб утган ёвқур скифлар ҳақида ҳам ҳикоя қилиб беради.

<sup>1</sup> Испаниядаги шаҳар номи.

Ундан ҳам аввал-чи? “Бир маҳаллар ер юзида маймунлар яшаган, – дейди тарих. – Давр ута-ута, улардан бир қисмига ақл кира бошлаган. Тошлардан қурол, дарахт шохидан ёй ясашни кашф қилиб олишган. Биттаси зерикиб утириб, ёввойи бугдой донини ўтга ташласа, қовурилиб ширин булиб қолибди. Шу тариқа бугдойдан нон ёпишни урганишган”.

Одам Ато-чи? Момо Ҳаво-чи?

Улар ҳақида фанда ҳеч гап йўқ. Энг қадимги инсонлардан бирининг исми Одам, бошқаси эса Ҳаво булиши мумкин. Унгача ер юзида фақат ҳайвонлар яшаган дедик-ку? Қанақадир тасодиф туфайли турли-туман маҳлуқларнинг бир тоифасида тусатдан ақл пайдо бўлиб қолган. Бу ҳодиса қандай юз берганини биров билмайди. Маймунсимон мавжудотларнинг узлари ҳам одамга айланаётганлигидан беҳабар юраверишган. Бир маҳал қарашса, узгариб қолишганмиш... Узларида фикр юритиш қобилияти пайдо бўлганини англаб етишгунча ҳам орадан минглаб йиллар утибди... Ана уша тоифа кейинчалик ўзига “Одам” деб ном берган.

Қачондан бошлаб инсонга исм қўйила бошлаган?

Одам насли қўпаявергач, исмга эҳтиёж пайдо бўлган-да. Узун бўйлисини узун, қалтасини қалта деб қақиришган. Одамзод янада қўпайган, шундан сўнг фарқлаб олиш учун янги исмлар уйлаб топишга туғри келган. Тошдай қаттиқ бўлсин дея – Тошбой, шамолдай учқур бўлсин дея – Шамолбой... Шу тариқа исмлар урф бўлган...

Лекин тарих китобидаги энг қадимги одамларнинг исми йўқ. Бизга сурат катларидан тек қараб туришади. Бир жиҳатлари узимизга ухшаб кетади, бироқ орадаги масофанинг жуда олислиги ҳам сезилади. Шулардан бири – Тешиктошдан топилган неандертал бола. У биздан кўра ёшроқ, саккиз-тўққиз яшар чамаси.



### Тешиктошдан топилган бола

Ҳайвон терисидан лунги ураб, тошболта кутарган аждодлар овга жунашади. Кексароклар ғорларда тошни тошга уриб, учқун чиқариб олов ёкишмоқда...

Тешиктошдан топилган болага жуда раҳмим келади.

Нима фалокат, қачон, қандай руй берган? Саккиз яшар бола нега тош остида қолган? У-ку, топилақолибди, бошқалар қани?

Тасаввур унинг ўзимиз каби куй боқиб, кечки шудринг тушган ўтлоқлардан ғорга қайтганини, оловда эт пиширишганини, кечаси юлдузлар чакнаб, ой самога кутарилганини, еруғида тоғу тошлар қорайиб қуринганини жонлантиради.

Ишқилиб, нимадир руй берган-у, саккиз яшар бола тош орасида қолиб кетган. Бақувват жуссаси, кенг пешанаси, ўсик сочларига қараб, саккиз яшар эканига ишонмайсиз. Бизнинг болаларнинг қупи толхивичдай озгин, соддаю ишонувчан, меҳнатга эндигина киришган. У болақайда эса меҳнат заҳмати сезилмайди. Ким билсин, тарих шунақа тасаввур уйғотади. Балки, ўтлоқларда шамол билан бирга елиб, сувларни сочиб, чўмилиб уйнагандир ҳам?

Тош қуроллар, болталар, бугдой янчилган харсанглар, тоштовоклар... Боягина овга кетган кишилар қайтиб келишмоқда. Уларни тарих бизга "Неандертал одамлар" деб таништиради.

Тешиктошдаги ўсмир ўзимизнинг бола бўлса, неандертал ким?

– Неандерталодам – инсоннинг йуқолиб ёки бошқалар билан қоришиб кетган вакили бўлиб, илқ аждодлари бундан икки юз минг йил аввал Европа, Марказий Осиё ҳамда Олтой минтақасида яшашган, – деб уқтиради тарих, чўтир муаллимимиз Султон аканинг овози билан.

Тешиктошдан топилган боланинг шахду шидлати бошқача:

– Қор каттик ёққанида, тоғ устидан тушиб келган оқ йулбарс гудаклардан бирини олиб кетди, – дейди кузлари чакнаб. – Уруғнинг бор эркаги унинг изидан тушди. Мен ҳам отамга эргашиб бордим. Қор буралаб урарди. Кучукларимиз оқ йулбарс изини топишди, у гудакни аллақачон ёб булган экан. Кишилар аламдан бакиришганида қор кучди. Анча-мунча одам кучки тагида қолди...

– Одамлар қуп эди, – дейди кейин. – Амакиларим бошка жойларда яшаймиз деб, кучиб кетишди, бизлар эса қолавердик. Яйлоқларда туман одам яшарди. Бошқаларни билмайман, – бош чайкайди болакай. – Ушандан бери шу ердаман.

– Ке, урток буламиз. Отинг нима?

– Эр Буғу.

Мен шу тарика уша болакай билан дустлашиб олганман. Тенгдошлик ҳиссиёти фандан устун келган бўлса ажабмас. Эр Буғу деган у бола то еттинчи-саккизинчи синфгача биз билан ёнма-ён уқийди. Бизлар улғаямиз, лекин у сира катта булолмайди, севги-муҳаббат палласи келганида майда болаларга қушилиб, қолиб кетади.

\*\*\*

Кўчалар кузда лой бўлиб ётади. Гоҳо ғузапоя ортиб катта тракторлар утади. Ғилдирагининг тишлари катта-катта, лойда палахса излари қолади, шу изларга ёмғир суви тупланиб, вақт утиши билан қирмизи тусга киради.

Лойгарчилик боис ҳамма этик кийиб юради. Чарм этик қиммат, шу сабабли, биз қабиларга арзонбаҳо “тош этик” дейиладиганини олиб беришган. Тош этикнинг ранги кулранг, усти гадир-будур, териси каттик,

болаларнинг оёклари тупроккучаларда ялангоёк юраве-  
риб котиб кетгани учун “тош” лиги ҳам сезилавермай-  
ди.

Кузда тук купрок келади, шунда одамларнинг уйла-  
ридаги телевизорлар ишлаб кетади. Лекин, барибир, а  
яхши курсатмайди. Сабаби антеннада. Бу ерларда ан-  
тенналарни жуда баланд кутариш керак. Одамлар ми-  
стовокни тахтага маҳкамлаб, ўзлари антенна ясашади.  
Каттарок йигитлар “Шиша кувурча ичига симоб куй-  
иб, икки томонидан сим чиқариб уласанг, бутун дунё-  
ни курсатади” дейишса-да, болалар симобни кайдан  
олишни билишмайди. Баъзи маъданларни топса була-  
ди, масалан, кургошинни эски аккумуляторлардан ола-  
сиз. Уни темир косага солиб утга куйсангиз, сариёгдай  
эрийди. Ерга шакл чизиб, эриган маъданни ўшанга куй-  
сангиз, истаган шаклингизга киради. Лекин кургошин-  
ни антеннага ишлатиб бўлмайди.

Антенналар баланд ходаларга маҳкамланиб, томга  
чиқарилади. Уч-турт томонидан сим тортилади, йукса  
шамолларда ағанаб тушиши хеч гапмас. Энди уни соз-  
лаш керак. Бир киши томда – антенна тагида, бошқаси  
ерда – дераза олдида, учинчиси ичкарида – телевизор  
қошида.

- Курсатдими?
- Йук, уннга бура!
- Энди-чи?
- Йук, чапга бура!

Бир амаллаб курсатадиган килинғач, маза килиб  
кино томоша килса булади. Шунака маҳаллар уйларга  
кирсангиз, анча-мунча болакай олдида котган нон куй-  
волиб, эски шолча устида кит ови ёки тайгалар хақида-  
ги киноларни куриб утирган булади.

- Нодир улгур, маккадан уриб молга сол!
- Собир, ут юлиб кел!

– Омон! Сув бермабсан-ку, букириб ётибди.

Қайда! Мол яна бирпас сув ичмай турса тураколсин, кинонинг зур жойи келди ҳозир!

Энг кизик ерида чирок лип этиб учади.

– Э-э, зур жойи келувди-я...

– Булди, ётинглар! Эртага сахар турасизлар!

Шу билан ҳамма уйкуга ётади...

Баъзан эса кичкиналарга эртаклар айтилади – ҳамма муштдайлигидан ёд биладиган, девлару аждарлар ҳақидаги эртаклар.

– Бир бор экан, бир йук экан... Одамлар тоғу тошлар орасидаги яйловларда яшашар экан. Бир кун уларга каттакон дев ҳужум килибди. У одамларни қамаб қўйиб, ишлатаркан. Очкаса, битта-яримтасини еб қўяр экан...

Минглаб йиллар аввал Эр Кенжа, яъни Кенжа ботир девни улдиргани йул олади. Ой янада ҳаволаб кетади. Булутларнинг ост тарафи қорайиб кўринади, улар осмонда учиб юрган баҳайбат махлуқларни эслатади. Отасининг тафтли бағрига кириб олган кенжа угил уларни хайикмасдан кузатади. Кенжа ботир кичкина, акалари эса катта. Лекин дев билан урушгани нимагадир Кенжа ботир боради. Сабаби – акалар вақти келиб уй-жойини бошқа килиб чиқиб кетишади, кенжа эса ота-она билан қолади. Шу сабабли у ақлли, қурқмас булиб улгайиши керак.

Болақай шуларни уйлай-уйлай, ота пинжида ухлаб қолади...

### Уч чаноқли муҳаббат

– Қани, болалар, далага!

Туртинчи синфдан бошлаб то кап-катта юкори синф болаларигача бирин-кетин трактор араваларига чикишади. Тракторда одам ташиш анчагача давом этади, қачонки бир кун каналга ағдарилиб кетиб, киз-жувон-

лар халок булгунга қадар. Шундан кейин одамларни юк машиналарида ташийдиган бўлишади, трактор араваларига эса қатта қилиб “Одам ташиш тақикланади!” деб ёзиб қўйишади.

Хуллас:

– Туртинчи синфни яқинроққа олиб боринглар! Катта синф етоққа кетсин. Баринг қап-қатта бўлқолгансан-ку? Уйлантириб қўйса, бола қурадиган! Қийинчиликни қур, пиш!

Катта синф виқор билан, узининг кадрили билиб туради. Уларнинг сочлари усикроқ, ёкалари очикроқ. Уларга мумкин, чунки катта синф.

Кичкина синф патир-путур чоғиб-уйнаб юрибди.

Ке-етдик далага!

“Т-28” тез юрса, сакраб-сакраб кетади, тиркама ҳам унга қўшилиб илкис чайқалади. Каттароқ синфлар-ку, майли, лекин кичик синф болалари тушиб-нетиб кетмасин дея, симтурли араларга чиқаришади. Арава борти ташқаридан беркитилади, қараб-сизки, тап-тайёр қафаснинг узи.

Ўзақатор ораларида муҳаббат тараннуми янграганига ҳайрон қоласиз.

Усмирлар улғайиб, йигит-қизлар етилиб келишмоқда. Кимдир кимгадир аллақачон кўнгил қўйиб бўлган. Назорат қаттиқ: бировнинг кизига ортиқча гапириб бўлмайди. Отасига-ку, етиб борақолмас, аммо бу ёқда кизнинг ака-укалари, тоға-жиянлари бор-ку? Шу сабабли муҳаббат ихқорининг бошқа усуллари ўйлаб топилади. Шулардан бири – уччанок.

Ўзаларда уччанокли қўсақ камёб бўлади. Шу боис, тоғиб олинган уччанок эҳтиётлаб сақланади, пайт пойлаб туриб, ён эгатдаги кимнингдир эгатига ташлаб қўйилади. Уччанокни олса бас, “тушган” бўлади.

– Тушди, тушди!

Уччанокни ташлаган усмир илжайиб туради.

– Хуп, нима қилай?

– Бехингдан берасан.

– Бехим узи битта, холос.

– Унда пахтангдан берасан.

Ва ҳоказо.

Лекин ишк дардига гирифтор булганлар уччанокка бошка маъно юклашади. Айтайлик, ошиқу бекарор усмир узи ёктирган кизнинг эгатига уччанок ташлаб куйди. Бу энг содда усул, чунки ерда ётган уччанок уз-узидан келиб қолмаслигини ҳамма билади. Уддабу-ронроклар уни луппи чаноклар ичига яширишади.

Мана, кизгина уччанокни олди! Ҳайрон бўлиб атрофига алангласа, сал нарида кизариб-бузариб, бемаъни илжайиб турган ошиқи бекарорни куради.

– Афтинг курсин, буниси сен ташладингми?

– Ҳа.

– Нимага ташладинг?

– Шунчаки, узим...

Кизгина дархол бунинг мағзини чақади. Ё “Ул, безраймай” деб, теримида давом этади, ёки индамайди. Индамаса, олам гулистон. Ошиқ яна бир дунё уччанокни кизнинг эгатига опкелиб ташлашга тайёр. Беғубор, болаларча муҳаббатнинг софдил изҳорлари мана шу тарзда поёни йук далаларга ёйилиб кетади. Ҳали энди-гина дил изҳори килинди. Қизнинг муносабати номаълум. Борди-ю, сал руйхушлик билдирса ҳам, истикболда унлаб-юзлаб “довон”лар турибди. Ҳали онага айтилса, бир йулини килиб у гапни отага етказса... Ота-она, ака-сингил... Нарёқда кизнинг ота-онаси, ака-синглиси, кавму кариндоши... Шунча баҳайбат тусиқлар юксалиб турганида, биргина уччанок меҳру муҳаббат тимсолига айланиб кетишини кўринг.

Ёшлик таровати жаннат маъволарига айлантирган далалардаги ўсмирларга караб, Дашти Қилчоқдаги кизгина эсимга тушади. Энди уни яхши қуришимни ич-ичимдан тан олганман, бироқ етишиб бўлмаслигини ҳам биламан. Афсус, агар орамизда булганида, эгатига сездирмай уччанок ташлармидим? Терган пахтасини, урган утларини кутариб шийпонга оборардим. Пайваста қошларининг, куюқ киприкларининг, хаёлимни олган гавҳар қўзларининг малоҳати янада ортган бўлса керак. Бир кунмас-бир кун уни яна учратиб қолишимга ишонаман, аммо бу муъжиза қай тарз руй беришини ақлимга сиғдиролмайман. Балки яна меҳмон бўлиб келишар? Балки ўзимиз уларникига борармиз?..

Қуёш уфқка ёнбошлаб, кун тугайди. Ҳамма уй-уйига қайта бошлайди.

Қайтишда мабодо пиёда кетилса, қизлар бир тўп, угил болалар бир тўп бўлиб, купинча қизлар олдинга ўтиб олишади. Шунда “гап ташлаш” бошланади.

Гап тўғридан-тўғри “ташланмайди”, балки қиялатиб “отилади”:

– Омон, бугун бошқачароқмисан? Гапирсам ҳам қарамайсан? – дейди ошику бекарор ўспирин шеригига карата баланд овозда.

Табиийки, бу гап Омонга эмас, олдинда кетаётган қизалоқлардан бирига айтилмоқда. Қизгина ҳам дарров гап нимадалигини сезади.

– Заро, ўзинг кеча нима дединг?

– Нима дедим? – ҳеч нарсадан беҳабар Зарофат ҳайрон.

– Э, жим кетавермайсанми? – бикинини чимчилайди “нишон” қиз. – Анови мирзатеракка гапиряпман.

“Мирзатерак” – гап отган ўсмир.

– Омон, хазилни ҳам тушунмайдиган бўлиб қолибсанми? – давом этади “Мирзатерак”.

Жавоб дарров келади:

– Одамга ухшаб ҳазил қилсанг тушунаманми, Заро?

Бундай “гаплашиш”ларнинг бошка турлари ҳам бор. Масалан, “гап ташловчи” узи ҳақида гапиреди:

– Мен бугун бошқачарокманми? Гапирсаям индамайман?

Жавоб ҳам шунга мос:

– Мен кеча булмагур бир гап айтиб қуйибман-да, молга ухшаб.

Ҳамма шарақлаб кулиб юборади. Булмагур гап айтадиган мол канака булиши мумкин?

– Ия, ҳазилниям тушунмайдиган буп қолибманми?

– Мен эса одамга ухшаб ҳазил қилолмайдиган бупқолибман...

Қизларнинг уз “шева”си бор, бу – ҳар бугинга “з” ёки “б” қушиб гапирадиган “шева”, бошқача айтганда – “шифр”.

Дейлик, кизгина Зарофатга “Сен жим кетавер, у менга гапирди” демокчи. Бу гап шундай булиб чиқади:

– Се-зе-н жи-зи-м ту-зу-р, у-зо ме-зен-газа га-за-пи-зи-р-ди-зи!

Ёки:

– Се-бо-н жи-би-м ту-бу-р, у-бо ме-бе-н-га-бо га-бо-пи-би-р-ди-би!

Бу “бидир-бидир”ни қани энди биров тушунса! Шум кизгиналар дарров англаб олишади. Қуллар қаварган, лупли оқ пахталар бармоқларни ёриб юборган, билаклар тилинган, аммо ёшлик ҳарорати чакнатган кузлар, нигоҳлар, кулишларнинг бари ҳали бир оғиз суз айтилмасидан оламжаҳон маъно таший бошлайди.



– Жуғрофия, уммон канака бўлади?

– Охири қуринмас, бепоён шур сув.



– Баликлариям бордир?

– Булмасинми?

Биздаги баликлар майда, жун. Кузимга жуда соддадай кўринади. Энг каттаси шопалоқдай келади, шуниям болалар тутиб олгач, куз-кузлаб ярим кун кутариб юришади. Бошқалари – жимжилокдай келадиган митти балиқчалар, увилдириқдан янги чикканига карасангиз, ниначи боласини эслатади: игнадай келадиган жимит тананинг икки ёнида буртик кузчаси булади.

– Одамлар-чи, биздаками?

– Одам Худонинг бандаси, ҳамма жойда бир хил, болам. Ҳамма бир ота-онадан, яъни Одам Ато билан Момо Ҳаводан таркаган.

– Шунча халқ-а?

– Ҳа, қачонлардир дунёда фақат иккита одам булган, холос.

– Одам маймундан пайдо булмаганми?

– Тавба қилдим де! Инсон ер юзининг жонзоти эмас.

У жаннатдан тушган!

...Сабзавотлар йиғиштирилади. Маккалар урилиб, бир-иккита поясидан аркон эшиб, белидан дасталаб бойланади. Кейин қуритиш учун қураларга тиккама-сига босилади. Уриб олинган ерларда қолдик илдизлари тигдай булиб чикиб туради, уни “туқуч” дейдилар. Эҳтиёт булмасангиз, оёқни тилиб юборади, қучириб четга уйиш керак. Оталар томоркага гунг солишади. Кейин ер яна чоғиб чиқилади, шунда гунг тупроққа қоришади. Ёмғирлар бошланмасидан тезроқ улғуриш керак, шу сабабли эркаклару болалар, хотинлару қизчалар – ҳамма баб-баравар ер ағдаради.

...Кузда мевалар хилма-хил, бениҳоя ширин булиб етилади. Осмоннинг ранги тўқ мовий тусга кириб соқиялашган, ҳавода гоҳида қилпираб мезонлар учади. Беҳилар узиб олинаиб, сомон орасига жойланган, узум-

лар шифтга осилган. Шафтоли, олма, урик қоқи қилинган. Помидор ҳам қоқи қилинади, уртасидан икки палла қилиб ёриб, офтобга қуритгани қуяверасиз. Ичидагиларини тоғорага туқасиз, вақт утиб суви кетгач, уруғи қолади. У оч-сарғиш тусли, япаски бўлади. Бодринг уруғи ҳам шу тарика олинади. Шакли узунчок, оқ рангли, шилимшиқ, худди қовун уруғига ухшайди. Барини доқага ураб, осиб қуясиз, чунки янаги йил ерга қадаш керак...

### Куз

Пахта мавсуми тугаганида кишлоқ енгил нафас олади.

Поёнсиз далалар жигарранг-қунғир тусга қирган, куз ёмғирлари бир хилда ёғиб, пилчиллаган лойга айлантирган. Шийпонлар ҳувиллаган, бум-буш. Очик эшикларидан шамол қириб уйнайди.

Айвондаги радио буни узича шарҳлайди:

Бунча ҳам ёмғир ёғодир биз ғарибнинг томига,

Кимни ҳам раҳми келтур бечораларнинг ҳолига...<sup>1</sup>

Халққа ғузапоя бўлиб берилди. Ҳамма бола-чақаси билан ғузапоя туплашга чиқди.

Баъзилар трактор опкелишган. Бу сафар “Т-28”га ёндама пичокли мослама урнатилган, у ғузапояни кесиб-қупориб, ағдариб кетаверади. Ортидан лойга бота-бота юриб, туплаш керак.

Кимдир монёрдан сим олган, симқирқар билан ғузапоя боғига мослаб кесиб чиққан. Сим тополмаганлар тут новдасини эшиб, боғлашади. Новда чайир, қайишқок, уни болалар эшолмайди, шу сабаб катталар бақувват қулларида бураб-бураб эшишади.

Бир оилага уртача минг боғ ғузапоя керак.

Гоҳида туман тушганида ҳам одамлар бола-чақаси билан далаларда қуйманиб юришганини қурасиз.

<sup>1</sup> Халқ қўшиқларидан

Улов топганлар гузапояни трактор аравасига баланд килиб босишади, у келиб, дарвоза олдига ғарам килиб ағдариб кетади. Тополмаганлар ун беш-йигирмата боғни арконга бойлаб, елкаларида уйларига ташийверишади. Эл ун-ун беш кун шу ташвиш билан яшайди. Кейин “жола” мавсуми келади.

“Жола” деб далаларга молларни бемалол куйиб юборишга рухсат теккан маҳални айтишади. “Молни жолага ҳайда” деган гап сигирни уша далаларга обориб, бокиб келиш кераклигини билдиради. Бу иш ҳам усмирлар зиммасида. Жола маҳали совук тушади, уйкуга кетган дарахтлар новдаларида булдуруклар пайдо булади. Болалар далаларда қолган-қутган гузапояларни туплаб, ут ёкишади, картошка ёки беҳи кумишади, қолиб кетган чигитларни утга ташласангиз, чирсиллаб отилади.

Кеч куз шу тарика ёйилиб-ястанади.

Халқ кеч кузда туйлар қилади. Сабаби, қули пул куради.

Шу сабабли жонини жабборга бериб тер тукади. Бола-чақасини ҳам аямай, бурнини ерга ишқаб-ишқаб ишлатади. Эвазига ҳақини олади.

Ҳақини олгач, энди кунглим тук, бу пул билан кишдан эсон-омон чикиб оламан, дейди.

Туй қиладиганларни эса машаққатлар кутиб турибди. Шурлик, мол-қуйини сотади, қарз кутаради. Бир амаллаб тайёргарлик куради. Хуллас, бирин-кетин туйлар булади.

Қиш совуқларида одамлар оғзидан ҳовур чиқа-чиқа, туй томоша килишади.

Бир тарафда киз-жувонлар тулланишган, қарши томонда йигит-яланг. Катта чироклар осилган, гоҳида қарс этиб ёрилиб ҳам кетади. Чирок учадиган пайтлар ҳам булади, шунда уртага катта гулхан ёкилади.

Туй бошланганида ёши улуғлар ёктирадиган қушиқлар айтилади. Элнинг катталарига шунақаси маъқул.

Қирк йилда бир йигит келар дунёга,  
Йигит юзин ерга каратма, фалак!

Ёки:

Номард купригидан улсам утмасман,  
Карвон булсам маконига кунмасман,  
Кулидан бир пиёла чойин ичмасман,  
Мардингни номардга мухтож қилмагин...

Одамлар бошларини чайкаб-чайкаб эшитиб утиришади.

– Яшавор!

Халқ туйларда каддини тиклайди.

Ёш-яланг даврага товок-товок палов ташишади. Эл туйларда, маросимларда жипслашиб қолади. Ҳамма бир жойда, узини кавму кариндошдай тута бошлайди.

Мактабларда эса сабоқлар бошланади. Синфхоналар совук. Бақалок печкаларга ўтин ҳамда тошқумир ёкилади. Ҳар синфда печка ёнида бир пақирдан кумир туради.

– Салом, фанлар! Салом, физика, кимё, жуғрофия, тарих! Биз яна келдик!

\*\*\*

Материклар жуғрофияси бизларга вулконлар қандай отилишини тушунтиради. Ер остида лавалар ҳосил бўлиши, уммонлардаги улкан балиқлару саккизоёқларнинг кучиши, табиий офатлар, туфонлар, тоғлар, денгизлар хақида шунақанги берилиб ҳикоя қиладикки, хайратдан кузларимиз катта-катта очилиб, эшитиб утирамыз. Учқур тасаввур китъаларнинг пайдо бўлишини,

тоғлар ер каъридан қай тарз бош кутариб чикишини, наботот ва ҳайвонот қандай пайдо бўлиб, йуқолиб кетишини жонлантиради, хаёлларни Нил дарёси бўйларига, ундан Дажла ва Фрот сохилларига етаклайди. Фиръвонлар маконлари, эзилиб-букилиб ишлаётган минглаб куллар узра айланамиз.

Ҳа, фанлар мактаб мобайнида бениҳоя ажойиб ҳикояларни гоҳ курук илмий, гоҳ жонли тил ила суйлаб беради. Аммо бу ҳикояларни билишимиздан не фойда эканини айтмайди. Қишлоқ узра уйнаган нур ва соя уйинлари бошқа элларда бошқача жилваланишини, ботаётган ёхуд чикаётган қуёш ёғдуси денгиз долгаларида палахса-палахса, тук сариқдан қирмизигача ажаб жилолар ҳосил қилишини, тулқин қарсиллаши қанақа бўлишини, икки денгиз суви сираям аралашиб кетмаслигини, куруклик дунёсида неки бор, сув дунёсида ҳам борлигини, курукликда эсадиган шамоллар сув остида оқим деб аталишини, ёллари ҳилпираб чопадиган гуррос отлар у оламда сув отлари дейилишини... барчаси ила бизларни махлиё айлайди-ю, аммо...

Шу қишлоқдан чиқолмаслигимизни, бу билимлар ҳеч қачон керак бўлмаслигини, мактаб тугагач, бир рузгорнинг бошига келишимизнию эл қатори бизлар ҳам гувалак қуйиб, иморатлар солиб, далаларда ишлаш билан бир қаторда, томорқамизда етилган мева-чеваларни бозорга олиб бориб сотиш билан тирикчилик қила-қила умримиз утиб кетаверишини айтмайди. Айтгандаям нима узгарарди? Тақдир ёзуғи шу эмасми – ҳамма бир тану бир жон, баҳамжихат бўлиб, бир-бирини суяб-қўллаб ҳаёт кечирмоқда. Ҳали ёш-ку, руҳини чуқтириб нима қилдим, катта бўлса узи билиб олар, дейди.

Қушиш, айириш, қўлайтириш, бўлиш... Пифагор теоремаси қачон, химга керак булақолибди? Гаусс конуни-чи? Булар ҳам майли, каттарок синфга утганингизда тамомила нотаниш, тушунарсиз билимларга рупара келасиз. “Логарифм чексизга нима учун интилади, интилганида киймати нима учун бирга тенг бўлиб қолади? Синус-косинуслар-чи?” Ундан кура, укувчиларга “Бир кило пахта оғирми, бир кило тошми?” деганга ўхшаш бошқотирма саволлар маъкулрок бўлса-да, ҳаммамиз олий математикада бир хилда муваффақиятсиз давом этамиз. Уларни англаб олиш тугул, номига тил келишмайди-ку? Логарифм кишлок тилида “Лагарипм”га айлангач, Пифагор деган юнон олимнинг исми “Пифагур” бўлиб қолгач, нимаям кутардингиз? Сир булсаям айтай, бутун бошли кишлокдан кимдир институт ёки университетга уқишга кириб қолса, худди муъжиза руй бергандай, гап бутун кишлокка ёйилиб кетар, “қаллалари бола” хақида афсоналар пайдо булар, кейинрок афсонавий йигит ё шаҳарларда қолиб кетар, ёки кишлокка қайтиб келиб, эл ҳаётига қушилиб, “ўзимизнинг” одамга айланарди.

– Сигирни қунига бир тоғорадан ем бериб емлайверсанг, бир ойда неча килога семиради?

– Уттиз килога.

– Қалланг борми?

Саволга қаранг! Ана, елқанинг устида дум-думалок бўлиб турибди-ку? Сочиям, соч остида қузу қулогиям бор. Қойишлар шу тарз давом этаверади:

– Қалла деган нарса асло йук сенда!

Бир маҳаллар Дашти Қипчок қизи шу қойишни эшитиб, таажубланиб жилмайиб қуйгани ҳам эсимга келади.

Учқур тасаввурнинг қилмишлари ҳам кишлок болаларининг тутуми қаби оддий ва шўх. Қойиш эшитган

боланинг калласи хаёлда дарров ғойиб бўлиб қолар, кейин бошини излаб юрганининг кулгили тасвири пайдо бўларди. Адабиётни айтмайсизми? “Маъно сохибжамоли юзидан пардани очди” дейилса, узимиз катори мактабга бориб-келиб юрган, гулдор кўйлак кийиб, рўмол ураган синфдош кизлардан бирининг шух илжайиб тургани кўз олдимизга келиб, шарақлаб кулиб юборардик. “Сохибжамол” деган суз эсимга Дашти Қипчок кизини ҳам солади. Лекин унинг сиймоси дарсликдаги оқ юзли, узун киприкли нозик малакларга ухшамайди, Дашти Қипчок кизининг борлигида ҳаёт жушқинлиги, ёшлик таровати гуркираган, офтобда кизарган юзида кизгин ҳарорат барқ уради. Ажабо, бизлар улғайганимиз сайин унинг ҳаёлимдаги сиймоси ҳам улғайган, усмирона хусусиятлари ғойиб бўлиб, буй етган кизнинг балоғат таровати таралади. Қора сочи узун эди-ку, янада узайгандир? Сирли жилмайишининг фусункорлиги янада ортгандир?

Хуллас, бир томонда мутлако кераксиз фанлар йиллаб болаларнинг онгига натижасиз қуйилган, бошқа томонда эса, ўз болаларига, зурёдларига ишончсизлик руҳияти ҳукмрон бўлган паллаларнинг ширин ва аламли ёни булар...

\*\*\*

– Усимлик нимадан иборат?

Ҳамма тушунмай хайрон қараб турарди. Ботаника печкага ўт қалаб, устига чойнакда сув қуйди, кейин банд овозда яна:

– Ҳуш, усимлик нимадан иборат? – деб суради.

– Илдиздан, танадан, япроқдан, гулдан...

– Бекорларни бештасини айтибсиз!

Бекор нима-ю, унинг бештаси қанақа бўлади?

– Ҳул, нимадан?

– Ҳужайрадан!

“Ҳужайра” сузи бизларга ёндош синфдаги корамағиз кизалоқ – Ҳожира билан уйкаш келгани учун тасаввурда бесунақай, ухшовсиз бир нимани намоён қилади.

– Билиб қуйинг, ҳар қандай тирик жон ҳужайрадан иборат.

Кейин дарсликни очиб, анжирга ухшаган япалок бир нимани курсатди:

– Мана шу – ҳужайра! У узидан купайиш хусусиятига эга. Иккига булинади, кейин туртга, саккизга... Хуллас, шу тарика кўпаяверади.

Мантик буларни ҳисоблаб чиқиб, муаллимнинг гапини ёлғонга чиқаради. Сабаби: тинмай кўпаяверса, ҳамирдай кўпчиган бир нима пайдо бўлади.

– Хуллас, усимлик ҳужайраси таркибида цитоплазма бор, цитоплазма ичида эса хромосома бўлади...

Анжир, олма, нок, ёнғок, узум, шафтоли... буларнинг бари ҳужайралар экан. Ичида цитоплазмасию хромосомаси билан, албатта. Бизлар ҳам ҳужайрадан таркиб топган эканмиз. Қисқаси, бир туп ҳужайра саналмиш биз бошқа туп ҳужайрани паккос туширар эканмиз. Сигир дейилган бир туп ҳужайра очқаса букирармиш, кучук дейилган яна бир ҳужайрани тепсангиз ангиллармиш ва ҳоказо.

Кулги ўз йулига-ю, энди бизлар шу фанни ҳам урганишга мажбур эдик.

– Баҳорда селлар лойкаларни олиб келиб экинзорларга ёяди, – деди Ботаника. – Улар орасида турли-туман ут уруглари бўлади. Сунгра тупрок борки, ундан наботот униб чиқади. Рангу туси, шаклу шамойилига ақл шошади. Бироз вақт утгач, теваракда гул очмаган нарса колмайди. Бодрингу помидорлар сарик, гилосу урик оқ рангда гуллайди, олма турига қараб ҳар рангда



барк уради, тиканлару ажриқ мовий гул чиқаради Оқишу қизғиш, ингичкаю калин илдизлар тупрок бағрига кириб бориб маъданларни суриб олади, усимлик бағрида кимевий жараёнлар руй беради. Шуларнинг бари куёшга интилади. Япроклари ёруғликни туйиб-туйиб, худди чакалок сут эмгандай змади, офтоб уларда шавк пайдо килади, кечгача нурга туйинган усимлик туни билан уни бошка нарсага айлантиради. Енига одам келганини сезади, узини чоғлайди, мени бир нима қилиб куймасин деб ҳурқади. Ахир, у ҳам сиз сингари тирик жон. Масалан, биров уриб-сукса ёки хатар сезсангиз, бакириб-чакирасиз, кочасиз, у эса жойидан силжий олмайди, чунки илдизи ерда-ку!

Уларни шамол, асаларилар, қушлар чанглатиши ҳақида ҳам айтди. Айниқса, мевали дарахтлар ҳақидаги дарслар кизикарли бўлди, тасаввур улар орасидан нима учундир шафтолни ажратиб олди. Қишлоқ хотинларининг меҳнатда каварган қуллари, кизарган ол ёноқлари, кампирларнинг бужур кафтларини тамсил этадиган мумсик ва ўксик дарахт тимсолга айланди. Бошқалари эса бундай хусусият касб этмади. Мевасиз тераклар, шамолда ларзон чайкаладиган толлар, беҳилар, олмалар, узумлар ҳам нима учундир одамларни тамсил этмай, фақат шафтоли оғочигина одамга ухшаб қолди.

Муаллим муковаси эскириб кетган бир китобни қулимга бериб, бир саҳифасини очиб, “Ўки”, деди тантанавор оҳангда. Ўкий бошладим:

– Шак йўкки, “қувваи табиия” илҳомлантирилган ва вакил қилинган вазифаси билан бирон моддага дуч келганида уни бекор қолдирмайди. Агар у модда керагидан ортиқ булса, уз ишини икки марта орттиради. Икки ҳисса орттириш баъзан бир неча марта ҳам тақрорланади. Бу ҳодисаларнинг барчаси усимликларда учрайди. Бир-бирига ёпишган қушалок мевалар, битта

пучок ураб турган кушалок мағизлар. Икки марта орттиришда купайиш ва бир-бирининг ичига кириб кетиш ҳам бўлади, ичида ўзи каби лиму мавжуд бўлган лиму бунга мисолдир.

Гоҳо “қувваи табиия” тудик икки хисса килиш ишини тамомлай олмайди-да, аъзоларни турган жойларига лойик орттириб қўяди. Чунки одатдагига ва яроклиларга караганда ортикча бўлса ҳам, ўзига тегишли ўринларда туради...

- Тушундингизми?
- Ҳа.
- Нимани тушундингиз?
- Билмадик...

Биология устозимиз давом этади:

– “Қувваи табиия”нинг маъноси табиий қувват дегани! Беруний бобо айтяптики, яратикларнинг пайдо бўлиши, ўсиши ва купайишини бошқариб турадиган бир куч бор. Унинг номи жондир. Дарахтлардаги кушалок меваларнинг, эгизак болаларнинг кандай пайдо бўлишини тушунтиряпти.

Яна тушунмаймиз. “Қувваи табиия” ўз ишини қилса қилавермайдими?

– Беруний ким?

– Жуда катта олим, сизнинг аждодингиз! Мана шу гапларини минг йил аввал айтиб кетган! У маҳалда дунё ҳали санашниям тузук-қурук билмас эди, гап шунда!

Бўлса бордир. Лекин биз оддий одамлармиз, унака нарсаларга ақлимиз етавермайди.

Мана шу гап жуда кўп такрорланади. Кишилар ўзлари билмайдиган нарсалар ҳақида гап кетганида “Ҳа, энди биз оддий, жун одамлармиз-да”, деб илжайиб қуйишади. Бунинг тагида бир чимдим истехзо ҳам бор, яъни “Ҳа, энди, сиз шунақа нарсаларни билиб, зур бупкетибсиз, бизлар эса оддий кишилармиз...”

Бу гапларни болалар ҳам ушлаштириб олишган.

– Шу китоб сенга! – деди Ботаника бурушиқ кулларини елкамга куйиб. – Унинг номи “Осорул-боқия”<sup>1</sup>. Мен тез кунда нафақага кетаман, соғлигимнинг мазаси йук. Катта булсанг эслаб юарсан...

– Рахмат!

Шундан сунг у чин кунгилдан, овозида уртанишу укинч сезилиб, роса гапирди. “Укинглар, жон болаларим, – деди. – Ҳозир айна пайти Билим олинглар, биз курган кунларни курманглар. Теварагингизга разм солинг, каранг, одамларнинг умри тирикчилик ташвишлари билан утиб кетмоқда. Етар, бас! Курмаяпсизми, астрономия олис юлдузлар нурина ёйиб булди, биз эса халиям кетмон кутариб юрибмиз. Физика зарраларни мутлақ тезлатиш оркали модданинг янги хусусиятларини кашф этди, кимё оламда мавжуд номаълум унсурларни топди, генетика деган фан тирик жонзотлар яралишининг конуниятларини курсатибгина қолмай, уларни узгартириш мумкинлигини исботлади, бизлар яна беҳабар... Онгингизда юлдузлар чакнашини, куёшлар порлашини истамайсизми? Дунё тилсимларининг тубига етишни, мангулик сирини очишни хохламайсизми?”

– Хохлаймиз-у, аммо бизга йул булсин?

Синф болалари бир-бирларига қараб илжайишади. Нималарни гапирмоқда кекса муаллим? Физика, астрономия, кимё, генетика... Кимга керак у фанлар?

Дунёда усимликлар пайдо булганидан бери миллионлаб йиллар утганини генетика айтиб берганмиш. У маҳал одамлар яшаганми? Йук, яшамаган. Улар Тешиқ-

<sup>1</sup> Абу Раѳшон Берунийнинг арабча “Ал-осорул-боқия айна-курушил холия” асари Ўзбек тилида “Қадимги халқлардан қолган едгорликлар” номи билан нашр қилинган

тошдан топилган боладан сал аввал пайдо булишибди. Уз одамларимизга назар солсангиз, шаклу шамоийли, киёфаси ҳар турли эканига ҳайрон қоласиз. Масалан, бир синфдошимизнинг сочлари сариқ, қушлари эса қумқук. Дашти Қипчоқ қизининг баҳор осмонидай қушлари, узун киприклари, қун тафтида қизарган юзи эсимга келади-ю, ҳаёлим синфхонадан чиқиб, уша эллар сари парвоз қилади. Ер юзида турли иқлимлар бор. Худои таолонинг фаришталари олам узра қанот қоқиб, дунёга янги жонларни келтиришмоқда. Оламнинг исталган иқлимида, исталган вақтда дунёга келишимиз мумкин эди-ю, лекин нима учун айнан ут-уланларию дов-дарахтлари иссиқда ҳансираган, ховлию экинзорлар орасида, гоҳ-гоҳ “Омон!” деган ҳайқириклар эшитилиб қоладиган, баҳорда селлар тўқ-қизғиш бутанани оқизиб келиб далаларга ёядиган, одамлари тун қийиб, белбоғ боғлаб, дуппи қийиб юрадиган масканларда туғилиб қолибмиз?

Қишлоқ қуёши барчамизнинг юзларимизни бир хилда қорайтирган. Барчамизнинг қулларимиз, қафтларимиз меҳнатда бир хилда қаварган. Ақасининг, тоғасининг қичик келиб қолган қийинмини қийган ўспиринлар туй-маросимларда дастёр, қул қовуштириб туришади. Юз-қузига қараб, ота-онасининг қимлигини бемалол билиб олаверасиз. Ҳамма жипс, ҳамма бирдам, гуё жуда катта оиладай ҳаёт кечирамиз. Бир тилда гаплашамиз-у, ҳар қишлоқ лаҳжаси бошқасига ўхшамаслигига ҳайрон қоламиз, талаффуздаги салгина фарқдан ҳам қаернинг одами эканини билиб олаверамиз. Китоблар ўқиймиз, қаҳрамонларининг номи ўзимизникига ўхшамаса, ташлаб юборамиз. Чунки бегонадай, узгадай туюлади. Исми ўзбекча қаҳрамонлар ҳақидаги китобларни эса берилиб, орзу-ҳайратларга чумиб ўқиймиз...

Бир авлод болалари шу тарз улғайишади. Бу орада оталар кексайишади.

Бир хайқирса, овози етти кишлокка етадиган қудратли оталар бели букчайиб, хасса таяниб юрадиган оксоколларга айланишади.

Кунгли буш булиб колганини айтмайсиэми?

Бир қарасангиз, чопкиллаб уйнаб юрган неварасига қараб, меҳри товланиб:

– Одобингдан айланай, отам, – дейди. – Қулингги куксингга қуйиб, жимитдай булиб салом берсанг, кузимга ёш келади-я. Бобонг қурбон булсин сенга, отажоним. Қара-я, отам утиб кетувди, урнига сен ота булдинг!

Яна бир қарасангиз, “Жоним онам, – дейди киз неварасига қараб. – Дастёр булиб колдинг-а. Урим сочинг белингга етиб, челақларда сув ташийсан, ҳовлиларни супурасан, ҳаммаёкни саранжом-саришта қилиб қуядиган ажойиб кизалоқ булиб вояга етдинг. Онам утиб кетувди, чехрасини кумсаб-соғинардим, урнига худойим сени берди. Бирингизни отам, бирингизни онам дейман-да, яна кимим бор мени бу дунёда?”

Ҳай аттанг, улугларим бу кунларни қуришмади. Буй-бастингизга зор булиб, қўзларини тика-тика ўтиб кетишди” дейди

“Болаларим, ҳаётим буйи сизларни деб захмат чекдим. Утгаям, чуққаям сизларни деб кирдим. Камолингизни кураман деб орзулар килдим.

Жон болаларим, илм олинглар. Ахир, мен ҳам фазоларга, юлдузларга кизикардим. Найлайин, турмуш оғир экан. Отамнинг ёнига киришим, белига мадор бўлишим керак деб, тулрок ичида уралашиб юраверибман. Ҳаёт нимага бундай деб уйлаб ҳам кўрмабман. Қарасам, умр утиб кетибди.

Узим ҳам юлдуздай чакнаган бола эдим-ку? Э воҳ, умримни нималарга сарфладим” дея уксинади.

“Бизнинг замон шунака эди. Илм олсанг ҳам, кишлоқда кимга керак буларди? Энди ҳамма йуллер сизники, болалар. Укинглар, катта булинглар, эл бошига келиб юрт суранглар” дейишади.

Аммо, нима учун бунча армон, афсус, укинч, изтироб?

Болалар эса... бир-биридан узгир, шаддод, леккин отасининг ҳурматини билади. Узини иззатиниям билади, кузларида ақл-фаросат балкиб турибди.

Утган йилларнинг ҳикояси мана шулардан иборат. Бу давр оралигида улгайган минглаб-миллионлаб кишилар, ана шу манзараларни ёд билишади. Ана шу ҳаёт онгларга сизиб кириб, аллақачон тошга ёзилгандай муҳрланиб улгурган.

Энди учармиди?

Йук, сира учмайди.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ГЕНЕТИКАГА КИРИШ

Дашт шамоли шиддат уради, кулранг юлгунларни чайкатади. Бу маҳалда унинг сув юктирмас тукли япроқлари тесқари булиб қолади, шу сабабли туси узгаради. Юкли булутлар пастлай бошлайди, теварак жунбишга келади. Илик томчилар юзга уради.

– Ҳа-а-айт! – деб ҳайкиради дашту далаларнинг Омон деган боласи, осмонга қарата.

Ичидан бир нима жушиб-тошиб келади, қадимий кушиқларни куйлаб юборади, завк-шавкига қараб хавасланасиз. Узини олис дostonларнинг жасур қахрамони деб ҳис этади, “Ҳа-а-айт” дея от чолтириб кетади, эгар-

да худди ёпишиб қолгандай, жонивор билан бирлашиб кетгандай туюлади. Буз йигитларни қўяверинг, кизларни айтмайсизми?

Достон оҳанглари от дупурига мос садоланмоқда. Эл шод. Ут гуриллаб ёняпти, тандирда гушт пишяпти.

– Раҳмат, баҳши бува. Ота-бувамиздан хабар бердингиз!

Шундай яшайди эл.

Бари тушунарли, таниш манзаралар

Ҳа, шундай. Бироқ, бошқа мавзуга ўтишимиз керак. Қишлоқдан талага кутарилиб, узга худудларга, олис манзилларга разм солишимиз керак.

Чунки дунё тинимсиз айланиб турибди. Омон яшайдиган масканлардан узоқда ақл бовар қилмас янгилалишлар, узгаришлар аллақачон рўй бериб булган. Сизу бизнинг хусусиятимиз шундаки, нафакат хозирни, балки ўтмишни ҳам кураимиз. Тасаввур деган қанот ёрдамида мозийдан келажакка ҳам ўча оламиз.



Бундан бир ярим аср аввал Чехия монастирларидан бирининг монахи – Грегор Мендель деган одам нухат устида тажрибалар ўтказиб, сарик ҳамда яшил нухатни частиштиришда ҳосил булган барча навлар сарик бўлиб қолганига диққат қаратган эди. Икки тур усимликдан сарик нав кучлилиқ қилгач, яшили қаёққа жетақолди? Бу ғалати ҳолат Менделни жуда ўйлантириб қўйди. Шунингдек, тириш-бўртиқ ва силлик уруғли усимликларни частиштирган эди, кейинги ҳосилдагиларнинг ҳаммаси силлик уруғли бўлиб қолди.

Шундан сўнг монах ғалати бу ишга бутун борлиги билан хиришиб кетди. Частиштиришларнинг иккинчи авлодида ҳар унтадан еттитаси сарик, учтаси эса яшил бўлиб чиқди. Кейинги авлодда яна кутилмаган аломат

кузатилди, яъни силлик сариқ ва бўртиқ яшил уруғлар чатиштирилганида, яшилу сариқнинг хусусияти узгариб, силлик яшил ҳамда бўртиқ сариқ навлар юзага келди.

Мендель тасавури кенг одам эди Барча улкан кашфиётлар оддий ходисалар замирида ётишини биларди. “Бундай ҳолат инсон ирсиятида ҳам учрармикин”, дея бош котирди. Инсонлар ҳам усимлигу дарахтлар сингари бир-бирлари билан чатишадилар, лекин баъзиларининг авлодлари бир-бирларига ухшаса, бошқаларидан турли киефадаги фарзандлар туғилади. Нухат ҳамда ловияда кучли нав факат биринчи авлодда устунлик қилса, учинчи авлоддан кейин ажралиш юзага келди. Илк навлар кучли, булик ҳосил берса, кейингилари ота-онанинг кучсиз тарафларини олиб, униб чикди. Инсонларда-чи? Афсуски, Мендель бу чалкашиқларнинг қонуниятларини тополмасдан дунёдан утиб кетди.

Анча йиллар ўтгачгина бошка олимлар Мендель кашфиётларига эътибор қарата бошлашди.

Бу орада фан “хужайра” деб аталган хазинани аллақачон кашф этиб булган эди.

“Айтайлик, чўлда кетиб боряпсиз, – деди у. – Кафтингизга бир сиким қум олдингиз. Унда нечта зарра бор? Мингтами, юз мингтами? Санашнинг иложи йўқ. Қумдан яратқилган одам вужудида-чи, қанча зарра булиши мумкин?”

Ҳа, инсон танаси хужайра дейилган жуда майда зарралардан иборат. Улар қумдан минглаб марта кичик: факат микроскоп остида кура оласиз. Ҳажми, ранги, шакли бир-бирига ухшамайди, гуё қор зарраларининг бетакрорлигини ёдга солади. Аксариятида қобиқ остида шаффоф суюқлик булади, унинг ичида эса усимлик уруғига ухшаган янада кичик зарралар жойлашган.



Тирик жон эгаларининг бари, шу жумладан утлару дарахтлар ҳам хужайрадан таркиб топган. Уларнинг баъзилари бор-йўғи битта хужайрадан иборат, баъзиларида эса бир неча минг. Инсонда тахминан эллик триллион хужайра мавжуд. Уйласангиз қўриб кетасиз, шуларнинг бари бир низом ва тартиб ичида ҳаёт кечириш билан бирга, вужуд тириклигини таъминлаб туради”.

Кейинроқ хужайра таркибидан генлар ажратиб олинди. “Хромосома” деб аталадиган зарра ичида яшириниб ётган ҳукми илоҳий тусатдан тирик жоннинг яратилиш сирлари томон йул очиб берди. Ҳа, яралиш дейилган улкан жараён “ген” деб аталадиган бениҳоя митти моддалар бағридаги буйруқлар боис, уз қонуниятларидан сира оғишмасдан давом этиб келмоқда. Микроскоп остида буралиб-чувалиб ётган у ҳукм ўрами қай тарз куз, кулоқ, юз, соч, суяк, мушак, тана аъзолари бунёдга келишининг, усиб-ривожланишининг ва ҳаёт деган ажойиб жараёни такомиллаштиришининг тамал қонуниятлари бўлиб чиқди. Бу эса жон эгаларининг бор-йўғи бир хужайрадан пайдо булиши сабабларига жуда кучли исбот бўлиб қушилди.

Мендель бениҳоя мукамал шу меъморий салтанатга инсон аралашуви мумкинлигини исбот қилиб кетди. Билимлар оламидаги мутлақо янги бу фан, ҳар қандай тирик жонзотни истаган шаклда ўзгартириш мумкинлигини, бениҳоя мураккаб тирик организмларни хоҳлаган тарзда бунёд эта олишни ваъда қиларди.

Аммо, жон-чи? Кўзга кўринмас митти зарралар йўқлик оламларидан келадиган уша меҳмон учун мукамал бир меҳмонхона ҳосил қилар эканлар, унинг узи қайда? Шу маҳалгача жон дейилган унсурнинг фақат аломатлари қўрилган, узининг не экани эса жумбоклича қолмоқда. У меҳмон шунчалар азизки, наслу насабининг ҳам азизлигини таъкидлаш учун ота ва она

кнефаси бахш этилиб, вужуд дейилган хонаи хуршидга уларнинг кош-кузлари, юз-чехраси ҳам накш этилмокда!

Мендель илоҳиётчи файласуф ҳам эди. Унга қадар олимлардан Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино олам мукаммаллиги аро инсонгина зоти олий эканини, барча тирик яратикларда фақат жон бор эса, инсонда ундан ташқари рух ҳам мавжудлигини таърифлаб кетишган. Мендель ҳам шу фикрни давом эттирди: она қорнида ҳомилага жон киргани ҳамано яратилган бу вужуд аъзолари ишга тушади ҳамда уч ой утгач, рух пуфлаб киритилади. Унинг кимлиги, яхши ёки ёмонлиги ҳозирча Тангри таологагина аён. Топ-тоза, мусаффо инсон руҳи уша мухташам вужудга киргачгина одам пайдо бўлади. Мана шуни “Бир инсон дунёга келди”, дейдилар

Модомики, “келган” экан, у ҳолда, қаердан?

Тана дейилган маъвода у билан бирга усиб-улғаяр экан, ҳар нарсани мушоҳада қилади, таққослайди, турли-туманликларни кўриб, тафаккурга толади, севади, нафратланади, қувонади, изтироб чекади. Шу тариқа, фақат мазмунлар ила тўйина-тўйина, вақт-соати келгач, яна узга маконларга равона бўлади. Вужуддай ажойиб санъат асари эса дарахтларнинг кузги барглари каби туссизлашиб, ҳазонга юз тутиб, олам тупроқларига қўшилиб-қоришиб кетади. Шунда “Фалончи оламдан ўтди” ёки “Дунёдан кетди” дейдилар.

Қай тарзда, қаерга кетақолди?

Келтираётгану кеткизаётган ким?

Бундай ифодалар фақат инсонгагина қулланиши-чи? Ҳайвонлар, қурту қушлар, дов-дарахтлар ҳам униб-усиб, ҳосил бериб ёки насл қолдириб ҳазонга айланар экан, уларга нима учун “оламга келди” ёки “абдиётга қовушди” дейилмайди?

Шу жараёнларнинг бари бирлашиб, инсон болалари оламга билим ва мазмун учун келишларини таъкидловчи рад этиб булмас ҳақиқатни намоён қиларди. Дунёга ташриф буюрган рух етарли мазмун билан туйинмагач, шайтон измига кириши, бузғунчиликлар содир қилиши ақлга сиғадими? Мендель ер юзидаги барча бузғунчиликларнинг ва фалокатларнинг асосий сабаби жоҳиллик деган хулосага келди. “Не учун яратилганини, не учун дунёга келганини билмаслик, узини ҳайвон наслига мансуб деб ишониш, шу ажойиб тана ичидаги рухнинг кайдан келганини ва қайга кетишини тафаккур қилмаслик уни, ҳақиқатан ҳам, тубан даражага келтириб қўйиши, шубҳасиз. Руй берган юзлаб урушлар, қотилликлар, ҳақсизликлар тарих бағридан онгларга карата қичкириб турмоқда”, деди Мендель. Меҳру муҳаббат фақат инсонга хос эканини, бошқа бирон-бир жон эгаси у неъматларга ноил булмаганини кўрма-яписизми? Оламдан олиб кетадиган нарсангиз ҳам уша мазмунлар экани онгингизга егиб бормаяптими?

Шундай булса-да, ундан кейинги олимлар шиддат билан янги жон эгаларини яратиш шавқига берилиб кетишди.

Инсон эскирди, дейишди баъзилари. Яъни замонавий дунёга мос келмай қолди. Қаранг, қариб-қартаймоқда, ҳар турли касалликларга дучор бўлмоқда. Ўзингизни ўзингиз янгилаб олинг дея, яратилиш тамалининг қопқалари ланг очилмоқда. Яна бироз сабр қилсангиз бас, дунёни истаган шаклга келтира оласиз. Ўзингизни қайтадан яратасиз, томирларингизда доимо қуч-қувват оқадиган, умр кузининг кексалик ва ажал деган офатлари қор қилмайдиган даражага етасиз.

Илк генетик тадқиқотлар шу заминда бошлангани сир эмас. Турли-туман бой-бадавлат кишилар ўз сарватларини тадқиқотлар учун аямай сарфлашарди.

Ахир, яқиндагина одам боласи заиф мавжудот ҳисобланмасмиди? Ақлу тафаккури боис, ўзидан кучли яратиклару балоларга бас кела олиш учун қуроллар ихтиро қилди, мустаҳкам уйлар, туғонлар қурди, ҳайвонларни бўйсундирди, чакмоқлару шамоллар ҳосил қилишни урганди. Ҳа, энди тула ҳукмронлик замони келди, чунки у ҳар нарсадан ғолиб чиқди.

Шунингдек, касаллик ҳосил қиладиган микроорганизмларнинг ҳам тирик жонзот экани, қупайиб-урчиши ва ҳаёт кечирishi аниқланди. Фанлар олдида яна бир муҳим вазифа қундаланг бўлди: жонли дейилган яратиклар генга эга бўлиши шарт деб белгиланди. Шу тарика, ҳайвонлару ўсимликлардан тортиб то одамни ҳалокатга етаклайдиган, қуритиб-қовжиратадиган турли-туман касаллик қузғатувчиларию таомлару меваларни ачитадиған, ер тубларида жараёнлар ҳосил қиладиган, тошларни емирадиған, ҳамирни қупчитадиған бактерияларгача тириклар сафига келиб қушилақолди.

Менделнинг ҳаёт ва улим қонуниятлари ҳақидаги рисоласи бошқа тур юзлаб асарлар орасида қолиб кетди. Дунё янгилашига юз бурмоқда, энди асрлар оша эскирган ҳулосалар ҳеч қимга кераксиз, аллақачон ҳамма биладиған гапларга айланиб қолған, замонавий фан эса янги уфқлар сари дадил одимларди.

Мана шу маълумотларнинг барчаси дунё генетика марказларининг илм ҳазиналарида жилд-жилд рисолалар ва маълумотлар қуринишида сақланмоқда эди. Оламнинг қаерларидадир тирик организмлар тузилиши устида тадқиқотлар муттасил олиб борилаётгани ва махфий тутилаётгани аён, ўсимликлар ва дарахтлар дунёсига алоқадор барча билимлар эса ошқор бўлиб, тез орада у яна бир бошқа тизимга – тижорий тизимга хизмат қила бошлагани ҳам сир бўлмаётган.

## Момакалдирок

Ҳозир ҳам, қадимда ҳам дашту далалардан то тоғу тошларгача ясланган минглаб қишлоқларнинг болалари момакалдироғу чакмоқларга завқу ҳайрат билан тикилишган, албатта.

Биласиз-ку, момакалдирок олдидан табиат бир лаҳза тек қолади. Дов-дарахтлар тахликада титрайди. Гулдурос хавони ларзага келтирганида, ут-уланлар унинг ортидан келадиган ёмғирни сезишади, қад ростлаб, интиқ кутишади. Ёмғирга ҳомила қора булутлар қатқат, уюр-уюр тупланиб-пасайиб келган маҳал, хавода узга шамоллар уқтин-уқтин забт уриб, теваракни шовуллатган кез, бир-икки ёмғир томчиси ҳар ер-ҳар ерда заиф шитир ҳосил қилган паллада, кукни ёриб чакнаган чакин шиддатидан сўнгра янграйдиган гумбур-гумбур садо ҳайрат, завқ-шавқ ва ҳайкиш ҳосил қилади. Чакин само камчиси бўлса, момакалдирок – уша камчи булутларга урилганининг овози.

Яна, утлару майсалар, бори наботот чакмоқдан қурқиши-чи? Қурту қуш олдиндан сезиб, беркиниб олиши-чи? Ақлу тафакқури йўқ жонзотларга бундай сезимларни ким берган?

Билганларим онгимда момакалдирок содир қилганга ухшарди. Аммо ҳали чакин қуринмади-ку? Билим булутлари ерга янада яқинлашганида, кукни тиккасига ёриб юборадиган самовий қилич қудратини ҳозирча шу гулдуросгина ифодамоқда эди, холос.

– Генетика, шу гаплар ростми?

– Ҳа, рост. Тирик жон эгаларини истаганингдай узгартира оласан. Гулни тикансиз, сассик алафни хушбуй қила оласан.

– Бирок, улар нега аввалбошда шундай яралган экан?

– Дунё эскирди. Бирон ҳайвон пайҳон қилмасин дея гул тиканли, сассик алаф бадбуй яратилган эди. Бугун

буларга ҳожат йук, чунки ер юзи неъматларга тулиб-тошди.

– Яна нималар кила оламан?

– Эҳ-хе, қайси бирини айттай?

– Қара, куз келди. Қишлоқларда мезонлар уча бошлади. Кимдир узумини ерга куммокда. Одамлар узумнигина эмас, анорни ҳам кумишади. Чунки қаҳратонда уларни совуқ уриб, улиб қолиши мумкин. Элни бу заҳматдан халос қилишнинг йули борми?

– Сурайдиганинг шугина холосми? – афсус ила савол беради Генетика. – Ахир, бундан осони йук-ку? Таркибидаги “эскимос” деб аталадиган генларини ўзгартирсанг бас.

– Менинг юртимда одамлар юз йиллардан бери ғуза экиб парваришляшади. Меҳнатининг зурлигини айтсанг... Уни тезроқ етиладиган, толасини узунроқ қилса буладими?

– Нисо холанинг теракзоридаги откулоқлар эсингдами? У ердаги дарахтлар баланд ўсиб, нурни тусиб қуймаганмиди? Откулоқ барглари ва ундаги толасимон томирлар шу сабабли буртиб, ўсиб-узайиб кетмаганмиди? Эсла, эсла... Қуёш нури тикка тушадиган жойдагилари унака эмас эди. Ахир, бари бирдай откулоқ-ку?

Тавба, бу фан худди сеҳргарга ўхшайди. Лекин гаплари тўғри. Чунки ўсимлик нурга интилади. Уни тўсиб қуйсангиз, савки табиий ила ёруғлик қаёқдалигини сезиб, уша ёкка қараб ўсади. Ёруғ қамайса, куз келяпти деб ўйлаб, кўркади. Куз унга ҳаёт тамом бўлганини, ажал элчиси йулда эканини билдиради. Узум шу сабабдан муйловларини ҳар ёнга ёйиб, тепага интилади, ҳатто, дарахтларнинг кир учигача чирмашиб чикиб боради. Кунгабоқарни-ку, айтмай қуяқолай. Хуллас, ғузани ёруғликдан тамомила мосуво қилсак, нур излаб, говлаб усаверади.

Эсимга тенгдош болакайларнинг тийиксиз та-  
савурлари келади:

– Ҳар куни янги қуёш чиқиши ростми? Эскиси нима  
булади?

– Нима буларди, ботиб кетади-да...

– Дунёнинг охирида нима учун ўт ўсмайди?

– Чунки қуёш ўша жойга ботади-ку? Нур бўлмагани  
учун ўтлар ўсолмайди.

Шошма! Мабодо, уни нурнинг ҳаммасидан эмас,  
маълум қисмидан жудо қилсак-чи?

– Физика!

– Лаббай.

– Қуёш нурини ёйиб бера оласанми?

– Марҳамат. Қуёш нурининг қуринади-  
ган спектри бир қанча ранглардан иборат. Чапдан унгла  
қараб, бинафша, қуқ, яшил, сарик, қизил ва узоқ-қизил  
нурларга булинади, – дейди физика мактабдаги кекса  
устозим Абдуназар аканинг овози билан.

– Биология, ғуза фотосинтези учун энг муҳим нур  
қайси?

Биология эса яна бир устозим – Ҳошимбой аканинг  
озоши билан жавоб қайтаради:

– Ҳаммаси, лекин ўсимликлар қизил ҳамда узоқ-қи-  
зил нурсиз яшай олмайди, у ўсимликнинг юраги ва қу-  
зидир!

– У ҳолда, “узоқ-қизил” нурни кесиб қўйсак-чи?

– Бу ҳақда маълумот йўқ. Генетикадан сурайқол.

– Генетика, нима қилайлик?

Генетика совуққон жавоб қайтаради:

– Унинг DNA<sup>1</sup> харитасидан “узоқ-қизил” нурга жа-  
воб қиладиган жойини топиб, ўша ердаги генларни  
“ўчириб” қўйиш керак.

<sup>1</sup> DNA ёки ДНК – дезоксирибонуклеин кислота, тирик жон генларини  
ташувчи модда.

Генетиканинг жавоби тугри. Аммо канака қилиб “учирса” бўлади? Бу, ахир, бошқариш дегани-ку? Генларни қай тарз бошқариш мумкин?

Билим, билим... Бор билганларим шу ерда ниҳоя топади. Бошқа, хайбатли яна бир билим лозим, у орқали мен усимликнинг бутун тарихинию бошқариш мумкин бўлган қисмларини зарра-зарра урганиб чиқишим керак. Ғуза тарихига “шўнғиб” кетаман. Кутилмаганда у Африкадаги кофе ва чой бутаси билан қариндош бўлиб чиқади. Ия! Қаҳва генларини унга кучириб утқазсам, жигарранг тусли пахта толаси етишармикин? Ёки чой халқаларини пайвандласам, яшил тола олармикинман? “Маъно соҳибжамоли” олисдан бир қуриниш беради. Шунчалар шавққа туламанки, бош қашишга фурсат тополмайман.

### Генларни бошқариш

Ҳа, тирик жон зоти борки, пайдо бўлишидан тортиб то усиб-унишигача, гул очиши ёки зурёд қолдиришидан то ҳаётини тугаллашигача шу генлар таъминлаб туради.

Лекин ҳали биронта илм-фан етолмаган яна бир қудрат бор, аввал ҳам айтилганидек, унинг номи жондир. Қай бир махфий даргоҳлардан келиб қирмағунича биронта тириклик мавжуд бўла олмайд. Айтайлик, гилос ҳосил қилмоқчисиз. Таркибидаги барча моддаларни керагича туплаб, бир-бирига аралаштирдингиз. Афсуски, гилос ҳосил бўлмади. Жон қирмади, туплаган нарсаларимиз моддалар қоришмаси ҳолида қолаверди.

У шунчалар галати кучки, тасаввурга сиғмайди. Мисол учун, ҳеч кимга кераксиз, кузга зурга қуринадиган, ер тубларида урмалайдиган ёки ҳавода учиб юрадиган яратиклар бор. Гулзорлар гул очганида хилпираб, бир-бирини қувлаб учадиган, бор-йўғи икки-уч кун яшайдиган капалаклар-чи? Улар дунёга келган онидан



бошлаб нима юмуш бажариши кераклигини, қай тарз ризкланишини, кушандаси кимлигини билишади. Шу сабабдан ҳали кўзи очилмаган кучук боласи сутга талпинади, кулун ёки бузоқ бир-икки соат утар-утмас утлоққа чопади, урдак боласи сувга ошиқади. Шу билимларнинг бари жон канотида келади.

Генетика буларни жавҳарига қадар очиб, тириклик сабабларини ургана олади. Генларни бошқариш – тирикликни бошқариш деган гап.

Уйласангиз, қурқиб кетасиз. Наботот дунёси-ку узгаришларни инжиқликсиз қабул қилади. Тирик хужайра генларини ўзгартириб, махсус ускуна орқали кузата бошлайсиз. Турли-туман идишлардаги хужайралар орасида биттаси хиёл оқариб қолибди. Қувониб кетасиз. Қилтомирларида ҳаёт оқаётганини сезасиз, меҳрингиз ошади. Вақти келиб у росмана ниҳол шаклига келади, томирлари ер тубидан маъданларни суриб олади. У маъданлар тана буйлаб шохга, новдага оқиб, куртак, гул, мева ҳосил қилади.

– Модомики, шунча нарсани урганибсан, қурғур гўзани тезроқ пишадиган қилсанг бўлмасмикин, болам?

– Бугдойни-чи? Бемисл ҳосил етилади-ю, ун қилиб нон ёпсанг, оқиб кетади. Шунини бир нима қилсанг-чи?

Фаразлар, тахминлар, ҳаёллар, хулосалар, натижалар...

Генларни бошқариш усули дунёда бир менинг ҳаёлимга келибдими? Агар Нисо холанинг теракзоридаги откулоқларни қурмаганимда, у гоё ақлимда жонланмасмиди? Болалик манзаралари, кузатувлари хилма-хил, ранг-баранг. Яна нималарни онгимга ҳаёти оларқан менинг султон болалигим?

Лабораторияларда гўза, бугдой, анор, анжир, узумнинг узгартирилган янги навлари етилмоқда. Тез орада

булар ниҳол шаклини олгач, ҳақиқий масканига – ту-  
прокка экиб, синаб курилади, албатта

– Ҳавотир олманг, ота. Айтганларингизни, албатта,  
киламиз. Бошладикми, албатта, охирига етказамиз. Би-  
рок шошманг, яна жуда муҳим бир мавзу ҳам бор.

– Ни́ма мавзу экан?

– Одамлар!

– Одамлар?

– Инсон вужуди катта бир давлатга ўхшайди, – дей-  
ди Генетика, донишмандона овозда. – Мукамал мудо-  
фаа тизими, таъминоти, захиралари мавжуд. Олий Бош  
кумондонлик эса истехком сингари қаттиқ химоялан-  
ган, бу ҳам етмагандай, қалъалар сув хандақлари би-  
лан ураб олингани каби, суюклик билан уралган. Инсон  
руҳи мана шу манзилга келиб, уз тахтига урнашади ва  
бутун вужуд то умр ниҳоясига етмагунча уз хожасига  
садоқат билан хизмат қилади. Сон-саноксиз кишилар  
дунё буйлаб ёйилиб кетган ҳудудларда шу тариқа ҳаёт  
кечиришади.

Инсон ген харитасини ёйиб кўраман. Ундаги маълу-  
мотлар денгиздай бепоён. Соч, куз, юз тузилиши, гавда  
шакли шамойили... Улардан юқориқда бошқа турда-  
ги зарралар қатор тизилган. Булар – ота генлари. Ёнги-  
насида яна бир ҳалқа булиб она зарралари товланади.  
Ҳар икки урам улкан бир дарахт каби ёйилиб, юксакка  
урлаб кетган.

Во ажаб! Тарихлар сузламайдилар. Аммо Тангри  
таоло ҳар инсон тарихини зарра-зарра, узгармас қилиб  
миллионлаб хужайраларнинг ҳар бирига мангу ёзиб  
қуйибди.

– Бу утмишни узгартиришнинг сира иложи йўқ, –  
дейди Генетика. – Неча йиллардан бери голиблар уз  
тарихларини ёзиб келишади. Шу сабабли, ҳеч бири  
ҳақиқатни тўла акс эттирмайди. Ҳа, тарихлар узгаради,

баъзи жойлари махфий тутилади, яширилади, узгартирилади. Аммо одам танасидаги шу мухташам битикларни сира узгартириб булмайди.

- Узгартирса нима булади?
- Одам халок булади!

### Дуст

- Салом, Генетик дустим.
- Салом, Омон дустим.
- Нималар қилиб юрибсан?
- Шу, узинг билган ишлар.
- Илм дегин... Хуш, фойда қалай буляпти?
- Билмадим... Бир куни фойдаси ҳам тегиб қолар.
- Айтмоқчи, қилган у-бу кашфиётларингни четга сотсанг ҳам яхши пул беради дейишади, шу гап ростми?

- Йук, мумкин эмас. У узимизда қолиши керак.
- Бошқаларга утиб кетса нима булади?
- Унда, вақти келиб ўша кашфиёт негизида яратилган янгиликни улардан сотиб олишга мажбур буламиз.
- Эҳ, биров сенинг кашфиётингга қарармиди? Уй-жойингга, кийим-бошингга қарайди одамлар.

- Ҳамма гап шунда-да, дуст. Бизнинг одамлар бунанака яшаши керак эмас. Билсанг, бутун дунё бизга хирож туласа арзийди. Чунки оламга таълим берган, бу халқ. Дунёга фан, маданият нималигини ургатган сулолаларнинг авлоди бу.

- Эҳ-хе, галати гапларни гапчиряпсан. Биз ким-у, улар ким... Узи, нималар қиляпсан? Эшитдим, уни бунга чапиштириб, янги нав чиқарар эмишсан...

- Улар ўз йулига. Ҳозир ниҳоятда зўр бир ишнинг бошида турибман. Ушани охирига етказиб олсам бас.

- Нима экан у иш?

- Сенга қанақа тушунтирсам экан? Бизнинг излавишларимизга кўра, дунёдаги энг қадимий халқлардан

бири эканмиз. Эсингдами, тарих дарслигида Тешиктошдан топилган боланинг сурати буларди...

– Ҳа, эсимда, сочлари пешанасига усиб тушган ибтидоий бола.

– У сену бизнинг аждодимиз. Эллик минг йил аввал кучки остида қолган. Тушуняпсанми, бизнинг ёшимиз камида эллик минг йил экан.

– Майли-ю... Бунн билганимдан нима наф? Усиз ҳам маза килиб яшаяпман-ку? Фақат, қорин қуйиб юборганим чаток бўлди, нега десанг, юрганимда лапанглаб қоляпман... Билсам, бундан ҳам яхши яшайманми?

– Албатта, дуст. Бундан юз баравар, минг баравар яхши яшайсан.

– Ҳа, майли, узинг биласан. Агар у-бу ёрдам керак бўпқолса, бемалол, доим ёнингдаман, сира тортинма.

– Раҳмат, дуст.

### Устоз

– Ассалому алайкум, устоз.

– Ваалайкум ассалом. Ишларингиз яхшими?

– Раҳмат, устоз.

– Генлар борасидаги уринишларингиздан хабарим бор. Буларнинг бари маъкул, лекин сизга бир нарсани айтиб қуйишим керак.

– Марҳамат, устоз.

– Нега буюрилган тажрибаларни қуйиб, бошка ишлар билан шугулланиб юрибсиз? Хаёлингизда мушакил олимга айландингиз-да энди?

– Йук, албатта. Катта устозга бу гояни айтгандим.

– Булардан наф йук, барибир ҳеч нарса чиқмайди, кийин масалалар. Хуп, катта устоз нима дедилар?

– Катта устозга маъкул бўлди. Бирок, мен кўпчилик “ҳеч нарса чиқмайди” деганига иккиланиб турибман, десам, у киши “Биз – ўзбекмиз! Бошладингми – чиқмаса ҳам охиригача етказ!” дедилар. Яна “Билиб қуй-

инглар, сизлар килаётган ишлар, сиздаги интилиш ва маънавият, кўзингизни ёниб туриши энг катта хазинадир” деб алоҳида таъкидладилар. Жуда рухлантириб юбордилар!

– Ҳа-а... У киши, албатта, рухлантирадилар-да, дарров хаволаниб кетаверасизми? Билиб қўйинг, сиздан аввал ҳам бу ерда ҳазилакам одамлар ишлашмаган. Қанчадан-қанча олимлар халқ учун тер туккан.

– Тугри айтасиз, устоз, лекин ҳаракат қилиш, синаб кўриш керак деб ўйлабман. Чет элларда шундай тадқиқотлар бор экан!

– Аввал лабораториядаги ишларни бажаринг. Ҳалитдан ўзингизни чет элдан деб ҳис қилманг!

– Тушундим.

– Халқлар пайдо бўлиши ҳақида тадқиқотлар бошлаган эмишсиз. Бу канақаси? Бу борада дунёнинг мана ман деган олимлари аллақачон уз фикрларини эълон қилиб бўлишган, уларга қарши чиқиш нодонликдан бошқа нарса эмас. Устига устак, бир миллатни қадимий деб, бошқаларини камситиш ярамайди! Билиб қўйинг, Европа олимлари инсониятнинг уша ердан тарқалганини иддао қилишади. Агар шу фикрга қарши чиқсангиз, бутун олам олимларининг маломатига дучор бўласиз. Чет эл... Иқлимни, сувни, хавони, тупрокни ҳисобга олмасдан, оламшумул ишларни бошини тутаман дейиш хомхаёл-ку? Эсингиздами, Токиода яратилган трансгенноклар Европада тупроққа қадалганида, бир неча йил ўтиб, ҳосил бермай қўйгани? Трансгенлар унчалик макбул гоё эмас! Дори-дармонлар-чи? Узга иқлим кишиларида синаб кўрилган дорилар бизнинг одамларга наф келтиришига кафолат борми? Оламда барча жонзотларга бир хилда таъсир қиладиган ёки ҳамма ҳудудларда бирдай ҳосил берадиган кашфиёт яратиб

булмаиди, шуни ёдингизда тутинг. Ҳар соҳага интила-  
вермасдан, буюрилган ишларни бажаринг!

– Хуш, устоз.

– Шошманг, қаёққа кетяпсиз?

– Антропология булимига, устоз.

– У ерда нима ишингиз бор?

– Бир фаразни текшириб кўрсам дегандим. Ғала-  
ти маълумот кулимга тушиб қолди, жуда кизиқяпман.  
Юртдошларим генларидан намуна олувдим, шуни  
“укиб” кўрмоқчиман.

– У ердагиларни вақтини куп ҳам олаверманг. Бу  
ёқда ҳам қиладиган ишингиз етарли.

– Хуш булади, устоз...

### Эр Бугу

Менинг исмим – Эр Бугу. Алл Эр Шаднинг ўгли-  
ман.

Тепамда кук осмон... кунгир ер бағрида минг йил-  
лардан бери ётаман.

Сувчумчук келиб тошни чуқийди. У қайси тош  
остида сув борлигини билади. Тумшук уришидан сув-  
чумчуклигини пайқайман.

Ғалати бир тутқунлик ичида ётаман-у, хотирамда  
турли манзаралар борлигидан ҳайратланаман.

Хотира... Яшил уланглар... Йилқилар... Одамлар...  
Арча остидан заиф бир “пуф” елиб утади. У – шу ерлар-  
нинг митти эпкини. Оғоч баргларини чайкатиб, узини  
сув бўйига ташлайди. Яна бирини сув эпкини дейди-  
лар. Узокқа кетолмай, камбар барглар орасида айланиб  
эсадиганиям бор. Қуввати кучлироқ бўлгани сабабли  
сал берирокка келиб, иссиқда қимир этмай турган улан-  
гларни чайкатиб уйнайди.

Баъзилари кумлоқларда шухлик килишади. Кумни  
тўзғитиб кочиб бораётган куюнчани кўриб коласиз.

Бироздан кейин ўз-ўзидан тиниб, майда хас-чулларни сочиб юборади.

От дупурими? Йук, шамол олмаларни тукибди... Уланг утлари тинмай силтанади. Дарахтлар шитирлайди, зорланади. Шохидаги куш палапонлари куркиб, чийиллашади.

Ҳайбатли шамоллар ёмғир булутларини суриб келмоқда. Булутлар турли-туман. Ораларида чакмоқлари билан келадигани бор, у шиддатли жала қуяди. Томчилари кичикрок бўлса, ҳаммаёк шовуллайди. Каттарок бўлса, кулмакларда пуфакчалар ҳосил қилади. Бутана сувлар хасларни аралаштириб окизади, баъзан ялпиз япроқларини узиб юборади, улар ҳам хасларга қушилиб оқади.

Ёмғир остида осмонга қараб кичкираман.

– Ҳой бола, бери кел! Нима бор ёмғир тагида?

– Ота, ажойиблигини қаранг! Момақалдирок зур гумбурлади-я? Мениям каттик кичкиргим келди. Чакмоқни-чи, қурдингизми? Қук Тангри уша камчи билан булутларни савалаяпти...

– Ота?

– Ҳа?

– Кун нечта?

– Битта-да, болам.

– Йук, унақа эмас. Ҳар куни биттадан янгиси чикади...

– Ота?

– Ҳа?

– Дунёнинг охирида утлар усмайдими?

– Билмасам, углим...

– Усмаса керак, чунки кун ботиб кетган булади-ку.

– Ота, қуёш орқасида катта учок борми? Оламдан утган кишилар уша учокка ут ёкишадими?...

Бу манзаралар менинг онгимга қайдан келиб қол-

ган? Нима булган ўзи? Улар ҳалиям борми? Ҳалиям шамоллар еладими? Момақалдиروقлар гумбирлайдими? Чакмоқлар чакнайдими? Отлар қулунларини эргаштириб шамолдай еладими?

Бор бўлса, отам кани? Онам кани? Акаларим, укаларим, элим кани?

Ҳой, мени уйғотгувчи бирор кимса борми?

\*\*\*

– Эр Бугу, мен улғайдим. Сен эса ҳалиям саккиз ёшингда қолавердинг.

– Ҳа, гапинг тўғри.

– Биласанми, элимда сенга ухшаб кетадиган жуда кўп одамларни учратдим. Ёйик юзли, кенг пешанали, киррабурун... Агар катта булганингда, сен ҳам шу қиёфага кирган булардинг.

– Бизнинг уруғ шунақа-да. Амакиларим елкадор, суюқлари йўгон, баланд бўйли, лекин тоғаларим бошқача, узун бўйли, сарик сочли, кўк кўзли кишилар эди...

– Айт-чи, қанақа яшардингиз?

– Ёзда одамлар утлоқларга кучишарди. Қишлоқда, тош учоқларда эт пиширишарди. Эркақлару хотинлар овга чиқишарди. Арпани тош орасида янчишарди. Отларимиз, кучуқларимиз буларди. Ҳамма туп бўлиб яшарди. Улар орасида чиройли, куккуз бир қиз ҳам бориди.

– Қишлоқда? Уша маҳаллардаям қишлоқ бормиди?

– Булмасанми? Унгирлар орасидаги беҳавотир жойга қишлагани кучардик, уни қишлоқ дер эдик. Ёзда улангга жунаб кетардик, уни ёзлок дейишарди. Уюрни сувлашга олиб борадиган жойимиз сувлок, ов қилинадиган жойлар эса овлок эди.

– Афсус, отанг бекор сени ўзи билан олиб кетган экан-да. Энди ер тубидан сира чиқмайсанми?



– Йук, чиқолмайман.

– Бир маҳаллар уйнагани чиқардинг-ку?

– Унда сен ҳам ёш эдинг-да. Энди катта бўлдинг.

– Қара-я, ушанда мен кишлоқда, сен Тешиктошда, дунё эса жуда кенг экан. Яна бир гап айтайми?

– Айтакол.

– У маҳаллар ер юзида одамзод жуда оз бўлган экан. Сен “Амакиларим, тоғаларим бошка жой излаб кетишди”, демаганмидинг? Мен уша амакию тоғаларинг изини топдим. Ҳозирги дуненинг икки олими сенинг тос суягингдаги митохондриал ген ўрамларини текширишганида, аввалроқ топилган Олтой ва Европа одамлари билан бир хиллигини аниқлашди.

– Олим ким?

– Теварақдаги нарсаларни, воқеа-ҳодисалар моҳиятини биладиган киши.

– Ҳа, унақа кишиларни биз “Билга” дер эдик...

– Сен қолиб кетган жойдан ёввойи отларнинг, тоғ эчкиларининг, кийик, айиқларнинг суяқлари топилди.

– Айтдим-ку, одамлар кучишди деб.

– Ҳа, сенинг қабиладошларинг Тиёншондан ошишган, Дашти Қипчоқдан утиб, урмонлар аро муз диёрларига қадар етиб боришган. Кейин у ерлардан ҳам ўтиб кетишган. Бу воқеа эллик минг йил аввал руй берган.

– Йил нима?

– Эллик минг марта киш, эллик минг марта баҳор келган. Сен ҳаёт ҳақидаги ҳикоянгни давом эттиракол.

– Эл доим бирга эди. Хотинлару болалар мева терар, дон туплашарди. Тошларни қалаб, ут ёқардик. Тош қизгач, эрталабгача совимасдан тураверарди. Эркақлар овга кетишарди. Туйлар буларди...

– Туйлар ҳам бўлганми?

– Бўлмасинми? Бўз йигит билан буй қиз эр-хотин бўлса, туй қилмасинми? Ёйлоқда уйлар олдидан “Ҳу-у

эл, туйга-а!" деб от чолтириб утадиган жарчи буларди Кишларда ут ёкиб, тизза буйи кўр килинарди. Ҳамма унинг теғрасига утириб оларди. Ов мул булса, барини териларга ураб, музли горга олиб бориб куйишарди. Қишда эт озайса, уша музлаган гўштдан опкелгани борардик. Баъзиларини Кук Тангрига колдирардик

– Кук Тангри ким?

– Билмайсанми, тепада кук осмон, пастда кўнғир ер яратилганда, иккисининг уртасида одам болалари пайдо булишган... Дунёни Тангри ясаган-ку? Оталаримиз жонликларни ушанга ташлаб келишарди. Тангри уларни олиб кетарди.

– Қанақа килиб?

– Кукдан чакмок тушиб, куйдириб юборарди.

– Чакмоклар куп булармиди?

– Жуда кўп буларди. Ерга санчилганларини узим кўрганман. Келиб урилган жойида катта-катта сарик тошлар пайдо булиб қоларди. Бир-бирига урсанг, бўлиниб кетарди. Хотинлар уша тошлардан такинчоклар ясаб, такиб юришарди.

– Бошқалар-чи?

– Тоғ ортида яна кимлардир бор, улар узок қариндошларимиз, дейишарди. Гоҳида кимлардир уша ёкка кетишар, киш утгач, кайтиб келишарди. Тоғ ортидаги мевалар ҳам, ҳайвонлари ҳам бошқача, дер эдилар.

– Узумлар бормиди?

– Ҳа, дарахтларга чирмашиб усадиган ёввойи узумлар борийди. Олмаю анорлар ҳам буларди. Бир кучугим борийди, анор ер эди.

– Йўғ-э?

– Ҳа, анор топса, нимагадир гажиб-гажиб ёб оларди. Уни бўри ёриб ташлади. Аммо гўштини емади. Бури кучук гўштини емас экан.

– Қишда пустақни тушак килиб солиб утирардик, куй пуфагини шишириб уйнардик. Одамлар жуда жипс эди. Бирон хотин бола курсаям, бирон чол ё кампир улсаям тупланиб олишарди.

– Э тавба, ҳаётнинг узгармаганини кўр... Яхшиям тарих дарслигида сени учратиб қолганим. Сендай уртокни яна қайдан топардим.

– Қайдам...

– Бўпти, яхши қол. Мен жуда катта ишнинг бошидаман. Насиб қилса, энг қадимги аجدодларимизни ҳам топаман, сени ер тубидан олиб ҳам чиқаман.

– Майли, яхши бор.

### Ҳукми мутлак

Биз қиммиз, қанақа элмиз? Бу урф-одатлар, маросимлар, аллалар, қушнқлар, йиғилар, марсиялар қайдан пайдо бўлган?

Орасида ҳеч нимадан беҳабар, яйраб-яшнаб усганимиз шу эл, шу кишилар бағрида не сирлар яширин?

Турли-туман манзиллардаги қийиқ ёки қуй кузли, юмалок ёки узунчок юзли, қорамағиз ёки оқ, япаски ёки қиррабурун, тор ёки кенг пешанали, кенг ё ингичка ўмровли, майда оқ ёки катта сарғиш тишли, қалин қиска ёки узун ингичка қошли, қора ёки сарғиш сочли, кўк ёки яшил кузли... бир тилда сўзлашадиган инсонлар! Жонлик сўйишлар, шам ёкишлар, алас қилишлар, чилдирма дўп-дўпларию от дупурига мос дoston оҳанглари, эртақлару маталлар... жуда олис замонлардан хабарлар олиб келмаяптими? Улар қатида бепоён яйловлар ифори, шамол суронлари, жала шовурию ўтлар иси бор эмасми?

– Генетика?

– Лаббай.

– Юртим кишиларининг ген тарихини “ёйиб” бера оласанми?

– Марҳамат Ҳар бир авлод ўзи ҳақидаги маълумотларни фарзандига жойлаб кетмоқда. Масалан, сенинг генларингда ота-онангнинг, бобонгнинг унинг бобосининг... хуллас, юзлаб аجدодларингнинг тана тузилиши, қай касалликларга чалингани, вужуди қай даражада қувватли эканию қайси сулола ила чатишгани ҳақидаги маълумотлар сакланиб турибди.

Генетика мени уша чизик буйлаб илгари етаклайди.

– Ҳозир кутилмаган манзарага дуч келасан! – дейди совуққон оҳангда, истар-истамас.

– Нега?

– Чунки вужудингдаги узундан-узук халқалар занжири сени жуда қадимга етаклаб боради.

– Сен... буни аввалдан билармидинг? – ҳайрон бўлиб сурайман ундан.

– Албатта. Бу мавзуга кизиққан битта сенмидинг?

– У ҳолда, нега ҳеч қаерда у маълумотлар йук? Сира дуч келмадим? Атай изласам ҳам тополмадим?

Генетика жавоб бермайди...

Сен, мен, биз...

Ҳой дуст! Қишлоқда куришганимизда сенга тушунтиришга фурсатим йук эди. Энди эшит.

Умримда бунақа ғалати қувончга, англамсиз шодликка дуч келмаганман. Худди олтин ёмби топиб олгандайман.

Қара, теваракда ҳаёт муттасил давом этмоқда. Қушининг ўгли кетмонини кутариб сув очишга жунамоқда. Яна бир қушимиз болалари билан биргалашиб ер чопмоқда. Маккажухорилар орасидан кучукбола талпанглаб чиқади, ниначини тутиб олишга уриниб чопади. Баҳор келди-ку? Чумоли хирмон ёйибди. Мусича айвонга ин курибди. Арик буйларида ялпизу курмак чунон усибди, диққат билан разм солсанг, нам ердаги

чувалчанг изларигача кўрасан, ер тубидаги шу жонивор ҳам мудроқ ҳаётдан ҳаракатга кечибди...

Бир бизнинг қишлоқдагина эмас, чулу даштларда ҳам шу ҳолат юз бермоқда. Уйнинг каттаси отларини куздан кечирмоқда, ёлларини силаб-силаб, буйнига уриб-уриб куйяпти. Хотинлар қувида сарег пишириш-япти.

– Омон!

– Ҳа?

– Бор, қуйларни ёйиб кел!

– Ҳозир...

Нон ёпилади. Ер хиди, гул-чечак ифори, ёнаётган утин исию иссиқ нон тафти теваракка таралади.

– Омон!

– Ҳа?

– Шу нонлардан иккитагинасини қушнига бериб чиқкин...

Ҳа, ҳаммамиз бир-биримизга ухшаймиз. Улуғлар “Етти сулола нарига борсанг, бутун эл бир-бирига қариндош бўлиб чиқади” деб бежиз айтишмайди.

Қон тарихларига узок термиламан. Мана, дўст, генларингда янги ёзув. У маҳал сен ун олти ёшда эдинг. Молга беда уриб келаман деб жалада колганинг эсимда. Каттик шамоллаган экансан. Вужудинг бор кучини касалликка қарши курашга сарфлабди. Ушан-чун ҳам сенда керакли маъданлар, куч-қувват озайибди. .. У шамоллаш қон тарихингда мана шундай акс этибди.

Янада илгариласам, болалигингга дуч келаман. Вужудинг қай тарз улғайганидан ҳикоя қилади. Далаларда, яйловлару ўлангларда кийкириб чопганларингни билдиради. Гуркираб усганингни, ақл бовар қилмас янгиланишлар руй берганини айтади.

Ундан ҳам илгариде эса ота-оналаримизнинг тарихлари урам-урам халқалар қуринишида давом эт-

ган. Бундан тепаси сен ҳам, мен ҳам эмасман. Мана бу кўкиш халкалар занжири – оталаримизнинг, яшиллари эса оналаримизнинг излари.

Лекин, айти пайтда, сенсан, менман! Аждодлар кон томирларимизда егдуланиб окмоқдалар. То ҳаёт эканмиз, сира сунмайдилар. Борлигимизда яшайверадилар.

– Омон! Бола бўлмай ҳар нарса бул, тур ялпаймасдан! Ҳамма иш битта узимгами?

Ҳой, шошманг! Нималар руй бермоқда, ахир?

Омон ким?

Сиз ким?

Мен ким?

\*\*\*

Замонадан икки аср наридаман. Қаршимдаги халкалар – катта бобомизнинг генлари.

Тарих буйлаб секин-аста илгарилайман. Икки аср.. Бир аждодимнинг халкалари уралиб-чирмалиб турибди. Улар заиф, бушашган, ҳолсиз...

Эй муборак зот! Исмингизни билмайман. Бирок, айти пайтда, руҳингиз Танграмнинг муборак даргоҳларида экан, сиз тасаввур қилган келажакдан бир авлодингиз ҳаяжону армон ила бокиб турганини лайқаётганмикинсиз...

Генлар у кишининг айти навкирон пайтини билдирмоқда. Халкалар бирданига содир булган катта фалокатдан дарак бераётир. Унга карши курашиш учун бобомизнинг вужуди бор-йўғини сарфлабди.

Ҳа, бирданига танага хавф кириб келибди. Фан тилида “Т-хелпер” деб аталадиган, ёт унсурларга карши курашадиган хужайраларни то сунгги кувватигача сарфлаб ишлаб чиқарибди. Фагоцитлар, лимфоцитлар<sup>1</sup> бениҳоя кўпайибди.

<sup>1</sup> Кўмек ораларида ишлаб чиқариладиган, касаллик хужайраларига карши курашадиган зарралар.

Зотилжам! Бобомиз зотилжамдан вафот этибди.

Шошма! У маҳалда зотилжамга қарши даво йукми-ди?

Тасаввур у зотнинг ҳаётини жонлантиради. Пастак лойсувоқ, паҳса уй. Кичкина дарчалар. Томга тираб куйилган шоти-нарвон. Бир четда турик от, шотиси тепага тиккайган арава...

Катта бобомиз йутала-йутала энкайиб кириб келади.

– Отаси...

– Ухху-ухху!

– Касали тузалмаяпти-ю? Олма пукагида буладиган семизкуртни эзиб ичса, шифо булармиш... Ичиб курсамикин?

– Худо шифо берса, усиз ҳам тузалаверади. Уҳ-ҳу!

– Фалон эшоннинг нафаси утқир эмиш. Ё бориб келадими?

– Ҳе уша эшонингни! Мардум хақини еб, семириб юрган муттахам-да! Улсам ҳам бормасман! Яхшиси беҳи дамлаб берсин, ушани нафи тегади.

– Нон ёпсам, биттасини иссиғича кукрагига бойлаб олсин. Тафт утиб тузалади.

Йук, конимдаги тарих катта бобомнинг тузалмаганини курсатаётир. Оддийгина касаллик уни олиб кетгани аён...

Муборак оталарим, боболарим, зналарим, момоларим! Муттасил айланиб турган шу мухташам фалак чархида қачонлардир ёруғ дунёга келгансиз. Тубчок миниб, ё туптош уйнаб, худди мен каби, теваарак билимларини онгингизга сингдира-сингдира катта булгансиз. Қуёш чиқишию ботишига, баҳор келганида дунёнинг завқиёблигига, ёз саховатларига, куз хазиналаригаю киш нукраларига термилгансиз, уз ҳолингизча орзулар қилгансиз... ва уша орзулару етишилмаган ниятлар аро умр қуёшингиз шом осмонида оҳиста ботган.

Янги туғилган чақалогингизни бағрингизга босиб, Худойи таолога шукроналар қилгандирсиз, умримнинг мазмуни, кузимнинг гавҳари шу кузим зиён-заҳматсиз униб-ўсиб, эл-юрт назаридаги кўркам йигит ёки сулув қиз бўлиб етишсин, дея эзгу ниятлар қилганингизга ҳам шак-шубҳа йук.

На исмингизни биламан, на хоки туробингизни... Зарраларингиз вужудимда окмоқда, холос. Асрлар беридан туриб, сизлар қолдирган изларга боқар эканман, ёдингизнинг муборақлигига термиламан, хаёлим дунёда қай тарз яшаганингизни, қай тарз умр кечирганингизни жонлантиради.

Толеъ йуқи бошимга батолиғ булди,  
 Ҳар ишники айладим, хатолиғ булди.  
 Ўз ерни қуйиб, Ҳинд сори юзландим.  
 Ё Раб, нетайин, не юз каролиғ булди?!

Танидингизми? Ҳа, у – Захириддин Муҳаммад Бобур. Улуғларимни, бекларимни, тағойиларимни, оға-иниларимни мунда қуйиб, узим кетдим, демоқда. Синд дарёсини кечиб утиб, Ҳинд элига ёнашдим, давлат тузиб, Тангри динини жорий қилдим... Аммо сизлардан айрилдим, демоқда.

Олға! Янада олға! Беш аср беш сонияда куз олдимдан утиб кетади. Энди мустаҳкам, пишиқ урилган урамлар қаршимга чикмоқда.

Тарих талатуплари, урушлар, бўҳронлар, тухилган қонларнинг муқаддас ёди узра бениҳоя мусаффо ва ҳаёт ҳикматларининг тубига етган бир донишманд зот зарралари ҳам ёғду таратиб турибди.

Сенинг қонингда! Менинг қонимда!



Олам аҳли. билингизким. иш эмас душманлиғ,  
Ёр улунг бир-бирингизгаким, эрвр ёрлиғ иш...<sup>1</sup>

Ундан бор йуги учта халка тепада эса яна бир зот нур таратмоқда:

“Агар қувваи табия бир ишни мукамал тамомлай олмаса, уни ушанга муносиб тарзда орттириб қуяди. Қушалок ёки бир-бирининг ичига кирган мевалар бунга мисолдир”<sup>2</sup>.

“Қувваи табия” Бу иборани илк бор усмирлик чоғимда, меҳрибон мураббийимнинг беозор дарсларида эшитмаганмидим?

Бундан минг йил аввал яшаган ота-боболаримиз жон нима, у қайдан келиб, қайга кетади деган саволларга шу тарз жавоб излашганми?

Тагин давом этаверсам, геномлар, улус ва эллар тарихи, эркагу аёллар умрлари аро, узок йиллар яшаган ва вужудида офат излари қурилмаган кишилар ҳақидаги битикларга дуч келаман. Кейин эса Сармишсой, Зарутсой, Қуруксой теғраларидан топилган кишиларнинг ген халқалари бошланади. У масканларда ҳам ота-боболаримиз яшашган. Кийик овлаб, қуш тутиб ҳаёт кечиришган. Аждодларим у ерда совий бошлаган вулқон тошларига суратлар чизишган.

Аммо, қачон?

Худуднинг кенглигини айтмайсизми? Сармишсой Қизилқумда, Зарутсой Сирдарё буйларида, Қуруксой – водийда эмасми?

Олға! Яна-да олға!

Ахир, сон-саноксиз авлодлар занжирининг ниҳоясидаги тирик халқаман-ку? Қавму кариндошларим ер юзини тулдириб юришибди-ку?

<sup>1</sup> Аlisher Навоийдан

<sup>2</sup> Абв Райҳон Берунийнинг «Осорул-боқия» асаридан

Ундан ҳам аввалда, бир улуг лашкарбоши тузғиб кетган элни бирлаштириб, метин тошларга шу битикларни уйиб ёздирмоқда эди.

“Эй будун!<sup>1</sup> Тепангда осмон ёрилмаган булса, пастда кунғир ер ютмаган булса, элингни, давлатингни ким бузди?”<sup>2</sup>

Бу шунчалар узун ва машаққатли зафар йули эдики, сафар карвонлари, хайкирган лашкарлар, оламда адолат ва тенглик урнатишга аҳд килган қахрамонлар, алломалар, мутафаккирлар куз унгимда юлдузлардай чараклаб туришар, тарих бениҳоя шон-шарафга бурканган эди!

“Эй, дунё!” деб хайқирсангиз арзимайдими? Улугларнинг авлоди уларок, бунга ҳаққингиз йўқми?

### Эл

– Генетик билан гаплашдингизми?

– Ҳа, куришдик Момолар билан суҳбатлашибди, соч толаларини кичкина кутичага солиб олиб кетибди.

– Уни нима килар экан?

– Қанақадир ускунага солса, инсоннинг бутун тарихи чиқиб келаверармиш. Одамларга “Сиз ниҳоятда қадимийсиз, оталарингиз дунёга битик қолдирган маҳалларида олам ҳали санашниям билмасди”, дебди.

– Ростдан-а? Жуда мункиллаб қолган эканмиз-у, билмаганимизни қаранг.

– Ҳа-ҳа-ҳа!

– Ҳе-хе-хе!

– Бунақа гапларни қаердан эшитақолибди?

– Одамда ген деган бир нима булармиш. Ушанга аجدодларингизга хос барча маълумот ёзиб қўйилар экан.

– Ким ёзар экан?

– Ким буларди, Худойи таоло-да.

<sup>1</sup> Будун – эл.

<sup>2</sup> «Битга Тўвоқую» битиги.

– Э тавба! У нарса... биздаям бор эканми?

– Ҳа, тирик жон зотининг барида бормиш.

– Хун, нима қипти шундай бўлса? Бозорга бориб, мени сулолам жуда қадимий десангиз, одамлар оғзи қолиб, оркаси билан кулмайдими?

– Ҳа-ҳа-ҳа!

– Ҳе-хе-хе!

– Қолаверса, ҳамма бир кишидан таркаган-ку? Яъни, Одам Ато билан Момо Ҳаводан, шундай эмасми?

– Ана, шунақа ҳам дедингиз. Биров битта нонни текинга бериб кўярмиди?

– Э, нон-нон дейсиз? Нондан бошқа дардингиз йукми?

– Йук-да. Ё сизники борми? Буларнинг бари ҳавойи гаплар. Мингта шап-шапдан битта шафтоли яхши, дейишган машойихлар.

– Шошманг, машойих нима?

– Билмасам. Шунақа дейишади-ку...

– Ҳозиргина шафтолини гапирдингиз-а? Курсангиз айтиб кўйинг, уша шафтолини йилда икки марта ҳосил берадиган қилаколсин, ҳаммага фойдаси тегади. Узумни совуқ урмайдиган қипти-ку? Мана, биздан сурасин, мингта кашфиётни айтиб берамиз.

– Биродар, ошни дамладингизми?

– Йук, зирваги бироз қайнасин.

– Яхши, унақа гапларни кейинроқ гаплашамиз. Айтмоқчи, Генетикни узи қайда эмиш?

– Юргандир қайдадир... кашфиёт қиламан деб.

– Ҳа-а... Лекин менга унинг бир гапи таъсир қилди.

– Қайси гапи?

– Одамларнинг онги тараккиётдан орқада қолиб кетяпти, деди-ку? Буни маъноси нима?

– Гапираверади-да. Қанакасига тараккиётдан орқада қолар эканмиз? Мен, масалан, энг сунгги русумли те-

левизордан иккитасини уйимга осиб қуйганман, томда сунъий йулдош антеннаси дунёнинг бир юзу унта мамлакатини кўрсатади. Совуткич дейсизми, иситкичми – бари муҳайё. Нима, тараккиётдан орқада қолялман деб энди “Боинг” сотволайми?

– Ҳа-ха-ха!

– Ҳе-хе-хе!

– Шошманг, “Боинг” нима?

– Жуда катта, замонавий самолёт.

– Э койил-е, шуниям биласизми?

– Булмасам-чи? Дунёдан бохабар буптурмасак, ҳаётдан орқада қолиб кетамиз-ку?

\*\*\*

– Омон!

– Ҳа?

– Тур, молга сув бер!

– Аллақачон берганман, она.

– Унда бошқа ишга урин. Нималар қиялпсан узи?

– Китоб уқиялман.

– Сен ҳаётни китобини уқи! Олим булармидинг?

Отанг сувчи, бобонг сувчи, олмани тагига олма тушадиди-да!

– Унақа эмас Отам ҳам, бобом ҳам вақтида уқий олишмаган.

Эл белоён, ҳар бурчида ҳар турфа одам, лекин бу Омон деганлари доимо шундай танбехларни эшитади.

Кишилари яйловларда мол-қуй бокиб юрадиган кишлоқларда ҳам шу гап.

– Омон?

– Ҳа?

– Қуйларни ёйиб кел.

– Ёйиб келдим-ку?

– Унда қуйхонани тозала. Нима қиялпсан?

– Китоб уқияпман.

– Сендан олим чиқармиди? Отанг чупон, бобонг чупон...

– Ахир, ота, юлдузларга кизикаман. Ҳар юлдузин битта куёш дейдилар. Ҳар куёш атрофида сайёралар айланармиш. Балки уша сайёраларнинг биронтасида ҳаёт бордир?

– Эҳ болам-а... Нима киласан бошингни оғритиб? Элга қара, қурган кунига, еган нонига шукр килиб юрибди. Бир одамга нимаям керак буларди, қорни туйса, усти бут булса бас-да. Ҳар хил нарсаларга миянгни суюлтиргандан кўра меҳнат қил, рўзғорга қараш. Укаларинг ҳам катта булиб келишяпти, ҳали олдинда қанча ташвиш бор...

– Балки уқишга кириб кетарман?

– Қирсанг қиравер, аммо сенга қайдан пул толиб бераман? Шунча йил едирдим-ичирдим, етар. Қолганига узинг аравангни торт.

### Чакин

Онгда чакин чакнамоқда.

Генетика аниқ далиллар билан аждодлар закосини курсатиб турибди. Аммо тасаввуримдаги манзаралар қай тарз ҳосил бўлмоқда, онгимда улуғларим жонланмоқда? Болалик ёди билан тарих тасвирлари қоришиб кетади. Ҳаёлимда яна беҳи шохидан камон ясаб, дов-дарахтдаги қушларга отаётган, ёки тол новдасини от килиб миниб юрган болақайлар – уз болаларимиз жонланади.

“...Тангри таолонинг “Ботаётган юлдуз билан қасам” қавлига мувофиқ, фалак осмонида юлдузлар айланиши, чиқиб-ботиши жадвалларини туздим. Бу ишни авлодларга ибрат ва фойдалар бўлсин учун қилдим...”<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Мирзо Улугбек

Тангри таолонинг “Биз осмон ва ерни ҳамда уларнинг уртасидаги бор нарсаларни беҳуда яратган эмасмиз” ҳамда “Сизлар эслатма олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик” қавлига мувофиқ, одам боласи дуч келадиган маразларнинг зидди ҳам албатта мавжуддир. Туннинг зидди кун, яхшилик зидди ёмонлик, имон зидди куфр булгани каби, маразнинг зидди шифо булиши ақлга мувофиқдир. У ҳолда, оламда мавжуд неки хасталик бўлса, шифоси бор экани ҳақиқатдир...”<sup>1</sup>

“...Ернинг ҳамда сувнинг солиштирма оғирлигини ҳисоблаб чиққач, агар дунё уч хисса сувдан ҳамда бир хисса тупроқдан иборат бўлса, бизда мавжуд хариталарда куруклик оз эканини, бу ҳолда ҳар иккисининг мувозанати бузилганини кўрдим. Куруклик ҳамда сув мувозанатда бўлиши учун ер юзида биз билмайдиган яна бир куруклик бўлиши керак, деган тўхтамга келдим...”<sup>2</sup>

“...Инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқида заррача ноҳақликка йўл қўйилмаслиги учун, мураккаб сатҳли майдонларни тақсимлашда адолат жорий бўлиши учун айлана сатҳини ҳисоблаш усулини жорий қилдим. Бу ишни азбаройи тўғрилиқ ва ҳалоллик жорий бўлиши учун адо этдим...”<sup>3</sup>

Тарих аро хайкириқлар янграмоқда.

Момокалдирок гумбирлади, қук тоши юмалади.

Тунда оймомо чиқди. Улангда ўт усди, уни йилки еди, семирди. Бу яхши бўлди.

“Мен – Билга Тунюқук, узим Табгач элида усдим. Эл Табгачга қарарди. Эл хони бўлмайн Табгачдан ажралди, уз хонига эга бўлди. Кейин хонини қолдириб,

<sup>1</sup> Абу Али Ибн Сино.

<sup>2</sup> Абу Райҳон Бєруний.

<sup>3</sup> Мухаммад Мусо ал-Хоразмий.

яна Табгачга буйсунди, Тангри дедики: “Ҳой эл, сенга хон бердим. Уни қолдириб бошкага буйсундинг”<sup>1</sup>. Буйсунганинг учун Тангри улдирмиш экан. Эл улди, бушашди, йук булди. Билагида кучи қолмади.

Ўтда, тошда қолганлари бирлашиб етти юз булди. Икки булагидан отлик эди. Бир булагидан яёв эди. Етти юз кишини бошлаган улуғи Шад эди...

Шунда яйлоқда бир шамол эсди. Дедики: “Эй будун, ўтираверасанми?”

Сен шунақа уксик будун эдингми?

Бир бақирсанг, овозинг тоғни йикмасмиди? Бир мушт урсанг, ерни титратмасмидинг? Бир йиғласанг, осмондан жала куймасмиди? Йилкинг уз-узидан қулаймасмиди, чорванг мул булмасмиди? Буйин эгадиган эл эмасдинг-ку? Сен Табгачга буйсунадиган эл эдингми?

Шунда Тангри “Йиғил!” деди.

Йиғилиши мен эдим – Билга Тунюқук!

Элимнинг улуғлари – сочи оппоқ оқарган ой момолари, сочи оппоқ оқарган ой дадалари “Бутун булгин” дедилар. Бутун булай дедим. Будунни бутун қилай дедим.

Бекларим, жасур қахрамонларим, сузимни қаттиқ эшит. Мен қозонмасам, Элтариш ҳокон қозонмаса, эл ҳам, будун ҳам йук булар эди. Қозонгани учун, нзидан узим қозонганим учун эл яна эл булди. Узим қари булдим, улуғ булдим.

Мен Билга ҳокон, элингга биттирдим:

“Ҳой будун! Тенамда Кук Тангри ёрлақгани учун, остида қўнғир ер-сув тарбиялагани учун элингни, давлатингни вужудга келтирдим...”

Қора халким, маҳкам бул! Давлатингни, қонун-қоидаларингни қўлдан берма. Йукотма сен давлатингни, ҳоконингни... Ажралма одатларингдан, истакла-

<sup>1</sup> “Ачур битиги” дан

рингдан, халкингдан, шон-шухратингдан. Йигитлик шарафинг учун, ака-укаларинг кудрати учун...”<sup>1</sup>

\* \* \*

Давлати булмаса, эл улар экан. Билагиди кучи қолмайин, бушашиб йук булар экан.

Юзада кук, остда кора ер килинди. Иккиси аро киши ўгли килинди.

Тевада Кук Тангриси, туркий улус ери, суви бундай дермиш: “Эл йук булмасин”, “Бор булсин”.

“Ҳой бекларим, ҳой будун, яхши эшит. Устдан Тангри босмаса, остда ер тилинмаса, элингнинг турини ким буза олади?”

Ҳой будун, укин. Кургулигинг учун, билга хоконингга, юкорилаган элингга ёмонлигинг учун енгилдинг, тубанлашдинг.

Яроклиг кайдан келиб ёвга отди сени?

Найзалик кайдан келиб сура олди сени?

Улуғ Ўтукан юш будун бординг. Борган ерда эзгу бул экан: конинг сувдек югурди. Сунгакинг тоғдек ётди. Қаттик угил боланг кул булди, сулув киз боланг чури булди.

Билмаганинг учун, тубанлигинг учун, тоғам хокон уча кетди.

Будуннинг оти, донги йук булмасин, дейин. Отам хоконни, онамхотунни Тангри кутармиш эди. Эл берадиган Тангри, будуннинг оти, донгийук булмасин, дея хокон этган экан.

Мен бой будунга бош булмадим. Ичи ошсиз, таши тунсиз, ёвуз, аянч будун узра ултирдим.

Иним Кул Тегин бирла сузлашдим. Отамиз, тоғамиз қозонмиш. Будуннинг оти, донги йук булмасин дедим.

<sup>1</sup> “Билга Хокон битиклари”дан.

<sup>2</sup> Учди – ўлди маъносида. Бу ерда «жаннатга кетди» маъноси ҳам бор, чушки қадимги туркийлар «учмоғ» дея жаҳнатни айтишган.



Тун ухламадим, кундуз ултурмадим.

Иним Кул Тегин бирла, икки шад бирла улиб-ётиб козондим. Анча козониб, бириккан будунни ут-сув килмадим. Мен узим хокон булганимда, ер сари бормиш будун улиб ётиб, пиёда, яланг оёк йигилиб келди.

Будунни кутарайин дедим. Илгари кутан, татабу будун сари, унга табгач сари улуғ кушин бирла ун икки марта урушдим.

Ушандан сунг Тангри ярлакагани учун, кутим бор учун, улуғим бор учун, улаётган будунни тирикликка кутардим.

Яланғоч будунни тунли, жиғой будунни бой килдим, оз будунни тукис килдим, туғри элга яхшилик килдим.

Турт булимдаги будунни тинч килдим, ёгийсиз килдим.

Улар менга буйсунди. Ишини, кучини берди. Бунча турни козониб, иним Кул Тегин узи улди.

Отам хокон учганида, иним Кул Тегин етти ёшда қолди. Ун ёшда Умайдек онам хотун кутига, иним Кул Тегин эр отини олди.

Ун олти ёшида Табгач Унг Тутук беш туман аскар тортди. Урушдик.

Кул Тегин пиёда ҳолда душманга ташланди. Унг Тутукнинг яракли зирхли кулини тутди. Яраклиг зирхликда хоконга дуч келтирди, у кушинни уша ерда йўқ килдик.

Йигирма бир ёшинда Жажо сангунга уруш килдик. Биринчи бор Тодикон Чурунинг буз отига миниб ёвга ташланди. Ул от унда улди.

Иккинчи бор Ишбара ямтарнинг буз отига миниб ёвга ташланди, ул от унда улди.

Учинчи бор Яган Силиг бекнинг қадимлиг туриг отига миниб ёвга ташланди. Ул от унда улди.

Яракига, зирҳига юздан ортик ўқ урилди. Зирх калпакли бошига бирин тегдирмади. Текканини ўз бекларим, кўл билурсиз, у кўшинни унда йўқ килдингиз.

Кул Тегин йўқ эса, кўп улган булар эдингиз.

Иним Кул Тегин ўлди, ўзим кайғирдим. Кўрар кўзим кўрмасдек, билур билигим билмасдек бўлди.

Ўзим кайғирдим. Факат Тангри яшар. Киши ўғли ўлгали тугилмиш. Анча кайғирдим.

Кузга ёш келади. Атаганда кунгилдан хунграш келади. Яна-да кайғирдим. Қаттик кайғирдим.

Икки шад, инигинам, ўғлонларим, бекларим, будуним, кўзи, коши ёмон, асов деб кайғирдим.

Йингловчи, сиғтовчи, кутан татабини бошловчи Удир сангун келди. Табғач коғондан Ишйи Ликанг келди. Бир туман ағи, олтин, беҳисоб кумуш келтирди.

Тупут хокондан Болон келди. Ортда кун ботишдаги Суғд барчакар Букарак улус будундан Нанг Сангун ўгил таркан келди.

Ун ўқ ўғли Туркеш хокондан макрач тамғали Уғуз Билга тамғачи келди. Барқ этгувчи мазор тошни ишлаб, уганувчи Табғач коғоннинг тош устаси Жанг Сангун келди.

Кул Тегин кўй йилда, ун еттинчи кўни учди.

Тўққузинчи ой, йигирма еттида ерга кўчдик...<sup>1)</sup>



Улуғ қаҳрамонларим шу тарика, тунги осмондаги юлдузлар мисоли, узларидан дарак бераверишди.

Киши ўғли уз-узидан йиғилиб, эл бўлиб қолмас экан. Элни Тангри берар экан, бириксин, купайсин, ер-суви мул булсин, узи кучли булсин, дер экан

<sup>1)</sup> “Култегин битиги” дан

Хоқонни Тангри берар экан, улмасин, йук булмасин, донғи юксалсин, сулув қизлари жасур қаҳрамонларни туғсин, дер экан.

Каранг, олислардан не садолар келаётир...

Учун Кулуг Тириг бакуват, икки бети кизил чол эди. Тувган ери Учугуй юш<sup>1</sup> эди. “Эл омон булсин” дея қариган чоғида отга миниб, яроғини тақиб чопкига кирган, унда улган экан. Ҳалка урамлари тилга киради, тийиксиз ва озод шамоллар бетиним еладиган адоқсиз дашту туз орасидан саслари келади:

“Уйимдаги хотинларим, угилларим, қариндош-уруғларим, сизларнинг ҳаммангизни йукотиб, айрилдим. Олтинлик эликта камаримни белимга боғладим. Мен Учун Кулуг Тиригман. Тангрили давлатимдан четдаман. Олтмиш уч ёшимда сизлардан, менга қарайдиган еримдан, угилларимдан, кизларимдан, олти минг йилқимдан айрилдим. Хоконимнинг тулпори, қора халқи, жасур қаҳрамонларим, йигитларим, углонларим, куёвларим, қудаларим, киз-келинларим, сизлардан айрилдим”<sup>2</sup>.

Тоғу тошнинг кук арчалари, яшил қарағайлари еллар забтида чайкалади. Дарёси ёйилиб-ёйилиб оқади. Тубида улкан қора балиқлари аста сузади. Бири саёзликка тушиб қолибди, потирлайди, аммо хиёл силжийди, холос.

“Хотинларим, маликаларим, узимнинг угилларим, сизлардан ёнашдим. Мен юзта қаҳрамон жангчининг кучига эга булганим учун, ёвнинг юзта жангчиси билан дарё буйида урушганим учун, сизлардан айрилдим, улдим. Кук осмондаги куёш ва ойни ёрита олмадим, хоконимни, давлатимни йукотиб, сизга эгалик қила олмадим...”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўрта Туркистон давлатининг қадимий номи.

<sup>2</sup> “Учун Кулуг Тириг бистиги”дан.

<sup>3</sup> Ўрхун-Энасой битикларидан.

“Эл оғаси Инанчу билга марҳумлар аро, угли оти Куч, уғлон туғилди. Сизни отингиз Ури бек, элин-гиз Уз... Элингиз учун қозониб, аелингизни йукотиб, Сиз айрилдингиз. Ердаги тамғали йилки сонсиз эди. Душманга етган қушини етти минг уғлон эди Юз эр-нинг юзи, бекларнинг назари, беклик қоши, олтмиш эр дустларингиз, эллик эр яхши дустларингиз, узин-гизнинг оға-инингиз, саккиз мис кузгунгиз, унта қора кузгунгиз... Укинмадингиз, кўрмадингиз, бутламадин-гиз. Сизнинг қахрамонона исмингиз Ури, элингиз Уз эди...”<sup>1</sup>

“Жасоратли, қучли халқни ушлаб турибман. Жан-говар отим Эран Улуғ. Жасур қахрамонман. Қахрамон йигитларим, шарафли давлатим бор учун халқ ҳаяжон-да юрмади. Мен, Эран Улуғ, уғлимга, халқимга қарай олмадим. Уттиз саккиз ёшимда вафот этдим. Ун ой элт-ди онам, уғил бўлиб туғилдим, Қахрамон бўлиб улғай-дим. Элимда тўрт марта саёхат қилдим. Шавкатим учун Инанчу алплари орасида қурашдим. Шону шавкат бул-са, шундай булар экан”<sup>2</sup>.

Шону шавкат булса, шундай булар экан... Эр йигит халқи, эли, тошу тупроғи учун улса, шарафли булар экан. Учугуй юшнинг шамоллари жонини қутариб учар экан. Дов-дарахтлар узра довул қоқар экан, кўринг, шавкатли жангчининг руҳини Кук Тангри олдиға олиб кетмоқдамиз, дер экан.

Кук осмон куз ёшларини туқар экан. Ут-уланга, ерга томган қонларини ювар экан.



Олислардан қисмат шамоллари мислсиз қувват ила, еру қукни тулдириб эсаётгандай гуё.

<sup>1</sup> “Ачур битиги”дан

<sup>2</sup> “Олтмиш йил битиги”дан.

Бир отаю бир онадан таркаган қабилалар, эллар, уруғлар аро зако куввати ҳамда билимга чанкоклиги билан юлдуздай чакнаган элдан – уз элимдан, бек элимдан дарак беради кисмат касирғалари. Юлдузларнинг ботиш жойлари каер? Жуфт яратилган жонлар не? Ҳар саҳар яллиғланиб, самога қалқувчи қуёш нима? Қай сабаб ила фасллар алмашмоқда? Олис осмон, кунғир ер аро улмок учун яралган одам болаларининг ҳоли қандай? Адолат нима? Юксаклик нима? Инсон ер юзига не учун келгай экан? Тангри ёрлакамаса, мукаррам булмагай эрди. Бир бобокалоним майсаю гиёхлар барқ урган уланғлар узра уйчан одим отаркан, Тангрининг шу заиф ва гузал яратиклари узларининг яралиш сирларидан баҳс этган экан. Яна бири кулбасидан олис самога назар солиб, юлдузларнинг сирларини баён қилган экан. Тура элим, бек элим тарих самосида Сомон йули каби ёйилиб, бағрида заковатларни ёруг дунёга тухфа этаверган экан. Уларнинг ҳар бири киши уғли конига бир дуру гавҳар каби, маржон булиб қушилаверган экан... Дунё жаҳолат боткоғидан чиқолмай инграганида, кук осмону кунғир ерни яратган, иккиси орасида яралган киши уғиллари Тангри номи билан урушлар қузғаб, инсон қонини дарёдай оқизган маҳалларда ақлу заковат қуёши порлаганига ақл ҳайрон қолмай илож йук. Сабаб нима?

### Эр Буғу марсияси

Элнинг бир хотини қорнида ун бир ой олиб юриб, бир уғлон туғди, Эр Шад деган.

Эр Шад алп эди, бурини ёйсиз тутарди.

Билга эди, билмагани йук эди.

Мундан эл суюнди.

Бундай эл дунёда бошқа йук эди-да. Така, кийик, қуш-қуён овлаб, от минар, улғудай содда, лекин тик-

бош эди, кукси куклаган эди. Утлоғи туқис, чорваси калин эди.

Ер-сувига куз тикиб, шимолдан ёв келди. Қувди, ёйди.

Жанубдан ёв келди, урди, улдирди.

Ғарбдан ёв келди, ут тишлатди.

Шарқдан ёв келди. Эр Шад қунғир ерини, кук сувини ёвга бермади.

Ёв тилини тишлаб, черигини мунда қолдириб, улиб ётди, такадай қочди, қайтиб келмади, қурқди

Эл омон булди.

Эр Шаддан бир бувак<sup>1</sup> туғилиб эди. “Був-був”лаб уйнаганига “бувак” дер эдилар.

Қиш қаттиқ келди. Тоғда бури, айиқ оч қолди. Бир ок қоплон тушиб келди. Ўтдан қурқмас экан, утовга ёниб келди.

Бувакни олди, буйнидан тишлади, елкасига унгарди, токка чопди.

Эл нима бўлганини англагунча қоплон қочиб булди.

Эл отига минди, қоплон изидан қувди.

Қор калин эди, отлар юролмайд қолди. Минак хайвонларини мунда қолдириб, қор кечиб унғирга ёнишди. Қарашса, оқ қоплон бувакни еб булибди.

Бувакнинг отаси куксини йиртди, токка қараб “Вой бувагим” деб бақирди.

Бақирганида ер чайқалди. Чайқалганида тоғдан шувиллаб қор қучди.

Муни қурган эл қочди. Қочолмагани қолди.

Кучки тошлар билан қучди. Ичида юмалагани бир-бирига урилиб, янада қаттиқ овоз чикди. Сунг яна қучаверди. Қочолмагани орасида саккиз яшар буз уғлон бор эди, оти Эр Буғу эди...

<sup>1</sup> Бувак – чақалок (волчий псевасида).

Эр Шаднинг боласи қолмади. Шунда Эр Шад қукка қараб буридай увлади. Муни қуриб эл йиғлади.

Эр Шад ҳам, элнинг ўзи ҳам улусни туздирмайдиган, бошида турадиган бир алп бер, деб талаб қилди.

Қук Тангри муни эшитди. Эр Шаднинг хотинидан пешанасида юлдузи бор бир ўғлон туғдириб берди. Оти Элгузар эди.

Тангри дедик: Эли тузмасин. Давлат тузиб берди.

Бошида хокони бўлсин, деди.

Ҳой эл, давлатинг бўлса, бошингда хоконинг бўлса, тузмайсан, деди. Йукса, билагингда кучинг қолмай, тугайсан, бушашиб уласан, йук бўласан, деди.

Сен доимо бор бўлгин, деди.

Бу – яхши бўлди...

\*\*\*

Нур юзли бир зот қадимий вайроналар ўзра охиста қадам ташлаб борарди.

У бениҳоя заковатли, тафаккури олам қадар поёнсиз, қалби эса бутун Коинотни ўзида тажассум этган авлиё киши эди. Тасаввур қудрати ва Тангри таоло ато этган идроқи боис тунда нур сочадиган олис Оймомо тупрогининг рангу тусига қадар қура оларди.

Ўша тийиксиз заковат эгаси ҳозир тошу тупрок аро ётган не-не улўғлар хоқи туробига назар ташлаб, ҳар бирига салом айтиб одимларди. Қуёш уфққа ёнбошлади. Қизил қонлари ҳар ёққа сачради. Боягина ёғиб ўтган ёмғир томчилари ўтлар устида тек туриб қолди. Не ажабки, ёмғир у ўтлар ўзра қолган эски қонларни ювмаган, гуёки ҳадди сиғмаган эди.

У муборақ зот таассуф ва дард ила шундай деди:

Мунчаким вайрона кездим, ганж бир ҳам йук эди,

Бўйла вайрон ким қурубдур, унда мадфун мунча ганж...<sup>1</sup>

<sup>1</sup> А. Липшер Навоий байти.

Дашти Қипчоқ кизи

Сени муштдайлигимдан яхши кураддим, эй Дашти Қипчоқ кизи!

Эсингдами, асалариларни курсатганим? Асалари не, узинг ҳам бол каби эдинг-ку!

Иуқ-йуқ, бол каби эмас, аксинча, болнинг узгинаси эдинг. Юзлаб-минглаб асаларилар туплаган бениҳоя мусаффо, тиник бол. Хуш буйинг, кирмизи тусинг, элу элатларнинг гул-чечаклари аро зарра-зарра бириккан, бутун бир халкнинг шонли ўтмишини, яралиш сирларини узингда олиб юрган ҳамда вужудингда мисли қурилмаган зако хазиналарини ташиган гузаллик ва эзгулик малаги!

Бол ахир шифо-ку? Тангрининг неъматиги-ку?

Узунчоқ юзинг, хиёл кийик кузларинг, тус ваҳший сочинг, нозик сарв вужудинг соф муъжиза эканидан ташқари, яна аллақанча сирларни узида жо айлаган экан. Асов-бебош нигоҳингда, узингга ғоятда ярашган киборлигингда, хиёл жилмайишингда, адл юришларингда олисларда қолиб кетган момолар ёди бор экан! Қийғоч қошингда, ол ёноғингда, викору мағрурлигингда боболар шаъну шавкати яшар экан!

Сени уйласам, қалбим тиниклашгани, тоза туйғуларга тулгани, қудратим ошганию куксим кенгайиб, қувватланганим боисини узим билмаган эканман. Ёшгина буз боланинг қалбида барқ урган муҳаббат уни қанчалар ўзгартирганига қарасанг-чи!

Ахир, истасанг тошлар не, тоғни ҳам қутарардим. Ҳар қандай мушкулни осон қилардим, уқ отиб узук тешигидан утқазардим, ботмон-ботмон сомонни тарикдан ажратардим, элга қуз тиккан жаҳолат девининг бошини танидан жудо қилардим. Бу қаҳрамонликларнинг бари сенинг борлигинг, мавжудлигинг сабабли, ахир, буз болани қаҳрамонга айлантиргувчи – сен эдинг. Ис-



тасанг, самога ҳам парвоз килардим, кишилари соддалик, халоллик, туғрилиқ ила хаёт кечираётган минглаб кишлоқлар узра қўлларимни канотдай ёйиб, чарх уриб айланган булардим...

Йук, сенга етиша олмадим. Олисларнинг хур шамоллари сочингни уйнаган, сарбаст-сарбаст эсан, тоза хаволару озод еллар масканларига бир узинг кетдинг. Сунг дийдорлашув они ёдингдами? Кетар экансан, угирилиб қарадинг, сочинг бир тулғанди, гузал бошчангни адл, мағрур кутардинг. Шу холингда бенихоя кўркам, ажойиб эдинг!

Кетдинг...

Сен кетгач, жуда қайғирдим. Кўрар қўзим кўрмасдек, билар билигим билмасдек бўлди.

Ахир, қўзга ёш келади. Отингни атасам, кўнгилдан хўнграш келади. Яна-да қайғирдим. Қаттиқ қайғирдим.

Севиқлим, кўрар қўзим, қўзи-қоши ёмон, асов деб қайғирдим...

Орадан йиллар ўтгач, ўз юртимдан узилиб, хаёт сўкмоқлари аро турли манзиллар сари йўналганимда, сиймойинг хаёлимда тўсатдан ўзгайиб, элу улусимнинг барча кизалоқларини бирлаштирақолди. Ахир, ўз манзилларимиздан сафарга кетган олис қариндошим эдинг-ку? Ўз элимнинг асов кизи эдинг-ку? Ҳовлиларда, очик-ёйик манзилларда ўйнаётган, сув ташинётган, муштдай қўлчалари билан ҳамир қораётган, овқат пиширишни урганаётган, нон ёпаётган онасига кизиксиниб қараётган сон-саноксиз кизалоқларнинг бари, наинки кизалоқлар, балки уларнинг опалари, сингиллари, оналари, аммаю холалари, нур юзли момолари, келинлари, буларнинг бари мисли йук хазина эканини, хозиргина мен айтган тарих, ўтмиш шону шавқати шулар қонида мавж ураётгани, жушиб-ҳайкираётгани, гулдан нозик шу сулув, мушфик, фидойи зотлар бутун халқим-

нинг, элу элатимнинг бебаҳо хазинаси, кузининг оқу кораси эканини билгач...

Яна қайғирдим. Гуё Тангрига йуликкан, бахт сурагандай эдим. Тангри сени бергандай эди.

Фақат Тангри яшар экан. Олис осмон, қаттиқ ер орасида киши угли тугилар экан. Улангларда уйнаб, ёмғирларга бақириб улғаяр экан. Усиб-ўсиб, эр етилар экан... Эр етилгач, элини уйлар экан.

Элни эрлар, билгич баходирлар, жасоратли қаҳрамонлар уйлар экан!

Сендан айрилдим, аммо узим узгариб қолдим.

Уша фароғатли тунда энам айтган эртақлар эсингдами? Дашт маликасини излаб йулга чиккан Эр Кенжа чўлда тункарилиб қолган тошбақа боласини, оқ илонни, кумга кумилиб қолган қизил бошли чумолини қутқаргани? Эр Кенжа дашт ҳукмдорининг мушкул шартларини бажаришида ушалар ёрдамга келишгани? Ахир, Тангри таоло оламда ҳар буз йигитга бир малика, ҳар буй кизга бир шахзода ато этади, дейдилар Сен сари борсайдим, йулимда учрайдиган ҳар жон эгаси, ҳар воқеа-ҳодиса менга мадад булар экан-ку? Сен ахир – олис аждодларимнинг гузал фарзанди – ақлим етганидаю муҳаббатимни изҳор қилганимда, сену менадан ажойиб зурёдлар қолиши учун бутун теварак йиғилишиб келар экан-ку?

Сендан айрилганимга ўқинсам ҳам, дунёда борлигинг учун шуқр қиламан. Самода чақин каби бир чакнаган булсанг-да, фикру шууримда олтин ёмбилар пайдо қилганингга севинаман.

Қарасанг-чи, эй олисдаги азизим! Самога булут чикди. Кўк тоши қаттиқ овоз чиқариб юмалади. Сени десам, кўз олдимда элим, оға-иниларим, опа-сингилларим, амакию тоғаларим, элдошларим, юртдошларим кўз олдимда гавдаланади. Ҳаммаси жим, содда-тиник нигоҳини менга тикиб тургандай туюлади.

Ич-ичимдан шундай хайкирик ҳам келади:

“Эй, оламдан меҳнату заҳмату ичра утаётган улугларим, уругларим, кавму кариндошларим, акаларим, укаларим!

тонг сахардан далага чикиб, юз-кузларига румол ураб меҳнат килаётган чоликчиларим,

тол тагида беланчакларда ётган митти укаларим, эл уйидан олиб келган масалликлардан кўпга деб ош пишираётган оксоколларим,

туйларда баланд гулханлар ёкқан, урф-одатини саклаган, куй-кушиклар куйлаган қорақошларим, қорақузларим,

маросимларда гурӯс-гурӯс тупланган кишиларим, азаларда бир-бирини бағрига босиб йиғлаган оғаларим, белини бойлаб йиғлаган опаларим.

томларга туршак ёяётган, толқон туяётган, туйимли булади дея қуй ёғи қушиб патир пишираётган сингилларим, келинларим,

уйларида халққа пичок, этик ясаётган усталарим, дурадгорларим, сувокчиларим, том усталарим,

куёвга дея кашта тикаётган ой қизларим, ниҳолларни бир-бирига улаб янги нав яратган боғ-бонларим, отлару сигирлар, куй-эчкилардан тортиб то дарахту утлар табиатини мукаммал биладиган синчиларим...

туй гулхани атрофида айланаётган ёш келин-куёвларим, хали юз-кузидан усмирлик нишонларини кетмаган, аммо бағрига чакалогини босиб даласига шошилган келинчакларим...

Қанчалар улуг эканингизни узингиз билмайсиз! Қанчалар мухташам эканингиздан узингиз беҳабарсиз!

Ахир, тингласангиз-чи, асрий тарихлар купириб-жушмоқда. “Уйғон! Уйғон, эй шон-шарафли эл!” дея хайкирмоқда!

Сизнинг конингизда! Менинг конимда!”

Айт-чи, эй кузи-коши ёмон, асов малагим! Сен ҳам... булардан беҳабармидинг?

Тингласанг-чи:

“Йигит шошилиб изига кайтмоқда. У эзгу хабар олиб келмоқда. Билиб куйинг, бу – яхши!...”<sup>1</sup>

Қишлоқ

Қишлоқ уша-уша. Абдуш ёнғок ҳалиям бор. Гоҳида ўтиб қолсангиз, ёш болалар тош-кесак отиб, ёнғокларини уриб тушираётган булишади.

Сон-саноксиз ўт-улан гуркираб ўсибди. Ариқларда уша-уша сувлар шарқираб оқмоқда. Ялпизлар яна барқ урибди. Баргининг уст қисми оч қулранг, тукли бўлади. Тезда майда оқ гуллар солади. Гулкосалари сувда қалқиб-қалқиб оқиб кетмоқда.

Одамлар ҳам уша-уша...

– Ҳой журалар, ғалати бир янгилик бор. Генетигимиз бор-у, ақлни шоширадиган ишлар қилганмиш.

– Нима қилганмиш?

– Элнинг, халқнинг илдизларини топиб, қанчалар қадимий ва қудратли эканини билиб олганмиш.

– Қанақа қилиб?

– Одамларимизнинг қонини таҳлил қилса, қимнингдир сулоласи эллик минг, қимникидир етмиш минг йилга тенг бўлиб чиқибди. “Менинг юртим инсониятнинг олтин бешиги, дунё тараккиётининг шоҳбекати”, дебди!

– Тавба... Халқ қадимий бўлса, қарияларга ухшаб кексайиб, мункиллаб қолмасмикин?

– Йук, ундай эмасмиш. Қанчалар қадимий бўлса, шунчалар қутлуг, мухташам булармиш. Сочу тирноқда одам тарихи ҳам ёзилар экан, ушанга қараб, поғона-поғона илгариб бораверганмиш.

<sup>1</sup> “Ирк битиги” дан.

– Тарихни ҳам поғонаси буларканми?

– Асрларни айтяпти-да. Хуллас, Бобуру Навоий ҳам, Темур бобою Беруний ҳам, ибн Синою Хоразмий ҳам – сиз, дебди. Ундан наридаги Тунюкук хокону Билга хокон ҳам, Алпомишу Кунтуғмиш ҳам, янада олдигагилар ҳам сиз, шуларнинг барининг ақлу заковати, улуглиги, қахрамонлиги, жасурлиги конингизда оқаётир, дебди.

– Шошманг, канақасига биз булар эканмиз?

– Аждодлар узларининг қахрамонликларини, улугликларини, шон-шавкатини, қобилиятларини конда колдириб кетармиш-да.

– Йўғ-э, ростданми?

– Билмасам, шунака деди-ю.

– Унда мен нимага олим булкетмадим? Ҳалням отамдан колган кетмонни кутариб юрибман?

– Уқисангиз буласиз-да, уз-уздан лоп этиб олим булқоқармидингиз?

– Ким билсин... Болалигимда куп нарсаларга кизикардим. Ниначини кузигача кузатардим. Билсангиз, ниначининг кўзи симобдай йилтирок, буртик булади. Ушани куқиш-кизғиш товланишини томоша қилардим. Учганида орқаю олдини бирдай кўриб туради деб уйлардим.

– Ана, кизиккан экансиз-ку?

– Лекин китоб уқисам, бошимга оғрик кирарди-да.

– Дангасаликдандир?

– Йўғ-э, ундан эмас. Чумчукболани оламан деб да-рахт шохига чиққанимда йикилиб тушувдим. Ушанда бошим лат еган экан, энам раҳматли исирик тутатиб, курпага ураб куйган эди. Шу сабабли, мактабга борсам бошим оғрирди...

– Хулласки, тарихда гап куп экан. Мисол учун, сиздан аввал мингта ота, мингта она утган булса, хар бири

узидаги истеъдодни авлоддан-авлодга қолдираверганмиш. Демак, сизда минг ота-онанинг салоҳияти бор экан.

– Билмадим... Ичимда унақа нарса борлигини сезманман. Билганим шу юмуш, шу захмат, шу иш...

– Ушани айтяпти-да. У қон уйқуда эмиш. Уйғонса, бизлар дунёдаги энг қурқам, энг тоза қонли халқ булар эканмиз.

– Э тавба... Қачон булар экан бу? Сизу биз қурармикинмиз?

– Ким билсин... Иншоллоҳ, қурармиз...

\* \* \*

– Биродар, эл нима, юрт нима, миллат нима?

– Жуда қадимдан бери яшаб келаётган, бир тилда сузлашадиган, улуғларини бирдай ардоқлаб, болаларини бирдай эъзозлайдиган, ўз тарихига, одоб-ахлоқига, бетакрор урф-одатларига, куй-қушиқларига эга туман-туман кишилар жамланса, эл бўлади. Барининг қунгли, ўйи битта бўлади, ўзи эса қуп бўлади. Сиз, мен, баримиз битта элмиз.

– Давлат нима?

– Ана шу элни асраб-авайлаб турадиган мустақкам қобик. Эл мағиз бўлса, давлат унинг қобигидир. Давлати бўлса, эл омон бўлади. Давлати бўлмаса, сарсон бўлиб қолади, қайга бош уришини билмайди, ҳар кимга музтар-музтар, жавдираб тентирайди, бошига оғир қунлар тушади.

– Тавба... Эсингиздами, Лайлатулқадр кечасида омон ёришиб кетгани?

– Ҳа, бўлмасам-чи. Роса қулган эдик.

– Қулгини қўятуринг. Уша, ракета отган давлат... бизники эмасмиди?

– Йук, етти ёт бегона экан. Ота-боболаримиз мушкул пайтларни бошдан кечиришган махалларда фурсатдан фойдаланиб босиб олган экан. Одамларимиз ушандаям содда булишган-да.

– Энди-чи?

– Эсласангиз-чи? Тарихда неки улуг кахрамон утган булса, бари элим дебди. Биронтаси узим демабди Бизнинг эл шунақа-да. Яна эсласангиз-чи? “Ҳой бекларим, улугларим, ботирларим, алпларим, кавму кариндошларим! Тепангдан осмон босиб тушмаса, остингда ер ёрилмаса, элингни, давлатингни ким бузди?” Кимлар келмаган, кимлар кетмаган экан... Мана шунақа эканмиз-да. Бизга букилганга етти букиламиз, бош кутарганга ун марта бош кутарамиз. Шавкатли кахрамонларимиз, алпларимиз, ботирларимиз, ака-укаларимиз, кавму улусимиз билан шундай яшаймиз. Ҳануз жипсмиз, ҳануз бардаммиз. Куй-кушиқларимиз, дostonларимиз ҳануз туй-маросимларда элнинг оғзида. Эл орасида ҳануз баҳодирлар, алплар, билгалар, жасур кахрамонлар дунёга келмокда. Шону шавкат булса, шундай булар экан-да...



Шону шавкат булса, шундай булар экан...

Элнинг боласи уз элига қараб шундай дер экан:

“Сенсиз мен ҳеч кимман-ку, эй отамнинг отаси, эй онамнинг онаси!”

Факат сенинг бағрингдагина кадр топаман-ку? Узга элларда бирон-бир қийматим булмайти-ку? Худди уз уйимда кадру қийматим баланд булгани каби. Худди уз кавму кариндошим бағрида яйраганим каби.

Ҳар кишлоғингда, булугингда бир кавму кариндошим, кондошим бор. Истаган манзилимда бир кеча тунаб, дастурхонидан беминнат туз тотиб кета оламан.

Шимолдан жанубга, ғарбдан шаркка қараб минглаб чақирим йул босиб, қай ерда тухтасам, у ернинг кишилари юз-кузимга қарашиб “Узимизнинг одам” дейишади, кучок очишади. Усмирлар чопиб келиб, кулларини куксига қуйиб ёки қушқуллаб сурашишади.

Эл топган-тутганини олдимга қўяди, бору йўғи билан меҳмон килади, кунглимга қарайди, янги тушак-болишларини солади, иззатимни баланд тутайди.

Қайга борсам, кадру кийматим зур булади. Агар билганларимни айтсам-чи? Суюнади, утмишимни билар экан, кара-я, узини уйлаб, бола-чақасини боқиб кетмон чопиб юрмасдан, ота-буваларимиз тарихини урганибди, ахир бу сенинг, менинг ўтмишим-ку, деб иззатлайди.

Бошига кутаради.

Дунё аро энг қадим дostonимгача етиб борган булсанг... Бу эл минглаб йиллар аввал дoston айтган, уни тошларга ёзиб қолдирган экан, бундан буёғига яна минглаб йиллар яшамасинми?

Тешиктош воқеаси эллик минг йил аввал рўй берган, дейдилар. Эллик минг йил аввал Эр Шад бувагини қумсаб бақирган экан. Эллик минг йил аввал бор экан, яна эллик минг йил шону шавкатга бурқанмасинми?

Шуларни айтсам-чи?

Суюнади, юз-кузи ёришиб, елкамга қоқиб “Ҳа, отанга раҳмат”, дейди.

Қара-я, кечагина бағримдан узилиб кетган буз болам эдинг, бугун нималарни билиб олибсан.

Ота-бобом ёдини тирилтирибсан-а!

Тош-тупроқ орасида қолиб кетган экан, олиб чиқибсан.

“Берган ош-тузимга розиман, сен ҳам рози бўл”, дейди.

Бундай эл яна қайда бор?



## XXI аср. Картахена. Колумбия.

Колумбиянинг Картахена шаҳрида Бутунжаҳон Генетика мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтмоқда эди.

Телекамералар анъанавий маъруза минбарини курсатиб турар, олам ахли сукут сакларди. Ақлу заковат ва ижод қудрати боис мана шу юксак минбарга кутариладиган зот ким? Қайси ўлканинг олими асалари каби ўз тупидан ажралиб, мана шу чуққига чикиб келар экан?

Мамлакатлар, халқлар, турли элларнинг кишилари ҳаяжонда эдилар.

Асрий қаҳратон ўлкаларнинг калин урмонларида яшовчи майда элатлар ҳавасу афсус ила боқишар, сабаби улар жуда кичик, деярли йуқолиб кетаёзган эл бўлиб, бизнинг орамиздан ҳам зако эгалари чиқармикин деган уй қалбларини ўқинчга чулғаган эди.

Ўзлуксиз жазирама ва қашшоқлик ҳукм сурадиган сахро кишилари эса умидсизлик ҳамда тушқунлик ичра боқиб туришарди. Кишилари фақат куч-қувват талаб қилинадиган ишларда ишлатиладиган, ривожланган мамлакатлар индустриясининг бозорига айлантирилган у ўлкаларда илм ва ақл-заковат ҳудудларидан узок ҳаёт тарзи муқим урнашиб қолган бўлиб, фан ютуқлари тантанаси улар учун етиб бўлмас чуққидай туюларди.

Австралияда ҳаёт кечирадиган ёввойи қабилалар эса оламда нима руй бераётганидан мутлақо беҳабар, овга жўнаб кетишга ҳозирлик қуришарди. Улар бениҳоя тушқун ва ўксик кишилар бўлиб, сабаби – тарихсиз эдилар. Ўз ота-онасидан бошқа ҳеч кимни билишмас, кизикишмас, ҳаёт улар учун урмоний ваҳшийликлардан иборат эди, ҳолос.

Шунингдек, қудратли ўлкалар халқлари ҳам жараённи кизикиш ила томоша қилишарди. Чунки илм гоҳида қутилмаган тасодифларни рўпара қилади. Баъ-

зан энг қудратли мамлакат олими қолиб, ҳеч қутилмаганда дунёнинг бошқа бир чеккасидан оламни ҳайратда қолдирадиган тафаккур эгаси етишиб чиқиши мумкин. Ҳар ҳолда, ёруғ дунё аталмиш шу тугарак жаҳон илму фани оламда яшаётган турфа киёфадаги миллиардлаб инсонлар орасидан энг заковатлисини танлаб олиши лозим эди.

Сукут бир дақиқа давом этди. Шундан сунг қузга қуринмас кимдир уша зақо эгасининг исм-шарифини ва мамлакатини эълон қилгач, сукунат ичида урта бўйли, миқтидан келган бир киши тез-тез юриб, минбарга қутарилди.

У – Генетик эди.

Йиллар давомида анча узгарган, юз-қузини нур қулғаб олгандай қуринарди. Бу иборанинг маъносини Шарқ кишилари дарҳол илғаб оладилар. “Нуроний” ибораси қалбида улкан зиё қуввати бор кишига нисбатан айтилади. Ана уша зиё кишининг юз-қузини ҳам нурлантириб туради.

Қузга қуринмас шарҳловчи бу зиё сирини шундай шарҳлади:

“Жаҳон генетика фанининг таракқиётида янги уфқларни очиб берган “генларни бошқариш” усулини кашф қилгани учун!

Инсон яшаб дунёдан утар экан, хоқу туроқ бўлиб тупроққа қушилиб йуқ бўлиб кетмаслигини, балки узининг бутун борлигини зарралар қуринишида зурёдларига қолдиришини исботлагани учун!

Одам болалари аждодлар генларини ўз вужудларида ҳазина қаби сақлаб яшаётганини исботлагани ва улар тириклар бағрида абадиян яшашини кашф этгани учун!

Аждодларнинг истеъдод ва қобилияти авлодларга “қалиғ” ўлароқ мерос бўлиб қолишни ва шу “қа-

лит"лар исталган онда нишга тушиб, оламга яна бемисл зако кувватига эга кишиларни ҳада этишининг сирларини толгани учун!"

Фотокамералар шиқирлаб, сахна ёруғ нур чақинларига тулаверди. Ниҳоят, анъанавий тарзда мукофот эгасига суз берилди.

Салдан кейин хаво мавжлари аро унинг сузлари янгради.

Сузлар экан, ҳаяжонда экани сезилиб турарди.

Шунингдек, бироз уксиклиги ҳам бор эди. Айниқса, уз ҳаётининг болалик ва усмирлик даврлари ҳақида гапирганида, у ифодалар товлана-товлана, афсус ва укинч кушлари каби учарди.

Балки, жуда куп гапларни гапиргиси келгандир-у, олам аҳли олдида ножоиз деб уйлагандир? Эл-юрт курган кунларнинг айримлари ҳақида фақат эл орасидагина гапириш мумкин. Тоғу тошлар, чулу даштлар аро турмуш заҳматлари билан уриниб-тиришиб юрган ниҳоятда содда, оддий кишиларнинг турфа чехралари кўз унгида гавдалангандир ҳам? Қалбида туйғулари жуш уриб, ич-ичидан хурмату эхтироми, меҳру муҳаббати тулқинлангандир?

Ахир айтибди-ку, "Инсон узининг қай маҳал, қай эл орасида дунёга келишини била олмайди. Бирок, Тангри марҳаматлидир. Модомики, маълум худудда оламга келтириб, маълум халққа мансуб қилибди, ундан кўзлаган хайру марҳамати ҳам шубҳасиздир. Мен ниҳоятда қадимий ва шарафли, қахрамон ва жасур эл орасида дунёга келдим. Наслу насабимни, кимларнинг авлоди эканимни, конимда нелар оқаётганини идрок қилдим. Бошқаларни бекиёс иззатлаган ҳолда шуни айтаманки, бола чоғимдан шу элнинг қадру кийматини, урф-одатини, одобини, куй-кушиқларини, дарду изтиробини ўзимга сингдира-сингдира улғайдим, шахсия-

тим шундай шаклланди. Олам аро турли халқлар мана шу тарз шаклланадилар. Бизнинг кишилар дейдиларки, инсон эзгу сўз айтсин экан. Тангрисига мактов айтсин, бир-бирини алқасин экан. Мен ҳам, Оламлар Парвардигорига мана шу халқ, мана шу эл орасида дунёга келтиргани учун бениҳоя шукрлар айтаман...”

### Эзгу сўз

Ҳурматли дустлар, азиз илм кишилари!

Бугун бу даргоҳда каминага жаҳоннинг халқаро мукофоти топширилар экан, уйлайманки, мазкур мукофот билан мен эмас, балки бир инсон боласининг интилишлари эътироф этилмоқда. Ҳаёт давомидаги илм машаққатлари, инсон руҳининг заҳматлари, шон-шухрат ва сарват илинжида эмас, балки авваллари қурилмаган янги кашфиёт яратиш йўлидаги уринишлари тақдирланмоқда.

Бугина эмас, умр деб аталган тириклик аро утмиш қаъридан келажакка умид назарини тикиб турган аждодларимиз, шунингдек, ушбу ёруғ оламда ҳаёт кечираётган элим, юртим, мамлакатим кишилари ҳам эътироф этилмоқда. Менинг шу минбардан туриб айтадиган сўзим улар сўзи билан ҳамоҳанг экани эса қалбимни титратиб, юрагимда ҳаяжон пайдо қилаётир

Сиз каби нодир заковат эгалари ақлининг ҳиссиётлардан устун эканини, туйғуларга берилиш ножоизлигини яхши биласиз. Лекин ҳозир, инсон деган номнинг улуғлигини шу минбардан туриб айтар эканман, ҳамда илм аҳли буни эътироф этар экан, бошқача аҳволда була олмайман.

Инсон ўзининг қай маҳал, қай эл орасида дунёга келишини била олмайди. Бирок, Тангри марҳаматлидир. Модомики, маълум маконда оламга келтириб, маълум халққа мансуб қилибди, ундан бениҳоя хайру марҳаматлар қўзлагани шубҳасиздир. Мен ниҳоятда қадимий

ва шарафли, кахрамон ва жасур эл орасида усиб-улгайдим. Наслу насабимни, конимда не зарралар окаетганини идрок килдим. Бошкаларни бекиёс иззатлаган ҳолда шуни айтаманки, бола чоғимдан шу элнинг урф-одадини, одобини, куй-кушиқларини, дарду изтиробини ўзимга сингдира-сингдира инсон бўлиб етишдим. Олам аро турли халқлар шу тарз шаклланадилар. Бизнинг кишилар дейдиларки, киши айтса, эзгу суз айтсин экан. Тангрисига мақтов айтсин экан. Бир-бирини алқасин экан. Мен ҳам, Оламлар Парвардигорига мана шу халқ, мана шу эл орасида дунёга келтиргани учун бениҳоя шукрлар айтаман.

Тангри таоло, шубҳасиз, донодир. Кишиларга уз даргоҳидан ато этган қобилият ва истеъдодлар авлодларга мерос бўлиб қолиши эса унинг марҳамати ва мурувватидир. Чунки одам боласи ўтмишига назар ташлаганидагина ўзининг тирикчилик заҳматларига ўралиб ҳаёт кечирадиган яратик эмас, балки жаннатий эканини, нодир ва ноёб зотлигини англай олади. Кукси баланд кўтарилади, умр шунчаки ўтавермаслигини, тош-тупрокка айланиб, йўқликка қараб кетмаслигини, балки қобилиятини, истеъдодини намоён қилар экан, уни ўзи билан олиб кетмасдан, авлодларига ажойиб бир хазина сифатида қолдиришини билиб олади, қадди тикланади, келажакка дадил жилмайиб боқади.

Ахир, хоҳ ўтмишда бўлсин, хоҳ бугун – ҳар бир ота-она уз бағрига жо айлаган жавҳарларини, қурган-кечирганларини, чеккан дарду озорларини... бору йўгини янги наслларга мангу мерос уларок қолдириб кетмаяптими? Қанчадан-қанча қўнларни бирга ўтказган, бир-бирини бениҳоя эъзозлаган, севган, суйган, ардоқлаган жуфтлар ҳали игна учича ҳам келмайдиган ҳомилага, никоҳ дейилган қудратли ҳукми илоҳий ила абадиян бирлашган бир заррага ўзларини шу тарз, буткул жо айламаяптими?

“Эй кузимнинг оку қораси, жоним ипига бойланганим болам! Бизлар ҳаётда тош келса кемириб, сув келса симириб яшадик. Орттирган бору йугимизни сенга мерос қилиб бермоқдамиз. Ҳали ёшмиз, аммо ҳаётнинг узгармас қонунияти шуки, вақт-соати келганида, албатта, сендан олдин кетамиз. Кетар эканмиз, умр йулларида қоқилиб-суқилмагин, олдинда бирор муаммо кундаланг бўлса, қийналмагин дея, топган-тутганимизни жавҳарингга жо айлаб кетмоқдамиз...” дейишмаяптими?

Бениҳоя мухташам оламда бизлар шу тарз ҳаёт кечирмоқдамиз. Шу сабабдан айтаманки, бизлар оталари ёнида чопкиллаб бораётган болақайларнинг митти бармоқлари падар қулидан сира айрилмаслиги учун, онасининг жаннат бағрида ором ва фароғат ичра сунт эмаётган гудаклар камолоти учун ҳам уларнинг нақадар муборақ ва бетакрор зотлар эканини билишимиз, идрок қилишимиз зарур.

Юзларига балоғат ҳуснбузарлари тошиб, бир-бирига кунгил қуяётган ёшларимиз доимо бахтли бўлишсин, бизлар уларнинг саодати учун ҳам бирлашишимиз керак.

Ҳаётда қупни қурган кексалар оламдан кетар чоғларида ортда қолганлардан рози бўлиб, жилмайиб видолашсинларки, тез орада барчамиз жамулжам, саодат онларида яна юз қуришгаймиз, дея. Қисматлар узгарсин, улим деган қазои қадар армону афсусларни эмас, фирдавс оромлари ва шодликларини олиб келсин!

Гоҳо қийин, гоҳо осон туюладиган шу ажойиб ҳаёт аро умр кечирар эканмиз, зурёдларимизнинг истикбол йулларини очиб беришимиз ҳам шарт. Токи уларнинг ақлу заковати шунчаки умр кечиришга эмас, яратувчиликка, бунёдкорликка йуналсин. Ҳаётда узини намоён этсин, инсон деб аталмиш олий хилқат саодатига хизмат қилсин, умр осмонида қуёшдай нур сочсин. Қонида

мудраб ётган асрий истеъдодлари уйғонсин, юлдузлар сирига, олис жилвалар катига етиб борсин, узг юлдуз булиб чакнасин. Узига, узлигига ишонсин, ҳаёт хикматларини тафаккури ва билими билан англай олсин, улуглар “қовини” муносиб давом эттирсин.

Ҳа, замон утиши билан барчамиз зурёдларимиз вужудида абадул-абад давом этамиз. Заковатимиз, рухиятимиздаги хазиналаримиз авлодларимиз, эл-элатларимиз, бир суз билан айтганда, бутун инсоният бахту иқболи, саодати учун абадиян хизмат қилаверадди. Оламга келиб-кетар эканмиз, мана шундай тарзда мангуликка мухрланамиз.

Генетикага келсак... Қоинот аро энг олий яратик ҳисобланмиш одам боласига ҳады қилинган турли-туман фанлар қатори, у ҳам инсон болаларининг хизматқоридир. Теварагимизда муъжиза бўлмаган ҳеч нарса йўқ, уларнинг бари кишилар саодати учун яратилган. Генетиканинг бир соҳаси атрофдаги жонли мавжудотларни инсон манфаати учун мувофиқлаштирса, яна бири қонларда оқайтган муҳташам тарих саҳифаларини ўқиши, мангу барҳаёт эканини таъкидлаши, ўзининг ким эканини билиши ва англаши учун бел боғлайди.

Инсон боласи буларни билса ва идрок қилса, гуё қанот пайдо қилади, шону шавкатга бурканган энг олис ўтмишидан нурли, ёруғ келажаги томон дадил парвоз эта олади.

Бепоён ер юзининг кичик бир нуқтасида дунёга келган, ҳамма қатори ўсиб-улғайган ва теграсидаги улкан маданиятни узига сингдириб, қалбига жо айлаган, билим деган қанот ёрдамида асрлар ва яратилиш сирлари узра парвоз қилган бир олим қисматининг хикмати мана шулардан иборат.

Инсон, шубҳасиз, улугдир. Ҳатто сўнгги онини яшаётган пайтида, ажалнинг қирмизи шафаклари охир-

ги бор яллигланганида ҳам унинг бир нафаси бор. У – “Мени кечир”, “Сени яхши кураман” ёки “Мендан рози булинг” деган эзгу сўзларни айта олиши учун қолдирилган нафасдир. Ҳа, одамзод қалби улмас, руҳи ҳамдардлик ва шафқат туйғуларига тўла экани билан мукаддасдир. Шу сабабли, барча уринишларимиз мана шу йулга – бир-биримизни улуглашга, шарафлашга ва эъзозлашга йуналтирилиши шарт.

Менимча, бизнинг бошқа йулимиз йук!

Эътиборингиз учун раҳмат.

### Хотима

Дарё ҳайбат солиб оқарди.

Соҳилида турли тошлар қалашиб ётарди. Орасида тоғ чўққиларининг жигаррангу қорамтир, оқар дарёларнинг суви силликлаган оқу тарғил, дашту далалар бағрида пайдо бўлган чўтиру қунғир тошлар сачроқ сув томчиларидан ҳўлланиб, йилтираб турарди.

Дарё буйлаб келаётган бир йигитча улар орасидан олтин ёмби топиб олди.

Қизиқиб, синчиклаб разм солди. Ёмби нималигини у биларди. Бундай қийматли нарсалар момақалдирик гумбурлаб, қаттик чакмоқлар ерга келиб урилганида пайдо бўлишидан, шамоллар қай тарзда жала булутларини суриб келишидану неъмат ёмғирлари қай қонуниятлар асосида ёғилишидан, булик тупроқлар устида мул ризқлар қай тарз етилишидан хабардор эди.

Шунингдек, дарёлар қаердан бошланишини, чакмоқлар қандай бунёдга келишини, ҳаммаёқни бузиб-айкириб жушган селлар қай сабабларга кура фалокатдан барақага айланиб қолишини, шу қимматбаҳо тош ўзи



пайдо булган маҳалда руй берган воқеа-ҳодисаларни хотирасида саклашини ҳам биларди.

Шунинг учун авайлаб қўйнига солди ҳамда узини вояга етказган азиз манзилларига равона бўлди.

У – теваққула қўлаб қишлоқларда, элнинг тутумлари, одатлари, айтимлари, дostonлари, қўшиқларини маталларини онгига сингдира-сингдира улғайиб, ҳаётга эндигина қадам қўяётган юз минглаб ёшлардан биттаси эди, холос.

Бор-йўғи шу

Элнинг биттагина боласи!



...Тонг ота бошлади, сунг унинг изидан ер юзи ёришди.

Сунг қуёш чикди, ҳаммаёқ ёруғ бўлди.

Эр йигит эмаклаб борди, Тангрига йуликди.

Йигит бахт тилади, Тангри бахт берди. “Оғилда йилкинг булсин, умринг узок булсин”, деди.

Билиб қўйинг: бу – яхши...”<sup>1</sup>

<sup>1</sup> “Ирк битиги”дан.

## МУНДАРИЖА

### ХИКОЯЛАР

Мен, онам ва Урта Ер денгизи .....	3
Байрок .....	15
Биби Салима .....	25
Киш эртаклари .....	51
Туман .....	74
Олидаги урушнинг акс-садоси .....	90
“Як-40” .....	96
Капалаклар ўлими .....	107
Қорақуш юлдузининг сири .....	121
Офтоб чикти оламга .....	138
Ҳазрати Хизр изидан (кисса) .....	151
Генетик (роман) .....	243

*Адабий-баъший нашр*

Исажон Султон

**ҲАЗРАТИ ХИЗР  
ИЗИДАН**

*Раман, қисса ва ҳикоялар*

Мухаррир *Санжар Турсунов*

Бадний муҳаррир *Шухрат Мирфайзов*

Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*

Мусаххих *Дано Туйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Бобур Тухтаров*

Нашр лиц. АЛ № 290. 04.11.2016.

2018 йил 17 майда босишга руҳсат этилди

Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ , Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма 42,0 шартли босма табоқ 29,7 нашр табоғи.

Адади 3000 нусха. 276 рақамли буюртма

Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида chop этилди.

100128. Тошкент. Лаб'як кўчаси, 86

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

Ёшлари Луқмон Бурixonнинг “Титраётган тоғ” романида давриймиш нафаси яққол хис килинади. Қишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йулада меҳнат килаётган фидойи ва бунёдкор замондошларимиз хақида адиб узига хос жозибали, ширали тилда ҳикоя килади. Уларнинг ёркин, ранг-баранг образларини яратади. Роман қаҳрамонлари Дилшодбек ва Гулсахарнинг пок, самимий севгиси кунгилларни беихтиёр жунбушга келтиради. Китобхон бу ёшлар тақдирига бефарқ қолмайди, уларга хайрихоҳлик билан қарайди.

ЛУҚМОН БУРИХОН



ТИТРАЁТГАН ТОҒ

Асарда мактаб ўқувчисининг Живаҳ чуллариди бугдой қуритлаб, пахта териб юрган йилларидаёқ учувчи бўлиш ортусининг амалга ошиши қаламга олинган. Асар қаҳрамони минг бир қаршиликка қарамасдан мақсади сари дадил одимлаши ва вақт этиб ўзи орту қилган учувчи бўлиши ишонarli, таъсирли қилиб тасвирланган. Ўзбек ёшларининг ҳаётидаги бир қурниши билан аҳамиятга молик бу асар.

“Гудбай Америка” қисса. Ушбу қисса бойлик излаб, пул излаб денгиз ортинга йул олган ватандошларимиз хақида. “Кенг имкониятлар” мамлқатидаги сафарнинг аянчли хотималари, ҳар жойнинг ҳам тошу тароҳиси борлиги, асли бахт Ватақда эканлиги хақида.

АБДУҚАНОМ МУЛДОШЕВ



ОСМОН ОҒУШИ

ИСАЖОН СУЛТОН



## ҲАЗРАТИ ХИЗР ИЗИДАН

Таниқти адиб Исажон Султоннинг “Ҳазрати Хизр изидан” кинесаси юртимизнинг турли-туман кишлоқларида яшаётган кишиларнинг афсонавий зот ҳақидаги тушунчаларидан, Хизр кимлигини уз ҳолича англаб етган бир инсон тақдиридан хикоя қилади

Шунингдек, мазкур тупламдан ёзувчининг кейинги йилларда яратган, юртдошларимиз ҳаёти, уй-ҳаёллари ва кечинмалари ҳақидаги турли хикоялари ҳам урин олган.

ҲУЧҚОР НОРҚОБУЛ



## БУ ЕРЛАРДА ҲАЁТ БОШҚАЧА

“Уктомир” кинокисса. Кинокиссада чегарачиларнинг беҳаловат ҳаёти тасвирланади. Отасининг “келажакда чегарачи бўласан” деган гапи билан бола армияга кетади. Шу чоғда чегарада номаълум шахслар борлиги аниқланади. Йигит шу операцияга катнашади. Оқибатда Президент фармони билан медаль олади. Бу асарнинг ешларимизни жасур, ботир бўлиб тарбияланишига хизмат қилган

“Хикоялар”. Ёзувчининг барча хикоялари Тинчлик ва Уруш, Яхшилик ва Ёвузлик, Кеча ва Бугун ҳақида. Кеча ким эдик, қандай яшар эдик, нималарни истар эдик,

бугун-чи? Ёзувчи мана шу саволларга жавоб топиб берган. Аввало Мустақиллик ва Мустақиллик берган Тинчлик. Шунини авайлашимиз кераклигини ҳар бир асарда таъкидлайди

## ҚАЙДЛАР УЧУН

## ҚАЙДЛАР УЧУН

Қайдалар учун...

Қайдалар учун...

Қайдалар учун...





ИСАЖОН СУЛТОН

# ҲАЗРАТИ ХИЗР

ИЗИДАН



ISBN 978-9943-5015-6-0



9789943501560